

440

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

# Шарқ юлдузу



# Sharq yulduzi



**Ўктам Усмонов**  
**(1938 – 1990)**




Alisher Navoiy  
nemidagi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ



Сирожиддин Саййид  
Мухаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Иқбол Мирзо  
Қахрамон Куронбоев  
Минхожиддин Мирзо  
Жумакул Курбонов  
Фармон Тошев  
Ислом Ёкубов

Хайриддин Султонов  
Махмуд Тоир  
Шерзод Ирзоев  
Йўлдош Солижонов  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Маткаримов  
Адхамбек Алимбеков  
Умарали Норматов  
Жамолиддин Муслим

Бош мухаррир — Сирожиддин Рауф

Бош мухаррир ўринбосари — Азиз Саид

Масъул котиб — Дилором Муротова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Наср бўлими мудири — Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

9

2018



КЕЛАР АСРЛАРДАН  
МАРДОНА БИР САС

Шеърлар

Келар асрлардан мардона бир сас,  
Тоғлар бу дунёда тургуси абад.  
Шу мовий самода юлдузлар сўнмас,  
Халкнинг юрагида яшар оқибат!

АРБОБ ҚУЛОВ ФАРҶИСТА БОРАДИ

“Қирқ йиллик гурунлар” туркумидан бир ҳикоят



Суратгирлик жараёнига ўша куни Гули Аскаровнанинг шахсан ўзи бош бўлиб турган эди. Кўйлак енгларини тушира-тушира уйдан чиқиб келган Зеварга, унинг бошидаги зар дуррачаю атлас лозимиға сарупо бир карадияо ташкилотчининг зардаси кайнаб тошди:

– А ну-ка марш отсюда!

Зевар ногаҳон бир зум қакқайиб қолди, сўнг қўлини кўксига босиб “Хўп, апажон, хўп”, дея зипилаб ичкари кириб кетди. Кириб кетди-ю, шу заҳоти яна эшикда пайдо бўлиб, кесакиға суянганча безрайиб тураверди: унисини ҳам, бунисини ҳам ечмайман, қўлингдан келганини қил!

ФАРҶИЙИ МАНБАЛАРДА СЎФИ  
ОМОЁР ФАРҶИМАИ ҲОЛИ



Ҳақиқатан ҳам “Рисолаи Азиза”даги Шайх Ҳабибуллоҳ ва Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолиға оид маълумотлар қайси манбадан олингани номаълум. Лекин бу ҳолни Шуҳрат Сирожиддинов айтганидек, “қўлёзма манбаларда берилган турли хабарларни бирлаштириш” натижаси деган сўзлар билан ҳам изоҳлаб бўлмайди. Чунки бир неча йиллар мобайнида “Саботул ожизин”нинг илмий-танқидий матни бўйича иш олиб бораётган тадқиқотчи сифатида ишонч билан айтишимиз мумкинки, на Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидаги 200 га яқин “Саботул ожизин” нусхалари ичидан, на Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик (Москва) ва Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондидаги 20 дан ортқик энг қадимий нусхалари ичидан Ёлчиқул ўғли келтирган ривоятларға асос бўладиган маълумотни учратмадик.

**Зулфия МҶМИНОВА**

*ЮРАТИДА АНОР ГУЛЛАЖАН АЁЛ*

**Шеърӣ қисса**

Ўн етти баҳорни қарши олганда,  
Тушларида доим анор гулламиш.  
Нурли бир келажак чорлабон унга,  
Анор гулларидан салом йўлламиш.



*ГУЛЛАЖАН*

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД**

*ҶОИДАЛИ ОҒРИҚ*

**Ҳажвия**

Эртага ишхонага ёруғ юз билан борадиган бўлдим. Тўғри бошлиқнинг олдига кириб, дардимни дастурхон қиламан. Кейин икковимиз мириқиб хасратлашамиз. Шу ҳақда ўйлаб ширин энтиқиб қўйдим. Оғриқ ва уйқусизликдан миям қарахт бўлса-да, кайфиятим чоғ эди.




*ОҒРИҚ*

**Муҳаммад Ҳалим ЁРҚИН**

*“САНГЛОХ” СЎЗЛИҒИ*

Навоий асарларига оид классик лугатлар орасида “Санглох” шак-шубҳасиз жуда юқори ўринга эгадир. Эронлик таниқли олим доктор З. Сафонинг “Форс тилида адабиёт тарихи” номли китобида “Санглох” ҳақида шундай ёзилган: “...Бу китобнинг турк тилини тушунишдаги аҳамияти худди форс тилида “Бурхоне котеъ” лугати кабидир...”

“Санглох”ни Мирзо Маҳдийхон Навоийнинг 12 жилд манзум ва 9 жилд мансур асарини ўқиб, хижрий 1172–1173 (милодий 1758–1760) йили таълиф этган. Асар икки тилли (туркий-форсий) изоҳли сўзлик бўлиб, 6000 та сўздан иборат.





МУНИС

*Висолинг шахдидин кўнглумга  
ширинкомлиг эткур*

\*\*\*

Рухпарвар лаълингга рухи равонимдур фидо,  
Жонфизо ширин сўзингга хаста жонимдур фидо.

Ваҳки, ғамзанг хайли тарож айлади бору йўким,  
Эйки, қошу кўзларингга хонумонимдур фидо.

Зулфи мушкининг камандиға эрур кўнглум асир,  
Чашми беморингга жони нотавонимдур фидо.

Мунча хижрон шиддатин қилмоқ манга рўзи недур,  
Лаҳзаи васлингга умри жовидонимдур фидо.

Дарди ишқингга эрур ҳам жавҳари жоним нисор,  
Ҳам йўлингга кўнгул отлиғ бўстонимдур фидо.

Нега Мунис сори келмассен хуморми ноз ила,  
Қадди хушрафторингга назми равонимдур фидо.

\*\*\*

Қилди кўзим қаро мани ғам тийрақол этиб,  
Хуршиддек ёрут ани арзи жамол этиб.

Мардумларим юзига ёпиштиму ё магар,  
Машшота зеб берди мунга ани хол этиб.

Ишқимни айла тарк дединг, мақсадинг недур  
Мундоғ мени мукаллафи амри маҳол этиб.

Жисмим ғаминг тоши била кўйингга бўлди гард,  
Қил сарфароз гоҳи ани поймол этиб.

*Шермуҳаммад Авазбий ўғли МУНИС – 1778-1829. Унинг “Ошиқлар дўсти” девони, “Саводи таълим”, “Иқбол боғи” каби турли жанрларга оид асарлари мавжуд. Мунис таржима борасида ҳам баракали ижод қилган.*

Найранги дарди ишқни кўргилки, пайкарим  
Зулфингга тушти заъф ила тор хаёл этиб.

Бер файз шоми ийд кошинг аксидин манга,  
Ёқут ранг май шафакида хилол этиб.

Топдим муҳаббат ахли аро сурхрўйлиғ,  
Қонлиғ сиришк чехраи зардимни ол этиб.

Ҳар неча топса кимса қуёшдек камол, чарх  
Хок ичра солур охир асири завол этиб.

Мунисга ҳар неча ғами ҳажринг ҳужум этар,  
Дафъ айлар ани ёди нишоти висол этиб.

\* \* \*

Гунчалар очилдию кўнглим очилмайдур хануз,  
Булбулосо хотирим гул майли қилмайдур хануз.

Заъф аро ушшоқга ибрат бўлибман, оҳким,  
Кўзга аҳволи низорим ёр илмайдур хануз.

Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади таъхир кўп,  
Ё ибо қилдию, ё ёдиға келмайдур хануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-кундаме  
Дилбаримча жавр оинини билмайдур хануз.

Ерни ашким ғарқ этиб, зўр этти оҳим сарсари,  
Недин эркандур, фалак токи йикилмайдур хануз?

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам, не тонг,  
Сажда қилмоқликга бошим бир эгилмайдур хануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик,  
Панд қилмангким, жунунидин ойилмайдур хануз.

\* \* \*

Юзингким ҳусн буржи узра хуршиди дурахшондур,  
Анга боқгон киши ойинадек албатта ҳайрондур.

Аён қилсам агар оҳи чекиб, ўртар жаҳон аҳли,  
Юзинг хижронидинким, шуълалар жонимда пинҳондур.

Қиёмат жилва қаддинг нори бўстонидадир сарви,  
Насими фитна таҳрики била ҳар ён хиромондур.

Вафодин ваъдалар айлаб, бириға етмадинг билдим,  
Ки, ахли хусннинг аҳду вафоси барча ёлғондур.

Балолар ҳар нигоҳинг фитнасининг кўзғолур юз навъ,  
Улус қатли учун чашми сиёҳинг турфа фаттондур.

Жамол аҳлига йўқ ҳадким, қошингда жилва қилғайлар,  
Қуёш оллида анжум арзи хусн этмак на имкондур.

Эурсен турфа золимким, санга қилмас асар ҳаргиз,  
Агарчи нолишимдин барча олам аҳли нолондур.

Хиромингким, қиёмат қўзғалур андин жаҳон ичра,  
Анинг ошуби ошиқлар аро ҳар ён намоёнду.

Висолинг шаҳидин кўнглумга ширинкомлиғ еткур –  
Ким, ул ғам соғаридин талхкоми заҳри хижрондур.

Отарсен новаки нозу урарсен ханжари бедод,  
Вале, ҳар бири бағрим қонидин бир шоҳу маржондур.

Жаҳон аҳлига сен, жоно, адою хулқи хуш бирла,  
Сенингдек қайси бир дилбар жаҳон аҳлига жонондур.

\* \* \*

Ваҳки, кўнглум маҳвашега мубтало бўлди яна,  
Чархдин ҳар дам насибим юз бало бўлди яна.

Телбалиқдин қўйди юз оворалиғ саҳросиға,  
Ул ғарибим хонумонидин жало бўлди яна.

Ташнаи васл ўлдиму бошимға ғам тиғи ёғар,  
Манзилим ишқ ичра дашти Карбало бўлди яна.

Чарх ғам хайлини ундаб кўнглум этти реш-реш,  
Ичғали қонимни ул элга сало бўлди яна.

Холи ўлмиш эрди даҳр афсонаи Фарҳоддин,  
Кўхи ғам қозмоқлиғим бирла тўло бўлди яна.

Охим ўлди тожу ғам туфроғи, Мунис, маснадим,  
Ишқ аро бўйла манга иззу ало бўлди яна.

\* \* \*

Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,  
Қайтғач давлат жаҳонда топилур кам ошно.

Ўйла бекаслик мени маҳзунға топмиш дастким,  
Бир киши йўқдир манга жуз кулфату ғам ошно.

Баски, даврон хоҳиши бегоналиғ солмоқғадур,  
Бир-бирига бўлаолмас икки ҳамдам ошно.

Кимки бўлди ошно – ёт айлади бегоналиғ,  
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.

Гар вафо бўлса бирида бўлғай эрди, кўрмадим,  
Бўлдилар ҳар нечақим авлоди одам ошно.

Ишқ аро ул навъ эрур ваҳшат мени Мажнунғаким,  
Ўзгани демай, бўлаолмас кўнгул ҳам ошно.

Дард чекмак, ашк тўкмак ишқ элига хосдир,  
Хар кўнгулга дард, хар кўзга эмас нам ошно.

Мунисо, даврон ғами бегона бўлса, тонг эмас –  
Ким, сенга бўлмиш бийик донишвар акрам ошно.

\* \* \*

Куйди сабру борди хуш ул чехра тимсолин кўруб,  
Мардуме топдим жунуним кўзига холин кўруб.

Андин эрмиш бенишон анқоки, топмиш инфиол,  
Паришонлик чоғи кўнглумнинг пару болин кўруб.

Ул чароғи безидекким бўлур дамсози субх,  
Гулнинг ўчти рангги ёрим чехраи олин кўруб.

Кўрқарам андинки, парво қилмағай ўрнимга дун,  
Жондин этмон ваҳм қасдимда фалак золин кўруб.

Абрдекким, ашк тўккай ғунча бўлғай тангдил,  
Йиғлар осонлиқ била эл кўнглум ашқолин кўруб.

Давлатингдир гар насиб ўз сарвату жохинг қилур,  
Недур очмоқлиғ тама илгин киши молин кўруб.

Бўлма ғофилким, фалак маккораси деб саъду нахс,  
Хийла изҳор айлар анжумдин нахуд фолин кўруб.

Кўрмамуш даврон кўзи бир золим андоқ меҳрсиз,  
Найлайн, гар раҳм қилмас Мунис аҳволин кўруб.

\* \* \*

Қоматингни гулшан ичра то хиромон айладинг,  
Сарвни по дар гилу қумрини нолон айладинг.

Юз очиб чун айладинг хуснинг баҳорин файзбахш,  
Ғам хазон этган кўнгулларни гулистон айладинг.

Лаълу гавҳар баҳру кон ичра ёшинди шармдин,  
Лаълу серобингни токим, гавҳарафшон айладинг.

Чехра очдинг – шуълаи шавқингга жоним ўртадинг,  
Зулф тарқатдинг – хазин кўнглум паришон айладинг.

Жам қилдинг даврима юз навъ ғам ишқинг аро,  
Ё қошингдин чекдингу жонимни қурбон айладинг.

На паёме бирла қилдинг ёдини васл ичра шод,  
Мунисингни то асири дарди хижрон айладинг.



Эркин АЪЗАМ

## АРБОБ ҚУЛОВ ПАРИЖГА БОРАДИ

“Қирқ йиллик гурунлар”  
туркумидан бир ҳикоят



*Қиёматли суҳбатдош  
Абдулҳамид Рашидийга бағишланди*

Билсангиз, Жийдали деганимизнинг эли аслан курама, ҳа, балли – ҳар ёқдан келиб қолган. Кеча эмас, бугун эмас, хув қадим айёмларда. Кўҳна китобларда дарж этилишича, ҳозир ўрғачароқ шаҳар сиёғидаги бу манзил вақти-замонида анчайин бир работ бўлган, карвонсарой дегандек. Қочган ҳам, қувган ҳам бир қўниб ўтган. Қочаётиб ортига бир қараб олган: таъкибкори ҳориб-нетиб ёхуд алланимага чалғиб йўлда қолиб кетган бўлса, ҳеч нима қўрмагандек, лабига кесак суртиб бу ерни муқим макон тутаверган. Таъкибкор ҳам шундай – бу чаманни кўриб, кимни, нима деб қувлаётгани эсидан чиққану отига қозиқ қоқаверган.

Шу тариқа бора-бора гавжумлашиб, ўтар йўл ёқасидаги бир тўп ёввойи жийда баҳона Жийдали аталганича бугун кўрк таратиб турибди. Энди оддий Жийдали эмас у, донғи донғистонга етган Жийдали! (Сираси айтилса, бутун аҳли жаҳон шундай-ку: қайдандир келган, қайгадир кетган. Яъниким, банибашар аслида келгинди, кўчманчи. Бу дунёнинг кирар-чиқар икки эшикли карвонсарой аталиши ҳам шунга бир тимсол бўлса ажаб эмас.)

Жийдалига қайтсак – сервиқор тоғлар этагини ишғол этган, суви тоза, хавоси тоза, оғир меҳнат йўк, кўшни депаралар сингари жон қойитиб пахта экмайди, бор хунари – олмаю узум етиштириб, ариқ бўйидаги соя-салқин чойхонада шунинг таърифини қилиб, ўшагу чўпчак тўкиб ўтириш! Дунёнинг ғурбатидан безган соф сояпарвару бекорчихўжаси ана шуниям кўзлаб келаверган-да бу ерга. Боз устига денг, кечаги ҳукумат йўқсилпарварликка даъвогар, фойда-зарарга қараб ўтирмас, исми қоракўзу кўккўзни пешонасини бирдай силаб, бебилиска боқиб олаверар эди. Шунданми, Жийдалимизда сержужук хонадон мўл, уларни туғиб-бовлаган “қахрамон она”лар мўл, албаттаки, туғдирган шеримардлар ҳам шу санокда. Анойиликда беқиёс ҳукумат эса бунинг барига – дунёга келган ҳар фарзандингиз учун, токи угина бўй чўзиб чимилдиққа киргунча, дўржигина нафақа улашиб турар, бундайин

Эркин АЪЗАМ — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, кинодраматург. 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Отойининг туғилган йили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Шоирнинг тўйи”, “Шовқин”, “Кечикаётган одам” каби бир қатор китоблари чоп этилган. “Дилхирож”, “Эркак”, “Сув ёқалаб”, “Паризод” ва бошқа кўплаб бадиий фильмларнинг сценарий муаллифи.

беҳишти беминнатда бел оғритиб бир иш қилмоқ бориб турган девонанинг амали эди.

Ҳақрост, шунча-мунча бола-бақрага зиё тарқатгучи бир маорифга эҳтиёж борми – албатта бор. Шунча-мунча оғизга дон-дун ташлаб турадиган ҳожатбарор мағлубот зарурми – зарур. Иссиқ жон, бирор аъзоси оғриб қолса-чи, азбаройи шафиқлик, сабзадори суртиб қўйгучи оқ-оппоқ бир муассаса-да даркор. Ана шуларнинг барига бош бўлиб, барини юритадиган соҳиби корлар ҳам керак, инчунун. Сув билан ҳаводек! Аслида бор қиладиган ҳам шулар, йўқ қиладиган ҳам шулар-да.

Узун киссанинг қисқаси – азал тегирмони бир текис чарх уриб турган ана шу жаннатосо Жийдалида гап тарқалди: нима дейсизки, муаллим, оддийгина жуғрофия муаллими Арбоб Қулов Парижга борармиш! Москвага эмас, Ленинградга эмас – булари ўтаверсин, тус Парижга!

Тўғри, бошида ялангина “чет элга” дейилди. Кейин манзил аниқлаштирилди – аллақандай Лиссабонми, Стокхольмми, Копенхагенми дегич ваҳималар экан. Хулласи, олисдан-олис манзиллар, нақд Оврупосининг юраги эмиш! Халқаро конгрессми-симпозиумми, ажабтовур бир фестивалми-форумми, ўшанга қатнашгани борармиш. Охирида, авомнинг лаҳжасига оғирлик қилди чоғи, жарангию доврўғига қараб Париж дегани танланди. Париж бўлса Париж-да, нима фарқи бор? Бул шаҳри шондор ҳам ўша томонларда-ку, тўғрими?

Ишқилиб, оддий бир мактаб муаллими Парижларга йўл тортадиган, ўшандок мўъжиз мадиналарни кўриб келадиган бўлиб турибди – қаранг, ҳавас қилинг!

Нега келиб-келиб айнан Арбоб Қулов танланди, хўш? Бошқа муаллим, майли, бошқа жуғрофия муаллими топилмабдими денг бу атроф-жавонибда?

Негаки... Аввало мўмин-қобил. Юовшдан-юовш. Батартиб, баодоб. Ичмайди, чекмайди, у ёғи бизга қоронғи – билдирмайди, писмиқ. Бўйингинасидан галстук тушмайди, гулдору эндор галстук, эғнида мудом оқ кўйлагу қора костюм-шим. Хуллас, бари кинодагидек, йўқ, китобларда ёзилгандек, айни рисолабон! Шу бормай ким борсин Парижга! Жуғрофиядан таълим беришию жайдари талаффузга тушавермайдиган анови Стокхольму Копенхаген демокларга забони бурролиги-чи, кўшимчасига!

Булари бор бўлсин-у, ажаб жингалак сочини айтсангиз! Муаллимлик сипоғарчилигини бир четга қўйиб, орқа-олдини ўстириб юборса борми, ана, тайёргина ажнабий хонанда Бобби Жонсон дейсиз!

Йўқ, йўқ, пухтароқ син солиб кидирилса, бундан-да мос, бундан-да муносиброғи ҳам топилади Жийдалидан. Ё балки исму фамилиясининг ажабтовурлиги ҳам ҳисобга олиндимикан? Тополмадингиз, тополмадингиз.

Йўкса, нега сизу биз эмас-у, айнан бу кишим боради Парижга? Бизнинг нимамиз кам экан? Ундаги бўй-баст ўзимизда ҳам бор, кош-кўзи ўзимизникидек, гап-сўзлари ўзимизникидек... Шошманг, шошманг, биродар, шу ўринда андак хато кетдингиз-ов. Бари-бари ўзимиздег-у, аммо унинг номаи аъмолида дейсизми, расмий ҳужжатида дейсизми, нозик бир айбғинаси бор экан-да. Ана шу айбғина бутун келиб Парижга тап-тайёр йўлланма бўлиб турганига шаҳрингизни бераверсангиз-чи! Сафар чаккон дегичлари осмонга бармоқ нуқиб “Бешинчи графа! Бешинчи графа!” дея бекорга ғаламислик қилгани йўқ хув кейинчалик.

Ундай десангиз, ўшанақа “графалик”лар ана, сойнинг нариги бетидаги мактаби Фирдавсийда ачиб-тикилиб ётибди. Ҳар гапдонлари борки, “шумо-шумо”лаб ҳар бобда ҳар кимни мот қилиб ташлайди. Шуларки қолиб, нимага энди аллақандай Қулов танланди экан-а?

Гап шундаки, Парижда бўлажак ўша халқаро анжуман айнан “граф”си ундайларнинг “граф”си бундайлар билан ёнма-ён тинч-тотувликда яшаб-ишлашига бағишланган олижаноб ниятли бир машварат экан-да. Арбоб Қулов жўрамиз эса ана шу шарту талабларга мос тап-тайёр номзод бўлиб чиқибди-да-е! Нимаям дердингиз, омади бор экан, омади!

Бироқ ана шундай омадга эришиб дўпписини осмонга отиши лозим бўлган номзодимизнинг кўнгли нотинчроқ эди. Айтиш керакки, у ажабтовур исм-фамилиясидан кишибилмас хижолатда юриши баробари анови “граф” деганларидан ҳам ич-ичида норизо эди. Аммо начора, одам боласи ўзига ўзи ном танлаёлмас, ана униси ҳам бандасининг эмас, азал котибларининг кўлида бўлса! Гарчи ҳали Жийдали аҳли таърифланганда “қадимги эл, қурама эл” дея таъкидланган эса-да, ичида “пешонанавис”лари ҳам топиларди.

Биларсиз, кўпинча тоғ этагидаги манзилларнинг қоқ ўртасидан айкириб сой ўтади. Эҳтимол аксинчадир: бир замонлар бунда кўним топганлар азда-базда икки қирғоқ – сой ёқалаб жойлашган чиқар. Шу сой қурмағур гўёки элни-да иккига ажратиб оқадигандек. Ўзи бир эл, бир қавм, лекин зимдан ўзаро мусобақами, баъзида эса ошқора адоват ҳам ҳукм суради денг. Тоғдан келадиган Худойимнинг сувини талашадими-ей, осмонда сузиб юрган дайди булутга даъвогарликми-ей: сойнинг гоҳ бу тарафига, гоҳ нариги тарафига соя ташлайди-да ул жонивор!

Жийдалининг қурамалигини кўп айтдик, бу ер бобомдан қолган, меники, сен эса бегонасан, кет бундан дейдиган мол эгаси кам топилади – бари келгиндиллигини билади, бари шу юрт-гўша ўзиники эканини ҳам билади. Шундай бўлса-да, сойнинг икки тарафи унда-мунда “сеники-меники” қилиб туради. Бунга ўртадаги сув неъмат мисол Худо улашган лаҳжа ҳам бир сабаб – нариги томон “шумо-шумо”лаб гапирса, бериги томон “уйтдинг-буйтдинг”дан олади. Сойнинг нариёғидагилар бисёр серилтифот, сермулозамат келса, биз томон бирмунча эррайим, тўпорироқ – туман марказиданмиз-да! Ажойиби шундаки, орага ишк савдоси аралашиб, келин у ёқдан бўлса – ҳамма “шумо-шумо”га, бу ёқдан борганда эса ўша хонадон чорночор “уйтиб-буйтиб”га ўтмоққа мажбур. Бериги томон гоҳо билар-билмас “шумо-шумо”лай бошласа, “Кўйинг-қўйинг, ошино, ўзингизнинг забонда сухан қилаберинг, тушунамиз” дейди сипо томон тангилик билан. У ўзининг шеvasида гапирганида эса, балони англаб турган бўлсак-да, бизга бирмунча муллаёна туюладиган сўз оҳангини масхараб куламыз.

Аммо булари кундалик эшик-орада кечадиган икир-чикирлар. Кечаги замонда одам ажратган, яъни сен ундоқ-мен бундоқ деганнинг қапаси қуярди. Ҳамма бирдек фахрли фуқаро, вассалом! Шунданми, кўлидаги ҳужжатни биров тузук очиб қарамас, қараганда ҳам ундаги ёзувларга аҳамият бериб ўтирмас эди. Бу борадаги кўп чалкашликлару ажаб-ажаб ҳангомалар замон ўзгаргачгина маълум бўлди, кўп ташвишлар ҳам туғдирди.

Дейлик, бир ота-онадан бино бўлиб, бир хонадонда ўсган фарзандларининг ярми ҳужжатда “шумо-шумо”, ярми эса бошқача ёзилган оилалар Жийдалида кам эмасди, биров бунга ажабланмасди ҳам. Насл-насабингиз кўпинча резароқ бир муҳрдорнинг кўлида, ўшанинг таъби-табиатига боғлиқ бўларди. Жийдалилик бир бўйнийўғонга эргашиб Кавказ томонлардан келиб қолган, “жаним-жаним”сиз гапирмайдиган хушсурат Патимат – Пана холамиз бир муддат чақалоқларга гувоҳнома ёзиб берадиган идорага ишга ўтди-ю, ёт элда ёлғиз юрмайин дедими, кўзига яхши кўринган маҳалла-қўйини лаку лазгинга тўлдириб юборди. Қиёмат кўпгани йўқ, ана, юрибди бари лаку лазгин аталиб, “хаҳ, уркағар” дея, аллақачон

хоки тубобга айланган Пана холасининг гўрига гишт қалаб, лекин томиран ўзбек бўлиб, мусулмон бўлиб!

Айтишларича, бунинг ўсалроғи ҳам, кулгибoproғи ҳам хув илгари бўлган экан. Номаи аъмол битадинан ўша маҳкамага ўзи бухоролик аталса-да, асли номусулмон камдан бўлмиш Анвар Исҳоқов деганлари мухрдорлик қилибди. Роса хушхат, беш-олти тилда баробар чулдирайдиган, идора ишига чапдаст бир зот. Беғамрок элимизнинг ўзи ҳам Беғамбой исмли биттаси яйловда туғилган ўғлига гувоҳнома сўраб шунинг олдига келади. Анвар мирзо ҳужжатни расо хушхати билан безайтуриб, бир нуктага келганда ёш отадан сўрайди: “Қоний, Беғамбой ука, мана, ба-чамизнинг отларини Бойқобилбой дедук, миллатларини не дейлук: қўнгиротми, чағатайми, ё “шумо-шумо” бўлсунларму?” “Энг зўрини ёзаберасиз-да энди, мирзо бобо!” дейди дала кезмоқдан ўзгасига нўнок қўйчивонимиз. “Шундой бўлсунму? – дейди муғомбир мирзо муғомбирона илжайиб. – Ўзимнинг элатимни ёзиб берсамми ё – дунёда энг зўр элат?!” “Э, шундан келинг, бобожон, биздан ҳам зўр чиқсинда! – дейди Беғамбой оғзи қулоғига етиб. – Бир совлик биздан! Қўзиси билан!”

Бойқобилбойнинг насл-насаби орадан талай йиллар ўтиб, замон бир айлангач, сандиқда чанг босиб ётган ҳужжат қўлга олингачгина маълум бўлди. Бу орада дунё дарвозалари ланг очилиб, кетгани – кетган, қолгани қолган эди. Кечаги Анвар мирзомиз Авнер Ицхакка дўниб, Исроилга суриб улгурган, агар тирик бўлса, ҳозир Қуддуснинг бозорида товук сотиб ўтиргандир. Энди кимнинг ёқасидан олмақни билмайсиз. Бу ёқда эса Беғамбойнинг ўғлига ҳатто кариндошлари киз бермаяпти – Бойқобилбой жухуд аталиб қолган, қайси мусулмон уни куёв қиларди?! Тенг-тўшлари эса тегишгани тегишган: “Ке, ўзгартириб нима қиласан шуни? Қайтага зўр-ку, бурнинг қонаса ҳам бутун дунё ҳимояга югуриб келади. Эрта бир кун нариги дунёга кетганинда ҳам маза! Ана, қара, шаҳардан чиқаверишдаги йўл бўйида дўмпайган мазоротини қандоқ обод қилиб қўйибди! Одам ёллаб, ўш-ша ёқдан пул жўнатиб турармиш. Ўлганиндан кейин қаерда ётишнияма ўйлагин-да, лодон!”

Алқисса, Бойқобил шўрлик то мусулмон бўлгунча, токи ўзбек аталгунча қўйчивон отанинг яна қанча моли-ҳоли бадал кетибди денг! Қўзи-қўчқори билан!

Арбоб Қуловимизга қайтсак, унинг исм-фамилиясидан ҳам, насабию ҳасабидан ҳам асло мамнун эмаслигини шаъма қилгандек бўлиб эдик. Ростдан-да, нимаси арбоб экан унинг, нега – қул? Кимдан чиққан бу ковушмаган номлар? Худо билсин энди. Бир вақтлар қаердандир етимхонага келиб тушган, кимдир исмини ҳазил аралаш Арбоб атаб юборган, яна бирови қул-мулнинг боласидир, Қулов бўлақолсин деган, тамом. Эгасиз, ташландиқ сағирнинг асли аъмоли шу-да.

Бугун ана шу безга, савил етимча – одам бўлиб, арзанда бўлиб Парижларга борадиган! Воқеан, ўша ёқларга йўлланишига, эхтимолки, мана шу етим-есирликлари ҳам ҳисобга олингандир?

Бирок азда-базза Парижга отланган қаҳрамонимизнинг ишкали чиқиб қолди денг. Улай-булай камчилик эмас, қалтисдан-қалтис! Чағир-чуғур етимхона муҳтида ўсиб, ўзбекчаю ўрисчаси баҳарнав бўлса-да, “шумо-шумо”га келганда нўноклиги маълум бўлди. Бусиз эса Парижга ким қўйибди уни! У ёқда юксак халқаро минбарлардан туриб нутқ сўзламоғи, китмир муҳбирваччалар билан гуфтутў қилмоғи қутилаётир! Она тилида! Шу забонда тайёрланган махсус маърузаси ўзбекчаю ўрисчага ўгирилиб, тегишли жойларда сўзма-сўз текширилиб-тасдиқланмоғи даркор!

Бу ноқисликдан хабар топган юқори ташкилот шошилинич чора сифатида сойнинг нариёғидаги *мактаби Фирдавсийдан* махсус мутахассис ёллади. Бош ҳужжатида

“шумо-шумо” аталган қахрамонимизнинг она тилидан сабоғини пухталамоққа. Токи Парижу симпозиумлар нари турсин, шу ернинг ўзидан бирон бадхохо нобакори чиқиб, уни кишибилмас имтиҳон қилиб кўрсаю аҳвол ошкор бўлиб, номзод ўлгур-ку гўрга, Жийдали, бутун бошли Жийдали, бундан-да чатоғи – азиз туман раҳбарияти иснодга колмагай!

Ёрдамга чорланган муаллим ўзича шеър-пер ёзиб тўю томошаларда шоирона кироат билан ўкиб юрадиган маҳмаданагина хилидан экан. Бадхоҳликни қарангки, элатдошининг орини ортмоқлаб тилини чархламоқ ўрнига унинг кўнглига баттар ғулув солди у. Бутун Жийдали айтиб-англайдиган жайдари лахжа қолиб, нуқул Фирдавсий замонидаги муллаёна калималардан лоф уради денг. Кўриниб турибди, атай қилаётир, тушунмасин, тушунмайлар кетсин бу ғалча деб шундай қилаётир. Шўрлик Қуловнинг “забони зебо” чангалзорларида гангиб қолганини кўриб бирам завққа тўлади, сўнг унга ошкора ҳасад ила бокадики, “таржима”сини бундай демок мумкин: “Шу билим-савия билан бу кишим Парижларга бормоқчи, ўргилиб кетдим! Эсиз Париж!” Гўёки бу сиру савдодан бохабар девор ортида бекиниб турган аллаким шартта ўртага чиқиб, “Бўлди, масала ҳал, Парижга бу эмас, сен борасан!” деб қоладигандек илинж билан ўтиради доим.

Нихоят, ул китмирнинг қийноқларидан безор бўлган Қулов узун кечалар ўтириб ўзи лугат титкиламоққа киришди. Мустақил сабоқ. Гоҳо диққати ошиб, “Э, қайсинг борсанг бор-э ўша Парижингга!” дея ўрнидан туриб кетади. Бирпасдан кейин ҳовуридан тушиб, ўзини чимчиламоққа бошлайди: “Шунча доною валлакатлари қолиб, омад куши сенинг бошинга кўнибди, ношукур, дўппингни осмонга отсангчи! Ўзинг бор-йўғи етимхонада ўсган бахтисеҳ бир ғариб бўлсанг, бу рўшноликни раво кўрган Худойингга шукроналар айтмайсанми?!” Бу ўйлар ўз-ўзидан тушида ҳам кўрмаган Парижга дохил ширин-ширин орзуларга улаиб кетади.

Дарвоқе, туш! Нимадан бошланди ўзи бу туш?

Расмига бориб, аввал қуръа ташланган бўлди. Қуръаси қурғур тилсим танга шамойилида эди. Осмонданми отилган ушбу омад тимсоли Жийдалининг қоқ марказида куббадор қилиб тикланган хўжақўрсин дарвоза – арк тепасидаги эртаю кеч тинмай жавраб ётгувчи чўян радиокарнайга келиб урилиб хушнаъма жиринг этдию ҳавода учиб заранг ерга, ундан бир қопчиб йўл ёқасидаги тип-тиник сув жилдираб ётган ариққа тушди, кўнғир-кўкимтир силлиқ тошчалар узра ўн-ўн беш кадам ялт-юлт жилва сочиб борди-да, каттароқ бир тошга учраб, ногаҳон сўлга бурилиб кетган ариқчага ўтди ва шу ерда эгасини топди.

Ҳали айтдик, Жийдалининг киндиги худди шу жой. Икки марказий кўча мана шу ерда тўқнашади-туташиди. Арк дарвозасидан пастга қараб кетгани – Совет кўчаси, унинг “бошини боғлаб” кўндалангига ўтгани эса йўқсиллар дохийси номи билан аталади. Ҳаммаси бепоён юртнинг ҳар гўшасидагидек пухта режага асосан!

Қуюқ дарахтларга кўмилган Совет кўчасининг икки тарафида кета-кетгунча бир текис оқ-оппоқ бинолар қад ростлаган; туман раҳбариятию бошқа казо-казолар ҳамда келгинди мусофирлар шу уйларда истиқомат қилади. Қолганлар “йўқсиллар дохийси” паноҳида – туманни кесиб ўтган энг узун кўча бўйлаб ва ўзга маҳалла-кўйлардаги ҳовли-жойларда рўзгузаронлик билан машғул.

Етимхонада ўсиб катта бўлган, уруғ-авлоди бировга номаълум, безот-беэга Арбоб Қулов бир тўп мусофир қатори Совет кўчасининг бошланишида – чоғроқ оилаларга мослаб қурилган чап қўлдаги узун бинода яшайди; бояги тилсим танга бурилган ариқча бўйлаб энсизгина йўлка билан юриб пастак эшикчадан ҳовлига қирилса, иморатнинг бошидаги хонадон шуники.

Ё ўтгизинчи, ё қиркинчи йилларда бино бўлган бу иморат олти рўзғорга аталган. Хом ғиштдан тикланганига қарамай жуда пишиқ, мустахкам. Деворининг калинлиги ярим қулоч, шифти уч қулочга боради. Даставвал ярим белдан келадиган тўсиқ девор орқали қозон-товок ва бошқа рўзғор лаш-лушлари қалашиб ётадиган икки ёни ёпиқ айвончага кирилади, ундан кейин торқоронғи даҳлиз ва ниҳоят, баланд кўш деразаси катта кўчага қараган ёнма-ён икки хона – ётоқжой ҳам шу, меҳмон-излом ҳам шу ерда қутилади.

Бинонинг ҳовли тарафи тахта девор билан омонатгина қилиб уч қисмга бўлинган, рўпарада бир текис пастак бостирмалар: ўтинхона, кўмирхона, омборча ва бошқа каталақлар.

Ҳовлида, баайни ҳар бир хонадонга алоҳида тегишлидек, биттадан баҳайбат қайрағоч ё акация бўй чўзган, ёзда супуриб турилмаса, таги икки кунда хашакка тўлиб кетади. Ҳар-ҳар жойда бўйрадеккина пайкалга шивит, петрушка ёки ўсма экилган; мевали дарахт кўринмайди.

Ҳовлининг ён-веридан ўтганда ё чала доғланган ёғнинг, ё жингиртобига етказиб қайнатилган чойшаб хиди димокка урилади: бу ошёнларда истиқомат қиладиган хотин-халаждан кимдир наврўзғор, ўчоқка энди яқинлашиши, ёнидаги кўшни эса рўзғор юмушларидан чарчаган, уйда бор кир-чирини ўчоқдаги корсонга жойлагану ичкари хонага кириб уйқуни уряпти, деган ўйга бориш мумкин.

Умуман, бу каби уй-жойларда туриш-турмуш ўзгача, шу тарафларга бош суккан одам ўзини боғ-роғларга бой, обод Жийдалида эмас, тамоман бегона манзилларга тушиб қолгандек хис этиши турган гап.

Ҳовли аҳли ҳам шунга монанд – бирортасининг туб-палаги Жийдалига туташ келмайди. Ҳамонки бу аломат ҳовлига қадам босдикми, ундаги истиқоматчилардан сўз очдикми, келинг, уларни озмунча таништирайлик.

Арбоб Қуловнинг ён кўшниси – бир чолу кампир, урушдан кейинги йиллар келиб қолган кекса маорифчилардан. Зиннур абий билан Зила муаллим. Бири биридан жуссаси ушоқ, орқадан қараганда мактаб болалари деб ўйлайсиз. Безиён қариялар. Бир ўғиллари аллақайда майорми-полковник эмиш. Келганини кимса кўрмаган. Яна бири – Фаил таранг, у ҳам шу уйда.

Уларнинг ёнидаги хонадонни туман касалхонасининг донгдор жарроҳи, сўккабош Шундик эгаллаган. Билакларию бет-бошини сарғиш мўй босган бу барокбой улфатчиликни хуш кўради, ҳар ҳафта уникида “сабантуй”, боши очик ҳамширагиналар эргалабгача хизматда. Биров миқ этолмайди. Аввало, ном таратган арзанда дўхтир, кўшимчасига – важоҳати чаток, ўзи хўкиздедек келади, тиғи ялтилаган яроғини шартта олсам ёнидан!..

Совет кўчасига ёндош йўлка бўйлаб бораётиб Шундикникидан кейинги деразага кўзи тушган ҳар қандай одам бир энтиқиши тайин. Оқшомлари дераза оша астагина ичкарига мўраласангиз, кўча чироғининг хира шуўласида тўрт боши қумуш куббали темир каравотда биров бировни китиклаб ётганини кўрасиз. Қитиклаётган киши – Ленин номидаги ўрта мактабнинг физкультура ўқитувчиси (лақаби Тарангбой) Фаил Зиннурович Шамсуллин, ҳа, ўша – Зиннур абийнинг кенжа ўғли. Иш борида ҳам, иш йўғида ҳам спорт либоси эгнидан тушмайди, хозиргина ҳаммомдан чикқандек юз-боши кип-кизил, юганда энгил йўртиб қадам отади.

Қитикланаётгани эса шу мактабнинг француз тили муаллимаси Виолетта Алексеевна Салимбекова – новчадан келган, ғозбўйин, жингалаксоч аёл. Юз-кўзи қадим римлик хонимларни эслатади, кўпчилик уни ўрис эмас, негадир немис бўлса керак, деб тусмол қилади. Бўлмаган гап, ҳеч замонда немис французчадан дарс берар-

канми?! Исми ўзгачароқ дейилса, чет тили муаллимлариники шунақа бўлади-да; болохонадор фамилия эса олдинги эридан қолган.

Хуллас, Фаил таранг ҳар кеча шуни китиклармиш. Дароз хоним эса унинг бўйнидан кучиб қикирлагани қикирлаган эмиш. Эр-хотин бўлгандан кейин китикламоқ ҳам, қикирламоқ ҳам ўзларининг иши-да. Майли-ю, бир окшом нечанчи каррадир “Жаноб 420” киносини кўриб қайтаётган Турдаш сирри портвейннинг кайфи билан не бир хаёлда ўша деразанинг тагига бориб қоладию не бир хаёлда аста ичкарига мўралайди. Бундай караса, ана шу ахвол! Девонада эс борми, бу “янгилик”ни ўша заҳоти кўча-кўйга дoston қилади: “Кўрдим! Худо урсин агар, ўзим кўрдим! Анови Раз-два маалим бор-ку...” Буни эшитган эл ташвишда денг: “Тинмай тош кўтаргани билан Фаилбой отасига тортиб жиккаккина, анови отдай нарса угинани эзиб ташламасмикан?”

Бундан кейинги хонадонда Тўти пасон дегич жувон беш яшар кизчаси билан туради.

Тўти пасонимиз Жийдалининг жайдариси эмас, тус келгинди – қаёқдан келиб қолганини биров билмайди. Афтидан, кимгадир илашиб келган-у, оркаш Жийдалининг каттиқ-қуруқ урфларига чидаш беролмай, мана шундай ёлғиз-ёрти қолиб кетган. Янги чиққан неки либос бўлса, бошлаб шунинг устида кўрасиз. Шўхчан ёш-яланг орасида лақаби – Жиблажибон. Баланд-баланд пошналарда дикиллаб юришлари! Ўзи аллақайда оддий котиба, қаёқдан оларкан-а?

Шошманг, у ёғига кейин келамиз. Тўти пасон ҳикоямизнинг бош қахрамони бўлмаса ҳам “фош қахрамон”ларидан, шошманг.

Бинодаги охирги эшик – олтинчи рўзғор... Уни рўзғор деб бўлмас. Бу уйни кириб кўрган одам йўқ, ким яшашини ҳам биров билмайди. Кўк бўёғи кўпчиб-кўчиб қолган эшиги ойлаб очилмайди, мудом “секрет”ли кулф осиглик. Ойда-йилда афт-башараси эсда қолмайдиган нотаниш бир нусха пайдо бўлади, уч-тўрт кун деразасида чироқ милтираб туради, лекин кундузлари қайга бориши, нима иш билан машғуллиги кимсага номаълум. Шу кўйи яна гумдон!

Билгичларнинг айтишича, қуроқ-қурама элимизнинг ўзаро борди-келдию гуфтугўларини зимдан кузатувчи махфий шахс эмиш у. Билмаганлар эса ҳайрон: ошкорасига кузатса бўлмасмикан шуни? Айтгандай, кузатиб нима қилади ўзи?

Бинога кираверишдаги дастлабки уй – ҳали айтилди чоғи – бош қахрамонимиз Арбоб Қуловга тегишли. Икки ўғилчасию уларни туғиб берган ҳуркак, гунгурс хотини Зевар билан у, неча йилдирки, шу хонадонда тирикчилик қилади.

Айтгандай, мана унинг ўзи – мактабдан қайтиб, сеvimли машғулоти – бирпас глобус айлантриб дунё мамлакатларига махлиё бўлгач, елкасида куёвлик чопони, туйғунгина кенжасини тиззасига олганча, кўча эшик оғзидаги ёнма-ён икки қари тутнинг биқинини ўйиб ясалган харракда ўтган-кетганга, йўқ-йўқ, Ленин йўлининг нариги тарафидаги торкўчага кўз тикиб ўтирибди. Билмаган киши уни торкўча адоғидаги ўзи катта бўлган етимхонада кечган ситамли болалигини эслаётир ёхуд сал берироқдаги унга қўйдек ювош-мўмин хотин ато этган фақирона хонадон тарафга қараётир деб ўйлаши мумкин.

Ўйчимизнинг ўйи хом, ўйчимизнинг ўйи калта – Арбоб Қулов хув муюлишдаги тор-диқкинафас ҳовличадан гозбўйин мис кўза (аслида оддий сатил) кўтариб сувга чиқадиган олмабет Сарани кутиб илҳақ! У чиқиб, арик бўйидаги улкан кўкиш харсангга чўнкайган кўйи сатилини (кўзасини) сувга тўлдиредию Арбоб сари ишвали бир нигоҳ ташлаб, ҳовлисига кириб кетади.

Бу ғайридиннинг икки қизи нечун бир-биридан сулув-а? Нега кўпинча сингил-

лар опаларидан хушрўй, ширинроқ келади-я? Зарасига кўнгили кетиб турганда Сарасини кўрасизу бирдан опадан айнийсиз. Умуман, ўзи хўппасемиз – кизғиш, тарам-тарам лунжларига кўшилиб қорни ҳам осилиб тушган, четларидан бир тутам туссиз паршон мўй мўралаб тургич кафтдеккина куроки шапка кийиб юрадиган бул кўримсиз мардумнинг болалари нега бунчалик кўзга якин? Дароз-дароз Микоили Рафоилидан, Рафоили Миколидан кўркам, хушсурат! (Кейинчалик бу икки ака-ука тиббиёт илмини обдон эгаллаб, ўликни ҳам тирилтирадиган мўъжизакор дўхтир сифатида қўшни республикада ном таратди – ўша йиллар ниҳоятти бир томоғи ачишган жийдалилик ҳам “Туғилган ватанингиздан мазорбости” дея тўрт кило олмани кўтариб ўша ёкка чопарди.)

Ота – Анвар Исоқовнинг ўзи ўлгудек кордону омилкор эди-да. Замон ҳар қанча эврилмасин, барига тайёр, барига мос калитни топабиларди. “Бу уйкағар жухуднинг қўлидан келмайдиган касбу амал йўқдир”, дейди эл. Тўғри айтади: бир вақтлар у мактабда аввал ашуладан, кейин расмқашликдан дарс берган экан; ашула соатларида ёш бўғинга “Азиз ватаним” кўшиғини машқ қилдириб, ватанни севишни ўргатган, расмқашликда эса уларни кўкка бўй чўзган Жийдали тоғларининг викорини тасвирламокка даъват этди. Ора-орада билинтирмайгина муқаддас Тавротдан сўз очиб, беозорона ўғит беришни-да қанда қилмасди.

Сўнгра бир муддат фотоанжомини орқалаганча тоғу тош, кишлокма-кишлок кезиб сураттирлик билан шуғулланган, дейдилар. Сурат олдиroomқа айниқса хотинхалаж ўч бўлади. Уста сеҳрли усқунасини учоёкка кўндириб, хиёл замон бошига қора мато тортиб тургач, “Бэр, эккэ, уч – внимание, оляпман!” дейдио ўнг қўлидаги қопқокчани ҳавода гир айлантириб, яна “кўзча”га жойлаб қўяди. Фотонгизни бири-си куни оласиз, янга, пулини санаб кўйинг!

Шу орада уч йилми-тўрт йил паспортхонада мирзолик ҳам килдики, бунинг тафсилотларидан хабаримиз бор.

Эро Давидов деган ҳамқавми туман касалхонасига бош бўлиб келгач, ўша ерга хўжалик мудирини бўлиб ўтди. Худди катта дўхтирлардек савлат билан оқ халат кийиб юришни одат қилди. Ҳамқавми ишдан бўшаб кетганидан сўнг эса, касалхонада кўрган-билганларини ишга солиб молдўхтирлик қила бошлади. Хув бир вақтлар ўғилчасини “улуғ қавмга кўшиб” ошна киришган дала-дашт кезиб юрувчи Беғамбой кўйчивон сингарилар ҳам кулок-боши оғриганда ундан шифо тилаб келади. Қўли енгил-да палакатнинг.

...Етимхонада ўсган ҳаваскор даҳрий Арбоб Қулов ана шундай икки дунёси қуярини ҳам ўйламай, ҳар кеча қирқ коса сувга мухтож бўларини ҳам ўйламай, қуфр хаёлларга ботиб ўтираркан, халигина Совет кўчасини тўлдириб каттаконлар минадиган мошина ўтганинио ундан чўгдек чакнаган бир жуфт кўз йигитлик сиймосини сарупо сермаб кетганинио ҳаргиз пайқамай қолибди!

Айни шу чоғ ариқчада оқшомги шафак аралаш кўзни қамаштириб аллақандай жоду жилва қилди. Бейхтиёр ўрнидан туриб кетган собиқ етимча (кўз оч-да!) тиззасидаги сабийни ҳадаҳа бир ёнга кўйиб, аста ариқчага энгашди. Воҳ жонивор, нақд тилланинг ўзи-ку бу! Шу он аллақайдан “Париж! Париж!” деган янғроқ садо ҳам таралди!

“Арбапқулов – и всё!” Сирли ҳужжатҳоҳлардаги тегишли тинтув-текширувлардан сўнг икки кун ўтиб янграган бу ҳукми инкор этадиган куч йўқ эди Жийдалида! Ҳатто туман сарқотиби ҳам бу азозилнинг урғочисидан хайкиброк турар, унча-мунчага ён бериб, эҳтиётқорона муомала қилар эди. Ахир, раъйига қарши борган ҳар қандай одамни партия мактабларидан ўрганиб келган сиёсий дийдиё-

лари билан доводиратиб ташлайди-да у. Бошига бир парча рўмол ўраган ёки азбаройи шарм-хаё, лозим кийган хотин-халажнинг-ку жонини олади. Оташинлиги ҳув кизил инкилоб замонидаги хунасамижоз комиссар хотинлардан сира колишмас, эгнига қора чарм камзулу белига маузер етишмас эди, холос. Ваҳоланки, рангрўйи кўхликкина, ширингина, ўзи эса захаргина. Сойнинг у бетидан битта, бу бетидан битталаб эр килди, биридан ўгли, иккинчисидан кизи бор. Муроди ҳосил бўлгач, ҳар иккаласини сазойи кўйига солиб ҳайдаб юборди. Дарвоқе, у кезларда ҳозиргидек мафкура жабҳасига пешво эмас, хуфия тўшаккача ағдар-гўнтар килиб юргувчи, авом таъбирида “эр-хотиннинг қозиси” – “женотдел” эди. Рўзғори ҳам шунга яраша – бугун Тўти пасон эгаллаб турган камбаргина ҳужрада истиқомат қиларди. Мафкура жилови кўлига тегдию Совет кўчасининг ўнг тарафидаги туман калонполарига мўлжалланган кенг-мўл ховли-жойга кўчиб ўтди; сиёсий дами ҳам бир неча баҳа зўрайди.

Ҳа, Жийдалимизда Гули Аскаронанинг номини эшитганда зирилламайдигани кам топиларди. Кабинети эшигидаги қора лавҳа зарҳал уриб “Гилязетдинова Резиде Гюльаскеровна” тарзида ёзилган бўлса-да, кўпчилик уни енгиллатиброк Гули Аскаровна деб атар, салга жизиллаб кетадиган серхархаша хоним эса шунга келганда негадир ажаб бир кенглик ила жилмайибгина кўяр эди. Бу чиндан ҳам бағрикенгликмиди ёйинки “ҳаҳ, кишлоки лодонлар-а” кабилидаги истехзомиди – топиб бўпсиз!

– Арбапулов – и всё! – деди у баҳайбат столининг чарм қопланган киррасига мушт уриб. Рўпарадаги узун столнинг икки ёнини тўлдириб ўтирган маориф дарғалари, бари дами ичида, галма-галига уни қувватлай кетди: ҳа, ҳа, Арбоб Қулов, Арбоб Қулов! Албатта, Арбоб Қулов-да! Жуда-жуда муносиб номзод, ўртқо Гули Аскаровна!

Эртасидан бошлаб муносиб номзодни Париж сафарига тайёрлаш масъулиятини Гули Аскаровна шахсан ўз зиммасига олди. Бу – Арбоб Қулов ҳали Парижнинг ўзига бўлмаса-да, ярим йўлларга етиб қолди-ёв дегани эди.

Номзоднинг иш фаолиятию туриш-турмушини энг нуфузли журналда ёритгани нақд Москвондан муҳбир келармиш, деган хабар тарқалдию тайёргарлик ишлари янада кучайиб кетди. Келгач, аввало, уй-жойига қарайди-да, албатта. Хув урушдан олдин тоши кўйилган иморатнинг эса аҳволи маълум – сирти беш-ўн йил оралатиб Май байрами арафасида бир мартагина енгил-елли оклаб кўйилишини айтмаса, хароб, хийла хароб!

Номзод турадиган хонадоннинг томию теварак-атрофи ошиғич тарзда “тартибга келтирила” бошлади. Буни кўрган Зиннур абий билан Зила муаллим бор орден-медалларини тақиб кўчага чиқди: “Биз-де маарифга кириқ йил хизмет этиб кўйганбиз!” Улар даъвосини тугатмай, қўшни деразадан юзи шишинқираган жарроҳимизнинг ваҳимали мўйлови кўринди: “Что тут происходит, а?!” Унинг пичоқчасидан ҳамма кўркиши маълум. Кейинги деразадан эса саватдек сочи ҳар турли қисқичга тўла Виолетта Алексеевнанинг норози чимирилган ёйсимон терма қошлари намоён бўлди: “А нам? А мне?” Масаланинг нозик томони бор эди: номзодимиз айнан Парижга кетяпти, бу хоним эса айнан француз тили муаллима-си! Шу чоқ худди ҳозиргина ноз уйқудан тургандек чала-ярим либосда Тўти пасон чиқиб келди. “Мен Гули Аскаронанинг олдига бораман! Якка-ёлғиз совет хотин-қизига эътибор қани?!” Жувоннинг очиқ-сочиқ, бир кўлини қуймучига тираб, кўкраги дўнг, таранг холда тургани қурувчи йигитларнинг завқини кўзгаб, пардоз ишларини шуниқидан бошламоқчи бўлишган эди, бригаданинг серкаси кўрсаттич

бармоғини тахдидомуз тепага нукиди.

Бино оройиши энг охиридаги “эгасиз” хонадондан бошланди. Туман коммунал хўжалиги хизматчилари ҳам шу ерда, кўчма қурилиш ташкилотининг қўлигул усталари ҳам шу ерда. Бирортаси бўйин товлаб кўрсин-чи, жони нечта экан?! Неча бўлса, бари-бори анови захаргинанинг қўлида! Гули Асқаровнанинг амалдор мошинаси кўринди дегунча, меҳнат аҳли чўғ устида оёкяланг чопқилламоққа тушар-ди.

Мана шу ташвиш-тахлика бари ўзи учун, ўзи туфайли бўлаётганини кўрган қахрамонимизни айтсангиз! Равиш-рафторлари тамом ўзгариб қолган. Бу ваҳималардан кечалари уйқулари қочиб кетади. Париж! Париж! Кўргани саволга тутади: “Қачон жўнайдилар энди, муаллим? Жомадонлар тайёрми ишқилиб? Келишда бизни унутмайсиз-да, ерда ётган бир дона чакиртоши бўлсаям майлига”. “Эсон-омон бориб қайтдингизми, оға? Париж деганлари чиндан аломат эканми?” дея ғофиллик киладиганлари ҳам чиқиб қолади. Тўқнаш келганда Зара ўлгур “Нахотки ёлғиз кетяпсан, Парижга-я!” деган каби ғамзали қараш қилади. Сараси баттар куйдиради: “Мен-чи? Мени бирга олиб кетмайсанми?!” Бу ёқда ўзининг индамас Зевари, кимдир дарс берганми, бу кишим ҳам балодек тил чиқариб қолган, қараб турсанг, бирорта атир-упа дўконини кўчириб келасан, дея шарт қўймоққача боради кечалари. “Хўп, опкеламан, энағар, опкеламан”.

Хуллас, тарихий сафарга санокли кунлар қолган. Қайдасан, Париж? Салом, Париж! Бонжур, бонжур!

Бу орада кутилаётган мухбирлар келиб кетди. Московлик мухбир деганда Арбоб Қулов не бир савлатдорларини хаёл қилган эди, сира-сира мухбирлик сиёғи йўқ иккита санғибашара экан. Бир қиз билан бир йигит. Иккаласининг ҳам оти Валя. Валентин билан Валентина. Яна қизиғи – ёзғичи йигит, суратгири қиз. Гуля Асқаровна бошлиқ тўкин базму зиёфатларда ўтиришаркан, таом билан ишлари йўқ, нукул бири қўйиб бири тамаки тутатади. Анов сабилнинг оқидан ҳам, кизилидан ҳам сероб, дастурхон четида саф тортиб турибди. Йўқ-да, “Сухое вино, сухое вино” деб безор қилишди. Сўраганлари аллақайдан топилди ҳам, ўзини билган жийдалилик оғзига олмайдиган тахир бир бало экан. Икковлашиб бир талайини қуритишди. Хайрият, икки кунгина туришди. Биринчи кунимиди, рюкзак орқалаб эрталабдан тоғ кезиб келишди, иккинчи кун – “чик-чик” съёмка. Суратгири таманнороқ кўрингани билан чакқон қиз экан. Лип этиб дарахтга чиқиб оладими-ей, яна бир қарасангиз ерга ётволиб чиқиллатадими-ей. Лоф бўлсаям юзлаб сурат туширди-ёв. Бунчасини нима қилар экан деб Арбобнинг боши қотарди.

Бир ойга етиб-етмай бўёқлари ялтираб турган “Огонёк” журнали келди. Уни арақлаб кўриб номзодимиз тамом лол қолди. Санғибашара кўрингани билан ул касофатлар Худонинг балоси экан. Тўрт саҳифа тўла тоғ манзаралари узра бир-биридан кўркам, ярқироқ суратлар; ора-орасида икки кун ичи Валентин ундан билдирмайгина сўраб-билиб олган фикрлар окизмай-томизмай баён қилинган. Оббо, шоввозлар-эй! Қойил, қойил.

Бирок ҳамма фалокат шу лаънати журналдан чиқди. Қувончу олқиш-табриклар уч кунми-тўрт кунга етди-ю, кейин... айтмоққа тил йўқ, ёронлар, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, туйқусдан муносиб номзодимизнинг йўли тўсилди – у Парижга бормайдиган бўлди! Оревуар, Париж!

Аввалига ўзи сабр билан кутди: сафар бирон-бир сабабга қўра ортага сурилгандир-да. Бир кун кутди, икки кун кутди, ҳеч гапдан дарак йўқ. Кетар муддати эса ўтиб бораёттир. Ноилж, ўтган шу икки-уч ой мобайнида опасидекми-синглисидекми

бўлиб қолган меҳрибони Гуля Аскарловнанинг хузурига чиқиб борди.

– Чего тебе? – дея негадир совуқ қаршилади опахони.

– Келдим, – деди Арбоб нима деярини билмай.

– Иди, – деди сингилхони мавҳум қилиб.

– Куда? – деб сўради Кулов ҳайрон.

Жавоб ер билан яксон этадиган оҳангда бўлди:

– Иди домой и сиди тихо. Понятно, Арбакулов?

Келган одам шалвирабгина изига қайриларкан, “Спасибо” демокдан ўзга сўз тополмади.

– Иди, иди.

Бир ҳафта ўтмай “Жийдали ҳақиқати” газетасида “Францияга отланган фирибгар” сарлавҳали фельетоннамо бир бало чиқди. Унда кечаги муносиб номзодимиз гўрдан олиб гўрга урилган эди.

Азза-базза, Парижга бориш учун паспортидаги “бешинчи графа”ни ўзгартириб олган фирибгар ким – Арбоб Кулов!

Бировларнинг жуфти ҳалоллига кўз олайтирадиган маиший бузуқ ким десангиз – Арбоб Кулов! (Хайрият, хайрият, на Заранинг, на Саранинг исми кўрсатилган.)

Совет хотин-қизларига феодалларча муносабат қиладиган жохил, кўз очиб кўрган гулдек хотини Кенжабоева Зеварнинг биппа-бинойи фамилиясини ўзгартириб, ўзининг қора ўтмишдан қолган иснодли фамилияси билан атаган золим ким – Арбоб Кулов-да, албатта!

Бу шоввознинг бирдан-бир фазилати (таъбир жоиз кўрилса!) – сочининг жингалалиги, холос!

Шундай нопок, шундай нолойиқ нусхани Париждек мўътабар масканларда ўтадиган халқаро анжуманга номзод этиб танлаган масъул ўртоқларнинг кўзи қайда эди?!

Ўлдинг энди, Арбоб! Ўлдинг энди, Кулов!

Кечагина Парижларни туш кўриб юрган азамат икки ҳафта уйдан чиқолмай ётди. Кейин – яхшики, ёзги таътил чоғи эди – етимхонада бирга ўсган ошнасини қора тортиб, тоққа жўнади. Ҳарна, Жийдалининг гап-сўзидан нари, ўқиш бошлангунча ов-повга чалғиб, ўзига келиб олади.

Жийдалининг лофчи эрайимлари айтмоқчи, бул сўлим тоғларимизнинг Париждан кам жойи борми, ёронлар?!

Анов машъум айбноманинг муаллифи катта-кичик идораларга таникли ёзғувчи Сафар чакқон эди. Тумандаги икки зўрнинг бири (униси Гули Аскарловна эканлиги маълум). Газетада чиқаришдан аввал у тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, арзини расмийлаштириб олган эди; умри ёза-ёз билан ўтиб, бунақа ишларнинг пири бўлиб кетган у. Қишин-ёзин бошда шляпа, оёқда ғарч этик, бир кўнжида “Правда”, бир кўнжида “Известия” газеталари, буйи бир қарич, кўчанинг ўртасидан савлат солиб ўтганида, узоқдан кўрганлар бир-бирини туртиб, ўзини панага урарди: “Қоч, қоч, анови энагар келяпти, бир галвани бошламасин тагин!” “Ёзамиз! – дер эди у тантанавор сурбетлик билан тиржайиб. – Керак бўлса, луб-бойини титиб ташлаймиз!” Ҳаммани безор қилган бу нусха икки дафъами-уч дафъа камалган, аммо таъзирини емоқ ўрнига ҳар гал гўёки куч олиб, янада чиникиб чиқар эди. Пашшадан фил ясамоққа уста не-не ташкилотлар ҳам унга бас келолмади. Туман сарқотиби уни кўрганда дарров илжайиб, “ака-ака”лаб қоларди. Баттол-да, баттол!

Ҳай, Худо жазосини берар, Худога солдик, лекин мусичадек беозор, бугун энди хору зор дегулик бечора Арбоб Куловга не хусумати бор экан бу дажжолнинг?

Келинг, аввал ўша лаънати журнални қайта варақлайлик.

Ажаб-ажаб суратлар ичида биттаси бор эди, биттагинаси!

Тепасида акация шоҳлари ларзон осилиб турган оромкурсида хонакирок либосдаги (спортча энгил-бош) Арбоб Қулов ястаниб ўтирибди, қўлида жомадонча келадиган бир китоб, номи ҳам баралла кўринарли: “Шоҳнома”. Қаҳрамонимизнинг ёнбошида ясаниб олган чўғдек бир жувон кўша-кўша узукли бармоқларини томошабоп қилиб унинг елкасига қўйганча китобга энгашиб қараётир. Китобда фожей тарихлар эмас-у, кулгили хангомалар ёзилгандек, аёлгинанинг лабида шўхчан табассум.

Яна бир диққатбоп жойи: ўнг оёғи орқароқда, пошнадор туфлисининг тумшуғи ер чизиб турибди.

Энди пешонани тириштириб суратнинг тагидаги митти изохни ўқиймиз: “Арбоб Қулов қўли ишдан бўш дамларда севикли рафикаси билан бирга машҳур “Шоҳнома”ни мутулаа килмокни хуш кўради”.

Агарростдан ҳам шундай бўлса, майли, хуш кўраверсин, бироқ қаҳрамонимизнинг тепасида қарашма қилиб турган жувон ўзининг хотини эмас, Тўти пасон-да!

“Огонёк” келса, Жийдалига ўн-ўн беш нусха келади. Униям кўрган кўрар, эътибор билан қараган қарар. Аммо бунақа пайтда... уч-тўрт кун ичида, лоф бўлса ҳам, Жийдали аҳлининг чораклари журналдан хабар топди деса бўлади. Ҳамма ерда шунинг гапи, шунинг муҳокамаси. Ҳаҳ, энағар Арбоб-а! Ҳаҳ, уккағар Қулов-а! Қўй оғзидан чўп олмаган бир содда-баёв кўринардинг – қип-қизил ичидан пишган шайтон экансан-ку! Рўзғорингнинг ўту чўғига балогардон муштипаринг бу ёқда туриб сен бошқаси билан суратларга тушасанми, номард! Энди Парижингга ҳам олакет шу байтални!

Чиндан ҳам, Тўти пасон қай гўрдан пайдо бўлди суратда?

Суратгирлик жараёнига ўша куни Гули Аскарловнанинг шаҳсан ўзи бош бўлиб турган эди. Кўйлак энгларини тушира-тушира уйдан чиқиб келган Зеварга, унинг бошидаги зар дуррачаю атлас лозимиға сарупо бир қарадио ташкилотчининг зардаси қайнаб тошди:

– А ну-ка марш отсюда!

Зевар ногаҳон бир зум қакқайиб колди, сўнг қўлини кўксига босиб “Хўп, апажон, хўп”, дея зипиллаб ичкари кириб кетди. Кириб кетди-ю, шу захоти яна эшикда пайдо бўлиб, кесакига суянганча безрайиб тураверди: унисини ҳам, бунисини ҳам ечмайман, қўлингдан келганини қил!

Ҳа, шу энағар хотиннинг ўжарлигидан бўлди бари! Бошидаги савил қолгур рўмолини ҳам, унисини ҳам ечиб қикса ўлиб қолармиди денг! Беш дақиқагинага! Йўқ-да, Кенжа қашшангнинг кизи-да бу кишим! Шунгамикан, журнални варақлаётиб, ўша суратни кўрганда нимадандир ирганган каби бурун жийириб “Ҳих!” дедию қайтиб оғиз очмади. Ўзи айбдор-да, ўзидан кўрсин! Бу гапдан беҳабарлар эса, “Кенжа қашшангнинг кизи шу хўрлик, шу шармандагарчиликка қандай чидади экан, э, отангга балли!” дея ажабда.

Аҳмоқ хотиннинг бу қилиғини кўрган Гули Аскарловнанинг энсаси котиб у ёнбу ён алангларкан, кўшни ховлида бир қўлини куймучига қўйганча бу можарони кузатиб турган Тўти пасонга кўзи тушди.

– Тути! Сюда! – дея бармоқ тўлғаб амр қилди.

Ушбу вазиятга тап-тайёр Тўти пасон жиконглаб чопиб келди.

У ёғини “Огонёк”даги суратда кўрдик.

Московдан чиқадиган баобрў журнал шундай дабдабаю асьаса ила суратларини

қаторлаштириб босиб, ўзини кўкка кўтариб таърифлаб чиқди-ю, Парижга борган-бормагани билан иши бўлмади-я, тавба! Ёз охирлаганда тўзиб-қорайиб, жингалак сочларини таг-туги билан паккида қирдириб, кизаги бир қарич дўппини бошига бостириб тоғдан қайтган Арбоб Қулов дафъатан хайратга тушди. Алам ёғига қоврилиб юраверибди-ю, “Хўп, мен-ку Парижга боролмадим, ўрнимга ким кетди экан?” деган гап бирор маротаба хаёлига келмади-я! Бунақа вазиятда талабгорнинг ҳисоби бўлмайди, унча-мунча шартларига ҳам қараб ўтирмай жўнатилаверади. Бирон-бир пешонаси яркирагани чикқандир. Майли, йўлини берсин. Югурганники эмас, буюрганники экан-да, начора!

“Буюрган” ҳам маълум бўлди. Кейинроқ. Вилоят маорифидаги бир каттаконга тегишли аёл киши экан. Миллати тожик ҳам эмас, ўзбек ҳам эмас, қозоқ ҳам эмас, туркман ҳам эмас... У ёғини ўзингиз топинг! Арбоб Қулов сингари элга овоза қилинмаса ҳам, “Огонёк”ларда суратлари босилмаса ҳам Парижларга бораверар экан-а одам, қаранг!

Тоғдан қайтганидан сўнг Арбоб Қулов кўчада бош кўтариб юролмай қолди. Кўргани ё ошқора ачиниш билан қарайди, ё балодан қочгандек нари қочади. Айниқса, оғзига кучи етмайдиганлари чаток, аяб ўтирмайди: “Яхши бориб келдиларми, Арбоббой? Парижлар қалай экан, зўрми? Ия, овлари юришмадимми? Нечук? Опахонингизнинг кўнглини тополмасиз-да. Ҳай, ничево, келгуси йил яна қалла қилиб кўрарсиз, ошна!” “Қачон энди Парижга жўнайсиз, Қулов? Ҳадеб Жийдалининг жийдасини теравермай Парижларга ҳам бориб туринг-да, муаллим!”

Эл ичида бошқа гап-сўзлар ҳам урчий борди, яъни: “Арбоб Қулов Парижга борган йили”, “Парижга боролмай қолган Арбоб бор-ку, ўшанинг айтишича...”, “Арбоб муаллим Парижга борса, биз ҳам космонавт бўлиб осмонга учамиз” ва ҳоказо.

Кечагина кўтар-кўтар қилиб эъзозланган одам бугун энди мазаху масхара аралаш ерга қориштириб ташланмоқда эди. Шухрат билан шармандалиқнинг ораси бир қадам экан-да. Аслида, шухрат – шармандалиқнинг бир тури, иснодсиз тури.

Лалмикорлик орқасидан хийла давлатманд бўлиб қолган тоғлик ошнаси Юнус қоранинг қўллови билан Арбоб Қулов сой бўйидаги ташландиқ бир ҳовлини олиб обод қилди, кўчиб борди. Бир оқшом дарвозаси оғзидаги харсангда чўнкайиб этакдаги сой, кўприк тарафларга хаёлчан боқаркан, атрофини баланд-баланд тераклар қуршаган қўш қаватли узун оқ бино – умрида қадам босмаган мактаби Фирдавсий кўзига сирли бир маскан кўриниб, ўзига чорлагандек бўлди. Туман марказида яшагани учун ўзини шаҳарлик сановчи таниш-билишларидан чандон безиллаб қолган эканки, эртаси куниёқ маориф идорасига бориб шартга ариза бердию шу мактабга ишга ўтди. Она тили ҳисоблангани билан жавоб-муомалага хийла нўноқлигини ҳам ўйлаб ўтирмади. Аста-секин ўрганиб кетар, жуғрофиянинг “тили” маълум-ку: глобус, харита, таёкча...

Насл-насабидан хабардор экан, янги мактаб жамоаси уни кучоқ очиб кутиб олди. Айниқса, хув она тилидан устозлик қилган маҳмадана муаллимнинг шодлиги зиёда эди. Бу қувонч, ўзича хаёл қилганидек, Арбоб Қуловни асли-наслига иқдор этиб сойнинг бу ёғига оғдириб келгани туфайлимиди ёки унинг Парижга боролмай қолганига бахил кўнгилининг тантанасими, айтиш қийин.

Ишга қатновнинг қулайлигини айтинг. Дарвоза оғзидан қарасангиз – қўл етгудек жойда мактаб ҳовлиси, спорт майдончаси кўзга ташланади, шамол эсганда танаффусга чиққан болаларнинг шовкин-суронигача эшитилиб туради. Тагин нима керак сенга, эй девона кўнгил, Парижни кўрмасанг кўрмабсан-да!

Бирок Париж машмашаси беиз кетмади. Халқаро анжуманга номзод танлашда хатога йўл қўйгани учун (аслида, рўмол ўрагану лозим кийган маҳаллий хотин-халажнинг юкори ташкилотларга йўллаган беҳисоб арз-додига кўра) мафкура бекаси Гули Асқаровна ишдан олинди, туман маданият уйи директорлигига туширилди. Аламига чидаёлмаган жиззаки, курсипарафт хоним билак томирини писка билан тилкалаб, ўзича исён қилмоқчи бўлди. Бахтига, ўша кеча касалхонада Шундик навбатчи экан. Беҳуш ҳолда келтирилган хаваскор жонкуш хотин-кизларнинг обдон конини ичган эди, пискабозлик жангида, қаранг, шунинг анча-мунчасини бой берибди, мохир жарроҳ базўр жонини саклаб қолди. Кейин аён бўлишича, шу жон дўхтирнинг ўзига аталган экан.

Жонталаш устида топишган икки дайди кўнгил кўп ўтмай Жийдалини тарк этиб, аллақайга гумдон бўлди. Прощайте!

Арбоб Қулов кўчиб кетгач, бир йиллардан кейин Зиннур абий билан Зила муаллимнинг бу дунёдан насибалари узилди. Чол-кампир бир кунда казо топганмиш, ҳатто иккалови бир тобутга жойланиб, битта кабрга қўйилганмиш, дегандек олди-қочди гаплар ҳам чикди – ҳаётда улар шу қадар яқин, бир кориндан тушган ажралмас ака-сингил эгизаклар мисоли эди. Тарқалган дийдиё эса тамоман асоссиз эди. Аслида бу икки марҳум ҳар банда қатори алоҳида-алоҳида жон таслим қилиб, алоҳида-алоҳида дафн этилган – ана, ўғиллари Фаил Зиннурович ўзи бунга гувоҳ. Лекин шуниси ҳақиқатки, тўнғичлари – анови генералми, полковникми, на отанинг ўлигида қорасини кўрсатди, на онанинг. Шунда элга маълум бўлди: у ё кампирнинг олдинги эридан, ё чолнинг олдинги хотинидан, ишқилиб, эргашма фарзанд, ўгай. Шундай экан, буниги устига ўзи генералми, полковникми бўлса, азза-базза Узок Шарқдан келиб нима қиларди, ўгай укасига икки энлик таъзиянома йўллайди – олам гулистон-да!

Замон ўзгариб, ҳар бобда тақчиллик сезила бошлади. Шу чоккача хотамтой, бебилиска тузум эркаси бўлиб келган Жийдалининг ҳам маишати тортилди, дўкон пештахталарида марказдан юбориладиган колбасаю сариёғнинг баракаси учди. Ана шунда бири калта, бири дароз эр-хотин – Фаил Зиннурович Шамсуллин билан Виолетта Алексеевна Салимбекова, бошқа кавмдошлари сафида, бу колоқ, кашшок манзилдан жомадонини кўтарди. Эшитишимизча, улар аввал бир муддат вилоят марказига қўниб турган, сўнг қаёққа йўл тортишгани элга қоронғи. Бог с вами!

Бу орада хотини ўлиб, жоғарочи Сафар чакқон деганимиз муродига етди – Тўти пасонни уйига опкелиб олди. Бирор нимадан низо чикиб, Тўти одатдагидек қўлини қуймучига қўйиб лўдиликни бошласа, Сафар чакқон “Огонёк”даги суратни пеш қилиб озгига уради. Рўзғорда бўладиган савдо.

Аммо пасоннинг эргашмаси бир қиз бўлиб етишдики, Жийдалини тўрт айланиб ҳам унақасини тополмайси! Ҳар нарсанинг жайдарисидан кўра “мозорбости”си кизикрок-да. Қизнинг устидан уч мартами-тўрт марта ростакамига пичоклашув бўлди. Иккитаси кундузи, эски кинотеатр – ҳозирги бильярдхонага кираверишда, қолган биттами-иккитаси – тунда, қоронгиликда қаерда бўлгани маълум эмас. Лекин пичокқашлардан бирови қамалиб кетгани аниқ.

Нозанимизнинг ўзи эса, “бор-э баринг” дегандек, ясан-тусан ашёлари учун Тошкентга борганида Отчопар бозориди водийлик бир йигитга илашиб кетди-қолди. Бегонаси кизик-да!

Қизи тушмагур ҳам онанинг йўлини тутди, ҳам билиб-билмай ундан ўчини олгандек қилди.

Бугун энди, ёронлар, Жийдалида бизнинг Арбоб Қуловни биладиган, ҳув

Париж хангомаларидан воқиф мардум кам қолди-ёв. Унинг ўзи-чи, ўзи нима иш қилапти, дерсиз?

У аллақачон нафақага чиқиб кетган, ҳовлисининг этагидаги эгасиз қияликни ҳам ўраб олиб зинапоя кўринишида бог қилган, эртаю кеч шу билан андармон. Туман марказига йўли тушса ойда бир-икки мартагина тушади – йирикрок бозор қилгани, қолган ҳамма нарса ўзидан чиқади, ўзида бор.

Бир замонлардаги башанглигидан энди нишон ҳам йўқ – эгнида қариябоп оқ якак, бошида ўнгиброқ кетган чуқур дўппи. Дўппини бостириб кийса-да, четларидан кулранг-кумуш толалар тошиб-кўпириб туради. Лекин асти дўппини кўзгата кўрманг – таги тап-тақир, ярғоқ. Ўша бир чоғлардаги ажиб жингалалар Париж армонларига қўшилиб йитиб битган, эски расмларга кўз тушгандагина эсланмаса, нутилиб ҳам кетган.

Воқеан, Париж хангомаларини хотирлаганида кампири кўзига балодек кўринади: “Ҳаҳ, энағар Кенжа қашшангди кизи, сенинг касрингга Парижга боролмаганман-а!” Шу асно Анвар жухуднинг бири биридан хушрўй опа-сингил қизлари ёдига тушади; “Иккалови ҳам қариб, алвастига ўхшаб қолгандир энди. Исроилидамикан улар ё Америкада? Тавба, ҳечкурса, шунисини билгиси келади-я одам! Ҳе, қариб куюлмай, мусулмон аталмай ўлиб кет!”

Узоқ йили Арбоб Қуловнинг эндиги осойишта ҳаётида тағин бир кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Жийдали аҳли ўртасида буниси ҳам хийла шов-шув кўзгади.

Қаҳрамонимизни азза-базза Шаҳрисабз томонлардан бир нотаниш одам дараклаб келди. Жийдалини ағдар-тўнтар қилиб, икки кун деганда уни зўрға топганмиш. Мехмонни туман марказидан биров “жигули”сида ташлаб кетди. Кечки салқинда айвонда давра қурдилар, обу ош. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, йўқлаб келган йигит безот-бебақо Қуловнинг тус жияни бўлиб чиқди, кондош-қориндош опасининг ўғли! Шаҳрисабз деганлари қочиб кетгани йўқ-ку, шунча йилдан бери қайда эдиларинг, жиян? Опаси ўлим олдидангина васият қилганмиш-да: “Тоғагинангни кидириб топ, ёлғиз тирноқ эди. Жийдали деган жойдаги етимхонага бериб юборилганини эс-эс биламан. Отгинаси Арбоб эди, ҳа, Арбоб, эсда қоладиган”. Ота-оналари сил балосидан бир ой ичида адо бўлиб, қариндошлари кизни олиб қолгану болани етимхонага топшириб юборган экан. Сўрайдиган-йўқлайдиган кимса топилмай, ана-мана дегунча орадан шунча замон ўтибди!

– Мен ёш бола эдим-да, тоғажон, ҳеч ким айтмаган, билмаганман, – дея қолган қариндош-уруғ номидан ҳам узрхоҳлик қилди жиян бўлмиш.

Мабодо суриштирилганда ҳам Арбобнинг топилиши даргумон эди. Етимхонага қабул қилинганида атиги уч яшарми-тўрт яшар бўлган, гўдакнинг ўзидан исмини эшитиб ҳамма кулиб юборган, ҳазилкашрок бир тарбиячи “Арбоб баччағар ҳам етимхонада ўсадими, келинлар, фамилиясини Қулов қилайлик, ана шунда посангиси бирнав бўлади”, дея маслаҳат солган. Боланинг ҳеч бир ҳужжат-пужжати йўқ экан-да.

Бу тарихни Арбоб эсини таниб қолган кезлари бир куни шабкўрланиброқ етимхонага кириб келган ўша кекса тарбиячининг ўзидан эшитган эди. “Мени сўкиб юрма, болам, – деган у дастрўмоли билан дам-бадам кўзларининг селобини артиб. – Фамилияда айб йўқ. Ҳаммамизнинг ҳам ота-бобомиз вақти-замонида кимгадир кул, кимгадир қарол бўлган. – Кейин негадир икки ёнига аланглаган бўлиб, аста қўшиб қўйган: – Ўзимиз ҳам шундай ҳозир... Лекин исминг зўр сенинг – Арбоб! Мўлжални ана шунга қараб олгин, болам”.

Осмондан тушган жияннинг айтишича, улар асли-таги кенагас уруғидан экан.

– Аждодларимиз жуда мард, жанговар ўтган, тоға, билсангиз! – дерди у ғурур билан. – Қонхўр Бухоро амирининг қулоғига симоб куйиб ўлдирган ҳам ўзимизнинг момомиз-да! Машхур генерал Жўрабек ҳам биздан!

Бу рўйи заминда тайин-тубли илдизи чикқанидан шўрлик Арбоб Қуловнинг боши кўкка етиб ўтирарди, албатта. Бироқ кенагас-пенагас, жанговарлигу қасоскор момо хусусидаги дийдиёлар, тўғриси, унча қулоғига кирмади. Умр ўтиб бўлди, нима фарқи бор энди? Бир кун келиб нарийёққа борганинда кимлардан бўласан, уруғинг нима, элатинг нима деб сўрамас, ахир! Ана, бир вақтлар ўзлари “шумошумо” қилиб, нақд Парижга йўллаб кўрдилар – ҳеч иш чикмади-ку! Гап анов-мановда эмас, пешонада экан, жўралар, пешонада! Насиб этса, келар Шому Ироқдин, дейдилар-ку.

Насиб этса... мана, бугун Арбоб бобомиз умрнинг барча аччиқ-чучугини тамом унутиб, ҳаж қилиш тадоригида юрибди.

Тақдирнинг жилваларини карангки, бобомизнинг ўртанча ўғли, ота армонларига қасдма-қасдми, француз тилини обдон эгаллаб, шу кунда Ўзбекистонимизнинг Париждаги элчихонасида кўринарли бир лавозимда ўтирибди! Талай йил бўлди. Шунгамикан, уни ўша ёқда фаранг қизга уйланиб олгандир, дегандай тахминлар ҳам чикди. Бекор гап, қайси ҳукумат хориждаги ваколатхонасининг мулозими ўша ерлик аёлга уйланишига қўйиб бераркан?! Бу ҳам Жийдалимизнинг адо бўлмас лоф-қофларидан, холос. Отасидан гап сўрасангиз, “Йўғ-э, келин ўзимиздан-ку, холасининг кизи, – дейди, кейин эса овозига қувлик аралашади: – Лекин ўзим бир никтаган эдим, бу Кенжа қашшангди уруғини қўй, улим, ўша ёқдан бирон фарангсини топгин, деб. Ҳазилга-да”.

Мана, ёронлар, умр бўйи ўзининг асли-наслини билмай, бир тасодиф ила ўзга элатга мансуб саналиб кетган ва шу туфайли байналмилал анжуманларга вакил этилган-у, яна бир тасодиф касрига ўша тарихий сафардан бенасиб қолган ўксик тақдирли қахрамонимиз қиссаси ҳам поёнига етаётгандек. Хўш, у бир вақтлар умргузаронлик қилган, Жийдали марказидаги ҳув биз кўп бора нақл этмиш кўхна иморатнинг кейинги тақдири не кечди дерсиз? Бино ахлининг бари у ерни тарк этганидан-ку хабаримиз бор, қани, янгилари кўчиб келдимиз, ким улар?

Бугун собиқ Совет кўчаси бўйидаги келгинди мусофирларнинг бир неча авлоди нашъу намо кўрган ўша тарихий истикоматгоҳда ҳеч ким яшамайди, лекин барча хоналари банд. Янги замон корчалонлари туманнинг қоқ белидаги тижоратга қулай бу манзилни аллақачон бош-оёқ сотиб олган, кўча тарафдан аломат эшиклар очиб, пештоқларига ажнабий тилларда турли-туман рангин лавҳалар осиб ташлаган. Энди бу ерни ўзига хос мўъжаз бир “Жийдали сити” демоқ ҳам мумкин.

Мана, қолган-қутган гаплар ҳам айтилди-ю, барибир тагин нимадир етишмаётгандек, ўша бинодаги охириги – олтинчи хона очилмагандек! Дарҳақиқат, узок фурсат бу эшикка яқинлашмоққа ҳеч ким журъат тополмай юрди. Негаки энди у ерга даъвогарлик қиладиган ёки сўраб-суриштирадиган банданинг ўзи йўқ эди.

Манфаат балоси қандоқ эшикларни очмайди дейсиз! Талай замон чамалаб юргач, ниҳоят, бир неча шоввоз – ҳар ерда ҳозир Сафар чакқон гувоҳлигида, албатта – “секрет” қулфини кўпориб ташлаб, хонага бостириб қиради. Кириб нимага воқиф бўладилар денг? Бу ёғи чинми-ёлғонми, ростми-лофми, хуллас, хоналар “шахсий дело”ларга лик тўла эмиш – баланд шифтга қадар тахлаб ташланган. Сафар чакқоннинг эътирофи-ча, оёқ остида ётган четлари чирик, моғор босган жилдлардан биринини очиб қараса, у маҳаллий девона Турдашга тегишли номаи аъмол бўлиб чиқибди!

Булари майли, буларига ҳарна ишонса бўлар, қани, энди тўрдаги хонага ўтайлик.

Хона ўргасидаги титилиб кетган эски шолча устида бир уюм суяк тўдаланиб ётганмиш. Ўлган одамнинг куп-куруқ жасадига ўхшармиш. Унинг бош томонида эса чанг босган, занглаган бир тўппонча – бунисига нима дейсиз! Гуёки мана шунча қоғозу хужжатни тўплаган кимса, уларни титкилаб чиқиб, излаганини тополмаган-у, кийим-бошини ечасолиб ўзини шартта отиб ташлаган!

Соғлом ақлга сиғмайдиган бу тафсилотлар – элнинг оғзидаги гап. Баъзиларнинг айтишича, хонани тинтув қилганларнинг ҳеч кимдан кўркмайдиган, ҳеч нимадан қайтмайдиган бебоку баттоли Сафар чаккон дейдиган бўлсак, ўшандан сўрасангиз ҳам, “Мана, барини ўзингиз айтиб турибсиз-ку, яна нимаси керак сизга?!” дермиш кўзини лўққайтириб.

Қирк йил бурунги гаплар энди бу. Ўзимизнинг Жийдалидан чиқиб кетганимизга эса ундан ҳам кўп бўлди. Энди буларнинг қайбири чину қайбири ўтирик эканини исботлаб кўринг-чи! Кўпини ўз кўзимиз билан кўрганмиз, айримларини эса айримлардан эшитиб олганмиз. Эшитганларимизни лоф десак, кўрганларимиз ҳам кам эмас-да, а, лаббай?

Аммо биргина айбимизни бўйинга олмасак бўлмас. Хув омад рамзи саналмиш тилла танга ташбеҳини паққос ўзимиз тўқиганимиз рост. Шунча ҳақиқат ичида бир чимдим лофи ҳам бўлса осмон узилиб тушмас, нима дедингиз?

Гоҳо хаёл олиб қочади: ўша тилсиём танга бугун ташланса, кимнинг чекига тушарди ва ўша одам Парижга бора олармиди?.. Биласиз-а? Мен ҳам биламан. Нега шундай экан? Мен билмайман. Сиз ҳам билмасангиз керак.



*Камол эт касбким, олам зўйидин,  
Санга фарз ўлмагай галмок чикмок,  
Махондин нотамом ўтмак бийних,  
Эрур хаммомидин нопок чикмок.*

**Алишер НАВОИЙ**



# Келар асрлардан мардона бир сас



Жамол КАМОЛ

## Тун чорлайди

Тун – қорасоч, барно келинчак,  
Кўзим тўймас бокишларига.  
Тун тўлдириб кўйнига чечак,  
Мени чорлар оғушларига.

Нур хандаси маст айлаб мени,  
Гул нафаси бўлиб муродим,  
Меҳри дилим аён этгали  
Аста-аста ташлайман одим.

Ой балқитиб, чакнагиб юлдуз,  
Тун қаршимда кулар жилвагар,  
Роз этарми, сўйларми бир сўз,  
Жамолига сизгинсам агар?

Мен юраман, қочар зебо тун,  
Лекин имлар кучоғи сари.  
Шуълалардан – чиройи гулгун,  
Уфқлардан – олтин камари.

Мен юраман, қочар зебо тун,  
Лекин очар сирли бир оғуш.  
Мени чорлаб йўлларга бутун  
Соялардан поёндоз солмиш.

Жамол КАМОЛ – Ўзбекистон халқ шоири, филология фанлари номзоди. 1938 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Олам қирар юрагимга”, “Тош тугён”, “Кўёш чашимаси”, “Та-факкур”, “Сувайдо”, “Умидли дунё” сингари тўпламлари чоп этилган. Олти жилдли “Сайланма”си нашр этилмоқда. Жамол Камол форс, инглиз, рус тилларидан Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Вильям Шекспир, Роберт Фиш асарларини таржима қилган.

Ҳар қадамда янгича фусун,  
Янги жило, янги ифода.  
Тун сингари сохиби хусн,  
Гулшани дил борми дунёда?

Ой сочаркан кўзимга ёғду  
Маст айламай кечган туним йўқ.  
Йирикларга бошлаб кетар у,  
Сахаргача менда тиним йўқ.

Тонг нурига тун бўлар таслим,  
Мен гўёки сирли сохилда –  
Ёр изидан боққан каби жим,  
Термиламан, соғинчи дилда.

Эгнида гул, бошимда само,  
Бир гўзалки, зебо, сурмакаш,  
Кўзларида ишваю имо,  
Мени чорлар бағрига яккаш...

## Шеърят

Кўл ётарди тоғларга тугаш,  
Мавжларига шамоллар шайдо.  
Бир болакай, нигоҳи оташ,  
Бўлди бир кун сохилда пайдо.

Уфкларга талпинган зилол  
Кўзларига бўларкан пайваст.  
Бир зум қолди хайрат ичра лол,  
Ҳаяжонда лол қолди бирпас.

Дам бир ҳадик, дам хавас билан  
Мовий кўлга боқди болажон.  
Бир хўрсиниш учди лабидан,  
Юрагига тушди бир армон.

Эгилдию садаф қайроқни  
Мовий кўлга ташлади аста.  
Сув бетида яшнаб бир оний,  
Пайдо бўлди зилол гулдаста.

Яна отди, яна... пайдар-пай,  
Юлдуз бўлиб сочилди тўзон.  
Кўл чайқалди, тошди болакай,  
Унут бўлди жумлаи жаҳон.

Шовуллаган, тўлкинли дунё  
 Хаёлини камради кучиб.  
 Бир пайт бокса, турар шалаббо,  
 Кўл ичида белдан сув кечиб.

Энтикдию ўзни серғулув  
 Тўлкинларга отди болажон.  
 Сузар бўлса, икболга ёр у,  
 Чўкар бўлса, фидойи бир жон...

## Улуғбек

Кўҳак кўрғонини кучоқлаб, куршаб,  
 Мажнунтоллар турар сочлари ёзиқ.  
 Соч ёзиб туришар санамга ўхшаб  
 Ва, лекин, қўллари самога чўзиқ.

Бу манзил ер эмас, осмон тагидир,  
 Курраи заминнинг ясат хонаси.  
 Бу – аршу аъзамнинг бир этагидир,  
 Улуғбек мирзонинг расадхонаси.

Тошинг шу маконда бўлсин деб тугал,  
 Келганлар кетарлар битта тош қўйиб.  
 Мен эсам бош уриб келаман ҳар гал  
 Ва, лекин, кетаман доим бош қўйиб...

Ҳар гал дилшод келиб, қайтаман дилхун,  
 Кўзим тийра тортиб, ҳисларим ботил.  
 Бу ерда Улуғбек шаҳиддир ҳар кун,  
 Муртад Абдулатиф ҳар куни котил!

Бу ерда окдиру кародир юзим,  
 Қувончу қайғуга бирдек ботибман.  
 Гўёки шаҳид ҳам, котил ҳам ўзим,  
 Улуғбекдирману Абдулатифман.

Бу ерда гурурим бир олам-жаҳон,  
 Лекин маломатим жаҳонга тутун.  
 Бу ерда кўкларга юксалиб чунон,  
 Қаро ер қаърига кирибман бутун.

Бу ерда кўзларга кундай ошкор  
 Ва яна аёндир шунга баробар.  
 Осмонга етгудек маърифатим бор,  
 Лекин жаҳолатим жаҳаннам қадар.

– Мана, кўриб қўйинг, бизлар ким эдик? –  
 Мактанмоқ бўламан, лекин тилим лол.  
 Қарғамоқ бўламан, қўймас Улуғбек,  
 Юраман довдираб, бир афтодаҳол.

Дўстлар, ҳақиқат бу, чучук ва тахир,  
 Яширмай ўртада кўрайлик баҳам:  
 Улуғбек осмондан тушмаган ахир,  
 Осмондан тушмаган Абдулатиф ҳам.

Улуғбек аллома эди беқиёс,  
 Лекин Абдулатиф ўшанинг насли.  
 Наҳот, ўз бўйинини чопса қиличбоз,  
 Наҳот, ханжар чекса аслига-асли?

Тарихий Турон бу, яшнаб-кўкарган  
 Боғида битгани нукул низолар.  
 Акалар укани тупроққа қорган,  
 Мирзолар устига юрган мирзолар.

Бу ерда отани ўлдирган ўғил,  
 Ота ҳам этмаган ўғлига шафкат.  
 Биз ўз конимизни тўкканмиз нукул,  
 Биз ўз пайимизни қирққанмиз факат.

“Сен киму мен ким”га тарқалиб иши  
 Аждодлар талашиб ўтган бесабр.  
 Юртига сиғмаган Синодай киши,  
 Донишдай кишилар топмаган кадр.

Яхшиям, замона айлаб сарафроз,  
 Кўзимиз ўнгида ёришди олам.  
 Қонларда Улуғбек яшайди, бу рост,  
 Лекин яшамасми Абдулатиф ҳам?

Худбинлик гоҳида кул қилар бизни,  
 Жаҳолат қиламиз қанчадан-қанча.  
 Гоҳо таниёлмай ўз-ўзимизни,  
 “Кимсан?” деб сўраймиз шармандаларча.

Саволни хуш кўрар одамзот хайли,  
 Сўраб-суриштириш одат азалдан.  
 Менинг кишлоғимни сўрашар, майли,  
 Лек сўрашади: қайси гузардан?

Ноаҳиллик деган ёвуз бир бало  
 Неча бор бошларда синдирди таёқ.  
 Лекин биз инсофни унутиб гоҳо,  
 Окни кора деймиз, тираймиз оёқ.

Ўзинг мададкор бўл, мунаввар идрок,  
Ўзинг мададкор бўл, кодир ақлу хуш.  
Қонларда Улуғбек яшайверсин пок,  
Лекин руҳимиздан кетсин падаркуш.

Судси фаҳри<sup>1</sup> сахни юлдузга тўлиб,  
Гумбазлар устида ёнавер, куёш.  
Биз ҳам улуғ бўлиб, Улуғбек бўлиб,  
Улуғлар ёнида кўтарайлик бош!..

## Оқибат

Бу йўлда учратиб кўрдилар мени  
Ҳар кимки учради йўлда, кўрдим мен.  
Башарий имконинг бутунми, яъни,  
Оқибатинг борми, дея, сўрдим мен.

Оқибат йўлига тикиб гаровлар,  
Ютқиздим, ютиб ҳам ютмадим унча.  
Оқибат кўрсатди менга бировлар  
Иш битиб, эшаги сувдан ўтгунча...

Ва, лекин, эй кўнглим, унутма зинҳор,  
Унутма, бу дунё – тошу тарозу.  
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,  
Шундан бошқасини айлама орзу...

Одамлар учрайди, юзлари шувут,  
Қадамига ўлчаб босар қарични.  
Шуларнинг шаънига ёғдирмасми юрт:  
“Оқибатинг курсин!” деган қарғишни.

Агар кўйиб берсанг, бировлар илдам  
Нафсига юртини айлағай фидо.  
Шуларнинг шаънига эмасми ҳар дам:  
“Оқибатинг куйсин!” деган бир нидо.

Халқ кечар, ҳикмати кечмас жаҳондан,  
Шундоқ бўлиб келган азалдан-азал:  
Баъзан оқибатсиз дўсту ёрондан  
Оқибатли рақиб минг бора афзал.

Келар асрлардан мардона бир сас,  
Тоғлар бу дунёда тургуси абад.  
Шу мовий самода юлдузлар сўнмас,  
Халқнинг юрагида яшар оқибат!

<sup>1</sup> Судси фаҳри — астрономик ўлчов асбоби.

Кўнглим, сен шуларни унутма зинҳор,  
Унутма, бу дунё – тошу тарозу.  
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,  
Шундан бошқасини айлама орзу...

## Ёнаётган дала

Зал чапак чалади... гуриллайди зал,  
Шипда чилчироклар, қандиллар биллур.  
Юзлар, табассумлар бир-биридан гўзал,  
Оппок баданларда либослар виллур...

Лол бўлиб атрофга қарайман секин,  
Улар кулишади, демак, улар ҳақ.  
Менинг тасаввурим уфқида лекин:  
Ёнаётган дала, ёнаётган халқ...

Шамол у ёкларда кезади санқиб,  
Қуёш ўт пуркайди, олов чамбарим.  
Рангпар рўмолларни бошларга танғиб,  
Чиқиб келар менинг маҳрумаларим...

Тонгдан то шомгача ишлайди улар,  
Қўлларда кетмонлар – зилдай темир юк.  
Шўрлаган елкалар, касовдек қўллар,  
Лаблар қовжираган, киприклар қуюк.

Йил сайин, ой сайин, соатлар сайин  
Офтоб уриб турар уларни давом.  
Улар ўргангандан ўртаниб, кейин  
Ловва-ловва ёниб кетишар тамом...

Пахта даласида бугун алкисса  
Гулханлар ёнади таратиб зиё.  
Қизлар, жувонларинг ўзини ёқса,  
Уял, эй жамият, уял, эй дунё!

Кўкўпар хирмонлар билан ёнма-ён  
Гулханлар кули бор, уюм ва уюм.  
Шамол совуради, сочади ҳар ён,  
Булутлар кўзёши тўкади юм-юм.

Эй олис элларда яшовчи инсон,  
Ногоҳ, кипригингга қўнса бир ғубор,  
Чексиз фалак ичра сарсон-саргардон  
Кезган у заррани аягил зинҳор.



## Нишопурда

Манам сайёх бўлиб, сайр айлабон,  
юрдим Нишопурда,  
Малаксиймо ажаб гулчеҳралар  
кўрдим Нишопурда.  
Чинорлар кўркига хайрон,  
атиргуллар аро сайрон,  
Кезиб, гоҳи хаёллар гаштини  
сурдим Нишопурда.  
Работлар бор экан, кирдим,  
хиёбонларга юз бурдим,  
Гурунг айлаб, ёронлар бирла  
ўлтирдим Нишопурда.  
Кўнгил хушлаб наволардин  
симирдим хуш хаволардин,  
Келармен деб, хаёлда ошиён  
курдим Нишопурда.  
Баногоҳ осмон бўлди чароғон,  
чақнади юлдуз,  
Ажаб юлдуз экан деб, термилиб  
турдим Нишопурда.  
Дедим: Кимсан? Деди: Ёринг  
фалаклар ичра дилдоринг..  
Паризодим, сени деб, неча оҳ  
урдим Нишопурда.  
Азизлар кисматин ўйлаб,  
мухаббатдин савол айлаб,  
Куйиб эрдим, яна куймоққа  
улгурдим Нишопурда.  
Жамолман, бир аламкаш деб,  
бухорий бир каламкаш деб,  
Не бахтки, шайх Аттор холини  
сурдим Нишопурда...

## ЖОНҚОРА

Ҳикоя



**Турсунмурод  
ЭРМАТОВ**

Йўл ёқасидаги пасткам томда ёйилган узумларни саралаётган аёл икки қўлини ёнга тираган кўйи, увишиб қолган оёғини узатди. Бироқ қўлларини ердан узган ҳамон, мувозанатини сақлолмай, гавдаси бир томонга оғиб кетди. У жон ҳолатда кафтларини томга босди. Қаддини ростлади, хавотирланиб, атрофга олазарак аланглади. Кимдир уни кўриб қолиб, раҳми келишини истамади. Қуёшнинг нурлари том устини тўлдириб ёйилган тилларанг узумга жимирлаб тўкилар, аёлнинг доимо ёш силкиб турадиган кўзларини аёвсиз қамаштирар ва бу унинг қилаётган ишига ҳалал берарди. Энди у ўзига ноқулай бўлса ҳам, қуёшга тескари томонга ростланди, мўлтоқ оёғини мувозанатига тўғрилади-да, ишини давом эттирди.

Аёлнинг бир оёғи қорасоннинг касридан кесилганди. Тақдири азал унинг юрагига ўйган ҳадсиз жароҳати ва бу нотавонлиги устига-устак кўзларининг доимо ёшланавериб, жонидан тўйдиргани, ҳали унчалик кексайиб қолмаган бўлмасида, тишларининг аксарияти тўкилиб битгани, шундоғам кўркамлиги бўлмаган бу муштипарни баттар хунуклик ботқоғига ботирганди. Буларни кўриб бир нафас ҳам ёруғ дунёнинг мунаввар лаззати ва масрур онлари бу банданинг хазин дунёсига кўриниш бермаётганини илғаш қийин эмасди. Шундай бўлса-да, аёл тақдирнинг қаттол кирдикорлари билан беаёв курашмоқ учун, ўзида етарлича куч топа олган, тушқунлик, ҳақирлик бўҳронларини ҳам доғда қолдириш, керак бўлса, уларнинг устидан ғолиб келиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандай, юз-кўзларида доимо қулги ўйнаб турар, бу билан у гўёки қисмат зарбалари устидан қаҳ-қаҳ ураётгандай эди.

Бу аёл йиллар мобайнида туллиқнинг ситамларини сипқорган ва анчагина қийинчиликлар заққумини тотган бобомиз яъни отамизнинг ақасига хотин бўлиб, чўл томонлардан тушиб келган. Бобомизнинг завжаси бўлганлиги учун биз ака-укалар уни момо деб атардик. У эрининг қариндош-уруғлари ҳурмат-иззатини жойига қўяр, ёшимиздан қатъи назар, сизлаб мурожаат қилар, фарзандидан гарчи ёшим кичик бўлса-да, мен ҳам бу иноятдан бебаҳра қолмаган эдим.

Мен момомиз ва бобомизнинг хонадонига жуда кам келганман. Улар ҳақидаги баъзи бир гаплар ота-онамнинг ўзаро суҳбатларида қулоғимга чалинса-да, бола-

*Турсунмурод ЭРМАТОВ – 1958 йилда туғилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган.*

ларча беғамлик мени бу инсонларга у кадар яқинлаштирмаган десам бўлади. Бирок онам момомизнинг жуда ҳам кадрига етарди. Эсимни таниганимдан буён бу аёлнинг ўз отимни айтмай, Жонқора деб аташини ҳеч тушинмасдим, олдинга жаҳлим чиқиб, онамга обидийда қилганим ҳам тўғри. Бироқ шундай аталишимнинг сабаб-моҳиятини ҳар қанча уринмай билолмаганим, онамга қилган илтижоларимнинг шамолга соврилганлари, менинг индамай кўнишим, бунга чорасиз бўйин эгишимга сабаб бўлган.

Катта шаҳарга ўқишга кирганимдан кейин онам қувончини овсини билан баҳам кўриш мақсадида, гарчи улғайиб қолган бўлсам-да, кенжатоғи, яъни мени момомизникига меҳмонга олиб келди.

У бизни томнинг устидаёқ кўрди ва сабрсизлик билан яқинлашишимизга кўз тикди. Қисик кўзлари юмилиб, илжайди. Унинг сарғайган йирик ва сийрак тишлари кўринди. Бизнинг ташрифимиздан боши кўкка етди. Ёнидаги қўлтиқ таёқларини илдам қўлтиғига олди-да:

– Мен ҳозир, ҳозир, – дея ҳовлиқди. – Шаҳарлик Жонқора кепти-ку!

– Моможониси, Жонқорангиз катта ўқишга кириб келди! – деди онам қувончини яширолмай.

Момомиз шошқилаб, қўлтиқтаёқларини томдан сирғалтириб ерга ташлади-да, нарвоннинг пиллапояларидан қўлларини шотига тираган кўйи, бир оёқда ҳаққалаб, дорбозлар сингари чакқон тушиб келди. Қўлтиқтаёғини ғичирлатганча аввал мен томонга дадил қадам ташлади, эркаклардай бир қўлида маҳкам сиқиб кучоклади. Момомизнинг қоқсуяк қўллари қаттиқ ва кучли эди. Сўнг елкамга шапатилаганча:

– Шаҳарлик қизларнинг шўрини курийтиб юрибсизми? – деб қийқириб кулди.

Онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, тансиқ овқатга ҳафсала қилиб, елиб-югурди. Бир гапириб ўн куларди у. Мен унинг ҳаракатини кузатиб, момомиздаги шижоат, ирода ва яна алланарсага тасаввур қилиб бўлмас даражада интилиш ҳиссиётидан батамом лол бўлиб турардим. У ҳамма нарсадан рози, бахтиёр эди. Момомиз шу ҳолида ҳам бобомизни ювиб-тарашига, уни ҳурматини бажо келтиришига шаксиз ишонса бўларди. Унинг оҳори тўкилмаган гап-гурунги, бир кадар ҳазми оғирроқ ҳазилларини ҳам моҳирлик билан қулгига ўраб-чирмаб кетишларигача, баъзида силлик, қуйма жумлалар эшитилиб қолаётгани, момомизнинг ташқи кўринишига мутлақо мос тушмаса-да, ундаги нималардандир бохабарлик, нозик таъбликни мендаги ботиний бир сезги аён қилиб турарди. Бундан менинг ҳаяжоним кучаяр, қалбимга эса илиқ бир нур оқаётгани сезиларди. Мен шу асно бу камтарин хонадонга жуда кам келганимдан ҳадсиз афсус чекар, бу ўтакетган худбинликдан бошқа нарса бўлмаганидан ўзимни қойирдим.

Ўшанда ҳар ким ҳам топа олмайдиган, ҳар кимнинг уйида учрайвермайдиган иккита қалин китобни момомизнинг тоқчасида кўрдим. Китоблар янги духоба мато билан қўлда қайта жилдланганди. Китобларни кўлимга олиб қардим. Духоба жилдда чиройли ҳуснихат билан биттасига “Алпомиш”, иккинчисига “Қунтуғмиш” деб ёзиб қўйилганди. Ўша кундан сўнг бу хонадонга, момомизга интиқлик уйғонганини сезганман.

Онамнинг баъзи-баъзида айтиб берадиган энг ғамгин хикоялари момомиз билан бобомизнинг дилгир кечмишларига келиб тақалар, бу нақл бизнинг энг эзгин онларимизга айланар эди. Момомиз билан бобомизнинг ёлғиз фарзанди ҳақидаги воқеа ҳали-ҳануз қалбимда хазинлик, ўқинч уруғини сочади. Мен бу воқеани болалик чоғимдаёқ эшитган бўлсам-да, гувоҳлари бўлган онамчалик ёки отамчалик идрок этолмас эдим. Ўша ёлғиз фарзанд бобомиз билан момомизнинг умидлари –

тиргаклари бўлганини онам доим кўзида ёш билан эслайди. Йиллар ўтиб момомиз билан бобомизнинг ўгиллари улғаяди, бобомизнинг қаватидан киради. Ори баланд бир йигит бўлади. Дўсти-ёронлари орасида келбатли бўлади. Давраларда манаман дегич полвонга бас келади, кураги ер кўрмаган марди ҳам бобомизнинг боласидан хайикадиган бўлади. Бобомиз ғурурдан боши осмонга етиб юради. Шундай кунларнинг бирида ўглини қаватига чорлаб: “Молбоқарликни ҳам, полвонликни ҳам касбга санаб бўлмас, болам, бирор хунарни бошини тутиш йигитнинг беази, ризки-насибаси, – дейди. – Шахрисабз томонлар кўп обод жой. Бирор хунармандга шогирд тушгин”. Йигит отасидан қайгуради. Онасининг интиқ нигоҳларидан узоклашишни хоҳламайди. Отаси, онасини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Ота тутган таёқни азиз билади.

Бир куни бобомизнинг ўғли дўстининг тўйидан бироз хаяллаб отарга қайтади. Кўнгли бир нарсани сезгандай нотинчлана-нотинчлана етиб келади. Келса, қўтон ичи хувуллаб кўринади. Отаси ётадиган ўрин бўш бўлади. Тўйига атаб боқиб қўйган тўрт новвосни жойидан топмайди. Йигитнинг бошидан хуши учади, важоҳат билан отилиб ташқари чиқади. Ўзини ҳар ён уриб, новвосларни излайди. Новвослар изини топгандай бўлади. Ерга ботган туёк изларини кўради. Югура-югура катта йўлга чиқади. Йўлда ногоҳ инграган овоздан донг котади. Жон ваҳмида ўша томонга отилади. Бобомизни ерда ётган, афтода бир ҳолда кўради. Қўл-оёғи боғлиқ бўлади бобомизнинг. Йигитнинг бундан эси оғаёзади. Ўзини ўглининг кучоғида кўрган бобомиз бўлган воқеани кўзда нафрат, юракда ҳасрат билан айтади. Ўғлининг қон тўлган кўзлари бобомиздан сўрайверади. “Таний олмадим, болам, варганзаликларга ўхшаброқ сўзлашди улар”, дея олади бобомиз. Йигитнинг юраги ўртаниб кетади. Алланимани англагандай тўлганиб кетади. Бир ҳафта бурунги Варганзадаги кураш чақиндай миясига урилади. Товоқни кўтарган чинор келбат полвон кўз олдига келади. Ўша полвонга талабгор бўлади бобомизнинг боласи. Баковул полвонни панжакентлик дейди, “Кураги ерга тегмаган полвон, азиз меҳмонимиз”, дея нисбат беради. Бобомизнинг ўғли давра четида тайёргарлигини кўриб турганида, унга бир ироқи дўппили киши яқинлашади. “Полвон, – дейди шивирлаб, – аввало тўй Варганзада бўлаётганини унутманг. Талаб қилаётганингиз панжакентлик машхур эшонимизнинг тилаб-тусаб олган боласи. Йикитиб қўйиб, бошингизни балога қўйманг. Яна бир гап, бу полвон бизнинг меҳмонимиз. Биз меҳмонни ранжитиб қўймаймиз, солимингизни берамиз, бу ёғига ўйлаб иш тутинг”. Бу гапларни эшитиб турган бобомизнинг боласи мийиғида кулади. “Ота-онам мени ҳам тилаб-тусаб олган, биродар, – дейди. – Кўрдик, полвонингизнинг қулоғи бор экан. Биз ҳар қандай полвонман деб давра айланган марддан қайтмаймиз, қулоғи бўлса бас”. Бу гапдан халиги кишининг кўзи олайиб, алланарса айтганча, шошиб нарилайди. Бобомизнинг боласи рақибини синаб, нарилай-нарилай, йўлбарсдай ҳамлага шайланиб олишади. Усулларини кутиб, беллашади. Бобомизнинг боласини ўйлаб турган лаҳзаси келади. Шунда, “Ё, пирим!” дея рақибнинг бақувват болдирига чил солганча, чинорни эгган мисоли эғади. Инграган қўйи рақибининг оёқлари ердан узилади. Давра гувраниб кетади. Варганза ларзага келади. Бобомизнинг боласи икки қўлини ҳавода ўйнатиб-ўйнатиб, музаффар давра айланади...

Бобомизнинг боласининг бошига урилган чакин ана шу бўлади. Йигитнинг вужуди зирқирайди, юраги нафратга тўлади. “Мен уларни топаман, ота!” дея наъра тортади. Ҳисор тоғи ошиб жўнайверади. Бобомиз ўғлига ёлғиз бормаслигини айтиб, зор қакшайди. Йигит арслондай қўқрак бериб, орийатдан юраги қакшай-қакшай тусмолидаги юрт томон шошилади... Кунлар ўтаверади, алп йигит қайтай демайди.

Унинг бедараклиги нафақат ота-онани, Ҳаловат элини ташвишга қўмади. Уруғ-аймоқ йигитни излаб, ҳар томон сочилиб кетади. Ох, фалак не чоғли беаёв. Нақадар аччиқ экан!.. Бобомиз ҳам, момомиз ҳам Яратганга илтижолар айтиб, йиғлай-йиғлай кутади. Шу боис момомизнинг кўзлари йиғламаганда ҳам йиғлагандай кўринадиган бўлади. Йиллар ўтади ҳам йигитдан дарак бўлмайди. Кўрган йўк, билган ҳам йўк. Кимлардир Ҳазрат Султон тоғларида қўй бокиб, пинҳон ўша ўғрилари изидан тушиб юрганмиш деса, яна биров Самарқанд бозорларининг бирида ҳаммоллик килиб юрганини эшитган чикиб қолади. Новвосларини ғорат қилганларни тополмай оввораи сарсон юргани тўғрисидаги мавҳум, гаплар совук шамол каби момомиз билан бобомизнинг дардини янгилайверади, мутаассир юрагини тилкалайверади, дарди дунёсини изтиробга қўмаверади. “Ах, болам-а, тўрт эмас, ўн новвос азиз бошингдан садақа”, дея нола чекади момомиз, “Бир кунлик ўлигим безга қоламасмикин?” деб ғам-алам ютади бобомиз. Бироқ бир мудҳиш ҳадикдан дунёси ёнади иккисининг, бир ёвуз хаёл мажруҳ қалбларни дўзахий бир чоҳга ирғитади... “Ер босиб юрганда келарди-я шунқорим, гурсиллаб-гурсиллаб келарди-я, полвоним! – дея изиллаб-изиллаб йиғлайди иккиси. – Ё Худо, ўзинг паноҳингда асра, ёлғизимни!” Бу дуо кун-кеча ҳам тилда, ҳам дилда. Бир лаҳзаки бу илтижо тинмайди. Бу ўтинч хануз бетиним...

Кўнгилни ҳасратга чўмдирадиган бу ҳодиса мени доимо ўз домига тортиб келар, ўша номаълум ёқларга кетганча қайтмаган йигитнинг аламли қисматини қалбим тўридаги уйғоқ бир туйғу яқкаш эслатиб туради. Қайси юртга бормай, худди у билан юзма-юз бўлиб қолишдек ҳаяжонни туяман, ҳали-хануз уни сўраб-суриштиришдан тўхтагим келмайди...

Бобомиз шундан кейин подани бир ўспиринга топширди. Ўзи уйи олдида катта боғни обод қилди. Биз ёқларда узумзорни боғ дейди. Ўх-хў анчагина, боғ деса боғ дегудай ўзиям. Султони узумлари куёш нурида тиллага менгзаса арзийди. Бир момомизнинг кўзини эмас, қараган барчанинг кўзини қамаштиради. Унинг ҳосили бирам бўлади, бирам бўладики. Бобомиз томга чиқариб беради, момомиз бу ёғини эплайди. Майзини айтинг, ҳар бири бошбармоқнинг катта бўғинидай...

Қишлоққа келганимда момомиз билан бобомизнинг олдида боргим келаверади. Дўстлар бошқа, қариндошлар ўз йўлига, мени қандайдир ботиний, бетиним куч, интиқ бир туйғу ундайверади. Атайлаб момомиздан Жонқорани кимлигини сўрагим келиб бораман. Жонқоранинг кимлигини биров билса-чи, шояд эшитгани бордир? Маъно-маниси нима? Гўдақлигимдан менга эш бўлган, эргаш бўлган Жонқора! Аниғи шуки, момомиздан бўлак одам боласида бу жавоб йўк. Жавоб бергучи йўк. Йўлдан атайлаб момомиз билан бобомиз учун Самарқанд нонини олиб бораман.

– Келинг, Жонқора, айланай сиздан, келинг, – дейди ер-у осмонга сиғмай. – Кенжа қайнимиз кеп қопти-ку! – Момомиз худди ёш боладай хурсанд бўлиб кетади. Учиб-қўнади. Обдан сўрашади. Мен алдаб юрган шаҳарлик қизларнинг ҳам аҳволини сўрайди. Сухбат қизигандан-қизийди. Гапи ҳазилидан бир парда юқорилайди-да, момомиз тушқур мени уялтиради...

– Ким у Жонқора? – дейман. Баҳонада гапни чалгитаман. – Отимни айтаверинг, момо. Жонқорангиз нимаси?..

– Сиз бизга қайноға турсиз. Отингизни айтолмаймиз-да.

– Унда Жонқорангиз ким бўлди, момо?

– Катта ўқишларда ўқийсиз-да, шугинани билмайсиз...

– Ўзи яхши одамнинг отими?

– Полвонларнинг оти-да, яхши дўстларнинг оти, айланай...

– Жон момо, айтинг, ичим кизиб кетди.

– Бир шарт билан айтаман, – момомиз муғомбир жилмаяди. Мен ҳар келганимда айтаверадиган гапни яна қўзғамок пайида бўлади. Ўгирилиб қўшни ховлига қараб қўяди, яна кулади.

– Э, қўйинг-ей момо, топиб олганингиз шу, – дейман ёлғондакам момомиздан хафа бўлиб.

Бир гал борсам момомиз том устида куриган туршакни тўрвага жойлаб, қўни-қўшнига бўлишаётган экан. Имлаб ёнига чакирди. Момомизнинг олдида чикдим. Момомиз қўшнининг ховлисига им коқди. Қарадим.

– Сочига қаранг, сочининг ўзи бир киз! – дейди момомиз ҳазиллашмай. – Хотин, киз деган ниначидай бўлмай, мана шунга ўхшаган тутимлигина бўлса-да! Бугина кизга ҳам ер боқиб гапиради. Ҳуснига нон ботириб еса бўлади.

– Нон ботириб е-еб ўтиринг бўлмасам, – деб куламан.

– Вой, айланай сиздан, сиз нон ботириб енг деб юрибман-да, Жонқоражон, – дея қарсақ уриб кулади момомиз.

Момомизнинг ўша айтган гаплари йиллар ўтиб хотирамда тикланади. Ҳолсиз, тушкун ўйлаб қоламан. Момомизнинг гапларини шунчаки эрмак деб юргангани ўйлайман. Мендай бир олийгоҳда таҳсил кўраётган, “билими уммон”га бир ўқимаганнинг тенг бўлиши тўғримиқан, деган хаёлларим энди ўзимга жуда бачкана ва юксиз туюлади. Ўша бебошликлар, сарсари хаёллар ва ёшликнинг бетийик, дакки-девона кечмишлари...

...Шуларни ўйлаб кўз ўнгимда қилдай нозик, ипақдай эшилган, чошгоҳда зўрға уйғонадиган, шахарнинг қоқ ўртасида ўниб-ўсган, ёстикдошимиз гавдаланади. Сўнг негадир ўша момомиз биз учун ўзича асраб юрган, қошлари қалам, сочи тақимини ўпган дуркун қизни ўйлаб қоламан. Шунда яна кўз олдимда аёлимнинг чарчоқ ва ҳамиша нимадандир норози нигоҳлари бўй кўрсатади. Мен ўйлаб қоламан ва ўйимга етолмайман. Ўзимни ҳам номаълум нарса қийнайверади. Еган ичгани олдида, бугун истироҳат боғи, эрта концерт, индин... Бироқ кун-кунора ҳали боши, ҳали тиши... Қони кам эмиш... Бу қони тушқур қаёққа кетаркан?... Инжиқлик, эркалик... Бу ҳам қоннинг камлигиданмикин?... Момомиз шуларни билганмиқан, шуларни ўйлаб айтганмикин? Аҳ, моможоним-а!..

Шахардан безиб, саратонда бетон деворларнинг ҳовурига дош беролмай, салқин гўшаларни кўмсаб, бола-чақани олиб кишлокқа отланамиз. Неча кундир ҳали у ошнаникида, ҳали бу жўраникида бош ғовлаб, сарсари юрамизда охири зерикамиз. Момомиз билан бобомизни ҳам бир кўриб ўтайлик кетар олди. Маликаи дилоромнинг анави қўлтиктаёқда судралиб юрадиган, хунук момони, момомизни сира кўргиси йўқ. “Келиб-келиб ўшатга борамизми, ўргилдим сиздақа романтикдан! Манга ким бўлалла, ман момо деб айтолмайман, опоки дейман. Адаси, бормей қўяқолайлик...” Мен бу нағмаларни сезаман-да, атайин уни бирга олиб бораман. Олдинига уни такаббурлиги тутиб, тумтайиб, бетоқат ўтиради. Бироқ момомизнинг қайноқ тафтидан қишда печканинг устига қўйилган челақдаги муздайин аста-аста эрий бошлайди. Момомиз ҳам, бобомиз ҳам келинини ўтиргизгани жой тополмайди. Айниқса, момомиз миллион нарсага уриниб ётибди-да, кўзига боқсангиз ҳеч кўнгли тўлмаётгандай. Нимадир камдай. “Туршак, майизни кўтарганингча ол. Ахир боримиз сизларники-да, орқалаб кетармидик?!” Момомиз хотинимга тез-тез қарайди. Бир менга, бир унга, бир унга, бир менга. “Ширилик берманг, кўпроқ гўшт есин”, деб ичи тутайди. Ҳаммасини пичирлаб айтади. Тесқари қарайди-да,

афсусли бош чайқаб, эпсиз бўлади. Чикаётганимизда хотинимнинг “Яхши-да, а, адаси, опоқи билан додани этаман, боёқишлар ширин сўз, бирам меҳрибон!” деган гапларига аранг чидайман, виждоним зиркирайди. Момомиз тутказган тўрвадаги зилдай оғир ёнғоғ-у, майизнинг куч-қудратига қойил қоламан...

– Жонқора, келинни олиб, яна келинг, – дейди момомиз.

Хотиним бакрайиб қолади:

– Ким? Жонқора? Оппоқкинасиз-ку! Нега унака деяптилар?..

Сабабини момомиздан сўрамайман. Мавриди эмас-да. Бошқа гаплар орага киради. Момомиз жон деб ҳазил-хузул қилади. Кулиша-кулиша хайрлашамиз. Қушдай енгил тортаман. Момомиз, бобомиз хайр-хушлашаяпти-ю, мен бўлсам уларни соғинаяпман, тавба, негадир хўрлигим келаяпти, истиҳола билан улардан кўзларимни яширишга тиришаман.

Кунларнинг бирида ишхонамга онам кўнғирок қилди.

– Момомиз ўтиб қолдилар... Кела оласанми?

– Нима! Нега, нега ахир!?! Яхши эдилар-ку! Қачон... қачон?! Она, момомиз, ўзимизнинг момомизни айтаяспизми?.. Кела оласанми, дейсизми? Бу нима деганингиз, она?..

Йўл олис. Момомизнинг тобутини кўтаришга етолмадим. Беихтиёр момомизнинг аксарият ўтирар жойи – томга кўзим тушди. Ҳамма нарса саранжом-сарийшта. Майизлар саралаб олингани билиниб турибди. Момомиз шундай қолдирармиди? Қариндошлар эшик олдида саф тортишган. Бобомизни бағримга босаман. Бобомиз кичрайиб қолгандай худди. Ушоккинадай. Кўзёшлари юзларини ювади, мен далда бўлиш йўлини излайман-да, тополмайман.

Бобомизнинг ёнида кечгача ўтирдим. Кейин хайрлашиб йўлга чиқдим. Кетаяпман, ортимга қарайман. Оркамда биров йўқ. Биринчи марта мен учун ўлиб-тириладиган, гиргиттон бўладиган одам йўқ. Йўқ! Кўзларимга ёш қуйилиб-қуйилиб келаяпти. Бошимда жавоби йўқ саволлар. “Моможон, менга Жонқоранинг кимлигини айтмадингиз-ку?! Сиз айтгандай ўша катта ўқишларда ўқибману уни кимлигини билолмабман-да, қаранг! Бормиди ўзи ўша Жонқора деганингиз?! Ёки мени яхши кўрганингиз, мени эркалаб айтган ҳазилларингизмиди, а, моможон?” Юрагим бир армон билан ўртанди. Шу кез кимнингдир ортимдан чақиргани хаёлимни бўлиб юборди. Қарасам, бобомиз. “Болам, қаричилик курсин, эсимдан чиқаёзибди, момонг сенга бериб қўйишимни тайинлаганди”, дейди қандайдир қоғозни менга узатиб. Ёш тўла кўзларимни арта-арта нарироқ бориб қоғозни очдим. Хатда шундай ёзилган эди: “Жонқора бу – Қоражон. Алпларнинг кенжаси – Алпомишнинг дўсти. Момонгиз”.

# Юрагида анор гуллаган аёл

Шеърӣ қисса<sup>1</sup>



Зулфия МЎМИНОВА

Мастура Сайфуддинова. Унинг исмини Анорхон ҳам дейдилар. Сабаби, Мастура Сайфуддинованинг умри анорзорлар билан чамбарчас боғлиқ...

\* \* \*

Азим Фарғонада, гўзал Кувада,  
Бир қизча туғилди ойга кариндош.  
У киз гулдан бунёд ё нурдан бунёд.  
Нафосатга йўлдош, меҳрга йўлдош.  
Ўн етти баҳорни қарши олганда,  
Тушларида доим анор гулламиш.  
Нурли бир келажак чорлабон унга,  
Анор гулларида салом йўлламиш.  
Туну кун ҳамдами ғазал ила байт,  
Гоҳида Навоӣ, гоҳида Бобур.  
Гоҳи Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и,  
Гоҳида Машрабу гоҳида Махмур.  
Одобин мақтайди бутун маҳалла,  
Ўқишлари ҳам ҳамма фандан беш.  
У юрса кўчалар тўлади нурга,  
Бу йил якун топар мактабда ўқиш.  
Дарсдан қайтаётиб, хандон отишиб,  
Атиргулдек ифор сочади қизлар.  
Бир-бирин туртишиб: “Бахтдан айтинг” – деб,

<sup>1</sup> Қисқартириб берилмоқда.

Зулфия МЎМИНОВА – 1959 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. Ижодкорнинг “Ватан ташлаб кетмайди”, “Бешикларни асрагин дунё”, “Самога сочилган юлдузлар”, “Истиқдол – олтин гулим”, “Ёнаётган аёл”, “Қудратли юртимга”, “Биринчи ўқитувчим”, “Никоҳ шартномаси”, “Аёлга бахт беринг”, “Аёлга гул беринг” каби китоблари чоп этилган.

Фолбинга кафтини очади қизлар.  
 Мастура қарамас фолчи тарафга,  
 Вақти йўқ, шошади уйига томон,  
 Қизлар куршаганча фолбин аёлни,  
 Гоҳ маъюс тортишар, гоҳида хандон.  
 Бир кунни ўқишдан қайтаркан қизлар,  
 Фолбин Мастурага деди, узоқдан:  
 – Эй қиз, мандан қочма, кафтингни очма,  
 Сенда бир сир кўрдим яқин-йироқдан.  
 Мастура ҳам тинглаб, термилиб қолди.  
 Фолбинлар қанчалик сўзлаган билан,  
 Яратган кўлида унинг тақдири.  
 Фолбин дер: – Ҳеч кимга ўхшамайсан, сен,  
 Маликалар мисол кечар ҳаётинг,  
 Умрингга ҳамроҳдир илоҳий дарахт,  
 Боғларда кечади умри баётинг,  
 Йўлингга ғов ташлар гоҳи номардлар.  
 Кўпинча яширин санчади нишин.  
 Сен кўп қийналасан охир-окибат,  
 Мардона енгасан ҳаёт ташвишин...  
 ...Мақтабни битирди, ҳаммаси аёло,  
 Қариндош, уруғнинг жони, дили у.  
 Саодат опанинг кўзи қораси,  
 Сайфиддин аканинг эрка гули у.  
 Қизи дер: – Отажон беринглар дуо,  
 Анорзор боғларга боғланди кўнгил.  
 Сирткида ўқийман, куйинманг, асло,  
 Тажрибам ошади боғда йилма-йил.  
 Ота дер: – Дўконни сенга атовдим,  
 Қиз болага оғир далаю ёбон.  
 Она дер: – Очгандим чевархонани,  
 Сен билан синглингга очилдастурхон.  
 – Раҳмат – деб, сўз бошлар яна Мастура, –  
 Орзуим боғ очиш тақир чўллардан.  
 Менга ярашмасму боғбон деган ном?  
 Асло, чўчимасман совуқ еллардан,  
 Бу ҳам Яратгандан буюк бир инъом.  
 Ота рози бўлди кизин аҳдидан,  
 Меҳнат ҳалолликку, у танлаган йўл.  
 – Ота рози – Худо рози, – дейдилар:  
 – Шогирдга бераман Анжир бобога.  
 Тонг саҳар кетамиз адир томонга,  
 Онаси мен рози, сен ҳам рози бўл.  
 Патир, нон ёпинглар Анжир бобога,  
 Сандиғингни очиб дўппи, чопон ол.  
 Мен кетмон обкелай бозорга чиқиб,  
 Сенлар топганингни тугунларга сол.

Тонгда йўлга чиқди ота билан қиз,  
 Қишлоқ ортда қолди, болалик қолди.  
 Аравада кетмон, аравада қиз,  
 Онаси дарвозада термилиб қолди.  
 Анжир бобо эккан анорзорларга,  
 Улар етиб келди айни саҳарда.  
 Бобо кутиб олди уларни мамнун,  
 Тонгда меҳмон келса бир хикмат борда:  
 – Келинг Сайфуддинхон, келинг она қиз,  
 Анорзор боғларда сизни хуш кўрдик.  
 Мастура боғларга қараб махлиё,  
 Бир ўзи яшайди бобоси шўрлик.  
 Худди эртақларга ўхшайди боғлар,  
 Анжир бобо эса эртақчи чолга.  
 Боғбонлар боғбони ҳосил кўтариб,  
 Куз чоғи далалар тўлади болга.  
 Бобонинг ёзги уйи боғнинг тўрида,  
 Қиш чоғи қишлоққа қайтади доим.  
 Бобонинг умри ҳам мисоли эртақ,  
 Унга шундай тақдир бермиш Худойим!  
 Тиллаша билади новдалар билан,  
 Боғбонлар боғбони аташар уни.  
 Ҳунар ўргатади келган ёшларга,  
 Боғбонлар устози аташар уни.  
 Қўли очик бобо тўрт йил муқаддам,  
 Мастурага берди юз дона кўчат.  
 Уч йилда катта ҳосил берди у,  
 Рўзғорига кирди куту барокат.  
 Совғаларни кўйиб сўри устига,  
 Дўппию чопонни қўлга олди қиз:  
 Бобожон чопонни онам қовиди,  
 Дўппи муаллифи мана ўзимиз.  
 Сайфуддин ака дер: – Шу қизингизни  
 Шогирдликка олинг, ўргатинг боғни.  
 Сиз берган кўчатдан хазина топдик,  
 Анорга ўргатдик бутун қишлоқни.  
 Бобо дер: – Оввора бўлибсиз роса,  
 Қўли дард кўрмасин эрка қизимни.  
 Аммо, бизнинг меҳнат жуда ҳам оғир,  
 Машаққат келтирар ризку рўзимни.  
 Биламан, кўп ўйлаб бунга келгансиз,  
 Аммо, гапларимни кулоққа олинг.  
 Мен учун ёрдамчи, қизга соябон,  
 Сайфуддинхон сиз ҳам мен билан қолинг.  
 Ўйлаб-ўйлаб охир боғда қолишга,  
 Розилик билдирди қизнинг отаси.  
 Дўконни эплайди аёли энди,  
 Ўғли бор, у энди уйнинг каттаси.

Шу кунлар Мастура осмонда юрар,  
 Бир ёнда отаси, бир ён устози.  
 Дала шамоллари сочини силар,  
 Бош узра минг турли қушлар парвози.  
 Мастура сиртқиға ўқишга кирди,  
 Ҳар икки томонга улгуриши шарт.  
 Билим ва тажриба қоришиқ бўлса,  
 Эзгу муродига етади, албат.  
 Синфдош кизлари, гул санамлари,  
 Бирин- кетин уни чорлашди тўйга.  
 Унинг ҳам ошиғи – ўша Баҳодир,  
 Аниқ жавоб олмай тушган не куйга.  
 Қизлар гап ташлайди: – Сенинг Мажнунинг,  
 Жавобингни кутиб, девона бўлди.  
 Энди, раҳим айла ул бечорага,  
 Сени деб, ақлидан бегона бўлди.  
 – Менинг ишларим кўп – дейди Мастура –  
 Ҳали ўқишим бор, тажриба керак.  
 Олдинда қанчалар довон турибди,  
 Нурли келажакка талпинар юрак.

\* \* \*

1979 йил Фарғонанинг Қува туманига Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов ташриф айлаб, барча соҳаларда ишларнинг боришини кузатиш билан бирга, “Анор” совхозига ҳам келди...

Анорзорга келди Шароф Рашидов,  
 Ёнида раҳбарлар, мухбирлар бисёр.  
 Анжир бобо чикди уларга пешвоз,  
 Ўнг қўли кўксида хизматга тайёр:  
 – Ассалом, хуш кўрдик, юртнинг отаси,  
 Ташрифингизга биз эдик мушток.  
 Марҳамат, ҳаммамиз сизга мунтазир,  
 Ҳар битта сўзингиз биз учун сабоқ.  
 Раҳбар қўлин берди Анжир бобога,  
 Деди: – Сизлар ҳақда эшитганим бор,  
 Омон юрибсизми меҳнатда тинмай?  
 Бола-чақа қандай, набираларчи,  
 Қандай муаммо бор айтинг тортинмай?  
 Шунда, Мастураҳон гапга қўшилди:  
 – Боғбонлар устози – Анжир бобомиз,  
 Мана шу анорзор бобо боласи.  
 Бутун жамоамиз унга оила,  
 Боғларга боғланган қалбин толаси.  
 Муаммолар бизда йўғроғу аммо,  
 Кузда трактору телечка керак.  
 Ишловга, анорни калин кўмишга,

Тупрок ташиш керак, ўғитлар керак.  
 – Яшанг қизим, тортинмай айтганингиз-чун,  
 Албатта, техника зарур деҳқонга.  
 Иккита трактор “Анор” совхозга  
 “Волга” машинаси уста боғбонга  
 Берамиз, шу бугун чиқади буйруқ.  
 Совхозга, устозга бу марҳаматдан,  
 Мастура куш бўлиб чиқарди қанот.  
 Шу кун Фарғонага овоза бўлди,  
 Оддий боғбонларга меҳр-мурувват.  
 Шароф Рашидовнинг меҳр чашмаси  
 Анор боғларига берди яшиллик.  
 Анорхон шу кун яна англади,  
 Меҳнатнинг жавоби бўлар яхшилик.  
 Кечқурун шийпонга бувиси келди –  
 Сайфуддин аканинг азиз онаси.  
 Барчани табриклар қилди дуолар,  
 Қишлоқнинг обрўли, доно момоси.  
 Мастура бор гапни сўзлади унга,  
 Шароф Рашидов не деганлигини,  
 Ёш қизга: Опа – деб, мурожаат айлаб,  
 Устозга “Волга” берганлигини.  
 Шароф Рашидов кексаларни қўллаб,  
 Жажжи болаларга қўлини тутди...

\* \* \*

“Анор” совхозига икки трактор,  
 “Волга” машина уста боғбонга  
 Келган кун Кувада байрам – тантана,  
 Ош ҳам тайёр бўлди катта қозонда.  
 Мастура миниб кўрди тракторларни,  
 Сайфуддин аканинг кайфияти чоғ.  
 Юраги тозада Кува халқини.  
 Табриклар билан тўлди анорбоғ.  
 “Волга”га бобони миндириб олиб,  
 Роса айланишди қирни, қиёни.  
 Бобо: – Болаларни айлантир – дейди,  
 Бола қийкириғи тутсин дунёни.  
 Шодлик кун хат келди ошиқ зоридан,  
 Ўша Баҳодирдан, ўша Мажнундан:  
 – Анор гулларидек нафисим салом,  
 Салом юрагимнинг эрка малаги.  
 Бунча боғландингга анорзорларга,  
 Мендек бағри қонни йўкму кераги?  
 Мактубга жавоб ёз, бир оғиз сўз айт,  
 Кел, десанг, шамолдек учиб борурман.  
 Битта ишорангни дариг тутмагин,

Анор боғларингни кучиб борурман.  
 Олий маълумотли диплом муборак,  
 Эшитдим барини, эшитдим эркам.  
 Энди колмадику бирор бахона,  
 Рози бўл, бошлайлик катта тўйни ҳам.  
 Яна жавоби йўқ йигит зорига,  
 Мастура анорзор оралаб кетди.  
 Қўлдан тушиб колди йигит мактуби,  
 Дайди шамолларда йўқолиб битди.

\* \* \*

1983 йил. Совук куз...

Ўзбек халқининг орқа тоғи – Шароф Рашидов кулади.

Улкан муҳаббат билан яшаган одамдан улкан муҳаббат қолди.

Нурли хотира қолди, азиз хотира қолди. Фаолиятлари давомида у инсоннинг қўли силамаган бош йўқ. Оёғи етмаган дала, дашт йўқ.

Фарғонага келганларида, Қувага ташриф буюрганларида, албатта, “Анор” совхозига келар, боғбонларнинг дардини эшитар эдилар.

Мастураҳонга – Анорхон исмини қўйган ҳам Шароф Рашидов бўладилар.

Анорзорларни йўқолиб кетишдан олиб қолган ҳам шу мухтарам зот эдилар...

Кейин... янги раҳбар бўлди. У Москвага суянди. Москвасиз ўтмас бирор-бир куни. Ҳар босган қадамин Москвадан сўрарди.

– Тажрибали юристлар юборинг – дея, илтимос қилди у катта оғага. Оғзидан илтимос чиқиши билан дарҳол етиб келди “тажрибали юристлар”...

...Мақсади, ўзбекни синдириш экан:

Бириси Иванов, бириси Гидлян.

Икки бошли аждар келди дафъатан:

Бириси Иванов, бириси Гидлян.

Уларнинг наздида ўзбек порахўр,

Уларнинг наздида ўзбек ишэкмас.

Ҳеч қандай меҳнатсиз кўпайиб ётар,

Ўзбек сандиғида олтину олмос.

Вилоят раҳбари, туман раҳбари,

Турмага тикилди навбатма-навбат.

Колхоз раҳбаридан, ҳисобчигача,

Ёшми ё қарими қилмади шафқат.

Терговга олинди, қийин-кистовла,

Ҳаттоки, аёли-жуфти ҳалоли.

Пахта хирмондаги қоровулга ҳам:

– Қимдан қанча олдинг? – сўрар саволи.

Ўзбек елкасида қарсиллар камчи,

Ўзбекнинг кўзидан оқаверди ёш.

Азиз бошинг теккан калтаклар синди,

О, халқим тошмиди сендаги бардош?

– Пулларинг қаерда? – сўрар Иванов,

– Олтинлар қаерда? – сўрайди Гидлян.  
 – Кимга қанча бердинг? – сўрар Иванов,  
 – Кимдан қанча олдинг? – сўрайди Гидлян.  
 Бошингга урилган курсилар синди,  
 Совуқ деворларга сачради қонинг.  
 Авахтаҳонада тахталар синди,  
 Халқим темирмиди танангда жонинг?  
 Қўшниси қамалди Анжир бобонинг,  
 Пахтакор колхозда раис эди у.  
 Саккизта боласин ҳалол боқарди,  
 Тиним билмас эди, билмасди уйку.  
 Онаси бор эди, кекса, дуоғўй,  
 Она каби эди Анжир бобога.  
 Боласин кишанлаб олиб кетганда  
 Бечора додини Худога айтди.  
 Ёка ушлаб қолди бутун маҳалла,  
 Унинг ҳалоллигин ҳамма биларди.  
 Гидлян буюрганмиш: – Обкелинлар – деб,  
 Буйрукни бажармай нима киларди?  
 Жуда ошиб тушди уч кундан кейин  
 Раиснинг уйида тинтув бошланди.  
 – Эринг олтинларни қайга қўйган – деб,  
 Раиснинг аёли томон ташланди.  
 Гидлянчилар уялмай очиб кўришди,  
 “Ўлимтик” сандиғин кекса онанинг.  
 Тилло топилар деб, титиб кўришди,  
 Уй-жойу молхона, тандирхонани.  
 Ўша кундан бошлаб йиқилди момо,  
 Кўтараолмайин тухматни, ғамни.  
 Такрорлар: – Болалари қандай қилади?  
 Ўзи етимликда ўсгани камми?  
 Ўн беш кунлар ўтиб бечора она,  
 Тангрига топширди омонатини.  
 Гидлян боласига рухсат бермади,  
 Ҳатто, эшитишга васиятини.  
 Кўзи очик кетди, такрорлаб айтди:  
 – Мендан рози бўлгин болам, жигарим!  
 Сўнги нафасда ҳам пичирлади у:  
 – Тухмат тошларидан асагин Танграм!  
 – Онам – деб, йиғлади Анжир бобо ҳам,  
 Аччиқ аламлари тутди дунёни.  
 Раис олтин кўмган бўлса агарда  
 Ўн йил киярмиди битта пальтони?  
 Қасрда яшамаса, кимхоб киймаса,  
 Даволатолмаса бемор онасин,  
 Ҳалол боқиб турса саккиз боласин,  
 Ким ҳам эшитарди унинг носасин.

Бу тухматдан куйиб Анжир бобо ҳам  
 Йиқилди қаноти қайрилган қушдек.  
 Адолатсизларнинг ҳар битта сўзи  
 Унинг юрагига урилди муштдек.  
 Дарҳол ётқишиди шифохонага,  
 Ёнидан кетмади Сайфуддин ака.  
 Шу ерда Мастура, жами маҳалла,  
 Дўхтирлар ёнида турибди тикка.  
 Уч кундан сўнг, секин келди ўзига,  
 Мастурага деди, хорғин, беозор:  
 – Илтимос, нотарус қақиринг бунга,  
 Мени нотарусга айтар сўзим бор.  
 Анжир бобонинг айтгани вожиб,  
 Дарҳол қақирилди нотарус ходим.  
 Ҳеч ким тушунмайди нияти нима?  
 Ёнида сўз демасдан, кутиб турар жим.  
 Анжир бобо деди, нотарусга: – Ёз,  
 Менинг бор мулким жондай қўшимнинг  
 Саккиз боласига хатлаб берилсин.  
 Улар ночор қолса “Волга” машинам,  
 Сотилмоғи учун чора кўрилсин.  
 Ўша тун ҳаётдан кўз юмди боғбон,  
 Қувага тарқалди қайғули нола:  
 – Отам – деб, йиғлади йигитлар, қизлар,  
 – Бобом – деб, йиғлади саккизта бола.  
 Мастура адирга қайтди иложсиз,  
 Кўксини куйдирди айрилиқ доғлар.  
 Боғбон кетганини сезгандек худди  
 Бошин эгиб қолди анорзор боғлар.

Мастурага тор бўлди дунё. Кўзида ёшларин тўхтата олмас. Хаёлдан кетмайди Анжир бобоси гўё юрган каби анорзорларда...

\* \* \*

Анжир бободан айрилиш Мастураҳон учун катта йўқотиш эди. Устознинг доно ўғитлари анорзорларнинг ҳаёти эди. Устознинг хатти-ҳаракатлари ҳосилнинг баракати эди. Мастураҳон ўз устози билан фахрланади. Унинг арвоҳи ҳаққи-хурмати ҳам анорзорларни кўз қорачиғидек асрайди, авайлайди. Яхши ҳам шундай пайт отажони бор ёнида. Раҳматли устози Мастураҳоннинг ёнида Сайфуддин аканинг бўлиши кераклигини олдиндан билгандек...

Яна мактуб келди ўша йигитдан,  
 Ўша Баҳодирдан, ўша Мажнундан:  
 – Анор гули каби нафисим салом,  
 Салом юрагимнинг эрка малаги.  
 Нозик дилингизга кетмасин тегиб.  
 Эшитдим, савдолар ўтибди бошдан,

Таъзия билдиргум бошимни эгиб.  
 Ўша муҳаббатим рад этилган кун,  
 Бошим олиб кетдим Рязань томон.  
 Ўйловдим севгимни унитарман деб,  
 Афсуским, ўзимни алдабман ёмон.  
 Ҳижрон азобида куйдим, доғландим.  
 Ҳар кун тушларимга кирди Фарғона,  
 Қанча узок кетмай шунча боғландим.  
 Бу ерда сотишар Кува анорин,  
 Тикилдим, гўёки, меҳрингга қондим.  
 Ушлаб, силаб қўйдим ҳар бир анорни,  
 Сенинг қўлинг теккан дея, қувондим.  
 Аноргули каби нафисим ўзинг,  
 Кел, десанг, ёнингга учиб борурман.  
 Сенинг меҳринг тушган ҳар бир ниҳолни,  
 Анорзор боғларинг кучиб борурман.  
 Мастура ҳайрондир мактубни ўқиб,  
 Қаерларга кетди далли-девона?  
 Афсуски, ўзи ҳам бепарво бўлди,  
 Хат ёзди, хати тез бўлиб равона,  
 Араз, кинояга ҳар сатри тўлди:  
 – Ассалом, соғмисиз олис Рязаньда,  
 Парвона бўлгандир малласоч кизлар?  
 Есенин куйлаган Шаҳина каби,  
 Анойи эмасмиз Кувада бизлар.  
 Сув париларига ем бўлмасданок,  
 Орқага қайтингиз, Кува кутмоқда.  
 Шошилинг, қўлида гулдаста билан  
 Анорзор ёнидан алплар ўтмоқда...

\* \* \*

Баҳодир кўксига босди мактубни,  
 Ҳар битта сатрини суртди кўзига.  
 “Алплар юрган эмиш анорзор ёнда”,  
 Бу гапдан келолмай қолди ўзига.  
 Рақиблар азалдан тўсиқ йўлимга,  
 Дарҳол чипта олди Тошкентга томон.  
 Ўша алпларними?.. Тушсин қўлимга.  
 Йигит юрагида рашк ёнди ёмон,  
 Мана уйга қайтди, она Ватанга:  
 – Ассалом, Ватаним, пойтахти Тошкент,  
 Сендай юрт қайдадир, қайда сендай эл?  
 Ассалом, Фарғона, ассалом, Кува,  
 Юрагим ўзингсан, ўзингсан кўнгил!  
 Йигитни шод кутиб олди онаси,  
 Отаси, синглиси бўлиб интизор.  
 – Баҳодир энди ҳеч кетмагин болам –

Оминахон ая ёлворар такрор.  
 – Хўп, она совчига борасиз энди,  
 Сайфулдин аканинг ўша кизига.  
 Фақат фурсат ўтсин улар азадор,  
 Вақт олий ҳакамдир, келсин ўзига...  
 Тонгда анорзорга борди Баҳодир,  
 Сайфулдин акага учрашди дастлаб.  
 Тиловат қилинди, ўқилди Куръон,  
 Анжир бобонинг рухига атаб.  
 Сўнгра, Мастурадан кўнгил сўради,  
 Эсланди бобога боғлик хотира:  
 – Орадан шунча вақт ўтиб кетибди,  
 Топишу йўқотиш – деди, Мастура –  
 – Қанчага келдингиз, айб йўқ сўрасак,  
 Яна Рязаньга жўнаб кетарсиз?  
 – Йўқ, энди, кетмайман, бир нафасга ҳам,  
 Чунки Фарғонадек юртни кўрмадим.  
 Қува анорзори ҳеч қаерда йўқ,  
 Анорхондан ўзгага кўнгил бермадим.

Баҳодир Мастураҳонга: – Сиз нима дейсиз? Кўнглингизда менга ўрин борми? – дегандай, термилиб турарди. Шунда Мастураҳон йигитнинг кўлига бир қоғоз тутди. Унда ҳазрати Румийнинг куйидаги сўзлари битилган эди: “Сен менинг кўнглимда бўлсанг, Яман шаҳрида бўлсанг ҳам ёнимда турган кабисан. Агар кўнглимда бўлмасанг, ёнимда бўлсанг ҳам Яманда юрган кабисан”.

Баҳодир битикларни бағрига босди.  
 Мастура анорзорларга қараб деди:  
 – Менким, оддий боғбон сўзида ҳақман,  
 Аёлман, баъзи бир эрдан мардрокман.  
 Тупрокқа эгилиб, ризким терарман,  
 Элим чинор бўлса, мен бир япроқман.  
 Анорзорлар билан оламан нафас,  
 Ҳашамат, зебу зар менга бегона.  
 Елкамга ин курди меҳнат кушлари,  
 Меҳнатим – якин дўст, меҳнат-дугона.  
 Қўлларим хинони кўрмас неча йил,  
 Бир ушоқ таъма йўқ ризким – нонимда.  
 Дедилар, қаттиқдир боғбоннинг нони,  
 Чидаган қолади менинг ёнимда.  
 Баҳодирхон унга жавобан деди:  
 – Ўзга юртда тиним билмай ишладим,  
 Сўзларингга қурбон бўлай Мастура,  
 Мен қул эмас, бек эканим билурсан.  
 Билиб туриб, мендан атай қуларсан.  
 Ўтиб кетди у қуларнинг сурони,  
 Юрагимни анор мисол ёриб кўр.

Таъбнозигим, ҳолим билсанг кулмайсан,  
 Ватан битта, она битта ўзбекка.  
 Мард йигитнинг юрагида ори бор,  
 Бирни севса, юздан кечиб севади.

\* \* \*

Орадан бир йил ўтиб Баҳодирхон катта тўй билан Мاستураҳонга уйланди. Янги ерлар очилиб, анорзорга яна йигирма гектар ер кўшилди. Бу ерларга сув келтириш, хосилдорлигини ошириш учун тиним билмай меҳнат қилдилар.

\* \* \*

21 март – Наврўз куни барча эл-улус Мастураҳоннинг шийпонига кела бошлашди. Маҳалланинг чакқон аёллари бир кун олдин сумалакни солиб, пиширишни бошлаб юборишган. Пазанда келинлар уйларида тайёрлаб келган кўк чучвара, кўк сомсаларни лаганларга солиб дастурхонларга тортади. Болалар варрак учирш билан банд. Катталар дийдорлашиб Наврўз нашидасини тотадилар. Мачитнинг имом хатиби келгач, Куръон тиловат қилиниб ўтганлар хотираси ёд этилади.

Фирдавс йўлининг очилган куни,  
 Кўнгилдан тугунлар ечилган куни,  
 Минг турли чечаклар сочилган куни,  
 Йўқла, кўнгли камни Наврўзда йўқла.  
 Жайронлар жуфтани чорлар қирларда,  
 Дурри шабаррўз порлар қирларда,  
 Севгилар қирларда, сирлар қирларда,  
 Йўқла, кўзи намни Наврўзда йўқла.  
 Қалдирғоч ини бор юраккинамда,  
 Тошларнинг изи бор кураккинамда,  
 Тишларнинг изи бор кўйлаккинамда,  
 Ташна дилгинамни Наврўзда йўқла.  
 Қирларнинг бошида рўмол ҳўл бўлди,  
 Найсонлар томдилар ёши кўл бўлди,  
 Какликнинг куйидан юрак сел бўлди,  
 Ғамангиз санамни Наврўзда йўқла.  
 Бир зоғи бедоғ йўқ, дунё шу экан,  
 Ҳасратким, адоғ йўқ, дунё шу экан,  
 Хазонсиз чорбоғ йўқ, дунё шу экан,  
 Бевақт ўчган шамни Наврўзда йўқла.  
 Сахий бўл, юракда атиргул келтир,  
 Ўша атиргулни шартта юл, келтир,  
 Кўнгилни тушингич, бир кўнгил келтир,  
 Йўқла боши хамни Наврўзда йўқла...

*Давоми бор*



Муҳаммад ШОДИЙ

## МЕН ЗҶРМАН

Ҳикоя



“Маҳалламит паҳлавонлари” мусобақасида ғолиб аниқланди. Болакай севинганидан сакраб юборай деди. “Дадам чемпион!”

Ҳамма бугунги беллашув қандай кечганини ўзаро шарҳлаб, уй-уйларига тарқар, болакай гўё қанот чиқариб учарди. Кўнглида ифтихор туйғуси. “Ўзимдан катталар ҳам ҳавас билан қаради менга. Сиз туфайли. Раҳмат, дада!”

Қишлоқнинг энг ёши улуги – бобоси ҳам хурсанд бўлади бу хабардан. У ҳам вақтида зўр курашчи бўлган. Ҳа, от изини той босар деганларидек, бир вақтлар бутун водийда тенги бўлмаган паҳлавоннинг ўғли бугун маҳаллада энг зўр курашчи. Чемпион!

Бобоюннинг қўли доим дуода. “Ҳазрат Али шери Худонинг руҳи қўлласин!” дерди ўғлини. Дуо ижобат бўлган кўринади.

– Паҳлавоним! – ёшига муносиб келмаган эпчиллик билан ўрнидан туриб, ўғлини кучоклади мўйсафид.

Шу пайт дадаси, томдан тараша тушгандай, нима деб юборди денг...

– Полвон номингиз бор сизнинг ҳам. Куч синамайизми, ота?

Болакай бўшади. Қулоқларига ишонмасди. Отаси, “Куч синайизми?” деб турибдими ёши бир жойга борган бобосига?

Лекин бобосининг юзида ажабланиш йўқ эди.

– Майли, – дея розилик билдирди у.

– Қани, келинг. Лекин мен зўрман!

Болакай тошдай котди. “Дадам нима килмоқчи? Ростдан ҳам... беллашмоқчимиз бобом билан? Эси жойидами ўзи?”

У бобосининг белидан кўлини ўтказаётган дадасига:

– Тўхтанг, – деди ҳаяжонли товушда.

Дадаси кўлини тортиб, унга юзланган эди, дудукланиб:

– Аям чақиряптилар, – деб қўшиб қўйди.

– Аянг?

– Тезда чиқаркансиз.

– Хўп!

Чиқиб кета туриб янги чемпион отасига қарата:

– Мен зўрман! – деди яна.

– Биламан, – деди мўйсафид кулиб қўйиб.

Болакай “куч топиб ақлини йўқотган” дадасининг бундай муомаласидан титраб кетди.

*Муҳаммад ШОДИЙ – 1959 йилда туғилган. Ҳўжанд давлат университетини тамомлаган. “Муборакбод”, “Саждагоҳ”, “Бахт фариштаси”, “Юракларда қолган муҳаббат”, “Иккинчи баҳор” китоблари нашр этилган.*

“Бу канакаси? Мен зўрман, деяптими даб-дурустан?”

– Болам, сенга нима бўлди? – сўради бобоси унинг ботиний изтиробини сезиб. Болакай зўрма-зўраки жилмайди:

– Мен, шунчаки... Лекин дадам ҳазиллашдилар. Эркаландилар, зўрман, деб. Сиз хафа бўлманг!

Мўйсафид хохолади:

– Нега хафа бўлай, болажоним? У ҳақ гапни айтди-ку? Бир пайтдаги кучкуватим ҳозир дадангда. Бугун чемпион бўлди. Мен зўрман, дейишга у ҳақли!

– Ҳеч ҳам-да, бобо. Хонадоннинг энг зўри – ўзингиз! – болакайнинг кўнгли бузилиб, кўзларига ёш қалкиди.

Орадан ҳафталар ўтса ҳамки, дадаси: “Ота, мен зўрман!” дейишдан чарчамас, гўё атайлаб болакайнинг жаҳлини чиқариш учун шундай деб кўкрак керарди.

– Билдик, зўрсиз, – деди болакай бир куни ғашланиб.

– Зўрни зўр дейдилар-да, бола! Ота, – бобосига юзланди дадаси, – мен зўрман дейишим нега ёқмаяпти тирранчага? Кўз олайтиришини қаранг. Ўзингиз айтинг, мен зўрми ёки...

– Сен зўрсан, ўғлим, – деди бобоси, “мактанчоқ” фарзандини елкасидан кучаркан. – Бошинг омон бўлсин. Лекин бир кун келиб манави набирагинам зўр бўлади!

Мўйсафид ётиб қолди. Кўп ўтмай оламдан ўтди. Дунё болакайнинг кўзига қоронғи. Қандай яхши кўрарди-я! Чемпион дадасида ҳам энди олдинги шашт йўқ.

Орадан йил ўтди. Яна беллашувлар бошланармиш, деган гап чиқди. Болакай дадасидан сўради:

– Майдонга чиқасизми?

– Йўқ, – маҳзун қулимсиради дадаси. – Энди... Мен энди...

– Нима бўлди? Зўр эдингиз-ку?

Бироз чуқур хаёлга чўмган дадаси хўрсинди:

– Ҳа, зўр эдим. Мен зўр эдим, болам. Энди...

У бу гапни шундай ички бир дард ва изтироб билан айтдики, болакайнинг аъзойи бадани қалтираб кетди. Хонада – оғир сукунат. Болакай дадасининг ғамгин кўзларига боқар, дадаси эса мўйсафиднинг деворда осиглик суратига маҳзун термиларди: “Ота, мен нима бўлдим? Нима бўлдим мен, ота?”

Болакай унсиз фарёд қилаётган дадасининг ортидан кучди. Нотўғри тушунаркан уни. Бир вақтлар нега такрорлаб: “Мен зўрман” дея қўлларини... Йўқ, бағрига босаркан отасини. Эркаланиб... Энди у йўқ. Кимга керак энди кап-катта одамнинг эркалиги? Энг яқин дўсти энди йўқ. Қулаб тушди суянган тоғи.

Болакайнинг раҳми келиб кетди.

– Қулоқ тутинг, дада. Эшитяпсизми?

– Нимани? – дадаси ўтирилди.

– Бобожоннинг гапларини... – болакай шундай деб бобосининг суратига хаёлчан термилди. Сўнг отасига юзланиб: – Сизгамас, менга гапирдилар, – деди. – Дадангга айт, руҳини чўқтирмасин, мен шу ерданман, ёнингизданман, дедилар бобожоним.

– Наҳотки? – дадаси ҳаяжонланди.

Болакай уни қаттиқ кучоқлаб, тасалли оҳангида:

– Ҳали ҳам зўрсиз, дадажоним, – кўшиб қўйди. – Сиз зўрсиз. “Мен зўрман”, деб айтинг, илтимос! Илгаридай “Мен зўрман” денг!

– Мен зўрман, – деди дадаси кулиб.

Шу тобда у ҳақиқатан ҳам аллақандай кучнинг юрагини жунбушга келтираётганини сезар, кўзлари порлар, деворда осиклик мўйсафид отасининг суратига мамнун боқарди.

“Янглишган эканман, мен тамом бўлдим, деб. Шу ерда экансиз, отажоним, мен зўрман. Мен зўрман!”



Ҳабиб АБДУНАЗАР

## Суккутлар очади ийўлимни

\*\*\*

Само нури,  
Руҳи чароғим –  
Тонгни ўраб қўяр тун билан.  
Гулга буркар ошик дилимни  
Гуллаган суман.

Замин нури,  
Руҳи чироғим –  
Кўмиб қўяр кечани кундуз.  
Ёритади девдай дунёни  
Шишачага қамалган юлдуз.

\*\*\*

Атиргул –  
Юрагим соябонида,  
Юрак – сен.  
Дунёни айлаб хокисор,  
Келдинг содиқ –  
Митти халоскор,  
Митти ҳаяжон.  
Ишқ – яшил тиедек  
Сирпар юрагимни,  
Гумбуллар чакин.  
Ҳавога сачрайди

Ҳабиб АБДУНАЗАР – 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг “Манзара”, “Анжир гули”, “Гулларни қўмсаган оғоч”, “Дил меҳроби” шеърый тўпламлари нашр этилган.

Гулли мактублар –  
 Ой тўла дилхат.  
 Мен эса,  
 Гул тўккан  
 Хаёлим билан  
 Пойингга йиқилдим,  
 Қорайган дарахт.

\* \* \*

Жонга экдим – қароғим гул томчисини,  
 Яшилланди самоларда яшил руҳим.  
 Қўлга олиб ҳилпиратдим юрагимни,  
 Тепаликлар ғурурига тегди ухим.

Мусикадек эркалаган ғам товушин  
 Бармоғига илиб эшиди кўхна шамол.  
 Тун умримни юмалоқлаб, қисматини  
 Қароғимга боғлаб кетди жоду мисол.

Кетаётган дарвеш наво келди қайтиб,  
 Йўлга солди авраб дилим боласини.  
 Ойларини санаб-санаб чарчаган ой,  
 Тўрлар ташлаб чорлар дарё ноласини.

Билинмайди, кечамизга кирган шарпа,  
 Фақат, субҳ ошкор этар ер товушин.  
 Кипригига қўйиб осмон учирар гоҳ  
 Қадимларнинг овозига уйғун қушин.

Келаверар ер айланиб адашган кун,  
 Ҳаволанар бўғзим тўла сариқ шамол.  
 Ишқ силкитиб туширган гул юрагимни  
 Силаб-сийпаб кўтаради қушноч аёл.

\* \* \*

Оғир туш –  
 Сендан келган сир –  
 Беовоз, бесас.  
 Оппоқ кечаларга экди ёғдуни.  
 Оппоқ хаёлларни оралаб тунда  
 Юрак учида.

Юракка мос,  
Юракка яқин,  
Одимлар нафас.  
Беҳис, бетизгин,  
Йўргалар дунёнинг беадок туни,  
Топгандек самонинг кўринмас изин.

Оғир умид –  
Дилнинг бир четида мудраган кунлар  
Ёшдек айланади зулмат сиёҳдониди.  
Сирли, сирли нигоҳ  
Қарар йўлимга –  
Йўлларимни тўлдирган соянг.

Бу соянг остида тўлиб, кимтиниб  
Тебранар, айланар тошдек ҳалқумда  
Ҳаромга айланган покиза умид,  
Ҳалолга айланган нопок кулгулар.  
Оғир, оғир...

\* \* \*

Мусофирман –  
Манзилдан манзилга шошаётган он.  
Тунни қоқиб ташлаб, ошиқ тонг билан  
Дилга яқинлашган махзунгина жон.

Қайғули ёмғирлар талашган кузни,  
Нафасим тўзғитиб учирди ҳар ён.  
Кипригимга кўнди иссиққина ғам,  
Сочларимга тушди бахт, яна ҳижрон.

Қай бир бекатларда яшатдим ғамни,  
Қай бирида колди йиғлаб қувончим.  
Мажнун қояларни паналаб тонгда  
Мени кузатади халоскор овчим.

Бу такво йўлларни кийдим ридодек,  
Гулсўзлар келтирдим кодир самодан.  
Ишқ мавжиги ўраб дам урган дилни,

Окиздим тушлар сув ичган дарёдан.

Мусофирман....

\* \* \*

Рух –  
 Дилзар олами  
 Заррама-зарра  
 Йўқотди  
 Қадим гул овозларини.  
 Тошга юккан висол,  
 Майсага ўхшаш  
 Нуровоз тебратди  
 Дил созларини.  
 Мен эса бир ошиқ,  
 Ай, дилафгор қалб,  
 Ғам билан ювилган  
 Сархуш субҳнинг  
 Орзу шамолига тутиб  
 Кўксимни –  
 Йиғладим,  
 Йиғилар руҳимда унди.  
 Гуллади кўзимда  
 Бир гўдак овоз,  
 Хаста юрагимга  
 Шамоллар инди:  
 “Севдингми?”  
 Билмай очдим тунда  
 Азал эшигин,  
 Минг йиллик ҳасратни  
 Уйғотдим нолиб.  
 Мендан безиб кетди  
 Кечаги ҳислар,  
 Орзу тўрвасини елкага олиб.  
 Кўзимга тўкилди –  
 Бир ўсмир садо,  
 Кўлларимдан ушлаб  
 Силтади осмон:  
 “Севдингми?”  
 Топиб айтолмадим  
 Гўзал исмингни,

Териб ололмадим ердан бир нигоҳ,  
Ёмғир тилларини тушунди кўзим,  
Улғайиб, қариди  
Бу ўжар гуноҳ:  
“Севдингми?”

\* \* \*

Мафтун дил ҳижобин очади  
Ёғдулар ёпинган бир туйғу.  
Овозлар тўлдирар руҳимни:  
“Ху, Ҳабиб, ху-у!”

Чорлайди дарёлар тутиб йўл,  
Ариқлар ёқалаб келар тонг.  
Хушбўйдан, хуш бўйлар келади,  
Томоқдан отилиб кетар жон.

Кетаман шамолга суяниб,  
Булутлар пойимни ўрайди.  
Ишқи йўқ ошиққа қимтиниб  
Дарахтлар бир даво сўрайди.

Бу нима: тош, тупроқ ва яна  
Қўлимга олганим гам – кўзгу.  
Сукутлар очади йўлимни:  
“Ху, Ҳабиб, ху-у!”

# Борадиган манзилимиз бир



Бобур ЭЛМУРОД

\* \* \*

Бир заминда туғилдик омон,  
Бирга ўтди эрта-кечимиз.  
Битта эди биз билган осмон,  
Битта эди Яратувчимиз.

Бир қозондан ошар эдик ош,  
Чинимиз бир, ҳазилимиз бир.  
Кундаларга бирга қўйдик бош,  
Борадиган манзилимиз бир.

Аммо, мени қийнайди бир ҳис,  
Бирга ёнмас бағирлар нечун?  
Нечун ҳамон муштдек жонимиз,  
Тикилмаган ҳеч нарса учун.

Қай тарафга юзимни бурмай,  
Қиблагохдек азиз тўрт томон.  
Шу Ватанни нега одамлар,  
Биргалашиб севолмас ҳамон?

---

Бобур ЭЛМУРОД – 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Кўзларимдаги дунё” номли китоби нашр этилган.

\* \* \*

Шундоқкина йўл четида,  
Битта дарахт ёлғиз ўсар.  
Сарғайтирар баргин қуёш,  
Мевасини шамол узар.

Чайқалади дарахт оғир,  
Сўзламокқа уринади.  
Кўзларига гоҳо олов,  
Гоҳ хазонлар кўринади.

Нима қилсин, ўткинчи ҳам  
Узиб емас мевасини.  
Дарахт сўзлар, лекин ҳеч ким  
Тушунмайди шевасини.

\* \* \*

Овозимни ёзиб олди бир киши,  
Сураткаш суратга олди туришим.  
Яхшиям кўриниб турмас уларга,  
Сени ич-ичимдан яхши кўришим.

Ёмон шароитда унмайди уруғ,  
Бу гап ўсимликлар илмига оид.  
Мен сенинг ҳақингда ўйлашим учун,  
Фақат ич-ичимда бордир шароит.

Бетоб эдим, бир зум кўзимга бокиб,  
Шифокор текширди юрак уришим.  
Ич-ичимни ёриб, билмади жарроҳ,  
Сени ич-ичимдан яхши кўришим.

Ҳали манзилингни айтмадинг дуруст,  
Айтмадим, ўзимнинг қайда туришим.  
Ишкилиб, Худога аён бўлсинда,  
Сени ич-ичимдан яхши кўришим.

\* \* \*

Нахот, энди, севги оташин  
 Ёндиrolмас ҳеч бир кишини?  
 Етти алпга шарт кўйиб Барчин,  
 Қутмай кўйди Алпомишини.

Сув қидириб кетди Фарходлар,  
 Лек, оқмади дарёлар тўлиб.  
 Афсус, алпдек қанча ботирлар,  
 Қайтолмади Алпомиш бўлиб.

Орамизда кўп эди Широқ,  
 Умид қилдик, тўсар ғовларни.  
 Биз қутгандай бўлмади, бироқ,  
 Бошлаб келди улар ёвларни.

Кимдир ҳамон тушмади отдан,  
 Эгарларга мингашди қибор.  
 Энди чиқинг, ўзингиз чоҳдан,  
 Қутқаргани келмас Бойчибор.

Тор кўнгилга сиғмайин қолди,  
 Мажнунларнинг муҳаббатлари.  
 Ошқор бўлди Отабекларнинг  
 Қумушларга ёзган хатлари.

Хотирамда бари – уларнинг  
 Эслайверсам қийнайди ёди.  
 Бунча гўзал – инсониятнинг  
 Китобларда қолган ҳаёти.

\* \* \*

Кезаман – ҳар лаҳза йўллар очилар,  
 Узаман – ҳар лаҳза гуллар очилар.  
 Мени дуо қилиб ҳар кун қишлоқда  
 Бир жуфтгина қадоқ қўллар очилар.



Маъмура ЗОХИДОВА

## САРҲАДСИЗ САДОҚАТ

Қисса



*Мен чўлоқ бўлиб қолдим. Тўғриси, иштаҳам ҳам бўлмаяпти. Ташиланган нонларга ета олмаётман. Ана, эрталабкиси, кўлмакда бўкиб ётибди. Аввалги ҳолим бўлса, шуни олиб офтобда қуритардим. Кейин тоза жойга кўмардим. Қорним очганда ердим. Нон-ку майли, уйга ҳеч ким келмаган кунлар сувдан қийналаман. Чанқоқ зўридан муздай айвонда ё дарахтнинг соясида ётаман. Кўчанинг нариги бетидаги тегирмонга юк олиб келганлар бу уйдан кимдир чиқиб олиб келган юкни тарозида тортиб олиб кўйиши учун бир-бир чақиршишади. Ҳеч ким чиқмагач, қайтиб кетишади. Шуларга уйда одам йўқлигини билдириши учун ҳуриб кўйишига ҳам қурбим етмай қолди.*

Эрталабда ҳаво муздеккина эди. Ит бурчакдаги офтоб тушадиган жойга ғужанак бўлиб олди. У ориклаб кетганди.

*Лекин барибир ўтган кунларимдаги оқиши малла ит – Бўйноқ, сочлари узун кўшини қиз – Шоҳида кўз олдимга тез-тез келади. Ўша пайтлар, мазза қилиб яшагандим.*

Уй кимсасиз эди.

Анча аввал хўжайин хотинини шаҳарга ишга жойлаб, энди пул кўпайтириш, шаҳардан ҳам уй олиш ғамига тушган вақтлар туман марказида ишларди. Ҳеч бўлмаганда, икки кунда бир уйда бўларди.

*Хўжайин келиши билан олдига югуриб борсам, кулиб энгашарди. Энди уни кутиб оладиган мenden бошқа биров йўқ эди. Унинг кўзи ёшланарди. Мен уни соғинганимдан ёнига чопардим. Унинг юзини кўриш мени жуда қувонтирарди. Осмонга иргешлардим. Бошқа ҳеч нарса керакмас эди. Очлигимни ҳам унутиб қўярдим.*

Бу ҳақиқий соғиниш бўлса керак...

*Кейин у менга овқат беришига шошиллар, уйда емиш йўқ бўлса, катта йўл бўйидаги дўконга чиқиб нон олиб келарди.*

Уй эгаси нонга кетиб борар экан, “Бу киш баҳорга етмай ит ўлиб қолса керак”, деб ўйларди. Уйга қайтгач, нонни шундоқ остона ёнига кўйиб, ичкарига кириб кетар, устма-уст келаётган одамлардан кеч хуфтонгача бўшамасди. Нон ҳам ўша жойда қолиб кетарди. Бечора ит нон ёнидан у ёқдан-бу ёққа неча ўн марта ўтар, эгасининг чиқиб, ўз кўли билан беришини кутар эди.

---

*Маъмура ЗОХИДОВА – 1973 йилда тугилган. Наманган давлат университети филология факультетида таҳсил олган. “Ҳикоялар”, “Айтилмай қолган гаплар”, “Нажот куйи” каби шеърӣй ва насрӣй тўпламлари чоп этилган. Қатор адабий-танқидий ва публицистик мақолалари матбуотда эълон қилинган.*

Мана энди, хўжайин оиласи ортидан кетган, ҳафтада бир келади-ю, эшик олдидан турган беморларини кўриб, қўли теккандагина менга қарайди. Беморлар уф тортишиб, бетоқат бўлиб навбатга туришади. Хўжайин уларнинг баъзилари билан қўл узатиб сўрашади-да, оёғи остидан турган бўлсам ҳам, мени илгамайди. Тўғри-да, ахир одамлар одамлар-ку.

Одамлар!

Уларнинг юзлари шундай чиройли, худди иситадиган қуёшга ўхшайди. Уларнинг қўлидан кўп ишлар келади. Биз итлар одамларсиз яшолмасак керак.

Хўжайинни қидириб келганлар менга қўрқа-тиса қарашади.

Аввал ҳам кўрганлар унинг яхши ит экани ҳақида бошқаларга хабар беришади.

Уларнинг кўплари эрталабдан бери эшикда тик турган бўлишади. Баъзи кунлари хўжайинни машинада олиб кетишади. У кеч келади-да, ҳеч нарсага қарамай, жой солиб ётиб олади. Мени эркалатиб бўйнимдан кучоқлашини кутаман, кейин ҳафсалам тир бўлади. Лекин у уйга кириб кетган кунлари кўнглим тўқ, мазза қилиб ухлайман.

Бир ойда бир келадиган беканинг айтишича, баҳорга чиқсам, тузалиб кетармишман. У шундай деганда, болаларнинг кичик амакиси “Эй, бунинглар баҳорга чиқмайди. Қўтир ҳам бўлиб ётибди”, деди. Жуда хафа бўлдим. Биринчи марта чўлоқ бўлишиммас-ку. Қўтир ҳам нечанчи марта тоишини.

Бировнинг бошидан ўтганини Биров билармиди.

Уй рўпарасидаги тегирмонда ишлайдиганлар нонларидан қолганини ташлаб кетишар, бошқа вақт унга емиш йўқ эди.

Уйимизни яхши кўраман, менчалик яна бу уйни яхши кўрадиган йўқ. Тўғри, бекам болаларни олиб шаҳарга кўчиб кетган кунларидан кейин ҳар тўрт кунни ўтказиб, уч кунга келарди.

Унинг бундай тез-тез келишлари баҳор тугаб ёз бошлангунча давом этди.

Бека кечалари хўжайин ишда бўлганда, ҳовлига чикиб йиғларди. Болалар ҳам “уйимиз яхши, кетмаймиз”, деб қаршилиқ қилган бўлишарди. Хўжайин бу тўғридаги суҳбатларда ҳар гал “Уй-жойни у ёқдаям қиламиз, аяси. Болаларни ўқитамиз. Яхши яшаймиз. Ишхонамнинг музлигини қара, белим оғрийди. Кетайлик. Бу ерда чирок бир ўчса, эрталабгача ёнмайди. Болаларнинг ранги чикмаяпти”, дерди. Чирок ўчмайдиган жойларга ўзлари тиклаган уйни ташлаб кетиш ҳам осон бўлди уларга. Шунини деб кетишадими ахир?

Шаҳарда одамларни тахлаб-тахлаб ичига жо қилганича туйғулардан қисиб, лекин шароитдан ёлчитиб яшатадиган кўп каватли уйлардан бирида тўрт болани тўрт ёққа кузатиб, ўзи пешингача номига ишга бориб келадиган бека ҳар чоршанба тушдан кейин йўлга отланар, кичик болаларнинг қаровини каттасига юз тайинлар эди. Йўлда у бирпасда ўзгариб кетган ҳаёти ҳақида уйларди. Болалари кишлоқнинг кенг кўчаларига ўрганган. Энди бирдан тор уйга тикилиб қийналишаётганидан кўксидан бир нима жиғиллар, нотўғри қилдикми деган ҳадикда келгуси кунлари ҳақида уйларди.

Ора-сира “Қоплон қарғамаса бўлди”, деб ҳам кўярди.

Мен болаларни яхши кўрардим. Улар ҳали айрилиши, яхши кўрган яқинларини йўқотиши нималигини билмасдилар. Ҳаммага ишонардилар. Шунинг учун ҳамма нарсага, ҳатто менга ҳам катта ишонч билан, ҳайрат билан қарашарди. Мен уларнинг бир умр шундай қолишларини истардим. Мана, мен ҳам анча босилганман. Кўрган-кечирганларим мени ҳам чўқтирган. Аммо болаларни кўриб турсам, яшагим, уйни чин дилдан кўригим келарди.

Бека авваллари “Қийналамиз, шаҳарда яшаш кийин. Уй-жойни қандай ташлаб

кетамиз”, дерди. Кетиш ҳақида суҳбатлашаётганларнинг атрофида ит айланар, унинг думи беихтиёр ликиллаб кетарди. Бир нималар айтгиси келарди, жуда. Хўжайинни ҳаммадан яхши кўрар, унинг машинаси катта йўлдан бурилганини биларди. Ҳаммага хабар берарди.

Бека бир куни: “Қоплонингиз бало, бошқаларнинг машинасидан сизникини ажрата олади, мен фарқлолмайман. Бунингиз ҳовлида туриб, машинангизни кўрмасдан ҳам асфальт йўлдан бурилишингиз билан эркаланиб бошқача вовуллайти”, деди. Ўшанда хўжайиннинг меҳри ийиб кетиб, олиб келган гўштидан суяк аралаш бир бўлагини Қоплонга берган, бу зўр ит, йўғимда уйимизни пойлайди, деган эди.

*Эгаларимсиз ҳаётни тасаввур этолмасдим. Бу ҳовлининг кимсасиз қолиши хаёлимга сизмасди.*

Шаҳарга кетиш тўғрисидаги гаплар жуда эски, кишлоқ одамларининг баъзилари берилиб кетадиган хаёл эди. Бироқ ҳаёт тез кунда ўзгариб кетиши ҳам мумкин экан.

*Бекамдан қаттиқ хафа бўлдим. Бор умидим ундан эди. Умид нима экан. Унга ишонардим. Уйларни тозалаб, ўзича кўшиқ айтиб юрганда, унинг бахтли экани билиниб турарди. Шундай яхши, ўзи ўрганган уйини ташлаб қаерга боради, дердим. Агар шу уй аввалгидек деворлари ёрилган, кўримсиз бўлганида ҳам мен уни ташлаб кетмасдим. Чунки...*

Ҳа, мен ташлаб кетмасдим.

Итнинг бу уйдаги кичик қизга, кенжа ўғилга меҳри бошқача эди. Бир гал уни кўшни хотин катта тош билан урганида, кичик киз Асила уч кунгача атрофида айланган, йиғлаган, ҳаммадан кўп меҳрибонлик кўрсатган эди.

*Хуллас, ҳаммалари бирин-кетин кетишиди. Ке-е-тишиди. Ёлғиз қолдим. Қийинчилик кунларим бошланди. Кечкурун оч қолганим етмагандек, эрталаб ҳам хўжайиннинг*

*Садоқат ҳақида сўз кетганда, ҳеч иккиланмай, итни мисол сифатида келтирганимиздек, ўз навбатида, ёмон хулқли одамларни айнан итга ўхшатамиз, бу билан остона ҳатлашимизга жиддий монелик қилаётган жониворнинг бу хатти-ҳаракати замирида тасаввуримиздаги “итлик” эмас, эгаси ва унинг мол-мулкига нисбатан юксак садоқат туйғуси мавжудлигини хаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. Аслида, у шунчаки бир ит эмас, кимдир билиб, кимдир билмаган ёхуд билишни истамаган жониворлар оламининг бизга яқин ва қадрдон бўлиши бир жонзотидир у. Бу жонзотлар турлича феъл-атворга эга бўлиб, ҳар бири ўз дунёсига эгаллиги билан фарқланиб туради. Аммо биз одамзот бу фарқни кўпда ҳам фаҳмлайвермаймиз. Бироқ ижод аҳли буни яхши билади ва шунга кўра, ит зоти мусаввир полотносида, шоир шеърида, ёзувчи битиғида доимо ўз ўрнини топиб келган ва келмоқда. Буни қарангки, бу жонивор образи адиба Маъмура Зоҳидова ижодидида ўз аксини топибди. “Сарҳадсиз садоқат” асарини ўқиб, шундай хулосага келдимки, Маъмура итлар хусусиятини яхши билади. У бу жониворни кўп ва ҳўп кузатган, кузатганда юракда меҳр билан кузатган. Бу нарса асарда талқин этилган Қоплон отлиғ итнинг хатти-ҳаракати ва кишиларга муносабатида яққол акс этган. Адиба воқеликка жонивор нигоҳи орқали боқиб, одам боласининг турфалигини, яъни улуглик бобидида ўта юксаклиги-ю, пасткашлик борасида гоятда тубандаллигини жониворнинг иштироки ва қарашлари орқали очиб беришига уринган. Бунга асарни ўқиб, ўзингиз амин бўласиз деган умиддаман.*

Нормурод НОРҚОБИЛОВ,

ёзувчи

ака-укалари кун ёйлиб кетганда келишар, унгача овғимнинг сўлаги тошиб, ҳар нималар егим келар, ариққа сув келмаса, чанқоқдан аччиқ барглари чайнар эдим. Қўшни ҳовлидаги шеригим аввалги Зийракнинг ўрнини эгаллаган Қўрқмас девор тагига келиб, мени омбир (деворнинг ариқ учун очилган жойи) орқали кўчага чиқишга, қорин тўйгазишга ундарди.

Ит эса қўшнисининг бу таклифини қабул қилмасди. Кечалари ўғирлик қилишга ғурури йўл қўймасди. У бу уйда шунга ўрганган эди. Қолаверса, ич-ичидан бундай ишлар нотўғрилигини айтиб турадиган нимадир бор эди.

*Бир кеча бу кимсасиз уйда зўрга топган уйқумдан уйғониб кетдим. Ҳовлида айланма шамол учиб юрарди.*

*Тўғриси, шамолни унча ёқтирмайман.*

Ит шамолнинг ўринсиз қилғиликларини кўп кўрган эди. Қолаверса, у ёдига энг ёмон ходисаларни соларди.

Шамол бекам билан болалар ётадиган уйнинг эшигини очиб бемалол ичкарига кириб кетди, кейин қайтиб чиқиб иккита устунга тортилган чилвирга ташлаб қўйилган сочиқларни олиб ташлаб, супа четида тўнтарилганича қолган бўш челакни даранглатиб ағдариб юборди. Уйнинг болохона остидаги хонасидан қани энди, аввалгидек, биров чиқиб, ҳамма нарсани ўз жойига қўйса. Йўқ. Масҳарабоз шамол яна ҳовлини айланиб, кўлидан келган ҳамма номаъқул ишларни қиларди. Ойналарга тўзон ёпиштирарди. Коридор дейишадиган кичкина хонанинг эшигига тинмай ўзини уриб, очиб олгач, у ерга ифлос хазонларни олиб кириб сочиб юборар эди.

*Ана шунда... бечора уйнинг йиғлаганини кўрдим мен. Эгаси яхши кўрмагани учун, иссиқ бағридан жой бериб, бари болаларини ёмғир-қордан, совуқ-иссиқдан асраб катта қилиб берганида, уни совуқ деб айблаганлари, ҳар куни саҳар туриб, тозалаб, супуриб-сидириб қўйиши ўрнига бир-икки ишларни оғир билиб, ташлаб кетиб қолганлари, уни у эгаларини яхши кўргандек яхши кўрмаганлари учун ҳув-ҳув овоз чиқариб йиғлади. Мен ҳам унга жўр бўлдим. Ичим ўртанди. Уйнинг бағри эзлишини кўриб бешбаттар бўлдим. Ахир у одамларга ўхшаб оёқ чиқариб юриб кетолмаса. Ҳеч бўлмаса, дарё бўйига бориб дардларини сувларга айтолмаса. Енгил тортиб, юзларини ювиб келолмаса. Фақат кўчага термилади. Бағрида улгайган болаларни кўмсайди. Ўғилларнинг яна тўплар тепишларини, супасини қизчаларнинг супуриб қўйишларини, ҳовли тагидида пишиб тўкилаётган ёнгоқ меваларини ҳар куни олиб келиб, пешайвон бурчига иргитиб қўйишларини, ана у ҳозир ичи қора-қура елимхалта чиқиндиларига тўлиб ётган тандирда нон ёпиши учун томдан гурс-гурс гўзапоя ташлашларини, иссиқ нон ҳидини таратиб, саватни уйга олиб киргач, исиріқ тўтатиб, ҳамма ёқни айланишларини, ерни юмишатиб ҳар хил экинлар экишларини жуда иштайди.*

Уй ўзи севгани томондан севилмай ўксинаётган чиройли кизга ўхшарди. Ҳовли эгасиздек. Кундузлари, ҳарқалай, хўжайиннинг тегирмончи инилари кириб-чиқиб туради. Лекин кечалари хувуллайди. Шунда ит чидолмай увиллайди. Ҳовлини тўлдириб юрган тўрт болани, келиб-кетадиган меҳмонларни, бекасининг қора қозонга идишларни солиб ювгани-ю, унга нонларни ивितिб суяк аралаш қилиб идишига солиб берганларини, хўжайиннинг синфдошларига берадиган гапи қулларини, қўй ё хўроз сўйилган вақтларни соғинади.

Эҳ, овқат нима экан. Эгалари хою ҳаваслар орқасидан кетишганида беш кун томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Оғзидан, кўзидан олов чиққандек бўлаверди. Фақат сув ичди. Хўжайиннинг иниси тегирмонини тўхтатиб, унинг олдига келиб чўккалаганча, “Қоплон, нима бўлди сенга? Касалмисан? Ё эганг кетиб қолганига хафа бўлдингми?”

Бўлди, бўлди. Хафа бўлма. Мен ўзим сенинг овқатингни бераман”, деб бошини силади. Эҳ, дарди биргина овқат бўлгандами? Кўчага чикса бас. Қанча емиш керак бўлса, топарди. Лекин у бировларнинг товугини кийратиб, тоғора тагига яширилган овқатларини очиб булғаб ўрганмаган. У – аввал Қайтмас, кейин Қоплон деб аталган бу малларанг ит одамларнинг айтишича, мард ва зотдор олабай итлар наслидан эди.

Итлар аслида бўрилар билан қондош бўладилар. Фарқлари – одамларга содиқликларида.

Одамлар эса аллақачонлар кўп нарсаларни аслиятдан ўзгартириб юборганлари ва буни донолик санаб юрганлари каби, итларнинг асл ҳаёт тарзини шундай ўзгартирганларки, энди бошқача бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Яна бир чолнинг айтишича, олабай итлар қонда қоплон қони бўларкан. Лекин елкалари шерга келбат берармиш.

*Хўжайин бола-чақаси билан икки томон бўлганидан бошлабоқ иштаҳам ёмонлашган. Аввалги қувноқ, қайноқ ҳаётим анча совиган, мен кунларимни тағимга солиб қўйилган эски ҳарбий кийимга ўхшатаман.*

*Асли аввалда, ҳали кўп-кўп овқат еган, ўсиб бораётган вақтларимда уйимизда ризқим етарли эди. Энди ҳам уйда пешиндами, кечдами ташлаб кетадиган бир парча нонлари менинг бу кимсасиз ҳовлини дайди мушуклару очофат майналардан асрашимга етади. Бу хизматни мендан бошқа ҳеч бир жонзот, барибир эплолмайди.*

Ит кимсасиз ҳовлининг ғиштсимон қопламалар ётқизилган кенг саҳни ўртасига келиб, чўнкайиб ўтирди-да, вовулласа овоз қайтарадиган пешайвонга ғамгин тикилди.

*Эҳ-э, битта индамас дардқашим – уй. Яқинда бўёқдан чиқаришган эди-я. Ичида болохонага чиқиладиган тиллапоёси бор хонада доим чироқ ёниб турарди. Ҳозир эса мана бу чиройли дарвоза ҳа деганда очилиб-ёпилмайди. Дарвозадан кимлар қақриб келишади-ю.*

Боласи бирдан касал бўлиб қолганими, шошиб кўтариб келганларнинг овозини эшитар экан, ўшаларга нималардир деб хуради, ғингшийди.

Молхона томонга яна мушук келдими, ит ўрнидан туриб чопиб кетди. Унинг дастидан товукларнинг тухуми қолмаяпти. Хўжайин ҳафтада бир келганида, ака-укалари йиғиб қўйган тухумларни олиб кетади. Сарик рангли идишини олиб чиқиб пешайвонда ўтирганча, ичига тухум терганида ит унинг орқасида туриб, бу ҳафта мушукдан ҳовлини қанчалик химоя қилоганини чамалаётгандай бўлади. Хўжайин унинг бошини силаб-силаб қўяди, лекин аввалгидай эркаламайди. Орқасидаги кўтирига қўли тегиб кетишидан кўркади. Ит эса, уни бир кучоқлаб қўйсам дейди.

Авваллари...

Авваллари нималар бўлганини бу ерда туғилиб ўсган тўрт бола ҳам эслашармикан. Унинг ҳам номини айтиб, бир-бирларига гапиришармикан. Улар билмайди-да, ит улар ҳали йўқлигидаги кўп воқеаларга ҳам гувоҳлигини. Уларни ит яхши тушунарди. Фақат...

*Биз кимни эгамиз деб билсак, унинг хизматига содиқлик тўғуси билан тугилганмиз.*

\*\*\*

*Эсимни таниганимда, биз етти кучукча Қўрғон маҳалладаги Зиёда хотиннинг ҳовлисида онамизнинг пинжисига кириб, кўкрак талашиб ётардик. У ҳовлининг хўжайини биз тугилгунча дунёдан ўтиб кетган экан. Ўғли Назирбек маҳалладаги*

*беш-олти болани битта-битта олиб кириб бизни кўрсатган эди. Жуда мақтанишини яхши кўрадиган, озини тўлдириб гапирадиган бола эди-да ўзиям. Онамизнинг бошини силаб ўртоқларига тинмай гапирарди.*

Зиёда етти бола туғиб олиб, энди ҳеч бирини кўздан кочирмай турган она итни, “Вой бечора, намунча ориқлаб кетдинг, еттита ҳам тугасанми? Ҳеч бунақа кўпайтирвормасдинг-ку? Иккита-учта туғардинг. Ўша бўларди-да? Қийналмас эдинг-а”, дея келиб атрофида куймаланар, нима топса илинар, иссиқ атала пишириб келиб, ялоғида олдига кўярди. Кучуклар ичида тинчиб туролмайдиган Олабой бор эди. Бир куни Назирнинг амакиси итларни кўргани келиб деди: “Ит айниган кўринади. Боласи кўпайдими, айнигани. Лекин болалари зўр. Эй, мана бунисини каранглар, ҳақиқий номи билан олабай бўпти. Наз, буни менга берасан. Ўзим катта килиб, тоққа кўчганимда олиб кетаман”.

Олабой бир гал анча нарига совутиш учун кўйилган аталага тушиб кетиб куйиб қолди. Вой-войлаб ҳамма ёқни бузганда, беканинг Моҳидил кизи ариқда ювинтириб келди, кейин онасидан роса гап эшитди. “Юр, энди, атала ичмай ўл. Қуритиб ҳам кўярканман-да, сен арзандани”, деб оқ латтага ўраб уйга қараб юрди. Олабой додлаб, Моҳидилнинг қўлидан пастга тушмоқчи бўлганда, шериклари: “Мени ҳам олиб кетмасин”, деб чўзилиб ётган онасининг орқасига яширинишар, унинг эса латта орасида бошини ликиллайтиб кетаётган Олабойга ҳаваси келарди. Қизнинг орқасидан Олабойга ҳавасланиб супагача борди.

Кейин Олабой қанча овқат еса ҳам, шерикларидан ортда қола бошлади. Аввалгидек тўлалаги йўқолди.

Назир ўша куни мени қайтариб шерикларим олдига олиб келиб ташлади. Биз тутилган ховлида дарвоза йўқ эди, лекин унга мосланган катта очик жой бор эди. Мен онам ҳам, кўча ҳам кўринадиган ўрталикка ётиб олиб катта йўлдан ўтганларни томоша қилишни яхши кўрардим. Атайин шу ерни танлаган эдим. Бирор ёмонроқ бола келиб мени кўтармоқчи бўлса ё бирор катта ит ташланса, онамнинг олдига кочишим осон бўларди. Онамдан биргина бекамиз кўрқмасди.

Она ит Зиёда нима деса, сўзсиз бажараверарди. Бека тандир олдиларини супураб экан, ит болалари билан ётган ўтинхонага келганда, “Қоч, бола-чақанг билан. Бу ерларни супуриб олай. Қара, ҳамма ёқ жун бўлиб кетибди. Оббо, ўтиннинг устига нега ўтиради бу бебошларинг. Шошмай туришсин, ҳаммасини сўраганларга тарқатвораман”, деб пўписа қиларди. Кўрқоқча деган кучук онасининг атрофидан бир кадам ҳам жилмасди. Уни онасининг эрка кизи деб билишарди.

*Мен эса кўчадан эгаси билан ўтаётган итларнинг биз томонга қарашини қутар, улар билан тенгма-тенг тортишимиз келар, тагин бизни писанд қилмасдан ҳовлимизга кириб келиб маҳалладаги обрўйимизни йўқ қилмасин, деб овозимнинг борича ақиллар эдим. Аввалига эшик олдида бир ўзим ётардим. Кейин-кейин шерикларим ҳам менга яқин келиб, анча-мунча жойгача эркин юрадиган бўлишди. Очофат Қора билан Олабой тандирнинг нарисисидаги маккажўхори поянинг ичига кириб анча вақт йўқ бўлиб кетишар, онам хавотирга тушиб, уларнинг ортидан кириб, бошлаб чиқарди.*

*Биз кун сайин кучга тўлиб борардик ва энди ўзимизни ҳеч нарсадан кўрқмаслигимизни ҳаммага билдиргимиз келарди. Беканинг берган овқатига ҳаммамиз бош суқиб ича бошлаганимиздан кейин онамиз ўзини тийиб бир четда турар, менимча, овқат етмай қолмасин деб ўзи оч қолар эди. Шундай пайтлар ва яна уни ёнбошлаб дам олишига қўймай эмиш учун ёпишавериб ҳолдан тойдирган кунларимиз онам секин девордан ошиб кўздан йўқ бўларди. Мен унинг бирпасдан кейин кўчадан бизга кўринмай ўтишини билардим. Онам дарвоза ўрнига яқин келганда, бошини анча эгиб*

олар, тез-тез юриб кетар, биз дарвозахонада ўйнаётган бўлсак, суви кам оқадиган ариқ ичига тушиб, бўйини яна ҳам пасайтириб ўтарди. У бизларни эргашимасин, деб атайин чалгитар, баъзида қўшимизнинг девори орқали ўтиб, этакдаги дала бўйлаб қаёқларгадир кетарди. Афтидан, сира тўймай қолган кунлари ўзи овга чиқар, аввалдан шериклари билан титкилаб юрган ахлатлар орасиданми, емиш топиб еб келарди.

Бир гал Қоровой қўшни билан эргашиб чиққан Рексга ўзича каттик хурди. Рекс баджаҳл экан. Ириллаб бир ташланган эди, қандай етиб келганини ҳеч ким билмади, онаси Қоровой билан Рекснинг ўртасида пайдо бўлиб тикка отилди. Эгаси аранг кайтариб оларкан: “Рекс билан сира уришишмасди-я. Нега итинглар бунақа бўп қолди? Вой-бў, бу кишим туғибдилар-у. Худди ҳеч кимда бола йўқдек”, деб зарда билан чикиб кетди.

Бир куни биз олтига қолдик. Бунга мен айбдор бўлдим. Онамга раҳим келди. Ўчоқ орқасига ўтиб йиғладим. Фойдаси борми? Кейингилари олдида бу кўргилигимиз ҳолва бўп қолди.

Кўёш сал нарига сурилгандай бўлиб, менинг кўчани кузатадиган ўрним ҳам ташқарига қараб сурилганда, анча дадил бўлиб қолган, кўчанинг уйимизнинг тўғрисидаги жойлари ҳам бизга тегшиллизини билганим учун ишт этганга вовуллаб мазза қилиб юрган кунларим эди. Ўша куни Очофат Қора мени ётгани кўймай ўйнашаверди. Жигимга текканига чидолмай ўрнимдан туриб ташландим. Ўзини зўр деб ўйламасин, дебман. Панжасига панжа урдим, думимни босган эди, сонига тишимни ботирдим. Қулогимни тишламоқчи эди, бўйнидан босиб олдим. Бир-икки ангилаб қочмоқчи ҳам бўлди, лекин наридан қизиқиб кузатиб турган шериклардан уялиб қолмай дедими, ўзича куч тўплаб яна тумишугимга сақради. Бир-биримизга тикка бўлиб ташланаверимиз-у ён-веримизга қарамабмиз. Бир маҳал қанақадир одамнинг оёғига урилиб кетдим. Нақ кўчада турибмиз экан. Қарасам, бир баланд бўйли бола мактабидан қайтаётган экан. Қора уни кўриб урра қочди, лекин сумкасини ерга қўйган ҳалиги бола икки ҳатлаб етиб олди-да, Қорани кўтариб кўйнига тиқди. Мен унга яқин тургандим, лекин у мени негадир олмади. Қайрилиб ҳам қарамади, шекилли. Тез-тез кета бошлади. Мен аввал ҳовлига қараб қочдим. Кейин боланинг ортидан югурдим. Онамни чақирдим. Лекин онам келмади, мени эшитмади. Кўчада юриш хавфли эди. Ортимга қайтдим. Маккажўхорининг этагига иш билан тушиб кетган онам қайтиб келиб, ис ола-ола биз ўйнашган жойга келди, кўчага ҳам чиқиб, бола кетган томонларга қараб узоқ-узоқ тикилди, кейин бошини эгиб ортига қайтди. Ерга ётиб олиб, хомуш тортди. Мен ҳам онамнинг пинжсига кириб, сиқилмасин деб суйкалдим. Фингишиб, ундан кечирим сўрадим. Онам мен айбдорлигимни билди. Тишлари билан нўтиса қилиб, ириллаб кўйди. “Бас қил энди, ўзбошимча, қолганларни эргаштириб кўчага чиқсанг, кунингни кўрсатаман”.

Овкат еганларида энди Очофат Қоранинг ўрни билинарди. Агар у ҳозир шу ерда бўлганида ҳаммани бели, оёқлари билан ҳар ёкка суриб ташлар, товоқнинг ичига тушиб олиб, тагини битта қолмай ялаб қўярди. Эртаси эрталаб бека атала олиб келди-да, нарироқда томоша қилиб ўтирди. Кейин олдига келган Моҳидилга деди:

– Онаси қийналиб кетибди. Қоқиб ташлашяпти-да болалари.

Зиёда аталани кўпайтириб, ит ялоғига қуйишдан олдин каттик нонлар топиб аталага солиб қўяр, кейин совитиб, олиб келар эди. Қора энди йўқ эди. Қаерларда экан. Ҳозир у мазза қилган бўларди. Қорни тўяётганмикин.

Кейинроқ хўжайиннинг ўгли Назир бир қанча оинасини бошлаб тепамизга келди. Уларнинг ҳайбатидан қўрқиб кетиб, ҳаммамиз онамнинг панасига ўтиб беркиндик.

Бизни олиб кетишга келишгани билиниб турарди. Ҳар бири биттадан олиб кетса, ҳар ёққа кетамиз. Онамиз нима қилади, деб дилдираб қолдим. Оқбўйин шеригимизга қўл узатган Назир уни олиб тикка бўлганда оиналари атрофини ўраб олди. Роса мақташди. Шеригимизни қўлига олган бола Назирга катта раҳмат деди.

Кейин она итга худди душманга карагандай мўралаб қараб, секин қўйнига тикди. Ҳаммалари олдинма-кейин бўлиб чиқиб кетишди. Икки кундан кейин болалари борган сари камайиб бораётганидан ўкиниб, йиғлагудек бўлиб ўтирган онасига далда бериш учун бўйнига осилиб чалғитмоқчи бўлди. Лекин она ит унга рўйхушлик бермай ириллаб қўйди.

Кучуклар ўсиб боргани сари, онасининг аввалги кайноқ меҳрибонликлари камайиб бораётгандай эди.

Ўша кунни хаёлимда кўча томондан бир совуқ нафас, бир ёмон шамол кириб келаётгандек бўлиб, ҳадиксирай бошладим. Шунда чиндан ҳам гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Сал ўтиб, ҳовлида иккита баланд бўйли, юзлари тиришган одамлар пайдо бўлишди. Уй эгалари билан гаплашиб бўлгач, улар биз томонга юришди.

Иккиси ҳам чўккалаб, она итдан эҳтиёт бўлганча, кучукларни битта-битта олиб, оёқлари орасини текшириб кўришди. Шерикларини кўра-кўра тандир томонга олиб ташлашди. Зиёда улардан сал нарида турганча деди:

– Сизга берадиган кучуги ҳам бор эканми?

– Назирга тайинлаганидим. Битта эркаги менга деб. Туғади, дейди. Мана бу оласини Раҳмат амакисига берганмиш. Малла эркаги ўзимизга қолди, дейди. Каллаварам-да. Шунча кун мана бу урғочиларни олиб ўтирадими? Энди итни чарчатмай боласидан айириб, яхшилаб боқиш керак. Раҳмат ака ҳам олса, тезроқ опкетсин. Бу итни насли жа тоза. Яхшилаб семириб олсин. У ёғи мени ишим. Икки-уч ой яхшилаб қаранг, опа. Кейин бир ойга олиб кетаман. Боғлаб боқаман. Ҳар қанақа итларни яқинлаштирмайман. Мен биламан бунинг вақтини. Кейинги сафар мана булардан ҳам зотдор кучуклар туғади ҳали. Ўшандан биттасини оламан.

– Шўрлик туғишга туғиб олиб кийналиб кетди. Вассачўпга ўхшаб ётибди, – деди Зиёда опа.

– Еттита туғиши бекорга эмас. Камдан-кам ит еттита туғади. Бунақа вақтда кучугини олиш керак. Ё етти кучукнинг, ё уч кучукнинг биттасини боққан одам ютқизмайди, – деди улардан иккинчиси.

– Урғочисини ҳеч ким олмайдиам. Қутижарга опчикиб кўмворарман, – деди бошқаси.

Зиёда лабини бирпас тишлаб турди-да тандир тагида онамиз томонга ўтишга йўл тополмай, қора кийимли одамнинг гавдасидан кўрқиб унинг орқасида гингшиганча айланаётган шерикларим ёнига чўккалаб, уларнинг бошини силади:

– Увол бўлмасмикан? Бола-ушоқ опкетар?

– Олишга-ку опкетади. Болалар нимани билади. Кейин барибир кўчага чиқариб ташлайди, тепки еб, у ер-бу ерда ўлиги қолади. Урғочи кучукларни доим кўмвориш керак. Билмабман-да, икки ойдан бери онасини қоқиб ташлабди. Кўзи очилмасданок йўқотиш керак эди буларни. Гавдаси бўлгани билан кўча-қўйда юриб зотини айнитиб юборади булар.

Уни айлангириб кўрган бири онасининг ёнига итқитиб юбориб:

– Бу эркак экан. Назир айтган Қайтмас-да. Яхши ит бўлади, – деб қўйди.

Бека бостирмадан қопчиқ олиб келиб бериб, ўзи яна нимагадир кетди. Мен шерикларим олдига чопдим. Улар ҳам онам томонга интилишарди. Кишилардан

бири оёги билан тинмай шерикларимни тегиб, онамдан узоқлаштириб турарди. Онам ҳам хавотирга тушган эди. Бир шеригим билан биз жуда ўхшаш эдик. У тезгина онамнинг орқасига ўтиб кетди, қопчиқнинг оғзини қайириши билан овора бўлганлар мени у билан адаштиришди. Келган одамлардан бири икки шеригим билан мени қопчиққа солди. Қопчиқнинг мен турган томонида тешикча бор экан. Ундан қарасам, онамиз ириллаб ўрнидан турди. Бироқ болаларини битта-битта олиб қўяётган одамлардан ҳеч бўлмаса олдидагисини сақлаб қолиш учун яна қорнини ерга бериб ётиб олди. Бироқ юзида шундай гам кўрдимки, эзилиб кетдим, ана у одамларнинг оёқларини тишлагим келди.

Биз Одамнинг елкасида борар эдик. Унинг ҳамроҳи йўлда қолиб кетди. Шерикларим онамдан узоқлашяётганимизни билиб, тинмай ангиллашарди. Қопчиқ торлигидан биқинларимиз эзилиб, қийнала бошладик. Мен Калта оёқнинг панжаси тагидан бошимни ололмай жуда қийналиб кетдим.

Ниҳоят, одам бир жойда тўхтади. Ўтириб чарс этиб олов ёкиб сигарет чекди. Кетмонини тарақлатиб ер кавлади. Кучуклар ўзларини қўйиб юборақолмаганидан аччиқланар эдилар. Улар нафас олишга қийналиб, кизиб кетаётгандилар. Охири кетмон овози тўхтаб, одам энди кучукларни қоп билан кўтарганда кимдир келиб колди.

– Нима қилиясан? Ҳалидан бери так-туқ қиласан? Ҳа, кучук олиб келдингми?

– Ҳа, бўладими қовлаганим? Қара-чи, чиқиб кетмайдими?

– Ҳа, бўлар? Тош бостириб кетарсан-да. Қани, нечта буларинг?

– Қопнинг оғзини очвор. Учта.

Қопдан ерга ағдаришди уларни. Қайтмас биринчи бўлиб орқаси билан тўп этиб ерга тушди. Боши ерга ёмон тегиб ангиллаб юборди. Одамлардан бири уни шоша-пиша қўлига олиб кўтарди-да, ёнидагига деди:

– Тўхташ, бу эркак кучук-ку, жиннимисан?

– Эркакмас. Фаркига борасанми ўзи? Ҳозир қараб ажратдик. Ие, эркак-ку. Ҳа, битта шунака эркаги бор эди.

Вай, бўламангина экан.

Уйда колувди эркаги. Буям эркак бўлса биз адаштирдикмикан?

Бўлди менга берасан. Бу энди меники.

– Нега сенга берарканман. Эгасига нима дейман кейин? У ёқда урғочиси қолган бўлса-чи? Қани, Ҳа, бу – Қайтмас.

– Қайси бири қолгани билан ишинг нима? Мен кўриб колмасам кўмворардинг, Тўхташ. Энди менга бу. Опкетаман.

Бекор айтибсан. Назир нақ ўлдиради. Кошки тузукроқ бола бўлса.

Улар тортишар экан, шерикларини каттиқ тепкилаб чуқур томонга итқишар эди. Бечора иккови ҳам оғриқдан тинмай инграб, оркага интиларди.

Чуқурга биринчи бўлиб Қўрқоқча тушиб кетди. Лекин у чаққонлик билан тирмашиб қайтиб чиқди. Шунда биринчи одам унинг бошига қаттиқ тепди. У додлаб чуқурга йиқилди. Кетидан Калта оёқни ҳам туширдилар. Бу жуда ҳам аламли эди. Мен уларга ёрдам бермоқчи бўлиб қанча чопмайин, кейин келган одам қўллари билан нари суриб ташлайверди. Охири кўтариб олди. Шерикларимга ёрдам бериш учун унинг қўлларини тимдалаган эдим, у мени шошиб ерга қўйди. Биринчи одамнинг оёқлари остига чопиб бордим. У шерикларим устига тупроқ тушириб, ерни бир зумда текислаб ташлади. Энди уларнинг бўғиқ додлари пасайиб эшитилмайдиган бўлди. Охири овозлар тинди. Аммо ҳали туғишганларимнинг нафаси келиб турар, агар бу одамлар менга тегмаса, тош атрофини олд оёқларим билан кавлаб уларни

чиқара олардим.

Шундай қилиб, у бирга ўйнаб юрган шериклари – опаси ва синглисидан бирпасда айрилди. Мана, яна копча қайтпти. Қайтмас бўлса ҳам қайтпти. У шундай ғингшир эдики, одамлар яхши кулок солганларида шериклари билан кўмилиб кетгани уларнинг кўмилишини кўришимдан яхшироқ эди деётганини тушунардилар.

Одамлар эса гўё катта бир ишни қойиллатгандек хахолашиб боришпти.

– Кучук керак деб айтиб кўйсанг, ўзим топиб берардим. Токзорда биттасиникида зотдор кучуқлар бор эди. Қўрангга кўйсанг бўри-мўрининг нақ кекирдагини узиб оладиган. Эгаси учовиниям оддий уй қоровуллигига берворибди.

*Улар онамнинг олдида – дарвозахонада мени қондан бўшатишди. Малла мен туфайли омон қолиб, онамнинг ортида биқиниб ётган экан.*

*Бизнинг хавотирли кунларимиз бошланди. Маллани олиб кетишди, деб кўрқардик.*

Назир ундан кейин ҳам ит болаларини кўпчиликка кўрсатди. Ҳар гал “Маллани ким олса олаверсин, лекин бунисини бермайман”, деб Қайтмасни қўлига олиб бошини силар эди.

*Кўп кунлар ўтиб, биз анча бўй чўзиб қолдик.*

*Ҳамма мени Назир кўйган Қайтмас номи билан чақирар, Маллани эса ёқтиришмас эди. Биз онамиздан анча мустақил бўлган, энди қорин тўйғазини гамида нон талашар эдик. Кунлар совий бошлаган, ёмғирлар вақтида айвон эшиги ёпиқ бўлса, биз шалаббо бўлиб қолиб кетар эдик. Шунда узун йўлакдан чопа-чопа уйнинг пешайвонига борардик. Пешайвон тоқчасида тахланган эски шолча бор. Унинг усти иссиққина, чиқиб олсак, оёқларимиз совуқ қотмасди. Лекин Моҳидил опам неча марта бизни у ердан олиб лой ҳовлига иргитиб юборарди. Ҳатто бекам ҳам раҳм қилмас, шолчани лой қилишимизни, полда из қолдириб юришимизни ёмон кўрарди. Шунда биз оёқларимиз қотиб қолса ҳам, устимиздан ёмғир ўтмаганига шуқр қилиб, ариқнинг кўприкчаси остига кириб олардик ёки тандирхона бурчагида жсон сақлардик. Айвон очиқ қолса, бошқа гап.*

Она итга айвоннинг очик-ёпиқлиги фарқсиз эди. Айвоннинг деразасиз, ёруғ туширувчи жойидан бир сакраб кириб, куёшли кунда ҳам ўша ерда ором олар, болаларининг унга ёпишини ёқтирмасди. Уй олдидаги маккажўхори ўрилиб, қуригач, айвонга боғлаб киритишган, эрталаб ёки кечқурун Қайтмас Малла билан маккажўхорининг тиккалаб қўйилган поялари орасига кириб оларди. Бу ер ўзи илиқ эди. Шунда ҳам улар битта жойга жойлашиб, бир-бирининг иссиғида мазза қилиб ухлашар эди.

Маҳаллада одамлар кам юрадиган бўлиб қолишган, ҳаммани пахта теримига чақиритишган, қолганлар тоғдан олиб келинган сигир-букаларнинг қорнини тўйғазини учун ўз томорқаларига андизга боғлаб, дала иши билан ўша ёқда кечгача қолиб кетардилар. Бунни бир гал бир сигир ва икки бузокни етаклаб олган Зиёдага эргашиб далага борганида билганди. Ўша кунларда Моҳидил ҳам, Назир ҳам хар куни пахта теришга чиқишар эди.

Далада ҳамма ёқ сап-сарик. Аёллар соғинми, соғин эмасми, сигирларни олиб келиб, экини йиғиб олинган ерлар киргоғидаги ажриқзорларга боғлаб боқишарди. Вақт кеткизмай, олма, олхўри дарахтларининг тагидаги буталарни чопқида чопиб, ўтин қилишарди. Айримлар ерлари бошидаги атрофи симтўр билан ўралган теракзорлар тагида пичан ўришарди. Баъзилар ловияси йиғиб кетилган ерда тўкилиб қолган ловияларни доналаб теришар эди. Аёлларнинг бир-бирларига гапиришларича, бу йил хаво яхши бўлиб, сел кам тушибди, мол-ҳолга зиён етмабди. Тоғдаги ёмғирлар майин бўлиб, ўт ҳам сероб бўлибди. Сигир-бузоклар тоғдан семириб-семириб икки

қорни кема бўлиб келганмиш.

Шундай кунларнинг бирида Зиёдага Малла икковиси эргашиб кетишди. Экини йиғиб олинган кенгликларда мазза қилиб юмалашиб ўйнадилар. Даладаги куёш нури шундай ёқдики. Зиёда у ерда кун тиккага келгунча ишлаб қолиб кетди. Андиз ер этагидаги йўл бўйларидан уч боғ шувок супурги ўриб, тут пўстлоғи билан боғлади. Икки қўлтигига қисганча, катта йўлга қараб юраётган эди, кучукчалар биз ҳам энди кетарканмиз, дея унга эргашди. Йўлнинг ерлар бошидаги теракзоридан ўтиб бўлганларидан кейин ортларига қарашса, Зиёда йўк. Қайтмас изига қайтди. Малла ҳам. Зиёда шувок боғларини ер бошига қўйиб, ўзи сигир-бузоқларни ариқда суғориб бошқа ўтли жойга силжитиб қўймоқда эди. У ўтган галгидек, ёш, шўх бузоқни энг охирида қозиғидан бўшатди. Тортилиб турган бузоқ козиқ ердан чиқиши билан онасига қараб чопди-ю, арқон учидидаги козиқ аввал четдаги олмага, кейин бузоқ ортидан бораётган Зиёданинг юзига тегди. Текканда ҳам жуда каттик урилди шекилли, тарсиллаган овоз эшитилди.

*Бека додлаб ерга ўтириб қолди. Биз нима қилишни билмай, унга яқин бориб турардик. Шунда мен вовуллаш керак деган қарорга келдим. Менга Малла ҳам жўр бўлди. Бизни кимдир зичитиши, ёрдам бериши керак эди.*

Охири қўшни далада олма даракларига тиккаланган жавдарпояларни ташиётган Фотима чопиб келди.

– Нима бўлди сизга, Зиёдаби? – деди у.

Зиёданинг нафаси ичига тушиб кетган, гапиролмас, юзига бошидаги рўмолини маҳкам босганича инграр эди.

Қўшни аёл югуриб бориб, онасини эмиб ётган бузоқни тортиб қозинини нарига қокди-да, яна Зиёданинг ёнига келди. Уни суяб уй томонга юрди. Зиёда қўллари билан юзини тўсиб, бир томонга энкайганича йўлга тушди. Шувок боғлари жойида қолиб кетди. Кучуклар ҳам улар кетидан юриб боравердилар. Зиёдани уйига олиб кириб сўрига ўтирғизган Фотима кўчага чопиб кимнидир дўхтирга югуртирди. Кучуклар энди ўйнашишмас эди, ховлига жимгина кириб, тандир ўтинхонасида ётган она ит ёнига ўтиб кетишди. Фотима опа пахтани тузли сувга ботириб олиб келди ва унинг юзига босди. Кейин Зиёда сўрига чўзилди – кўзлари орқага кетди. Ёрдам бераётган қўшни типирчилаб қолди. Зиёда ҳушидан кетиб қолган эди.

Кўчага келган “Тез ёрдам”дан оқ халатли одамлар тушиб келишди. Улар Зиёданинг юзига сув сеппиб ўзига келтиришди, рўмолини олиб козиқ теккан жойни кўришяётганда Қайтмас ҳам беканинг юзи жуда ёмон шишиб кетганини, бир кўзи беркилиб қолганини, қош-қовоқлари кўкиш-қизил рангга кирганини кўрди. Дўхтир деганлари Зиёдани олиб кетмоқчи бўлди, лекин у қўнмади.

Кечкурун пахтадан келган Назир онасининг ахволини кўриб, аччикланиб нималардир деб жавраб юрди. Пахтани ҳам, сигирларни ҳам сўқди. Кечроқ Зиёда иситмалаб қолди. Назир қаердандир яна бир дўхтирни айтиб келди. Бир нарсалар қила бошлашди. Бирпас ўтиб Зиёдани ичкарига ётқизиб чиққанларидан кейин дўхтир Назирга энди нималар қилиш кераклигини тайинлар экан, бирдан кучукларга кўзи тушди.

*Малла шоша-пиша ўзини четга олди. Мен эса бу уйда ягона эркак кучук бўлганим учун Назирнинг мени ҳеч кимга бермаслигига ишониб, жойимда туравердим.*

– Назирвой, кучук ўзингни кими?

– Ҳа, ўзимники.

– Боқиб олдингми?

– Йўк, итимиз туккан эди. Биттаси қолган.

– Жа зўр кучук экан-да. Ие, ҳозир яна биттаси кўринувдими? Ҳа, ана, яна битта бор экан-ку?

– Униси урғочи кучук.

– Итинг роса катта экан-да-а? Болалариям шунақа гавдали ит бўлади. Менга бер шу кучукни, Назирвой. Итинг сенга яна туғиб бераверади.

Назир жим туриб қолди, ҳайрон бўлди. Дўхтир яна гапга тушди.

– Менга ҳозир жуда керак-да. Ёкиб қолди, Назирвой. Беракол энди. Онангни ҳар кун келиб кўриб тураман, майлими?

Онасининг соғлиги ўртага тушганиданми, Назир йўқ деёлмади.

*Назир мени зарда билан кўтариб, олиб келди. Мен кутидан чиқмоқчи бўлиб роса уриндим. Лекин Назирнинг бакуват қўлларига кучим етмади. Юрагим дук-дук урарди. Қутининг оғзини ёпаётганда Назирнинг юзи жуда ғамгин, қовоғи солиқ эди. У тез-тез қутини ёпиб, оғзини маҳкамлади.*

– Дўхтир, ўтиринг машинага! Бўлинг, онаси ташланиб қолади. Кўтаринг ойнани, тез-тез! – деди у.

*Мени машинанинг юкхонасига қўйганида онамнинг чопиб келганини, билдим. Онам машинани айлана-айлана менинг исимни олди-да, юкхонага яқин келди. Тинмай вовуллай бошлади: “Бу ердан бир амаллаб чиқ. Сен шу ҳовлига кераксан. Мен сенсиз нима қиламан. Бўлақол. Бир йўлини қил”. Мен онамдан ажралмасликни жуда истар эдим. Аммо билиб турардимки, биз у билан охири марта сўзлашяпмиз. “Онажон, мен энди узоқларга кетар эканман. Сиз сиқилманг, она. Ахир шерикларимдек тириклай ерга кўмилмадим-ку, одамларнинг уйига кетяпман-ку”.*

*Машина юрди. Онам вовуллай-вовуллай нақ дарё бўйигача бирга келди. Машина билан тенгма-тенг юриб узоқ чопди.*

Катта йўлга чиққанда машина тезлашди. Маҳалладаги одамлар машина кетидан югураётган итга қарашар, қаергача ета оларкин деб кузатишарди.

*Кейин онамнинг овози узоқлардан эшитила бошлади. У энди бизга етолмай қолган эди.*

Ит машина кетган йўлга қараб узоқ ўтирди. Олд оёқларини тик тутиб, қулоғини динг қилиб, ҳеч бўлмаса, машинанинг қайси йўллардан юриб кўздан йўқ бўлишини билиб кўйди. Кейин бошини эгиб, Малланинг олдига – Қайтмас билан қўйиб қўйгандек ўхшаш, лекин ҳеч ким ит қилиб бокиб олишни истамайдиган боласи ёнига қайтади. Малла бу вақтда онасининг ортидан анча йўлга келиб қолган эди. Агар у бўлмаганида ҳам она ит ўз ҳовлисига қайтарди.

*Биз бир манзилга етиб келдик. Мени қогоз кутидан олишганида ҳамма ёғи қаттиқ ва мўздек цемент қилинган кичкина ҳовлига оёқ кўйдим. Ҳовли аввалги мен тугилган ҳовлидан анча тор экан. Хўжайиннинг кичкина-кичкина иккита боласи бор экан. Атрофимда тилдираб, хурсанд бўлишди.*

Болаларнинг онаси уйдан чиқиб келди-да, мени кўриб:

– Вой, мунча чиройли. Қаёқдан олдингиз? Дўмбоқча экан. Қани, кўлимга олиб кўрай-чи. Бўрсиққинам-эй. Эркакми бу? Зўр-ку, – деди.

– Оти нима, дада, – деб сўради хўжайиннинг тўрт ёшли ўғли.

– Қайсармиди, Вайсармиди, эсимдан чиқиб қолди – деди хўжайин.

Ит ўша Қайтмас исми билан қақаришларини кутди, лекин ҳеч ким бу номни айтмади. Улар итга ғалати, ўзлари ҳам тушунмайдиган номларни кўйиб кўришмоқда эди. Ҳатто “Чапа” ҳам дейишди. Хўжайин ҳаммасини бир четга йиғиштириб, “Қоғлон” кўямиз, дегандан кейин ҳамма жим бўлди. Бу номга Қайтмас уч кунда ўрганди.

Ўз номим билан чақиршиларини жуда хоҳладим, лекин бирор марта Қайтмас номимни тилга олишмади. Мен аввалига онамни, туғилган жойимни, мен сабаб тирик қолган кўрқоқ Маллани соғиндим. Каттакон дарвозадан чиқиб олсам, уларни топаман, деб ҳам ўйладим, лекин эшик маҳкамланиб, менинг чиқиб кетмаслигим учун эҳтиётни қилиб кўйилди. Уй эгалари кечгача мен билан овора бўлишди. Улар менинг бошимни силашди. Менга бер, менга бер, деб талашишди. Шунда ич-ичимда мени бу одамларга боғлаб энди бир умр ажратмайдиган нимадир пайдо бўлди. У ичимда қайноқ бир ипга ўхшар, қорнимними, қаеримнидир ёқимли кўйдирар эди. Мен бу уйдаги ҳар бир одамнинг кўзларига қараб, уларда менга аталган ғалати бир нарсани кўрар эдим. Кўзларига қараб эгаларимнинг қандай кайфиятдалигини билиб олишни биринчи марта ўша кундан ўргана бошладим.

Улар нима еб, нима емаслигимдан ҳам тортишишди. Охири ухлаш учун уйга кириб кетишди.

Ҳовли кичкина бўлса ҳам, ерга маккажўхори экилган эди. Хурмо, ўрик, ёнғок дарахтларининг салқини кўп эди.

Мен тунда иссиқроқ жой ахтариб, пешайвонга чиқдим, унинг тўрида палосча бор экан. Шунда ётдим. Иссиққина. Кечаси қорним оғриган эди, пешайвон бурчагига бориб қўя қолдим. Эрталаб янги бекам мени кўтариб ўша жойга олиб борди ва шапатлаб урди. Бу ер ўтирадиган жой эмас, деб уришди. Мени пастга тушириб юбориб, жулларим ётишган палосчани қоқиб ташлади. Тушундим. Мен энди бу ерда ётмайман.

Энди пастда юрадиган, пешайвонга чиқмайдиган бўлдим.

Эртаси хўжайин итга уй қуриш учун лой қорди, кесак ташиди. Уй битди, лекин хўжайиннинг бунақа ишларга уқуви йўқлиги кўриниб қолди. Бу ичи қоронғи, бирор жойида туйнуги йўқ, дарвозага – ит кўрийдиган асосий жойга – оғзи тескари ўрнаган, ўзи пастак уйчага кириб ётиш ғалати эди.

Мен бир марта ҳам кирмадим. Хўжайиннинг ўғли бир ғал мажбурлаб мени киритиб, эшигини темир тўсиқ билан ётиб қўйди. Мен қоронғида ўтиришни истамай тинимсиз ангиллаивердим. Охири чиқариб юборди.

Бека: “Балки кишда совуқ еса кириб яшар, қўяверинглар”, деди.

Ҳовли кичкина бўлгани билан зериктирмас экан. Қиладиган ишлар кўп. Этакда товукхона бор. Ундан нариси соғин эчкилар қамалган кўра. Деворлар паст бўлганидан қандайдир итлар ҳам кўп бўйлар, ов қилишга ўтмоқчи бўлишар экан. Лекин бундай баҳайбат итлар ҳам мен ҳуриб турганда ҳовлига яқинлашишмас, бу уйнинг эгаси бор, деб билишар эди. Бу уларнинг кўрққанидан эмас, шунчаки, қондаси шунақа.

Мушуклар эса бошка масала. Улар жуда айёр, сурбет бўлишади. Қайси томондан, қачон пусиб келиб қолганини билиб бўлмайди. Беканинг айтишича, хонадонга ит келишидан бир ҳафта олдин кечаси товукхонанинг нобоп ёпилган эшигини очиб, бир мушук тўртга товукни бўғиб олиб кетибди. Иккитаси тухумлаётган катта товуклар экан. Бека хафа бўлиб йиғлаганмиш. Пешинда Қоплоннинг идишига шўрва суякларини ташлар экан, бошини, елкасини силаб:

– Энди ўғри мушукларнинг додини ўзинг берасан, Қоплон, – деди. Унинг сўзларини эшитар экан, ичида ўзига ишонч, кейин унга ишониб топширилаётган вазифадан гурур туюб роҳат қилаётган эди.

Кейин-кейин ҳам, то мени ёлғиз ташлаб кетмагунларича, берган овқатларини еётганимда мени эркалатсалар, суяклар оғзимда осон эриб кетар, овқат жуда ишин туюларди.

Ўз ишимни мароқ билан бажарардим. Тунлар ухламас эдим. Мабодо мушуклар

келмаслиги аниқ бўлиб сал кўзим илиниб қолганда ҳам, уй эшиги очилиб бирорталари ҳожатхонага чиқишса, уларга доим ҳушёр эканимни билдиргим келар, деворларда ҳеч қандай шарпа бўлмаса ҳам, ўша ёққа қараб вовуллаб чопар, уй эгаларини хурсанд қилар эдим. Ҳа-да, менга ишониб бемалол дам олишсин. Ахир мен бу ерда нима қилиб турибман.

Кундузлари менга анча қизиқ эди. Хўжайиннинг ўғли Илёс мен билан ўйнашсини яхши кўрарди. Мен ҳам унинг сумка кўтариб келишини кутар, келганда олдига солинган дастурхондан энг аввал менга нон ташлашига ўрганиб қолган эдим. У чойни шоша-пиша ичгач, ҳовлига чиқиб, лук деб ўйнайдиганлари – текис оқ ёғочни иргитиб, олиб келишга ундарди. Бу ўйин менга шундай ёқардики, агар бекам ўғлини дарс қил, деб уришмаса, кечгача ўйнашга рози эдим.

Кейинроқ бека қизи Анорани боғчага бериб ишга чиқиб кетди. Бу вақтда Илёс сумка кўтариб мактабга борар эди. Ит пешинда оч қолар эди. Қорнининг таталаганига чидолмай ҳовли атрофларини айланиб, емиш кидирар, беканинг эртароқ келиб қолишини истаб, дарвозага қарар эди. Хув аввал ҳали кучук эканида бир мол дўхтири унинг тепасида туриб бир гап айтганди: “Олабай итларни тўйдирини кийин. Агар уларни доим гўштга боқилса, бир ўзи бўри галасига ҳам бас келадиган кучли ит бўлади”.

Мен кун-кун очлик қийнаганда ариқ сувини ичиб кеч бўлиши, бекамнинг ўғлини эргаштириб, қизини боғчадан олиб кела қолишини кутар эдим. Эрталабда кўпроқ овқат ташлаб кетишмаганига хафа эдим. Бир кунги сабр қилолмай, ертўлага тушдим ва у ердаги томорқадан олиб келиб тўкилган йирик картошкадан битта олиб чиқиб едим. Эртага бундай қилмайман. Балки, кечқурун суяклар кўп бўлса, бирортасини туш вақти учун кўмиб қўярман, деб ўйладим. Аммо эртаси кунги ҳам очлик азоб бериб, яна картошка едим.

Уй эгалари итга етарли овқат беролмаётганларини тушунмасдилар. Итнинг оёқлари ингичкароқ, танаси ҳам енгилроқ эди, лекин хўжайиннинг олдига ким келмасин, “Итингиз жуда гавдали, чиройли экан”, дерди. Хўжайин ити билан гурурланарди.

Кунлар исиганда, хўжайин соғин шохсиз эчкиларини тоққа – қирғизларга боқиш учун ташлаб келди. Энди қовун пўчоқ бўладими, бошқами, ҳаммаси итнинг ихтиёрида эди. Бека бир кўшнисига пўчоқ берганида икки кун ўтиб унинг кўзиси ўлгани ва шунинг учун балога қолганидан бери энди пўчоқларни ҳовли четидаги ўрага ташлар, уларнинг ярқиллари янгилигидаёқ итнинг назаридан ўтар, унинг қорнини тўйғазар эди.

Баъзи кунлари уйдагилар кўчадан қорни тўқ келишар, кейин, кўпда, атрофларида қанча айланса ҳам, унга парво қилишмасди. Бир гал сира чидолмади. Ўзим кўрийман-ку, ҳаққим бордир, деб айвонда товук энди туриб кетган жойдан битта тухумни тишлаб кўтарди. Уни идиши бор жойга олиб келиб емокчи эди, бека кўриб қолди:

Вой, Қоплон тухум еркан! Ана, оғзида олиб юрибди! – деди у.

Илёс нималардир деб бақирди. Хўжайин анча сипо одам эди. У бирпас қараб турди-да, уни чақирди:

– Қоплон, бери кел.

Қоплон индамай унинг олдига борди.

– Тухумни мана бу ерга қўй.

У тухумни кўтарма пешайвон қирғоғига охиста қўйди. Ҳамма, ҳатто Анора ҳам чапак чалиб юборди. Хўжайин аввал итнинг бошини силади, кейин тухумни ердан олиб, ариқ сувида ювиб, силкий-силкий олиб кетар экан, уни мактади, овқат

беришларини буюрди.

*Шундан кейин мен маккажўхори ёки картошка-пиёз экилган экинча ер ичида бир жойни танламайдиган аҳмоқ товуклар қўйиб кетган тўхумларни топиб, уларни супага олиб келадиган бўлдим. Мен бу тўхумларни қайси товук қачон қўйишини билардим. Лекин уйга ҳамма келмагунча олиб чиқмасдим. Чунки очиқ жойда ҳаққа (майна) тўхумни кўриб қолиб чўқилаб кетиши мумкин эди. Айвонда товуклар бир-бири билан ўрин таллашиб тўхум қўядиган жойга эса тегмасдим. Уни бекамнинг ўзи олар, доим битта тўхумни товуклар жой алмаштирамасликлари учун қолдириб кўярди.*

*Уйда одам бўлганида ёки эшик баъзан очиқ қолиб кетганида мен кўчага ҳам чиқар, икки-уч қўини оиналар билан гурунглашардим. Аввал келганимда кичкина деб тисанд қилмаган катта итларнинг бўйи энди меникидан пастлик қиларди. Энди мен улардан асло чўчимасдим. Биз улар билан баъзан гаражга ўтиб, унинг кенг ва кимсасиз ҳовлисида истаганча айланар эдик.*

*Колхоз гаражида баъзида бир такачининг тақ-туқ қилиб, нимадир ясагани эшитилар, бир неча одамлар битта паст бўйли такачининг оғзига тикилишарди. У кичкина нарса ясага ҳам, худди машина ихтиро қилгандек, манманлик қилар, бир кунда иккитадан кўп нарса ясамас, илтимос қилиб келганлар: “Ахир ўн беш минутда бўласиз-ку”, деса, босқонни тап этиб гапиргувчининг оёғи остига ташлаб: “Мана, ўзинг ясаб олавер”, дер эди. У эрта саҳар келганича пешинга довури уриниб, унга навбатга туришни уддалаган одамга нимадир ясаб берганидан кейин ўша ердаги эски сўри устига кичкина, ранги ўчган дастурхонни ёзишар, тушликлари арақ ичиш билан тугарди. Улар ичиб бўлиб ҳам кета қолишмас, нималарнидир гаплашишар эди. Туриб кетганларидан кейин эса уларнинг сўриси остида бўлка нон қолдиқлари, қовун ё тарвуз пўчоқлари, қолбаса четлари, гоҳида картошка димламадан қолган улуш бўларди. Қоплонга бирор полапоннинг жон аччиғида чийиллашидан ё қурбақанинг шўртанг гўшгини егунча эшитишга мажбур бўладигани – ёқимсиз овоз – жон фарёйдан кўра шу узок кутишни талаб қиладиган емиш маъкул эди. Унинг барча маҳалладашлари ҳам ўзлари хизмат қилиши керак бўлган уйларида қоринлари тўқ эди-ю, аммо барчалари ташқаридан топиб ейилган овқатни мазалироқ ҳисоблашар эди. Баъзан шериклари гараж кўмирхонасининг пастак томига чиқиб, у-бу ерда ин курган мусичаларнинг учирма бўлай деб турган полапонларини овлаб тушишарди. Қоплон билан қўшни дўсти Зийрак иккиси бундай қилишни истамасди. Шериклар емишларини қарсиллатиб ейишга тушганларида ич-ичидан ғашлари келиб, кайфиятлари бузилгани билан иштаҳалари очилиб кетиб, дарҳол уйга қайтишарди.*

*Биз иккимиз девор остига келиб бир-биримиз билан гувраниб суҳбатлашардик. Мазза эди. У уйда ҳеч ким йўқлигидан хабар берар, мени ўша ҳовлига ўтишига ундар, лекин мабодо товукларини чўчитсам, қунимни кўрсатиб қўйишини билдирар, мен эса унинг уйига асло ўтмасдим. Чунки у билан уришиб қолишни истамасдим, кейин ўз ишим қолиб кетиши мумкин эди. Бирга кўчага чиққан қунларимизда баъзан Зийракнинг ҳам феъли айниб қолар, тирик қушларни ўлдиршидан тийилса-да, пешайвонларда қолган дастурхонларни очиб, нонини ейишдан қайтмасди. У иккимизнинг эгаларимиз қаергадир кетиб, очлик қийнаган қунларимизда мени бирор эгаси далага кетган ҳовлиларга боришига ундарди. Мен қўнмасдим. Унинг ортидан бориб қолганимда ҳам ҳовлига кирмасдим. Зийрак билан бошқа дўстим йўқлигидан дўстлашган эдим. Ахир ҳеч ким ёлғиз яшолмайди. Биз бир-биримизни яхши тушунардик.*

*Кейинроқ маҳалладаги энг ҳашаматли уйда турадиганлар Тоймас деган итни боқиб олишди. Қоплон Тоймас билан дўстлашди. Жуда ажойиб ит эди. Эгаларининг*

учта бир-бири билан уришиб юрадиган ўғиллари, кейин битта ширингина кизлари бор эди. Тоймас ҳар доим кичик кизларининг ортидан эргашиб юрар, ўғиллар билан келишолмасди. Қиз Шоҳида эди. Булокка сувга чикса, Тоймас бирга борарди. Мактабга кетаётганда бирга катта йўлгача кузатиб қўярди. Шоҳида камгап, босиқ ва чиройли киз эди.

Қор ёғди. Қоплон бу бесўнақай ва қоронги, бунинг устига сувнинг нами тепиб турадиган уйга кирмади. Бу уйчанинг ўзига яхшилик олиб келмаслигини яхши биларди.

*Менга аталган қоронги ва пастак уйдан кўра, пешайвон четида ташлаб беришган эски кийимлари устида қишини ўтказга бошладим. Бу вақтда кузда тухумдан чиққан жўжалар анча кўпайиб, товуклар тинмай тухум қўйишар, келган бир-икки қариндошлар товукларга қараб ҳаваси келганда бекам мақтанар, ҳозиргача ҳеч қачон бунча бўлмаганини, бунда менинг катта ўрним борлигини айтар, меҳмонлар менга ҳам ҳавас билан қарашар эди.*

– Вой-бў, намунча товукларингиз кўп? Нечта бор?

– Ҳаммаси олтмишга етди.

– Қанақа қилиб кўпайтирасиз-а? Биз ҳам роса жўжа очтирамиз. Ё мушук олиб кетади, ё илон сўриб кетади, ё куш кўтаради.

– Қоплонимиз зўр-да, у бўлмаса, бизда ҳам шунча бўлмас эди.

– Ҳа, итингиз яхши экан. Яхши ит рўзғорнинг баракаси дейишади-ку.

Бир куни хўжайиннинг олдига Қўрғон маҳалладан бир одам келди. У ичкарига – хўжайин касал кўрадиган уйга кириб чиққанидан кейин итни кўриб қолиб сўради:

– Итингиз бошқача эканми? Қаердан топгансиз?

– Қаердан бўларди. Жиянингиз Назир берган. Яхши ит бўлди.

– Ҳа-я, дўхтир, эсимдан чиқибди. Бу дейман, қариндош эканмиз-у. Бунинг туғишгани менда. Оти нима бунинг?

– Қоплон.

– Қоплон, маҳ. Меники Олабой. Лекин итни боқолмасиз. Бир бориб кўринг. Олабой бунингизга иккита келади. Агар бу ўша бўлса, кичкиналигида энг йириги эди-я. Назир буни ҳеч кимга бермайман, деб олиб қолувди. Ростини, боқолмасиз. Хашаки уй ити бўпти.

– Билмасам, ўзим уйда бўлиб-бўлмайман. Болалар ҳам вақтида қарашмайди-да. Ўқиш, иш деб...

– Эссиз, хафа бўлманг мен шунақа, тўғрисини гапириб қўяколаман. Ит ярим баравар ҳам ўсмабди. Агар менда бўлганида кўрадингиз.

– Ҳалиям бокса бўлар.

– Э-э, йўк. Энди буни суяги қотибди. Тарбияси ҳам жойини топиб бўлган. Буни каттиқ нонга боқибсиз-да. Бошда келиб қанақа қарашни айтсам бўларкан. Бизни хотин бозорга холодес қилади-ку.

– Ҳа-а.

– Шунга суяк-илик сероб. Ҳозир керак бўлса бунақа итларни анча-мунча пулга оладиганлар бор. Лекин бу авлод жа вафодор бўлади. Ҳалиям икки ой яхши боқинг. Хоҳласангиз сотворардингиз. Ўзим сотиб бераман. Бунақа итларнинг жойи тоғда. Қўтон кўрийдиган, бир сурувни бешикаст яшатадиган ит бу.

*Менинг негандир жаҳлим кўзиётган эди. Менга қараб гапирётган одам сира ёқмаётганди. Агар шунинг ўрнида Назир бўлганида ҳам ириллаб кўчага қувиб солган бўлардим. Боқилмаганимда ҳам менга етадиган ит маҳаллада йўқ эди.*

Меҳмон итнинг авзойини кўриб орқасига қарай-қарай кўчага чиқди. Бека ҳам бу гапларни эшитиб турган экан. Хўжайин эшикдан қайтиб кирганда аччикланиб деди:

– Тавба, бировнинг ити билан нима иши бор. Хоҳласак, каттиқ нон берамиз, хоҳласак гўшт.

– Тўғри айтяпти. Ўзим ҳам бошда бўладиган кучук деб опкелувдим. Кейин ташлаб кўйдим-да.

– Битта ит бўлса, шундоқ бўлар-да. Яна нима керак. Катта бўп кетса яна боқиш кийин бўлади.

Хўжайин беканинг гапига кулиб деди:

– Шундоғам нон беришга қизганиб, итни қўй қилиб қўйганман, пўчоқ ейди, дегин.

Бека жаҳл билан ичкарига кириб кетди. Ит негадир хўжайиндан ҳам аччиклана бошлади. Бошини осилтириб нари кетди. Балки у, ахир тўймаганимдан кейин, пўчоқми, бошқами, ейман-да. Лекин қўй эмасман. Мен ҳақиқий итман, деб ўйлагандир.

Барибир ўша одамнинг гапидан кейин итга тузукроқ қарайдиган бўлишди.

Бека ўчоққа уринаётиб, каттакон қадимги косанинг лабини учириб юборди. “Ҳаҳ, куриб кетсин. Катта бувимни кўрган идиш. Мерос эди-я. Қалинлигига ишонсам, шунақа бўлиб ўтирибди”, деди у. Антиквар деб музейдан келишганида яхшигина бахога ҳам бермаган шу табаррукни нега рўзғорга ишлатди, ўзи ҳам ҳайрон эди. Энди Қоплонга идиш бўлақолсин.

Ит эса ўз идиши олдига келди-ю, ёнида турган бегона косадаги овқатга бир қараб кўйиб нари кетди.

*Менга одамлар идишида овқат солиб беришибдими?*

*Мен овқатга назар ҳам солмадим. Менинг ўз идишим бор. Қорним қанча оч бўлса ҳам бошқа идишдан овқат емайман, бошимни суқмайман. Ўз идишимни бекам икки марта, иккита Ҳайит байрамида, яхшилаб тозалайди. Ўшанда у одамларникидан ҳам чиройли бўлиб кетади.*

*Яхшики, бекам ўша куни мени тезда тушуниб, ўша овқатни ўз идишимга солиб берди.*

Товуқдек беақл жонзот бўлмаса керак.

*Мен товуқларни, уларнинг болаларини ит-мушукдан, жўжа кўтарадиган қушлардан асрар эдим. Яна уларнинг ўзидан рўзгорни ҳам асрашга тўғри келарди. Ҳовли четида даладан йигиб келинган бугдой бор эди. Товуқ-жўжалар энг настдаги қопларни чўқиб тешиб ташлашарди. Мен уларга ҳуриб-ҳуриб, худди ушлаб оладигандек ташлана-ташлана чарчаганимни хўжайинларим билишдимми, охири қопларни қаттиқ брезент билан ёпиб ўраб ташлашарди. Бекамни товуқлар энди пешайвонга чиқиб, полларни ифлос қилишарди. Бекам вайсай-вайсай тозаларди. Охири мен уларни ҳовлига ўтказмасликка қарор қилдим. Бу иш мени кечгача жуда чарчатарди.*

Бир куни хўжайин кўчадан гўшт олиб келди-да, деразадан қараб:

– Аяси, гўштни ол, мен кетдим, – деб супа лабида қолдирди. Бека бешикка бола белаш билан овора, эшитмай қолди.

*Хўжайин супа лабида қолдирган қозога ўроғлиқ нарсадан бирам ёқимли ҳид келар эди. У гўшт эди. Бека сира уйдан чиқавермади. Катта товуқлар, хўрозлар гўштга яқин келиб чўқимоқчи бўлишарди. Мен уларни тинмай ҳайдардим. Охири уларни ҳовли этагига жўнатиб юбордим. Анча тинчидим. Бир маҳал уй бурчагида гўштни мўлжаллаб турган мушукни кўриб қолдим. Мен тўхтовсиз вовуллаб бекамни чақирдим. У ҳайрон бўлиб чиқиб келар экан, гўштга кўзи тушиб, менга миннатдор*

қаради. Гўшти ни уйга ташлаб чиққач, мени чақириб бошимни силади. Юзини юзимга қўйди. Кейин анча вақт менинг гўштинга ҳам тегмаслигим, фақат ўз идишимдан овқат ейишим ҳақида ҳаммага гапириб юрди.

Кейинги қорлар ёғиб ўтганида болалар анча катта бўлиб қолишган эди. Қор кўп ёғиб, уйни иситиш учун бир неча ўрикларни кесиб ёкиб юборишди, ҳовлида ҳали анча ёш хурмолар билан икки туп ўриккина қолди. Бироқ кўшни ҳовлидаги каттақон ёнғоқ деворга маташиб ўсганидан, остидаги илдизлари ҳам катталашиб, девор тагини кўтариб юборган, кейин девор ёрилиб, омонатлашган экан. Ҳовлининг ўша томонидаги девор баҳорги тўхтамайдиған ёмғирлар вақтида гурсиллаб кулаб тушди.

*Мен девор йиқилганидан ҳаммага хабар бердим. Бу вақтда хўжайин ҳам, бека ҳам ишда эди. Ичкаридан менинг нега вовуллаётганимга ҳайрон бўлиб чиққан болалар девор кулаб, қўшни боғлар кўриниб ётган жойга яқин келишди.*

Бекага телефонда билдиришди. Кечкурун хўжайин ҳам ишдан келиб, қулаган деворга қараб, ёруғ ёз куни эмаслиги, ҳозир деворни уриб бўлмадлиги, ҳали уни тиклаш учун иложи бўлса, ёнғоқни кестириш кераклиги, девор уриш учун ҳали гишт ҳам қуйишга тўғри келиши ҳақида гапирди. Хўжайин машинасида бориб оқ бўз олиб келди. У билан беш-олти қадам жойдаги очилиб қолган девор ўрнини тўсишди. Ҳожатхона томонга ўтганда узокроқдаги қўшниларининг кўзи тушмаслиги учун яхши бўлди, лекин бу тўсиқ дайди ит-мушукларнинг ўтиб келишига тўскинлик қилолмасди.

*Энди менинг ишим анча қийинлашган эди. Чунки қўшнимизнинг бизникига қараганда бир неча баробар катта боғида қиши билан одам бўлмаганидан дайди итлар кезиб юришарди. Боғнинг деворлари кекса одам ҳам ҳатлаб ўтадиған бўлиб пасайиб кетган эди. Энди бизнинг ҳовлимиздан туриб пастак деворлар билан ўралган қатор-қатор экин ерлари ва ҳовлиларни кўриш мумкин эди. Уларнинг кўпида одам яшамас эди. Фақат экин экишарди. Бўз мато ости анча очилиб қолганди. Мен ундан бемалол нариги ёққа ўтиб кетардим.*

Узун-узун боғлардан биридаги ҳашамдор ҳовлида, ўша Шоҳида – сочи узун қиз кўринарди. У бир йил олдин шаҳарда ўқишни битириб келган, келиб, қишлоқнинг идора деб аталадиган ва ўзи шу қишлоқни бўлақларга бўлиб идора қиладиган жойида иш бошлаганди. Беғубор, босиққина Шоҳида улғайиб, жуда ҳам чиройли бўлганди. Маҳаллада уч девор нари қўшнининг Қоратой номи ити йўлга ётиб олса, ҳеч кимни қувламасдан ўтказмасди. Биргина шу қизга – Шоҳидага ундай қилмасди. Ўзи-ку, Шоҳидани Тоймас катта йўлгача кузатиб кўярди. Лекин баъзида Шоҳида ўзи ёлғиз ҳам ўтарди. Қиз ишга ўтиб кетаётганда Қоратой жимгина бошини эгиб турар, ўтиб кетганидан сўнг унинг кетидан чиқиб бирор нарса деб гап уқтираётган акасига эса вовуллагани вовуллаган эди. Шоҳида ҳаминша ерга қараб юрар, худди айбдорга ўхшарди. Қоплон девор очилиб қолганидан кейин ўша томонларга бемалол ўтиб юрди. Уни лукма топиш кизиктирмасди. У ўша қўшниларининг итлари билан нимадир тўғрисида гувранибми, имо-ишора қилибми, гаплашишни, бу ёқимли кенгликларда истаганча сайр қилишни, ошналари билан чопишиб юришни ёқтирарди.

Тоймасга кўпда ҳавас қиларди. У бир дайди итнинг таъзирини шундай бергандики, ҳамма ҳайрон қолганди. Ўзи ҳам гавдали, викорли эди. Бир одати бор эдики, нима учраса, корнига уриб кетаверарди. Қоплон ундан ҳеч нарсани қизганмасди. У ишончли дўст эди. Улар Тоймас билан колхоз гаражидаги узун ва кимсасиз бинонинг ичкарисигача ҳам кириб чиқишган эди. Агар Тоймас бўлмаганида Қоплон учун бу бинолар билгисиз қолиб кетарди.

Бирдан Шоҳидаларнинг Тоймаси икки кунлаб кўринмай қолди. Эгалари, айниқса,

Шоҳида уни кидириб юрди, Қоплонларникига ҳам чикди. Бир-бирга туташиб ётган боғларда ҳашаматли уй эгаларининг Тоймасни кидирганлари, излари бормикан, деб лой ариқлар ичигача қараганлари кўрниб турарди.

*Мен уни топишга астойдил киришдим. Кўнглим бир совуқ нарсани сезиб турарди. Ичим қуярди. Лекин Тоймасни топа олишимга ишонардим. У жуда жасур ит эди. Усиз биз – кўшини итларнинг суҳбатлари ҳам бемаза, бирга чопишиларимиз ҳам зерикарли туюлаётганди. Ундан кейин шундай дўстимнинг бирдан йўқолиб қолиши жуда галати эди.*

*Биздан настдаги бир ҳовлида кечалари қимор ўйнашарди. Уй эгаси асли деҳқончилик сабаб бўлиб, бошиқа қишлоққа кўчиб кетган бўлса ҳам, ўзи сингари қиморбозларни олиб келиб, тунлари ўйнар, баъзи кечалар ўша томондаги ўчоқда олов ёнгани кўринар эди.*

*Бир гал ҳатто бу ерга тез-тез келадиган одамлардан бирининг тунда пешоб қилиш учун уй орқасига, бизнинг ён кўйинимиз Атобойнинг боғига ўтгани, кейин атрофни аланглаб, кўздан кечиргани, эртаси кечки пайтда худди ўша одамнинг маҳалладаги ёлғиз ўтирадиган Тўхтамат чол ҳовлиси этагидаги катакдан қийиллатиб товуқ олиб чиққанини кўрган эдим. Мен ҳарчанд вовулаганим билан бу одамга яқин боролмадим. Агар бизнинг уйимиздаги катакка тегсин эди, кўрарди нима бўлишини. Одам вовулаганим билан олдига боролмаслигимни билди, шекилли, товуқни қўлтигига қисиб, худди ўз ҳовлисида юргандай бемалол қиморхонага ўтиб кетганди.*

*Ўша куни Тоймаснинг иси менга ўша қиморхонадан келаётгандай бўлди. Эски тандирхона ёнидаги ўйиқ жойдан ошиб ҳовлига тушганимда иккита уйи бор ҳовлининг чирोगи ёниқ хонасида одамларнинг бошлари кўринди. Уйнинг тепасидаги мўридан қовурилган гўшт ҳиди димогимга урилиб бутун танамни сескантириб юборди. Уй олдига бориб, деразадан мўраладим. Одамлар ўртага қоғозларни ташлаб, қимор ўйнашар, нарида нонлар ва бир товоқ қовурилган гўшт кўринарди. Бирдан менга ичкаридан Тоймас қараб тургандай бўлди. Димогимга яна унинг ҳиди келди. Мен ис олиб ҳовлининг этагига қараб юрдим. Ҳожатхона ёнидаги кичкина бостирмага яқинлашганим сари ич-ичим галати бўлаверди. Тери ҳидидан бошим айланиб кетди. Эшигига қулф солинган айвонга ён тешикдан ўтдим. Ичкарида... Тоймаснинг қора кўзлари тош қотиб қолган калласи ва оёқларидан ажралмаган териси ётарди. Мен увиллаб юбордим. Унинг ҳоли шундай ачинарли эдики, ит бўлганларимга пушаймон бўлдим. Бирдан Тоймаснинг кўзлари юмилиб яна очилгандай бўлиб кетди. Мен дўстимнинг мабодо шу танасидан нарида тўппайиб ётган ичак-чавоқларсиз ҳам яшаб кетиши мумкинлигига ишониб уни тортқилаб кўрдим. Тешик олдигача тортиб келдим. Йўқ. Тери ҳам, оёқлар ҳам қотиб қолган экан. Шунда ҳам танаси оғир эди. Уни қандай енгдилар экан?*

*Унинг олдига қанча қолиб кетдим, билмадим. Бошимни осилтириб, Шоҳидаларнинг боғига ўтдим. Ҳовлида ҳар доимгидек Шоҳиданинг ўзи юрарди.*

Қоплон кўпинча бу катта ҳовлида юмушлар билан банд Шоҳиданинг юрган йўлини изма-из кузатар эди. Қоплоннинг бекаси Шоҳидани фаришталарга ўхшатарди. У бирдан ҳовли этагига қараб, ит шарпасини илғаб қолди.

– Тоймас, ўзингмисан, – деди. Кўлидаги нарсани ерга қўйиб шу ёққа шошиб кела бошлади. Кейин уни таниб, – Ҳа, Қоплон, сенмидинг. Дўстингни излаб келдингми? Биз ҳам излаб юрибмиз. Қаёқда қолди экан. Итотарлар отганми десак, ҳеч қаерда унақа гап йўқ. Бирор игна-пигнами, дорими еб қўймадимикан. Жуда соғиндим, Қоплон, – у шундай деб, итнинг бошини силади, кейин қоғоз устига суяк қўйди.

Қоплон дўстининг ўлиги устидан келганди. Кўздан ёш оқарди, суякка қарамади. Аввалгидай Шоҳиданинг ишларини ҳам кузатиб ўтиришга тоқат қилмай ўз уйига қайтди.

Эртаси кечки пайт Қоплоннинг уйдагилар катта тараддудда у ёқдан бу ёққа чопишарди.

*Ҳовлида юрар эканман, хаёлимда кун ботиб кетган бўлса ҳам, уйимизга осмондан бир нур тушиб келаётгандай бўлди. Мен хушёр туришим керак эди. Негадир шу вақтда кўчадан бегонани киритмай, кейин ёввойи мушукларнинг жин илашган оёқларини шу ҳовлига туширмай туришим керакдай туюлаётганди. Шу хушёрлигимни қўлдан бермаганимча, бир қанча вақт ўтди. Кейин ичкари уйдан бир бегона, бир бошқача товуш эшитилди. У шундай ёқимли, шундай эрка йиғи эдики, уни қайта-қайта эшитгим келаверарди. Мен оилага яна бир болача қўшилганини пайқаб қолдим. Ўзим билмай вовуллаб юбордим.*

Янги болачани бир кўриб қўйиш учун сира чиқмайдиган пешайвонга оёқ босиб, эшикни итардим. Эшик очилиб кетди. Ҳамма бақириб юборди. Мен оқ латтага ўралган чақалоқни кўрдим. У жуда кичкина, ширин эди. Уй эгалари мендан ранжишмасин деб, дарҳол ўзимни орқага ташладим. Улар мени қорни очибди деб оқатлар билан сийлашди. Мен чақалоқ учун байрам қилгандек, мазза қилдим.

Энди мен яна бир бола учун куйиб-пишишим керак эди.

Бу бола ҳам кизалоқ эди.

Отини Асила қўйишган, бирам эркалатишади, кўтараман деб талашишади.

Энди бека болаларни мактабга кузатиб қўйиб, ўзи чақалоқнинг, кейин бошқаларнинг кирларини ювади. Уй ишларини бажаради. Асилани кўк аравачага ётқизиб, ўрик тагида ухлатади. Бу ўрик ошхонанинг устига соя бериб турганидан ўғри мушукларга ёрдам бериб кўярди. Нақ Қоплондек келадиган қора мушук итнинг кўздан беркиниб, ўрик орқали ошхонага овга тушади.

*Мушук бирдан ўрик устидан келиб, аравачага сакраб, Асилани чўчитиб юбормаслик учун мен арава тагида ётаман. Орада товуқхона томонга ҳам қараб қўйман. Хўжайин ишдан бўшамайди. Унинг ишдан келиши ҳаммага байрам бўлиб кетади. У ҳам кичкина боласини кўнроқ эркалатади, менга энди аввалгидек эътибор ҳам қилмайди. Вақти ҳам йўқ. Лекин унинг болаларини эркалатгани менинг ҳузур қилишимга етади.*

Кечкурун бўз тутилган девордан нариги ёққа ўтдим. Ҳозир ҳовлимиз тинч. Мен энди Тоймаснинг ўрнига унинг ҳовлисини ҳам кўриб туришим керак.

Бу гал Шоҳиданинг уй ишлари билан овора бўлиб юришини кўриб бўлмасди. Ҳовлида ўртанча акаси бор экан. Улар уч ака-ука қаерларгадир мева олиб бориб сотишарди. Эшикларига кўпда узун ва баланд машиналар келади. Ит уларнинг айвони олдида ёввойи мушукларга бир кўриниб, бу ерлар қаровсиз эмаслигини билдириб қўймоқчи бўлиб турганида ўртанча ака қора сумкасини ёнига қўйиб дафтарга нималарнидир ёзиб, ҳисоблагичда ҳисоб-китоб қилар эди.

*Айвон томида сезилган шарпани ҳайдаш учун овоз чиқардим-да, ўша ёққа отилдим. Бироқ оёғимга тош келиб урилди-да, оғриқдан додлаб юбордим. Ортимга ўгирилдим. Шоҳиданинг акаси сўридан анча берида яна бир тош қидириб аланглаб турарди. Уйга чопдим. Бу менга ҳақорат эди. Шоҳида бўлганида сира шундай қилмасди. У мени ўғирликка келди деб ўйламасди.*

Кўп вақт оёғимни қўёлмай юрдим. Кейин яна ўз ишимга машғул бўлдим. Бир кеча кўзимни юмган эдим, Тоймас яқинимга келгандай бўлди. “Шоҳидага қара”, деди у. Кўзимни очдим, Тоймас йўқолди.

*Хаёлим ўша ҳовлида бўлиб қолди. Мен Шоҳиданинг акалари ўз ишлари билан шаҳарларга кетишганини билдим. Чунки уларнинг ислари келмаётганди.*

*Атир ҳидидан билдимки, Шоҳида таиқари ҳовлида нима биландир банд. Унинг елкама шапатилаб, бўйнимни силашини устаб қолдим-да, бир кўрайин деб яна девордан ошдим. Ҳовлисига кирганимда Шоҳиданинг нафаси сезилар, лекин ўзи кўринмасди. Дарвозахона томонда шивирлаган овозлар эшитиларди. Ёруғлик тушмайдиган чекка жойлардан юриб дарвозахонага яқинлаидим. Шоҳида бир баланд бўйли йигит билан гаплашиб турарди.*

Ўзи жуда ғамгин эди. Чопиб бориб бегона йигитга вовулламоқчи, керак бўлса ташланмоқчи эди, лекин Шоҳиданинг юзига қараб туриб бундай қилиш нотўғри эканини уқиб қолди. Йигит Шоҳиданинг қўлларини кафтлари орасига олиб кўзларига тикилганча нималардир дерди. Шоҳида эса ерга қараб олганди. У аввал энтикди. Кейин хўрсинди.

– Мирзохид ака, энди келманг. Уйимдагилар рози бўлишмас экан. Акаларим каттик туришяпти. Баҳодир акамнинг синфдошига беришармиш, – Шоҳида йиғлади.

Йигит унга каттик ва ўқинчли тикилди.

– Нега энди? Ахир холам келганларида “маслаҳатлашайлик-чи” дейишган экан-ку.

Қиз ерга қараб жавоб берди:

– Менга умуман яхши гапиришмаяпти. Катта акам бунақа қилса ишга ҳам бормайди, деди.

– Шоҳи, ахир кимдан хато топишяпти? Менданми, ойимданми, кимдан? Биз нега тўғри келмас эканмиз?

Шоҳида ерга қараб оғир ютиниб жим тураверди.

– Мана, ишим ҳам тайин бўлди. Худо хоҳласа, тўйимиздан кейин сизнинг ҳам ишингизни шаҳарга кўчирамиз. Бирга бориб келамиз. Акамнинг уйини битириб берсак, машина оламиз. Сизни ёнимда олиб юраман. Мен сизни бахтли қиламан. Ваъдалашганмиз-ку, Шоҳида.

Шоҳида маҳалланинг энг чиройли кизи эди. Узун сочлари орқасини тўлдириб юарди. Унга ана шу келишган йигит тўғри келмаса, бошқа ҳеч ким, айниқса ана у Баҳодирнинг кўпда маст юрадиган синфдоши сира мос келмасди.

*Улар сўзлашаётганда мен ўз хаёлимдаги келишган, чиройли итни – Бўйноқни ўйлайман. Мен уни кўрганман.*

*Биз итлар аслида бўрилар билан бир авлодданмиз.*

Бўрилар умрининг охиригача битта шерик билан яшашади. Аслида итлар ҳам шундай яшар эдилар. Лекин одамлар уларнинг ҳаётини издан чиқариб юборишган. Бу ишлари ёзилмас ва айтилмас қонуниятга айланиб кетган. Агар ер юзидagi озиқ-овқатлар тўғри тақсимланганидами, агар Худо яратган ҳар бир жонзотнинг ризки ерда бор эканига одамлар ишонишганидами, яна агар одамлар бундай шохона дастурхонлар атрофида ўтириб овқатланишга сарф этган пулларининг оз қисмини бўлса-да, пешонасида инсониятга содиқ дўст бўлиш ёзуғи бор итларга сарфлаганларидами, Қоплон билан тенг туғилган шўрлик урғочи кучуклар ерга тириклай кўмилмасди. Ҳатто Малла шериги хақида ҳам яхши хабар бўлмади. Илёс Қўрғон маҳаллага борган кун болалар бир урғочи итни тошбўрон қилиб ўлдиришганини кўрганини, “Бу Назирнинг ити” дейишганини отасига гапириб берди. Малла бечора бундай азоб чекқандан кўра, ёшлигида ўлиб кетгани яхши эди. Илёс ўша воқеани айтиб берган кун Қоплон тунда осмонга қараб Худодан нимадир ўтингандай увледи.

Шоҳида йигитнинг елкасига бош қўйди.

– Ҳа, Мирзоҳид ака, доим бирга бўламиз. Ваъда бераман. Сиздан бошқасига беришса, мен бу дунёда яшайман.

– Унақа гапларни айтманг. Ким айтади сизни олий маълумотли деб? Биз бахтли бўламиз. Вақт келиб пулларим жуда кўп бўлади. Яхши яшаймиз. Мана кўрасиз.

– Мирзоҳид ака, кетақолинг. Ойим чиқиб колсалар, тамом бўламан.

Йигит кизнинг қўлларини сиқиб қўйди-да, сўзига итоат қилиб дарвозадан чиқиб кетди.

*Мен Шоҳиданинг ортидан уларнинг ҳовлисига кирдим. Шоҳида супа лабига келиб чўнкайиб ўтирди, хўнг-хўнг йиғлади. Сочлари ерга сийпаланиб ётарди. Мен унинг ёнига чўкканимча нима қилишимни билмасдим. Охири у тиниб қолди. Менга қаради. Елкаларимни силади.*

– Қоплон, Мирзоҳидни яхши кўраман. Ойим икки дунёда ҳам бермайман, улар ялангоёк дедилар. Камбағаллик гуноҳми, Қоплон? Манаман деган жойлардан совчи келаётганмиш. Танлаб тегасан, танлаб бераман, дейдилар. Ахир мен ҳам инсонман-ку, Қоплон.

Энди Шоҳида кўксига қўлини қўйганча ўз-ўзига гапира бошлади:

– Мен севги йўқ бўлса керак деб ўйлардим. Одамлар бошқа туйғуларни севги деб ўйлашади, дердим. Баъзан севги деб киёс қилганларини худбинлик деб билардим. Севги бор экан. У менинг бор вужудимни эғаллаб олди. Ҳаётнинг рангин эканини билмасдим. Севгисиз жуда оддий, кўримсиз кунларимни ўтказиб юрган эканман. Энди... мен усиз, унинг хаёлисиз бир лаҳза ҳам яшолмасам керак. Балки ҳамма одамлар ҳам дунёда фақат бошқа бир одам учун, шу одамга кўнгил боғлаш учун яралгандирлар. Ҳа, чиндан ҳам одамлар пул топиш, яхши еб-ичиш учун эмас, муҳаббат учун, муҳаббатнинг лаззатини топиш учун яратилганлар. Қолган неъматлар уларни одамлар севган одамларига, яқинларига, ўзидан кейинги давомчиларига тортиқ қилишлари учун яратилган. Ҳатто фарзанд ҳам.

Шу вақт уй эшиги очилди. Шоҳиданинг жаҳлдор онаси чиқиб келди. Шоҳида шоша-пиша ўрнидан турди. Ёнидаги обдастани кўтариб, ариққа қараб юрди. Ит эса секин қоронғи четга ўтиб, уй томонга кетди.

*Мен ҳар куни Тоймаснинг уйдан хабар олар, хонадоннинг йигитлари уйда бўлган кунлари эҳтиёт бўлардим. Мирзоҳид яна кўп марта келди. Бирда гаплаша олди, бирда йўқ.*

Охири марта учрашганларида Шоҳида узоқ йиғлади.

– Мени кечиринг, Мирзоҳид ака. Битта ҳаётимни ҳам ўзим ҳал қилишга кучим етмас экан. Мен энди чиколмайман, – деди.

Мирзоҳид ундан кейинги кунларда ҳам ҳар куни келди. Ҳар куни кутди.

*Кечалари Мирзоҳиднинг Шоҳидалар дарвозаси олдидан турганини кўриб раҳимим келиб кетарди. Кейинроқ уйимиз олдидан ўтиб кетаётганда унинг шамоллаб қолганини, тинмай йўталаётганини билдим. Шундай бўлса ҳам, Мирзоҳид ҳар куни Шоҳидани чақириб гаплашиш учун келарди. Бу вақтларда Шоҳидани ишга ҳам юборишмаётганди. Мен кўп бор бу йигитнинг яқинига келдим, лекин ёрдам беролмадим. Шоҳида энди ҳовлида ҳам кўримасди. Мен уни кўриш учун боғ томондан девор тагига ҳам кўп келдим. Чунки баъзида Тоймас кўзимга кўриниб унга берган ваъдамни эсимга соларди.*

Кундузи ўз вазифамни тугатиб, энди ўтиришни ўрганган Асиланинг рўпарасида чўзилиб олган эдим, у эмаклаб палосчадан чиқиб менга яқинлашди. Қиқирлаб кулиб, жунимдан тортиди. Аввал индамагандим, лекин унинг қўллари кичкина бўлгани билан

кучли экан, шундай тортдики, мен ҳов деб унинг қўлидаги жунларимни оғзим билан тортиб олдим. Шунда нарида ҳовли супуриб юрган бекам бақриб чопиб келди. Асила чинқриб йиглаб юборди. Агар бекам бақирмаганида у йиғламасди. Бекам Асилани кўтариб олиб, мени шу яқин орада турган ўтин бўлаги билан қаттиқ урди. Мен ангиллаб бостирмага чопдим. Бирпасдан кейин ҳовлига машинасини ҳайдаб хўжайин кирди. Унинг олдига чиққим, у билан сўрашгим келди.

Бека эса дарров унга итнинг ёввойилашиб колгани, Асилани қўрқитиб юборгани, уни тишлаб олишига бир баха колгани, ҳар куни ертўладан картошкани бека қанча олиб чиқса, у ҳам шунча олиб чиқиб еётгани, кечалари дайди бўлиб боғ ошиб кетиб қолаётгани, ўз ишини бажармаётгани тўғрисида роса шикоят қилди. Хўжайин Қоплоннинг юзига ҳатто қарамади. У ранжиган эди. У бу гаплар балки ногўтридир, деб ўйлаб ҳам кўрмади.

Одамлар шунақа, кўрганларига эмас, эшитганларига осонгина ишонадилар. Хўжайин мени жеркиб пастга ҳайдади. Наҳотки, менинг болани тишлаб олишим мумкинлигига ишонишса. Ахир мен Асиланинг қўли тегмасидан кетишим ҳам мумкин эди, фақат унинг мазза қилиб ўйнаётганига халақит бергим келмаганди.

Ейдиган овқатимга унча эътибор қилмай қўйишди. Шунга яраша менинг ҳам иштаҳам пасайиб, идишимдаги озгина ювундини охиригача ичгим келмай қолдирадиган бўлдим.

Ҳар куни кеч кирганда уйдан чиқиб, Шоҳидаларнинг боғига ўта бошладим.

Ўртадаги деворнинг қулаганига кўп вақтлар бўлиб, бу орада кунлар икки марта жуда кизиб совиган бўлса-да, ҳамон ўртада кир бўлиб, кўп жойи йиртилиб кетган бўз латта осилиб турарди.

Хўжайин ён қўшниси билан деворни тиклаш тўғрисида келиша олмаган эди.

Иккинчи боғ деворига яқинлашганимда Шоҳидаларнинг ҳовлисидан йиғи ва шовқин эшитилди. Мен девордан секин ошиб ўтиб, қоронғи бурчакдан ҳовлига қарадим. Уй олдига тўшалган палос ўртасида сочлари ёйилиб кетган Шоҳида тиз чўкиб ўтирар, тинмай йиғларди. Унг билагини маҳкам ушлаб олганига қараганда калтак еганга ўхшарди. У ўтирган жойида Илётнинг ўйинчоқлари ичидаги малика ҳайкалчага ўхшарди. Шу ўтириши ҳам унга жуда ярашарди. Онаси икки тиззасига қўлларини таяганча унинг юзига яқин келиб тинмай бақирар, икки акаси икки томонда тик туришарди.

Она ўзининг овози жуда баланд бўлиб узоқларга эшитилмаслиги учун сал пасайтириб гапирар, лекин важоҳати ёмон эди.

– Мен сени эр топишга жўнатганмидим ўқишга? Еганинг елим бўлгур. Бу кунингдан ўлиб қўя колсанг бўлмайдим? Нимасига учасан ўша ялангоёкнинг? Вой ер ютсин сени! Сени тукқунча ит туғсам бўлмасмиди. Одамлар нима дейди, кун кўрмагур! Вой-ей, қайтволдим, Худойим! Тавба қилдим. Уфф! Вой бошим-ей!

Шоҳиданинг аҳволи ачинарли эди. Кейин онанинг бундай киздан қўра ит туғишга рози бўлгани ҳам ғалати эди, итнинг орини келтирадиган эди. Итларнинг айби нималигини тушуниб бўлмасди.

Катта акаси ҳам сўкина-сўкина катъий деди:

– Бўлди. Бас қилинг, ойн. Мен охирги гапни айтдим. Эртага тайёргарлигингизни кўринг. Нон синдирилади. Бунингизга қараб ўтираверасизми? Ғиринг деса, ўзим сўйиб ташлайман. Тамом. Давай, кир уйга! Ана у кетингда итдек эргаштирганингни кўрсам, билиб қўй, яшашидан умид қилма!

Шоҳида, шундай чиройли, безубор қиз, ўрнидан туриб зўрга-зўрга чўлоқланиб уйга қириб кетди. У кўп калтак еган экан. Мен пастак деворлардан ўтиб уйга қайтар

эканман, кўзимдан ёши оқарди.

*Мен кейинги кунлар туни билан, кундузи ҳам ухламадим. Шоҳиданинг аранг, судралиб уйга кириб кетгани, инграгани хаёлимдан кетмасди. Бунинг устига кўз юмсам Тоймаснинг қиёфаси менга яқинлашаар, хушёр бўлишига ундарди.*

*Эрталаб бўз парда тагидан ўша ҳовлига қарадим.*

Баланд пешайвонда Шоҳида белини нима биландир боғлаб олганча судралиб уриниб юрарди. Супа лабида олд оёғига бошини қўйиб ётган ит йиғлади. Бека келиб итга тикилди. Хўжайинни чақирди:

– Бунинг кўзи оғриб копти шекилли. Зокир акани олиб келасизми?

– Аяси, битта зўр ит топиб қўйдим. Пешинга опкелади. Бир-икки кун юрсин-чи. Агар яхши чикса, буни бирортага берворамиз.

Бу сўзларга ишониб бўлмасди. Қайси айби учун? Нахотки уни шу уйдан, ширинтой болалардан, бошқа ҳамма нарсадан, кейин Тоймас дўстининг ҳовлисига кўзкулок бўлиш вазифасидан айиришади? Нега энди? Унингдек қайси ит бу ишни уддалайди? У хозиргача ёмон ит бўлдимми? Ҳа, қорни тўймаганда ертўладан олибми, пишганда ҳовлидан ковлабми, картошка егани рост, лекин шунинг учун уни сургун қилишлари тўғрими?

*Чиндан ҳам пешин маҳали мотоциклда бир қора кучукни опкелиб ташилаб кетишиди. Ўзи кайфиятим ёмон эди. Баттар бўлди. Мен бир четда ётар эканман, бекамнинг, болаларнинг янги кучукни яхши кўриб эркалашларидан хўрлигим келар эди. Охири кучукни ўрганиб бўлишиди шекилли, ҳаммалари бошқа ишларга чалғишган вақтда кучук менга қараб интилаверди, оёқларим тагига келди. У мenden меҳрибонлик сўрагандай бўлди. Мен эса ундан ҳовлимни, ўз ўрнимни қизганаётгандим. Ириллаб, қаттиқ ҳуриб уни ҳайдаб юбордим. Бу вақтда хўжайин кўчадан кириб келаётган экан. Менга нўписа қилди. Баттар хафа бўлдим. Кўчага чиқиб, тегирмон қурилаётган томонга ўтиб ётиб олдим. Кўп вақтим араз била кўчада, тегирмон эшиги тагида ўта бошлади.*

*Икки кун ўтиб мени беканинг акасига бериб юборишиди. Унинг катта ўғли бўйнимга арқон солиб уйга олиб кетди.*

*Мен ноилож бегона ҳовлига келдим. Бу ҳовли шундай кенг эканки, уни айланаб қўриш учун анча меҳнат қилишига тўғри келаркан. Энди қандай яшаркинман. Уйимни қандай унутсам экан, деб ўйга ботиб занжирда бир кунни ўтказдим. Уй эгаларининг мени қўйиб юборишларини кутдим. Агар ҳовлида айланаб юрсам, ишларим кўпайиб, унутишим осонроқ бўлар дедим. Бироқ уларнинг бундай мақсади йўқ экан. Мен боғлоқда турарканман. Эркисизлик мени баттар расво ҳолга солганди. Мен иштаҳамни йўқотдим. Уйдаги беш одам ҳам мени бирдай жойи алмашгани учун овқат емаётганга чиқарганди. Бугун бўйинбоғимнинг занжирга қаттиқ латта билан боғланганини кўриб қолдим. Тунда ўша латтани гажий-гажий бўшалдим-да, ўз уйимга чопиб кетдим. Кўчамизга бурилганимда хурсандликдан танамга сизмаётгандим. Дарвоза ёпиқ экан. Бироз турдим-да, бошқа йўллар билан уйга киришни режа қилдим.*

Ундан аввал – Шоҳиданинг аҳволини билиш учунми ё шунчаки, уларнинг дарвозасига келди. Сахар маҳалидаёқ эшик олдида одам кўп эди. Машинага бир нарсаларни юклаётган эканлар. Ичкаридан одамларнинг “тўй, тўй” деб гапирганлари эшитилди. Ит Шоҳидани кўришга қанча уринса ҳам, фойдасиз бўлди. Бир марта кўзи унинг онасига тушди. У бошини боғлаб олган, афтидан, кон босими ошган эди.

*Дарвозамиз олдига қайтдим. У ҳали ҳам очилмаганди. Бизнинг кўчадан кейинги кўча орқали кириб, қиморхона ёнидаги очик оралиқдан наст деворли боғларга ўтдим-*

да, осонгина ҳовлимизга кириб келдим. Янги кучук пешайвонда юрарди. Мен ҳеч қачон қадам босмайдиган, агар товуклар чиқиб кетса ҳам настан туриб уларга вовуллайдиган жойларда у бемалол айланиб юрганди. Мен чидолмадим. Уни настга тушишга, ўз жойини билишга ундаб бақирдим. У қўрқиб настга чопди. Чеккадаги каттакон ёғоч қути тагига кириб олди. Унга жой қилиб беришган кўринади. Кейин қути тагида хавфсиз эканини билиб, чиранганча вовулашга тушди.

Унинг ахволи жуда кулгили эди.

Уйдан бека билан хўжайин чиқиб келди. Улар Қоплонни кўриб хайрон, ҳатто хурсанд бўлишди. Бироқ ит уларнинг олдига бормади. Хафа эди. Барибир хўжайин чакириб олди.

– Занжирингни уздингми, Қоплон? Бизни соғинибсан-да ё яхши овқат беришмадимми?

Қани энди унга тушунтироладиган тили бўлса экан. Хўжайин ҳам ғалати. Асли бошдан ўзи бу олабай итга етарли овқат бериб келмаганини билмас эди у. Асли ит нима учун қайтгани, нега у ёқда яшолмаганини тушунса эди у. Наҳотки Қоплон меҳр кўйган хўжайин яшаш маъносини фақат яхши еб-ичиш деб ўйлайди-а?

*Эрталаб янги борган уйимдаги катта ўғил яна мени олиб кетишга келди. Бекам норизо қиёфада менга яқинлашиб, кўзларимга қаради. Бу гал мени кўзи қиймаётган эди. Лекин барибир жсиянини кутдирмай менинг бўйинбоғимни ушлади. Жим туравердим. Чунки у мен қўлидан неча йиллар овқат еган бекам эди. Унинг буйруқларига сўзсиз итоат қилардим. Бўлмаса итлик шаънимга оғир иснод бўларди. Агар боглаб беришмаганида, ана у индамас болага ўзимни тутқизиб ўтирмасдим. Кетаётганимда бекамнинг кўзида ёш кўрдим. Унинг гамгин кўриниши кўз олдимдан кетмай қолди. Мен хурсанд эдим. Ширин ўйга ботгандим. Негаки бекам менинг ана у арзанда кучукдан яхшироқ эканимни тушунган эди.*

*Мана, мени яна занжирда олиб кетишмоқда. Бўйнимдан боғлашса, мен нимага ҳам ярардим. Энди ҳеч нарсага қизиқишим қолмаётганди. Судралиб борар эканман, бирдан кўчамиз бошида турган Шоҳидани кўрдим. Унинг олдига чопиб боргим келди. Бироқ занжир тортилиб, бўйнимни қийиб юборди.*

У дугонаси билан кулиб гаплашиб турар, қандайдир муҳим ишни ҳал этаётганди. Шоҳиданинг тақдирга тан берганига ишониб бўлмасди. У эса негадир хафа эмасди. Балки, бир камбағалдан қутулганига хурсанддир. Одамлардан ҳамма нарсани кутса бўлади. Лекин Шоҳида...

*Яна аввал бир неча кун овқат еб-май ўтирган жойимга ўрнашдим. Энди кўп нарса қийнади. Бу каттакон ҳовлининг деворлари менинг бўйимдан сал баландроқ эди холос. Дайди ит ва мушуклар истаган вақтда изгиб юришар, менинг бу ерда бор ё йўқлигим аҳамиятсиз эди. Мен ҳаётдан узилиб қолгандек бўлардим. Нега яшаётганимни тушунмас, кунларим маъносиз эди. Баъзи тунлари кўзимга Тоймаснинг қиёфаси яқин келаверар, у мени яна нималаргадир ундагандек бўларди. Ана шунда мен яна Шоҳидани эслардим. Шоҳидани эслаганимда кўз олдимга ўзим кўнгли кўйган Бўйноқ келарди. Уни бекамнинг ортидан кўшиникига усталарига овқат олиб чиқаётганда эргашган маҳалим кўргандим.*

Бека ҳовлида ишлаётган усталарга “Ҳорманглар”, деб, кейин лаганда ўроғлик овқатини уй ёғасига узатган, икки аёл бирпас гаплашиб ўтиришган, кейин ўша қўшни аёл бекага омборхона орқасидаги бостирма тагида болаларини ўйнатиб юрган итини кўрсатган эди. Унинг тўртга кучукчаси бор экан. Бири – ўша, Қоплон билган, жунари бекасининг момик пальтосини эслатадиган, лекин ялтираб турадиган Бўйноқ эди. Қоплон уни кўриш учун бека ташқарига чиқса, ўша уйга борармикан

деб ҳар гал эргашарди. Бироқ бекаси ҳадеганда у ҳовлига киравермасди. Бўйнокни у атиги уч марта кўрди. Охириги кўришида Бўйнок анча улгайган, жуда Қоплоннинг бўйига етолмаса ҳам, дуркун бўлиб ўсиб қолган эди. Кейин бир гал бекасини ўша Бўйнокнинг эгаси чақирди. У нимадандир хавотирда эди. Унга Қоплон ҳам эргашди.

– Қўшни, ҳозир итотарлар келар экан. Итлар кутураётганмиш. Одамга зарар қилармиш. Итингизга паспорт олмаган бўлсангиз, барибир отиб ташлайди, дейишяпти, – деди аёл куюниб.

Бека Қоплоннинг яхшиямки паспорти борлиги, маҳаллий уколларни ҳам вақтида олиб туришини айтиб, бошқа гапларга ўтиб кетган эдики, ташқаридан қурол кўтарган уч одам кириб келиб қолди. Қоплон Бўйнок билан хали кўришмаган ҳам эди.

Одамлар уй бекасига шундай тушунтиришдики, у итларининг отилишига рози бўлиб қўя қолди. Уларнинг бири Қоплон ҳақида сўрамоқчи бўлиб унга тикилди. Қоплон бир хавфни сезгандай беканинг оёғи остига келган эди, бека ерга чўқди-да, Қоплонни олд оёқлари билан қўйнига олди. Бека чикиб кетишни уддалолмаётганди. Энди нима бўлиши уни қизиқтириб қўйган эди. Айвондан аввал она итни, кейин кучукларни битта-битта олиб чикиб девор тагида отиб ташлашди. Қоплон ҳар ўк отилганда ерга чўккалаб олган беканинг қўлтиғи орасига кириб кетар эди. Бека ҳам ҳар гал бир сапчиб тушар, ҳалигина бидирлаб турган одам тилдан қолгандек гапирмас, орада “Войй, Охх”, деб қўярди. Охирида Бўйнокни олиб чиқишди. Қоплон Бўйнокқа тикилди. У ўк овозидан қаттиқ кўрқиб кетган эди. Кўзларини ола-кула қилиб, олиб чиққан одамнинг қўлларидан чикиб қочишга интиларди. Одамлар ўк отишдаги маҳоратларини Бўйнокда намоёиш қилмоқчи бўлишган экан. Бири уни осмонга ирғитди, иккинчиси унга қулаётган жойида ўк отди. Бўйнок яна юқорига отилиб, бир айланиб, тўп этиб ерга тушди. Оғзидан қони сачраб кетди.

Қоплон шитоб билан қуролли одамлар томонга сакради, тинмай вовуллай бошлади. Бека шошиб қолди. Югуриб келиб Қоплонни кучоклади-да, жунидан торткилаб ташқарига қараб юрди. Эшикка уч-тўрт қадам қолганда кўтариб ҳам олди. Ташқаридагина чидолмай ерга қўйди, лекин итини бошлаб шоша-пиша уйга чопди, дарвозани қулфлади.

Маҳаллада ҳамма ваҳима ва саросимада қолган эди.

Хуфтонда Қоплон увлаб нола қилди.

*Мен Бўйноқдан айрилдим. У одамзот қўлида нобуд бўлди.*

*Бекамнинг айтишича, ургочи итларининг отилишига уй эгасининг ўзи ҳам рози бўлганмиш. Чунки ургочи ит уйда турса, арлонлар бог ошиб келаверармиш. Уйдан баранга кетармиш.*

Шундай қилиб Қоплон Бўйноққинасидан айрилиб қолди.

Энди Қоплон Шохидани ҳам кўролмас, у бегона уйда эди. У ерга занжирлангани билан тобора ҳаётдан узилиб бораётгандек ва бу аҳволда энди узоқ давом этиб бўлмайдигандек эди. Янги бека уйда жуда кам бўларди. Бир куни у дарвоза томондан ким биландир суҳбатлашиб кела бошлади.

*Менга худди ҳозир нимадир юз берадигандек туюлаётган эди. Негадир қўча томонга қарасим келар, ўша ёқда нимадир яхши нарса кўриниши керакка ўхшарди. Қарасам, менинг сеvimли бекам келибди. Занжир етганича ирғишлаб юбордим. Жуда хурсанд бўлдим. Уни соғинган эдим. Бекамнинг тезроқ ёнимга чўқишини, бўйинларимга шапатилаб, бошимни силашини истардим. Унинг қўлларидан танамга қувват, меҳр ўтарди. Мен ана шунга зор бўлиб кетгандим.*

*Бекамнинг жсияни қўчадан бир ёғоч яшик олиб кирди. Ундан анча катта бўлиб қолган Тўрткўзни олиб ҳовлига қўйиб юборишди. Ҳайрон эдим, лекин Тўрткўзнинг*

менга кулгандек боғловсиз бемалол юриши гашимга тегиб, хуриб юбордим, уни тезроқ кетишига, даф бўлишига ундадим. Менинг неча йиллар ҳар ёққа чопиб ҳимоя қилган ҳовлимни эгаллагани етмагандек, энди бу ерга келиб, мен сенинг аввалги эзганга эрка итман, дегандек гердаийб юришига чидолмаётгандим.

– Тўрткўз боғлоқлик туришга яхши. Барибир қўйиб юбормайсизлар-ку, кенной, – деди Қоплоннинг аввалги бекаси. – Уйларнинг ичига ҳам кириб кетавериб безор қилди.

– Майли, Илёсбек, аввал занжирдан қўйвормай, Қоплонни машинангизга жойлаб олинг, кейин буни бизга боғлаб берарсиз, – деди уй бекаси.

Бека аввал берилган итини яна қайтиб олаётганидан хижолатда эди.

Ўз уйимга қайтдим. Болалар мени хурсанд кутиб олишди. Мана, уларга яна керак бўлибман. Хўжайин мени эркалатди.

– Барибир Қоплонга ҳеч бир ит етолмас экан, – деди хўжайин.

Мен магрур эдим. Қаддимни тик тутиб ҳовлини айланиб юрдим. Бу нодон одамларнинг мени билишлари учун анча иш керак бўлди-я.

Мен яна қадрдон уйимда ўзимга ҳар бир бурчаги таниши жойлардан кўз узмай, товуқларни ҳимоя қилиб юравердим.

Уйнинг рўпарасида тегирмон тинмай вариллаб ишлар эди.

Иккита хонаси бор.

Мен тегирмонни ҳам қўриқлайман. Ёз кuni бўлгани учун мен кўпроқ кўчада чўзилиб ётар, одамларнинг тегирмонга келиб-кетишларини кузатар эдим. Бир кuni тегирмон қаршисида кўчада ётган эдим, Шоҳида биров билан уйига қараб келаётганини кўрдим. Ёнидаги ўша Мирзоҳид эди. Уларга чопиб бордим.

Улар турмуш қуришган экан. Онаси қандай рози бўлди экан? Акалари-чи?

Бироқ яхшилаб қаралса, Шоҳида озиб-тўзиб кетганини кўриш мумкин. Ерга қараб, индамай келяпти. Эри велосипед етаклаб олган. Унинг ҳам юзлари сўлгин эди. Уйида ҳеч ким ҳалигача Шоҳида билан яхши гаплашмас эди. Ўша кuni ҳам онаси қизини куёви билан келган бўлса-да, яхши кутиб олмади. Шоҳида нима қилишини билмай, супурги олиб у-бу ерни супурган бўлди, ўзи чой тайёрлаб, олиб келган нарсаларини дастурхонга қўйиб, онасини чақирди, кейин ерга қараганча, Мирзоҳидга чой қуйиб узатди. Онаси боғ этагида қандайдир ишга ўзини машғул кўрсатиб юраверди.

Ўша кuni кечгача менга ҳеч нарса ёқмай, ичим хира бўлди. Тегирмончилар ишни тугатиб кетишаётганда уларни кузатиб, хўжайиним олдида турган эдим, Шоҳидаларнинг дарвозаси очилгандай бўлди. Мен хўжайиннинг орқасидан уйга кирмай ўша ёққа қараб юрдим. Кеч кириб энди қоронғи тушаётган эди. Шоҳида билан унинг велосипед етаклаб олган эри кўчага чиқшди.

Эшикни ёпаётган онасини Шоҳида тўхтатди. Она бош силкиб “Нима дейсан?” дегандек имо килди.

– Ойи, ану кулранг плашчимни олиб кетсам майлими? Ўзингиз учинчи курслигимда олиб берувдингиз-ку. Ишга кийсамми девдим.

– Плашч обермадимми бойваччаларинг? Ойлигингни тутамлаб берасан-ку?!

Она шундай деб осмонга кеккайганча уйга кириб кетди. Чап қўлида плашчни олиб чиқди. Шоҳида унга қўл узатган эди, она уни велосипед орқа ўриндиғи устида баланд тутиб турди-да ўнг қўлида ёндиргич чакиб плашчга тутди. Кийим лов этиб ёна бошлади.

– Ойини.

Шоҳиданинг йиғламсираган овози эшитилди. Она ёнаётган плашчни велосипед ўриндиғига ташлаб юборди. Мирзоҳид кийимни тортиб пастга олди. Ерга силкиб

ўчирди. Она эса аллақачон ичкарига кирган эди. Дарвоза қарс этиб ёпилди.

Мирзоҳид кийимни четдаги симёғоч тагига авайлаб қўйди. Улар кета бошладилар. Мирзоҳид Шоҳиданинг елкасидан кучиб борар, овутар, ҳадемай пули кўп бўлишини, унга ҳамма нарса олиб беришини, онасидан хафа бўлмаслик кераклигини, вақти келиб ҳаммаси изига тушишини паст овозда тушунтирарди.

*Кайфиятим расво бўлди. Шоҳиданинг онасини баттар ёмон қўриб қолдим. Агар уйимизга чиқса, барибир тишлаб оламан.*

*Эртасига Шоҳидаларнинг дарвозаси томонга бордим. Бир четдаги гўнг уюми орқасида маҳалламизнинг энг дайди кучуги Йўлбарс офтобда ётарди. Унга яқин бордим. У Шоҳиданинг ярми куйган кийими устига чиқиб олган эди. Мен Йўлбарсни қувиб юбордим. Кийимни тишимда тортқиладим. Бир четга олиб қўйгим келди.*

Кейинги экин экиш вақтида бека уйга яна бир чакалоқ олиб келди. У ўғил бола эди. Бунақа одамлар ҳеч каерда йўқдай, уларга фақат Қоплонгина мос келадигандай туюлиб, уларни жон дилдан яхши кўраверди у. Ўша йил ҳовлига эккан картошкаларини чопиқ қилган вақтда ён қўшни билан келишиб, бўз матоси майдаланиб тушиб кетай деб қолган очиқ жойни баланд девор қилиб тўсиб ташлашди.

*Мен энди ошналарим билан тунда изгиб вақтимни чоғ қилишга чиқолмас, баъзида кундуз кунлари бир-икки бекорчи итлар билан кўча айланиб қўярдим. Гараж бузилиб, ўрнига бир мактаб қурилган, унинг деворлари баланд, ўтиши имкони йўқ эди. Бизни мактаб ичкарасида қандай жойлар, нималар борлиги жуда қизиқтирарди.*

*Мен уйда кенжатоини яхши кўрардим. У мен билан ҳаммадан кўп ўйнарди. Богчадан келганда менга конфетлар берар, мени чўзилиб ётишга, орқа оёқда тик туришга, велосипед баллони орасидан ўтишга ундар, бу ўйинлар мени ҳам, уни ҳам жуда завқлантирарди. Биз бир-биримиздан ҳеч қачон ажралмаймиз, деб ўйлардим.*

Хўжайин аллақандай ажойиб ҳаммом қурадиган устанинг бўшашини кутиб, ҳовлини тоғ тошларига тўлдириб юборган вақтларда икки болани боғчага ташлаб ишга кетганича кечқурун келадиган бека бир куни бирпасда қайтиб келди. Шошиб уйга кириб кетди. Кейин махси-калиш, кўкиш қўйлак, қора жемпер кийиб, дока ёпиниб чиқди-да, хўжайинга кўнғироқ қилди.

– Дадаси, эртароқ келасизми? Шоҳиданинг эри бўлмай қопти... Ҳа... Ҳа... Оққон экан, деб эшитгудим менам... Соат тўртга чиқаришар экан. Кечикманг, хўп.

Кейин бека супага ўтириб йиғлади. У Шоҳидани яхши кўрарди. Ўқишни битирадиган йиллари “Шу қиз жиянимга тегса эди”, деб юрарди.

*Менинг кўз олдимга яна отилган ўқдан тикка учиб ерга тушган, кейин оғзидан қони отилиб кетган Бўйноқ келди. Унинг қорачиқларида менинг аксими қотиб қолган эди ўша куни.*

*Мен яна увладим. Қўшини аёлнинг “Овозингни ўчир”, деб ҳовлига тош отишларига ҳам қарамай увлайвердим.*

Қоплон ҳам Шоҳида ҳам бахтли эдилар. Улар покиза меҳр ва севгини билардилар. Бахтсиз ҳам эдилар. Севги уларнинг дунёсига сиғмаганди.

*Қулар иссиқ, бека энди ишдан дамга чиқиб, ҳаммом устасига икки-уч маҳал овқат тиширар, менинг ҳам товогим ҳаминша тўла эди. Ичим негадир гаи, кўзимни юмсам, аввал Бўйноқ, кейин баҳорда ўлиб қолган Зийрак, кейин Тоймаснинг қўйхонада ётган калласи келарди. Мен ҳамма ҳам бир кун ўлишини тушуниб турардим.*

Ҳаммом қурамыз деб ён томон деворини бузишгач, менга яна кенг боғлар томонга йўл очилганди. Энди аввалги дўстларнинг кўпи йўқ, ёш итлар энг бемаза қилиқларни қилиб, боғларда юришар, ити бор ҳовлиларга ҳам ўғирликка тушишар, улар итларнинг шарт бўлган тутумларини билмасдилар. Биладиганлари эса эски нарса деб парво

қилмасдилар.

Уйига қайтиб келган Шоҳида чўпдай озган, яна аввалгидай, ховлида судралиб, уриниб юарди. Беканинг айтишича, унинг боласи ҳам туғилибоқ нобуд бўпти. Икки акаси бир кунда уйланиб, тезда марказга кўчишган, энди биргина бўйдоқ, олифта акаси қолган эди. Дадаси хотинидан ўлгудай кўрқарди. Икки-уч кунда бир ортиғи билан ичиб, судралиб кириб келар, уйда бақир-чақир авжига чиқарди.

*Ховлисида Шоҳидадан бошқа ҳеч ким йўқ кунлар неча марта унинг олдига яқинлашдим, лекин Шоҳида мени кўрса ҳам, ҳеч нима демас, гапирмас, эркаламас, суяк ҳам ташламасди. У уй ишини тугатиш билан овора эди. Кўзида ҳеч бир маъно йўқ эди.*

*Бир кеча кўзимга Тоймас кўринди. У мени деворнинг нариги томонида чақирарди. Нариги дунёга чақиряптимикан дедим. Бор-э, нима бўлса бўлар, деб, ҳаммомнинг бўйим баравар бўлиб қолган деворидан боғ томонга иргидим. Тоймас йўқ эди.*

У яна Шоҳидаларнинг деворига келди. Онаси Шоҳидани уришарди.

– Якка ўтмай қаро ер бўлгур. Яхши гапга кўнмасанг, ёмон гапга кўнмасанг. Ёшлигингда оёғимнинг тагида бўғиб ўлдириб қўя қолсам бўлмасмиди. Шунча куйгиликлар йўқ эди-я. Одамлар нима дейди. Онани гапига кирмасанг, Худоё... Берган сутларимга... Э Худойим, минг марта тавба қилдим!

Шоҳида индамай устунга суяниб турарди. Она ичкарига кирди. Қиз ҳам ерга тикилганча, калишини судраб ортидан кириб кетди. Онанинг яна овози эшитилар, лекин нима деётганини тушуниб бўлмасди.

*Уйга қайтдим. Товуқхона томондаги шарпани сезиб чопиб бордим, борлигимни билдирдим.*

*Ҳаммом битди. Хўжайин, бека, болалар устани кузатиб бўлиб, унинг ичига кириб бирам хурсанд бўлишар эди. Бека ўз зиёфатида дугоналарига таъмирланган уйи, ажойиб ҳаммомини кўрсатиб роса мақтанди.*

*Эртаси тегирмонга келган арава ортида турган катта итни кўриб қолдим. Олдига чиқмаслик мен учун иснод бўларди. У ҳаддини билмай, менга хуриб, ичкарига яхшиликча кириб кетишимни айтди. Мен эса бу қўча, тегирмон, унинг ҳовлиси менинг худудим эканлигини билдирдим. Итлик шартларини билмайдиган мақтанчоқ ит экан. Роса олишдик. Ортимизда эгаларимиз ҳайҳайлашар, лекин ҳозир уларга қарайдиган вақт эмасди. У қулоғимни қонатганда чидолмадим. Дуч келган жойига тиш ботирдим. У ҳам қараб турмади. Юмалаб-юмалаб каналга тушиб кетибмиз. Яхшиям сув кўп эмасди. Иккимиз ҳам сузиб-сузиб чиқдик-да, икки томонда ҳовримиздан туидик.*

*Мен неча кунлар ерга оёқ қўёлмай юрдим.*

Қоплон тузалишига оз қолганда сўри тагида ётар, унинг тепасида чой ичиб ўтирган бека хўжайинга дерди:

– Шоҳидани Маҳкамга беришибди. Эртага ундоқ-мундоқ қилиб тўйча киворишаркан.

– Нима? Маҳкамга? Жиннимисан? Шоҳидани-я?

– Ҳа, Тошби опам энди менинг айтганимга тегди. Ўзи айтганига бериб кўрдик, деди.

Деворлар баланд бўлиб кетган, Қоплон Шоҳида томонга ўтолмаётгани, хабар ҳам ололмаётгани.

Туни билан ўша ёққа ўтишни мўлжаллаб ётди.

*Негадир хаёлимга тишлари орасидан қони сизиб чиққан Бўйноқ келаверди. Мен у билан хаёлан гаплашар, искашар эдим. У менга эркалангандек бўлар, кейин ортимдан*

юр дегандек имлаб, қандайдир яшил майсазорларга бошларди.

Ичимда бир сезги пайдо бўлди. Осмонга қарадим. Юлдуз кўп эди, лекин аллақайси томонлардан қоп-қора бир бўрон учиб келаётгандай. Шоҳидани кўргим келиб деворлар тагида роса айландим. Утишининг асло иложи йўқ эди.

Бирдан кўз олдимда Тоймас пайдо бўлди. У менга бир қараб қўйиб, тандир устига сақради. Ундан нариги боққа ўтиб кетди. Мен тушундим. Тандирнинг ичида нон пишганида биринчи марта чиқиб, бекамдан гап эшитганимдан кейин қайтиб қадам қўймагандим. Тоймаснинг руҳи учун у кўрсатган йўлдан юрдим. Шоҳида яна ҳовлида эди. У қора халат кийганча девор тагида турарди. Бирдан мени кўриб қолди. Икки қўлини узатди. Унга яқин бордим. Ўнг қўлимни ўнг қўлига ташладим, сўрашдим. У жилмайди. Чўккалаб, бўйнимдан кучоқлади. Кейин галати овозда шивирлади:

– Қоплон, мен яшаб бўлдим. Энди кетаман. Мирзохид акамнинг олдига. Тоймаснинг олдига кетаман. Ўз ҳолимга қўйишмаяпти, Қоплон. Менинг болам ўғил эди. У тирик эди, Қоплон. Уни йўқ қилишди. Ўлдига чиқаришди, Қоплон. Сен одамларни билмайсан. Улар ваҳший. Улар тишлаб олади. Улар кутурган, Қоплон. Мен Мирзохид акамга хиёнат қилолмайман. Боламини эҳтиёт қил дегандилар. Қўлимдан келмади, Қоплоон.

У менга гапираверди. Аҳволи ёмон эди. Йиғлай бошладим. Унинг овози сал кўтарилди:

– Мен бахтлиман, Қоплон. Мени севдилар. Мен ҳам севдим. Дунёда севмай яшайдиган одамлар ҳам бор. Уларнинг махлуқлардан ҳеч бир фарқи йўқ, Қоплон. Улар охурга овқат деб ўзини урган ҳайвонларга ўхшайди. Йўқ, нотўғри айтдим. Ҳайвонлар бировнинг кўнглига озор бермайдилар. Уни урмайдилар. Уни тириклай ўлдирмайдилар. Ҳамиша эгаларининг кўзига қарайдилар, мени яхши кўрармикан дейдилар, қўлига қарайдилар, овқат берармикан дейдилар.

Шоҳида ўксик-ўксик йиғлади. Ич-ичидан ғамли фарёдлар отилар эди.

У супа четида бирпас ўтирди. Кейин омборхонага кириб кетди. У ердан арқон билан икки оёқли кичкина ўриндик олиб чиқди.

Девор бўйлаб юрди. Унга эргашидим. Энди кўрибман, у ялангоёқ экан.

Боғнинг этагига яқин жойдаги катта олма дарахтига арқонни иргитиб, сиртмоқ тайёрлади.

Бунақа сиртмоқни Атовой аканинг боғида ити касал бўлганда “Қутурди” деб арқонга осилиганида кўргандим. Ити Бўрибосар роса қийналиб, хириллаб ўлган эди.

Мен Шоҳиданинг халатидан судраб уни қоронғиликдан уйга қайтармоқчи бўлдим. Барибир фойдаси бўлмади. У ҳув авваллари ўзи ўтириб олиб пиёз, сабзи тўғрайдиган ўтиргичига яланг оёқларини қўйиб сиртмоққа қўл юборди. Мен уйга қараб чопдим. Мусиқа овози эшитилиб турган кичик акасининг деразаси ёнига бориб овозимнинг борича воулладим. Эшик олдига оқ кроссовка турарди.

Деразадан оқ шим билан оқ жемпер кийган акаси Ихтиёр қаради-да, итга муштини дўлайтириб яна ўтириб олди.

Мен ўзимни эшикка урдим. Фойдаси бўлмади. Деразага ташландим. Ихтиёр ташқарига чиқди. Тинмай воуллаб турган бўлсам ҳам, аввал Шоҳида кириб кетадиган уйнинг эшиги пойгагига қаради. Кейин менга “Йўқол”, деб эски ботинкани отиб юборди. Мен чап бериб яна унинг юзига тик қараб воуллавердим.

У сал чўчиди. Шоҳида кирадиган уй эшигига қараб “Шоҳи, мана бунингни қара. Ўргатиб расво қилдинг. Очидан ўлганми”, деди-да эшикни қарс этиб ёпиб олди.

Мен уйнинг бекаси билан хўжайини ётадиган эшикка ўзимни урдим. Кейин Шоҳиданинг олдига чопдим.

Арқон унинг бўйнида эди. Тинмай типирчилар, ўнг қўли билан бўйнининг юкорисидаги арқонни маҳкам ушлаб тепага интилар, оғриққа чидолмай ихрар, каттиқ хириллар эди. У Қоплонга ўгирилгандай, итдан нажот кутгандай бўлди. Охири унинг қўллари икки томонга тушиб халатини юлқилай бошлади. Сўнг, қўллар тўхтовсиз қалтиради, салдан кейин тахтадек бўлиб қолди. Кўзлари катталашиб бир жойда – итнинг кўзларида қотди.

*Мен яна уй томонга чопдим. Дадаси энгил кийимда ҳовлига чиқиб қайтиб кириб кетаётган экан. Унинг кийимидан тортмоқчи бўлдим. У қўрқиб орқага чекинди. Уйга ўзини урди.*

Ичкаридан унинг қаттиқ овози эшитилди:

– Ташқарига чикма. Дўхтирнинг ити кутурибди. Шоҳиям чиквормаса бўлди.

– Вой ўлсин. Шулар ит боқмаса кимнинг кўнгли қолувди. Бир соатдан бери шу ерда-я. Номери йўқми? Чақирайлик! Опчиқиб кетсин! Ихтиёр чикса нима бўлади? Тишлаволади-ку! Ҳаҳ ит боқмай ўл!

*Мен Шоҳиданинг эшик олдида қолган шиппагини тишлаб олиб келиб уй деразасига урдим. Тирноқларим зарбидан дераза чарсиллаб кетди.*

Ичкаридан аввал қўрқинчдан додлашлар, кейин аёлнинг қарғашлари эшитиларди.

Орада “Болалар чиқиб кетмаса бўлди”, деган сўзлари эшитиларди.

Боғ ҳам, уй ҳам қора жимликка чўкиб кетди.

*Мен Шоҳиданинг олдида қолдим. Унинг танаси тунги кучли шамолда тебранарди. Шамол уни мазахлаётганини кўриб жаҳлим чиқар эди. Шамол унинг узун сочларини ҳар ёққа тўзитар эди. Шамол одобсиз ва бағритош эди. У ёқ-бу ёққа чопардим. Шамолни қувлардим, уни ҳайдаб солгим келар, худди у кетса Шоҳидага озор етмай қоладигандек тиришар эдим. Увайвердим, йиғлайвердим.*

Ҳамма итлар ёмон ҳодисани сезишган, шунинг учун беш-олтита боғ бирлашиб, деворлари янаям пасайиб кетган кимсасиз кенгликларда уларнинг бирортаси кўринмасди...

Ғира-ширада ох-воҳлар билан Шоҳидани ерга олишди.

*Мен уларнинг дарвозасидан чиқиб, аранг судралиб уйимиз олдига келдим. То бекам ташқарини тозалашга чиқмагунча шу ерда пойлаб ётдим.*

Қоплон Шоҳидани йўқотган эди.

Шоҳида Қоплон болалигида буткул яхши одамни тасаввур қилганичалик яхши одам эди.

Итлар энг яхши одамларни биладилар, яхши-ёмонни фарқлашда одамлар алданишлари мумкин.

*Энди кўз олдимга дўстим Тоймас ҳам келмай қўйди.*

Ҳамма нарса ортда қолди.

Одамлар қилар ишни қилиб қўйиб, кейин афсус билан умр ўтказадиган жонзотлар бўлишаркан.

Бировлари гуноҳ қилмагунча тинчишмас экан. Гуноҳ қилгандан кейин эса қолган ҳаётини тавба билан ўтказаркан. Гуноҳ қилиш пешонасига ёзилганларнинг ҳаёти икки қисмдан иборат бўларкан. Гуноҳгача ва гуноҳдан кейин. Гуноҳгача улар ҳаёт лаззатини фақат шу гуноҳда кўришаркан. Гуноҳдан кейин эса ҳақиқий ҳаёт лаззати ва кўнгил ҳаловати гуноҳ қилмаган кунларида қолганини тушунишаркан.

Дунё шунақа-шунақа экан.

Итлар бўри бўлиб туғилиб, ит бўлиб яшашаркан.

Уларнинг кўпайиб кетиши одамларга хавф туғдираркан. Одамлар дунёга сигмай қолишдан, ўз емишлари кам бўлиб қолишдан чўчишаркан.

Одамлар ўзлари энг очкўз махлуқ бўлсалар-да, бир-бирларини очкўзликда айбламоқчи бўлишса, “Ит” деб ҳақорат қилишаркан.

*Ғалати бўлишаркан одам деган махлуқлар.*

*Аммо мен бутун умримда улар деб ёниб-қуйдим, соғиндим, уларга интилдим, уларни кутдим.*

*Эгаларимни эртаю кеч кутганимда, уларнинг бирдан пайдо бўлганини кўрганларим – менинг энг яхши пайтларим эди.*

\*\*\*

*Мана, атрофимда қанот чиқарган итлар – менинг огаларим учиб юришибди. Уларнинг овозларини атрофимда биров бўлганида ҳам эшитмасди. Билдимки, уларни фақат мен кўра олялман, чунки улар фақат мени деб бу ерга учиб келишган. Танамдаги оғриқлар кетди. Ҳа, ўша огаларим кўрингани заҳоти танамнинг азобли оғриқларидан қутулдим. Мен иккита дунё ўртасида бўлсам керак.*

*Қачонлардир бека ён қўшни ҳақида, “Дунёдан ўтаётганда жуда азоб чекди, бечора. Бола-чакасини ташлаб кетгиси келмади, шекилли”, деган эди. Шу гапдан бир неча соат олдин, қўшни кампир жон талашиб ётганида Қоплон жуда безовта бўлиб, тинмай ҳурган эди. Марҳумни уйлари олдидан олиб ўтишаётганда осмонларга қараб увлаган эди.*

*Ўрталикда туриб қолиш ҳам осон эмас экан. Ахир мен ҳали ҳам ҳовлимизни кўриб турибман. Баланд девор томондан этакдаги қўшининг очкўз ўғри мушуги юриб келяпти. Мени илғамади. Мен эса, ҳатто оғзимни очишга ҳам қодир бўлмай қолибман. Энди нима бўлади? Менсиз товук бечораларнинг ҳоли нима кечади? Тухумютар мушук яна ялтиллаб юраверади. Хўжайин тўлмай қолган идишга қараб, ҳайрон бўлади, томлардан, айвон тўйнуқларидан тухум қидиради, кейин териблиб ётган пўчоқларга дуч келиб, уф тортади. Болаларига бир идиш тўла эмас, беш-олтитагина тухум олиб боради. Ҳовлида девор тешигидан сиғиб ўтиб келган безори дайди итлар кезиниб юради. Пешайвондаги йўлғиламчани кир-чир оёқлари билан босади, одобсизлик билан ҳамма эшикларни итариб кўради. Энг ҳурматли меҳмонлар кирадиган уйнинг қулфи йўқ. У ерни оча олса, кейин чиройли гиламларни босиб, қанд солинган ликопларни настга тушириб, ичидагиларни еб, ҳамма ёқни расво қилади. Товуқлар жўжсаларини асролмай, қақаглаб фарёд қилади. Болаларини бир марта олиб ўрганган майна битта ҳам қўймай кўтариб кетади, кейин шундоқ қўшни ҳовлидаги ёнғоқ устида жўжжани чийиллатиб наққос туширади. Бирпасдан кейин қўшни ҳовлига бир тутам пат билан жўжжанинг калласи тушиб келади. Эҳ, шўрликлар. Менсиз неча-неча жўжжаларнинг ёш жони увол бўлади.*

*Ана у қизил хўроз ҳам жуда жангари чиқди. Ўзим ҳайҳайлаб турардим. Энди ёйроқ хўрозларнинг бўйини қонатиб ташлайди.*

*Тегирмончилар дастурхонни энди товуқларга қоқишади, товуқлар ейилмаган катта нон бўлақларини четга олиб қўйишни билишмайди. У ёқдан-бу ёққа нонни тегиб ҳам ўтишаверади.*

*Наҳот энди қаровсиз, кимсасиз қолиб кетса бу ҳовли.*

*Бир гал бекамнинг айтишича, ўлаётган одамларни охириги вақтда қиблага қаратиб қўйишар экан.*

*Бир маҳаллар хўжайин намозни кун ботишига қараб ўқирди.*

*Қачондир қаттиқ шамол бўлиб анча-мунча нарсани учуриб кетганида вафот этиб кетган қўшни – Майрам хола: “Бу шамол қибладан келди, қибладан келган шамол қаттиқ бўлади. Бир маҳаллар шунақа шамол эсанки, нақ бўрон дердингиз.*

Қанча-қанча томларни кўтариб юборган, одамларга ҳам зиён етган. Одамларнинг кўп нарсалари йўқ бўлиб кетган. Анча мол-ҳоллар нобуд бўлган”, деган эди. Кейин жўхори олиб чиққан товоғини чертиб, эсига тушиб қолган бир кўшиқни айтиб, кўзига ёш олган эди:

*Қибладан келган шамол  
Райҳонимни қуритди.  
Бемаҳал келган ўлим  
Суйганимдан аритди.*

Ит бу кўшиқни эшитганда алланечук бўлиб кетган, охиста увлаб юборган, икки кўшни унга қараб кулиб кўйишган эди.

*Ана, учиб кетяпман. Учиб кетиши қандай осон экан. Ҳамма оғриқлардан бир лаҳзада қутулдим. Танам қолди. У менга жуда оғирлик қилаётган экан. Енгил бўлиб қолдим. Оғриқлардан ўтиши учун танани қолдиришининг ўзи етарли экан. Тириклигимда катта пашишаларни яқинимга йўлатмасдим. Ўзимни хафа қилдириб қўймасдим. Бирор жойимни чақса хуриб юборардим. Мана, ҳозир секин-секин учиб борар эканман, танамга ёпишиб ётган пашишаларнинг кўпайиб кетгани ва улар истаган жойимдан чақаётганини кўрдим. Йўқ, бу тана энди меники эмас. У ҳеч нарса энди. Ерда қолиши керак. Пашишаларга қараб билдимки, бу дунёда орттирганларим шу дунёда қолаверар экан. Танам ҳам шу ернинг ўзиде бошиқа майда махлуқлар ҳаёти учун керак бўлар экан. Ҳеч нарса бу занжир дунё ҳалқаларидан узилиб кетолмас экан. Энди улар танамни кўмишади. Эрталоқ топишсин-да. Бир маҳаллар менинг овунчоғим бўлган Мош мушук аянчли миёвлаб, уни заҳарлаганларни қаргаб-қаргаб ўлганида хўжайин унинг танасини чуқур қовлаб кўмган эди. Меникени ҳам шундай кўмади. Лекин хўжайин қачон келса экан. Бугун эмас, эртага келади-ку. Унгача танамнинг ҳиди чиқиб кетар. Ёзда ўтин остида бир товۇқ ўлганда ҳиди жуда ёмон чиққан эди. Ишқилиб, ўлигим қолиб кетмасин-да. Хўжайин бошимда йиғлармикан. Йиғламасин. У хафа бўлса, мен... қийналаман.*

*Танамни ташлаб чиққанимга қанча вақт бўлди, лекин кўзларим кўряпти. Ҳа, ҳа, ердаги танамдан туриб кўряпти. Ҳали бироз кўриб тураман шекилли. Ерда “ўлди” дейилганидан кейин ҳам кўз билан кўриши мумкин экан-да.*

*Ҳа, мана энди юқоридан кўряпман холос.*

*Мен ўзга бир дунёга кетяпман. Оғриқсиз дунёга. Мана, қанотли итлар аввалида уч-тўрт улдузвор қиёфали итлар ортидан онам учиб кетяпти, кейин уч оғам. Ортида қанотлари ҳам кичкина кучуқлар...*

*Онамдан аввалдаги итлар... Улар ҳам бизга қариндош бўлишса керак. Ортга қайтишни истасам ҳам энди бунинг имкони йўқ.*

*Ҳайр, менинг ҳовлим. Мени кечир. Сени қўриқлолмай ухлаб қолган кунларим, қўшинининг ўғли Мадамин ўғирликка чиқиб, ҳамма ёқни остин-устун қилганда, боғлоқда қолдирилганим учун уни қувиб сололмаганим, шерикларим билан айлангани чиққан вақтларимда қаровсиз қолдирганларим, бир гал боқувга қўйилган қўйнинг эшик бузиб чиққанини уйдагиларга билдиролмаганим-у қўй кўп ем, еб эрта сўйилгани, жуда оч қолиб кетганим ва уйга уч кунлаб ҳеч ким келмаганда, қасамларимни бузиб, ошхонада кўвачада қолиб кетган эски толқонни очиб еганларим, ҳаммаси учун кечир. Бекамни, болаларни, хўжайинимни жуда соғингандим. Кенжатоининг шодон кулгисини неча ойлаб эшитмадим. У қайси уйларга кулиб бераётган экан. Лоқақл охирги кунимда шу атрофда – ўз уйларида, ёнимда бўлишса бўларди.*

*Дунё ҳаваслари шунчалик ҳам қаттиқ бўларкан, шафқатсиз бўларкан.*

*Хайр, ҳаёт.*

*Бекамнинг бир гапини эсладим: “Жаннатга содиқ итлар кирар экан, китобда ўқидим”.*

*Мен, албатта, улар айтган мангу яхши дунёга – ўша жаннатга кираман. Мен жаннатнинг қандайлигини ҳозир ҳам кўра оламан. Жаннатда одамлар ўз итларини ташлаб кетмайдилар. Йўлларига зор қилмайдилар. Эшикларни ёпиб ташлаб, сувсиз қолдирмайдилар. У ерда ширин ва тиниқ сувлар мўл бўлади. Ҳа, биламан: бир марта бемор аёл дуо қилганда эшитиб олганман. “Жаннатнинг кавсар сувларидан насиб этсин”. Ҳа, у ерда ҳеч ким офтобда қайнаб кетган қўлмак сувларни ичмайди. Мен ўша ерда ўз уйимга жуда ўхшайдиган бир уйга эга бўламан. Эгаларим билан юзлашаман, кенжотой билан ўйнайман, сакрашаман. Унинг шўх кўзларидан нима демоқчи эканини билиб оламан, худди аввалгидек. Хўжайинимнинг ёнида бўламан. Улар яхши одамлар. Улар ҳали кўп яшашади, кўп ишлар қилишади, лекин барибир ҳеч адашмай жаннатга боришади. Биз яна улар билан кўришамиз, у ёқда бирга бўламиз.*

*Ана, менда қанот пайдо бўлди.*

*У ёқда... мени отим билан чақиртишармикан?*

*Мен... Қоплонман.*

Эртаси хўжайин кўчадан кира солиб, Қоплонни чақирди. Ит кўринавермагач, шошиб, ховли этагига юрди. Унинг устига келиб, очик кўзларига тикилди, хўнграб йиғлаб юборди. Жунларини силади. Қўтиридан жирканмади. “Агар шу ойлар ичида менга қараб чошиб келган бирор кун кучоқлаб кўришганимда бечора қандай севинарди-я”, деб ўйлади у.

Чуқур ковлаб, итни кўмди. Кейин тегирмондаги иниларини чақириб келди. Улар йиғиштирилиб келгунча ўзи хумдек шишиб хун бўлиб йиғлади.

– Нима дейсан? – дейишди унга инилари.

– Кел бу ёққа, ўтирларинг. Қуръон ўқийман.

– Жиннимисан? Итга Қуръон нимаикан? Ёмон бўлади.

– Ўтир деяпман сенларга!

Орқасига қайтиб кетаётган ука қайтди. Акалари ёнига ўтирди. Қуръон ўқиладиган тегирмончилар кўрсаткич бармоқларининг орқасини тишлаб, кулгидан ўзларини аранг тийиб туришарди. Фотиҳа юзга тортилиб, инилар ўринларидан туришганидан кейин тез-тез юриб чиқишар экан, хахолаб кулиб кета бошлашди.

Уй эгаси тинмай йиғларди. Энди уни йўлига чошиб чиқиб кутиб оладиган, қўлини тутса, қўл ташлайдиган, рўзғорнинг баракасини ушлаб турган ва яна одамнинг ақли етиб хизматларини санаб беролмайдиган ит ховлида йўқ эди. Кейинроқ ҳам узок вақтгача хўжайин уни айвонданми, бостирмаданми, ертўладанми чиқиб келадигандек аланглайверди.



Нўъмон  
РАҲИМЖОНОВ

## ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА КЕЧИНМА СУРАТЛАРИ

**Б**угунги шеърятимизда Шахс ва Жамият психологиясини ўрганиш, тушуниш ва эстетик баҳолашдаги бадий-фалсафий фикр ўзига хослиги билан аввалги босқич нуктаи назаридан фаркланади. Ижодий майллардаги оҳорли талкинлар, идрок ва ифоданинг янги йўналишлари бадий-эстетик тафаккур такмилининг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

Бу борада таниқли шоир Икром Искандар шеърятисида ёрқин тажассум топган пейзаж лирикасининг бадийяти хусусида фикрлашсак. Табиатнинг тўрт фасли манзараларидан кўнглига инган ранглар рамзи тимсолли мазмуни билан алоҳида йўналиш сифатида намоён бўлаётир. У бугунги фалсафий шеърятнинг узвий бир тармоғи тариқасида ҳам нажиб. И. Искандар пейзаж лирикасидаги тимсолли тафаккур табиатининг ўзига хослиги шундаки хис-туйғулар фикрлайди. Ҳикматли фикр эса кечинмага йўғрилганлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг “Бир даста гул”, “Баҳорни излайман”, “Бугунги нақллар”, “Ёмғирли фасл”, “Ҳангома ва нақллар”, “Яшил хиргойи”, “Фасллар оҳанги”, “Шамол кўшиғи”, “Висол қушлари” тўпламлари мундарижасини белгиллаган шеърлар фикрлашиш учун катта имкониётлар беради. Биринчи галда кўзга ташланадиган бош хусусият – бу шоир шеърларининг юракдан шалолоадек оқиб тушганлигидир. У хаёлларда эланиб, ўйлаб бичиб шеър тўқимамайди. Оқ қоғозни кораламайди. И. Искандар шеърлари ўз мусикаси, оҳанги, ранги, ифори билан бирга туғилади. Ҳеч қандай зўриқишсиз, ўз оқими, шиддат-хиддати, сурати ва сийрати билан узвий яхлитликда юзага келади.

*Гарчи ўлдим, кўнглимни  
Бўрон билан ўрадим –  
Япроқ каби йироққа  
Учиб кетди юрагим.  
Гарчи ўлдим, иштирлаб  
Синганида чириклар,*

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ – филология фанлари доктори, профессор. Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугаллаган. “Шоир ва давр”, “Истиқлол ва бугунги адабиёт”, “Ақсад Мухтор поэтикаси”, “Ҳалима Худойбердиева лирикаси”, “Мустақиллик даври ўзбек шеърятиси”, “Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди”, “Бадий асар биографияси” каби монографиялари, “Нур боқийликдир”, “Фалсафий лирика” каби рисолалари чоп этилган. Байрон, С. Цвейг, А. Моруа, Ф. Кафка, Г. Гейне, Ф. Шиллер, С. Эквенси, В. Андриянов, Ҳ. Мираъламов асарларини таржима қилган.

*Бир бахт кўрдим жонимда –  
Кўролмаган тириклар.  
Гарчи ўлдим, тупроққа  
Қоришмоққа шайландим –  
Мен ям-яшил ўтларнинг  
Ўтмишига айландим.*

Шеър ям-яшил тирикликнинг, ҳаётнинг азалий ва абадий яшноқ кўшиғи. Боиси, ўлим – йўқликка йитиш эмас. Тирикликнинг ўзламчи шакли, кўриниши. Сатрлар тириклик сафоси, ҳаётбахш руҳ билан йўғрилган; яшашнинг ўзи беназир сурур деган мазмун билан нафас олаётир. Сезяпсизми, пайқаяпсизми, Икром шеърларининг ботиний ҳаёти тириклик нашъу-намоси билан тўйинган.

Эътибор бераяпсизми, Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида табиат хоссалари орқали рухоният иқлимларини тушунтириш етакчи. Дарахт образига юкланган маънолар залвори уни тимсолга айлантираётир. Ва деярли барча шеърларида фалсафий фикр айтишга мойиллик кучли. Хусусан, табиат хоссалари билан тириклик мазмуни борлиқ ва йўқлик ораллиғидаги ранглар талоши талқинида кузатилади. Бу борада у, аввало, табиат мусаввири. Гул, барг-япроқ, шамол, дарахт, кузак, оғоч ва ҳоказо. “Дарахт ва мен”, “Кузни кузатаман...” шеърлари мисолида кузатадиган бўлсак, поэтик образлар бевосита манзара ҳосил қилишга бўйсундирилган. Сўзлар, аввало, рангларнинг ҳолис, беғидир ҳолатларини суратлантираётир. Поэтик идрокда ҳиссий сезимни ифодалаш устувор. Шоирона илғам, туйғу нафислиги биринчи режада бўртиб кўзга ташланади (“Сабоҳ, гарчи сумбула барглари менгзамас баҳорлик бадрок гула, Хазонлик бир дард менгамас, дарахтгамас, карахт, шамолга ваҳшат солар”).

Табиат хоссалари тўғрисида мантикий муҳокама-мушоҳадаларга берилиш эмас, ранглар уйғотган туйғуларни суратлантириш муҳим. Кечинмалар фикрини кўрсатиш шеър бадиятини белгилаётир (“...Шамол хазон янглиғ ҳолсиз, соялар қилг этмас, дарахт ва мен ҳали ям-яшил юртдамиз”).

*Кундай ёришади кўнглим,  
Уфқни хадаф айлар кўзим камони,  
Ер-осмон ёғдуга қоришар,  
Ҳали тун нуқсига кирмаган  
Булутларнинг кунгай томони  
Кўнгилдай ёришар...*

Ушбу ҳолат тасвирида шоир услубининг ўзига хос бетакрор белгиси зуҳур топаётир. Хусусан, уфққа бош қўйган офтоб ёғдуларидан юзага келган кунгай манзараси чизилаётир. Лирик қахрамон нигоҳи уфқни кўзлаган; ёғдуга чулганган ер-осмон унга эш, ёндош. Бир тутам булутларни тун оғушига олганича йўқ. Офтобга қараган кунгай томони кўнглидай ёруғ. Ҳали тун узок. Қоронғилик уфқни буткул маҳв этмаган (“Ям-яшил юртдамиз”). Ранглардан сизиб чиқаётган фикр ўқувчини ўйга толдиради. Умр-тириклик шомини ёдига солади. Наҳотки ёруғ дамлар, ёруғликда эланган кунгайли аснолар қоронғиликка ўрнини бўшатиб берса? “Ҳали тун нуқсига кирмаган” эса-да, қоронғилик шарпаси булутлар елкаси оша нафас оляпти.

Поэтик тасвирда нур, шуъла, ёруғлик, тун, қоронғулик образлари инсон умрининг моҳияти, тириклик шомини, ўткинчи умрлар ҳақидаги ўй-фикрларга толдиришига кўра чуқур мазмундорлик касб этмоқда. Ранглар ҳолат, кайфият манзарасини яратиш баробарида рамзли маънони англаяётир. Айнан ана шу тасвир йўсини Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида бўй кўрсатаётган устувор ижодий мето-

дидир. Ўзига хос бетакрор услубининг индивидуаллигини белгилаб ҳам беради.

Икром Искандар пейзаж лирикаси билан табиат мусаввири, табиат куйчиси, табиат ошиғи сифатида шеърхонлар кўнглидан жой олди. Бу бежиз эмас. Ушбу идрок ва ифода маданияти шоирнинг оламни англаш, кўриш ва тушунтириш тарзининг асосидир. Янаям муҳими, табиат хоссаларининг тасвири, туйғулар манзараси фикрлайди. Шеърхонни ҳам ўз мушоҳадалари оғушига тортиб кетади. Табиат хоссалари жонли, табиий, тиниқ ва маънодордир.

Табиатга мурожаат қилмаган шоирни учратиш қийин. Табиат тасвири орқали муайян фикрларини айтишга чоғланган ижодкорлар кўп. Икром Искандар излашнилари ушбу силсилада қайси жиҳатлари билан ажралиб туради? Тўғри, деярли барча шоирлар, мусаввирлар табиат ҳаётини жонли хилқат сифатида кўради, кўрсатишга ҳам интилади. Фақат, ҳар бир истеъдод ўзи тасвирлаган манзараларга, табиат ашёлари ифодасига юкланган маънолари билан ўзаро фарқланади.

Шуниси эътиборлики, Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида суратланган поэтик нигоҳини, қалб зарбларини шундоққина кўриб, ҳис этиб турасан. У юрак-юракдан туйган, англаган, онг-шуури элагидан ўтказган холис хоссаларнинг реаллигига сидқидилдан ишонади, бизни ҳам ишонтиради. Уларни ҳаёлот-фантазиясининг маҳсули сифатида эмас, ҳақиқатнинг бир бурдаси, ҳақиқатнинг шингил кўриниши тарзида тақдим қилади.

*Кузни кузатаман –  
Шамоллар оғочлар баргларин юлар,  
Юракка туташган йўлакка сочар.  
Сочиқ япроқларнинг томирларида  
Бир хотир юз очар  
Ки, унда юз хотир қилмасдан  
Менинг телба ҳолимдан қулар.*

Икром Искандар пейзажларида табиат хоссалари уйғотган кайфият, ҳолат, таассурот ва ҳоказо туйғу-кечинмаларни суратлантириш, ўй-фикр-мушоҳадалар мазмунини манзаралар шаклида жонлантириш устувор. Бу – бадний-эстетик идрок ва ифода маданиятидаги мустақил йўналиш. Бу – ҳассос шоир Икром Искандар кашф этган янги ифода йўли, тасвир йўсини. Бу – табиат ва инсон муносабатларидан туғилган бағоят тансиқ лаҳзаларни, бетакрор асноларни санъат ҳодисасига айлантириш демақдир.

Эътибор берясизми, шоирнинг табиат хоссасига муносабати билан боғлиқ юзага келган нуқтаи назари тасвирда биринчи режага кўчяпти. Устуворлик касб этияпти. Яъни, инсон нигоҳи – кўнгили кўзининг мунчалар беадад ҳадларни камраб олиш имкониятларини ҳис эттиради. Табиат ранглари, турфа товушлар шаклидаги оҳанглари кечинмалар тариқасида онг-шууримизга оқиб киради. Ўша, қайталанмас лаҳзаларни кўриш, англаш, туюшдек завқни бахш этади. Сурур оғушида элантиради.

*Энди, мана,  
Сунбулада наргайдай ёзиқ юҳо йўлак  
Шохларга тама  
Билан боққанча ётар...  
Мен эса жим,  
Бандидан бирма-бир узилган  
Баргларга боққанча, кузни кузатаман.  
Шамоллар оғочлар баргларин юлар.*

Юлкиниб-юкиниб кечаётган умр лаҳзаларининг ҳиссий идроки, кечинмалар сурати. Бу – поэтик онгда намоён бўлаётган ўзига хос хусусият. Туйғулар талошида табиат хоссаларининг оний лаҳзаси ҳаёт ҳақиқати сифатида зухур топаётир. Жонлантирилган табиат ҳолатлари инсоний хислат-хусусиятлар касб этаётир. И. Искандар лирикасида табиат хоссаларини (дарахт, шамол, тупрок, сув...) жонлантириш поэтик усулига эмас, яна ботиний – поэтик оннинг ҳам ифодасидир (“Лаҳзалар асрдай қолдиргай асар – васлингни юз йиллаб кутганим ҳаққи, кўрганда ҳам сенга бир сўз айтолмай, Ҳатто кўз ташлолмай ўтганим ҳаққи Мен сенга мактублар ёза бошладим – Фикр сўз ҳажмида шаклга кирар, Соғинч сўз шаклида кўринар кўзга”).

Шоир табиат хоссаларини худди нафасдек, юрак зарбларидек ўта ҳассос ва ингичка ҳис қилади. Манзаралар туйғулар рангига айланаётир.

*Бир сесканиб туйқусдан  
Турар тун уйқусидан.  
(Зада юрак – якка барг  
Зориқиш туйғусидан.  
Шамол эсар далада,  
Том устида елади –  
Кўнгимдаги қайғудан  
Ҳуштак ясаб чалади.*

Тун тасвири худди нафас олаётгандек жонли, кўз ўнгимизда ростланади. У – азмойиши, ҳатти-ҳаракатлари билан одамни эслатади (“Турар тун уйқусидан...”, “Шамол... қайғудан ҳуштак ясаб чалади”). Бандида узилгудек титраб турган якка барг зориқиш туйғуси билан зада юрак монанд қалтирайди. Шамол боғда навозишга берилган; негадир сози чийиллайди. Тарона айтишга шайланган овози ҳазин эшитилади. Шамолнинг бўш келгиси йўқ. Тирқишдан кўлини чўзиб шамни рақсга чорлайди. Шамол тиним билмайди. Шоир кўнглини олмоқ бўлиб, тақиллатар дарчани.

*Ул севгилим тушимга  
Кирмади етти ухлаб,  
Ай, шамол, қадрдоним  
Келдингми мени йўқлаб.*

Табиат хоссалари лирик қахрамоннинг руҳоний ҳолати, кайфиятига эш. Тупрок ҳам маҳбуби назаридан мосуво лирик қахрамоннинг кўнглидек мунғайиб қолган. Шовуллашга, жўшишга шай туйғулари кўнгил тубига чўккан. Тупрок оғир ўйга толган; етимдек ёлғизланган. Шу тахлит табиат хоссалари билан лирик қахрамон кечинмаларидаги уйғунлик, ҳамоҳанглик бағоят самимий, табиий. Айтиш мумкинки, шоир туйғу-кечинмалар жунбушини ифодалаш учун керак бўлса, момақалдирик билан сирлашади. Чақинлар ёлини силаб сидқидилдан суҳбатлашади. Осмонлар, барру баҳрлар оғушига сингиб кетади. Юрагига қатим-қатим қавилган ғам-андухларию қувонч-сафоларига ранглар, оҳанглар, маънолар олиб қайтади.

*...Тегранга тароват таратар билмай,  
Табиат сендан ранг олур, билмайсан.  
Юзида шабнамлар кулар жилмайса,  
Майда қадам ташлаб этгандай ройиши,  
Намойиш айлагай майдонда майса,  
Бу фоний дунёнинг оний чиройин....*

И. Искандар табиатнинг ошиғи. Ҳар иккиси бир-бирини жони-дилидан севади. Ҳайратланарлиси, табиат ҳам Икромга кўнглидан жой берган. Юрак-юрагининг ардоғида. Шу боисдан ҳам ҳар иккиси бир-бирига дилини очади. Кўнгили сирлари ила бўлишади. Бир-бирининг қадрини кипригида кўтаради. Эъзоз-эътиборини бошига кўяди. Ана шу дилдошлик, кўнгили пайвандлиги И. Искандар пейзаж лирикасининг ҳаётгиллигини, жонли ва табиийлигини таъминлайди. Ана шу беадад меҳр-муҳаббат туфайли бўлса керак, поэтик тимсоллари оппоқ саҳифаларга кўчиб ўтганда гул-гул очилиб кетади. Поэтик образларидан, сатрлар бағридан табиатнинг таровати, гулларнинг иси-бўйи, майса-гиёҳларнинг анвои атри гуп-гуп уфуради.

*Фақат озроқ... ёшиланди кўзим.  
Ахир, боғни босмоқда тутун.  
Кўнглимни безовта қилмоқда  
Қуюқ хазонлар ҳиди –  
Дунёнинг ўзидай улкан...*

Ушбу сатрлар “Дунёнинг ўзидай улкан” шеърідан. И. Искандарнинг ранглар рамзига, дов-дарахтлар, майса-гиёҳлар манзарасига асосланган табиат тимсоллари дунёни, одам руҳониятини идрок ва ифода қилишда янги маъно кирралари билан эътиборли. Кўпроқ туйғулар замиридан сизиб чиқаётган фикрнинг суратларидир. Улар ўзаро боғлиқликда воқеликнинг кечинмаларга кўчган ҳаётини кўриш, завқ туош ва яна, ана шу ҳолат-кайфиятлар оғушида яшашга чорлайди.

И. Искандарнинг пейзаж лирикасидаги осмон, тупроқ, гул образлари зиммасига юклатилган бадий фикр гўзаллик, бокиралик тушунчасини буткул янгича талқин этади. Шеърнинг бадий-эстетик салоҳиятини осмонлардан тушиб келган гул образи зиммасидаги оҳорли мазмун белгилаётир.

*Сени бир бор кўрдиму,  
Мен айрилдим ҳушдан, гул,  
Осмонлардан юракни  
Поклаш учун тушган гул.  
Эй, эғнида либоси  
Юракдан ранг олган гул....  
Сени ўйлаб дилимни  
Бир савол эзар карахт:  
Мен сен билан бахтлиман,  
Сен топдингми мендан бахт?*

Гул – бокиралик тимсолида гавдаланаётир. Барқ урган фаришта мисоли гул кўкдаги ой монанд лирик қаҳрамонни лолу беҳол этган. Табиатга жон бағишлаган, тупроққа кўрк-малоҳату лирик қаҳрамонга бахт ато этган гўзаллик Ҳақиқатнинг тажаллисидир. Гул – беқиёс гўзалликни намоён этиш баробарида ҳақиқатга дахлдорлигини ҳам тасдиқлаётир.

Табиат рангларию гул жамоли лирик қаҳрамон юрагини поклаётир. У ҳаёт ҳақиқатини англашга, тушунтиришга йўналтирилган. У шунчалар пок, беғидир, беғуборки, ҳатто тоғу тошлар ҳам нурга йўғрилиб, кўнғир тусини ёриштириб олади, покланади. Япроқларнинг нафис табассумида гул нигоҳи жилваланади. Субҳи сабо – тонг шаббодаси куёш нигоҳининг эпкинни. Гул – нурга чайилган. У ҳар қандай губорлар гардини олади. Борлиқ нурдан ҳаприқиб, гупуриб бир ажиб навода эланади, ороланади. Лирик қаҳрамоннинг ундан ўтинчи бор: гулни нур мақомида

кўнглига экиб, ўзини бахтиёр санаётган эди. Ва лекин, кўнглига жойланган нур ўзини бахтли санармикан? Ахир, бахт ҳақиқат билан эгизак-ку!

Булар – Икром Искандар пейзаж лирикасида зухур топган янги фалсафий маъно талқинлари. У шоирнинг ижтимоий, бадий-эстетик изланишларидаги етакчи майллардан бири сифатида буй кўрсатаётгир. Инсоннинг табиат хоссалари – ранглар ҳаёти билан боғлиқ рухоният манзараларини суратлантириш фалсафий лирикамиз имкониятлари тобора кенгайиб, теранлашиб бораётганлигини кўрсатади. Хусусан, борлик ва йўқлик меҳварида турган Инсон психологиясини тадқиқ этиш, кечинмалар ранги билан табиат хоссалари маъносини ўрганиш мазкур йўналишнинг устувор хусусиятидир. Шахснинг маънавий қадриятлар (гўзаллик, эзулик, ҳақиқат) билан боғлиқ ҳолатларини кўрсатиш асносида кечинмаларимиз мазмунини ҳам суратлантиради.

Дунёнинг чеки-чегараси инсон юрагидан бошланиб, кўнгил авроқларида турган. Таажжубки, бу ҳол банданинг мулки борлик ичра бир зарра мисоли эканлигини англади. Шу билан баробар, борликка ҳам маҳқум, ҳам масъул эканлигини тасдиқлаётгир. Маҳқумлиги шундаки, у ўн саккиз минг олам ижодкори Биру Борнинг ер юзидаги халифаси сифатида бетимсол мўъжизаларини билгучи, қадрлагувчи ва баҳолагувчи хилкат. Масъуллиги шундаки, борлик ҳам, йўқлик ҳам инсон учун. Борликнинг борлигини, йўқликнинг йўқлигини билгучи, англагучи бош мезон – бу инсон. Мазкур бадий-эстетик концепция фалсафий шеърятимиз мағзини ташкил қилади. Икром Искандарнинг пейзаж лирикаси унинг ёрув саҳифаларидан ҳисобланади.

*Ғира-шира ой ёруғи...  
Тун ичра туртиниб-суртиниб  
Нима излар  
Фонус қўтарган  
Бу кекса осмон?*

Икром Искандарнинг пейзаж лирикаси рангларга бой. Ана шу туйғу-кечинмаларга айланган ранглар оғушида фикр тадрижини ҳам кузатиш мумкин. Шу маънода Икром пейзажлари бағоят манзарали, дедик. Яъни, ҳис-туйғулар манзараси ўқувчида таҳайиллар уйғотиши билан ҳам нажиб. Хусусан, зимистон тун оғушида ой ёғдуси ғира-шира. Ёруғлик тун бағрини тилка-пора қилиб ёриб ташламапти. Аксинча, зўр-базўр, нимгатири ёруғлик кўйнида осмон кўлида фонус билан (ой ёруғи) ниманидир излапти. Қидираётгани нима экан? Юлдузларими, хаёлларими? Беканор кенгликларга тўқилган туйғуларини ахтараяптими? Поэтик тасвир ўқувчи онги-шуурида турфа ассоциациялар кўзгаёйди.

Этибор бераёйсизми, табиат хоссалари турғун бир ҳолатда кўрсатилаётгани йўқ. Улар – ҳаракатда. Шоир ранглар катимидан халқона тушунча-тасаввурларни кўради, ўқийди. Хусусан, қора ранг – ғам-ташвиш, андуҳ маъноларини англади. Кекса осмон кўнглини ўртаган гидир ўқувчининг ҳам дилига кўчиб ўтади. Қора ранг кўпинча ҳосиятсиз ҳисоблангучи эди. Қартайган осмонни ташвишга чўқдирган нимадир ўзи? Охири хайрли кушойиш топсин-да. Ахир, кекса осмон кўлидаги фонус (ой ёруғи) ожиз (ғира-шира) эса-да, ҳар ҳолда излаётганини топишдан умидвор. Бир тутам эса-да, ёруғлик бор-ку!

Табиат хоссаларининг зоҳирий-кўримли ҳолатлари тасвири ботиний маънолари билан ўқувчига таъсир кўрсатади. Уни ҳам ўйлашга, фикрлашга ундайди. Бу борада шоир табиат хоссаларининг бир нечта ҳолатларини суратлантиради. Ушбу асноларда ҳолатлар жонланади. Хусусан, далалар оппоқ қор кўрпасига бурканган

эса, жилғалар баҳор тафти билан нафас олади; чулдур-чулдур хиргойисини бошлаб юборган. Ёхуд, замин қахратон совуқдан заранг тортган, ва лекин, шаббода қаёқлардандир илиқ ҳавони етаклаб келган.

*Шаббода гунчалар чокини ситиб,  
Гуллар юзин очар ва янграр оҳор –  
Чаманга ранго-ранг ноталар битиб,  
Хушбўй куйларини басталар баҳор.*

“Баҳор бенефиси” шеърдан олинган ушбу сатрларда И. Искандар нурнинг ҳаракатини суратлантиришга интилади (“...Саҳнага чиқади Куёш – маэстро ва ўйната бошлар нурли таёғин”). Қаранг, офтоб нури оламга баҳорий жонланиш, тусланиш, уйғониш сафосини бахш этади. Шаббода гунчалар чокини сўкиб, гуллар юзин очар ва янграр оҳор – Чаманга ранго-ранг ноталар битиб, Хушбўй куйларини басталар баҳор.

Шеърнинг ҳар бир сатри тугал ҳолат, кайфият билан йўғрилган; ҳис-туйғу жўшади, энтиқади, ҳаприқади. Бошланади оркестрнинг концерти, наво авжин олар булбул басма-бас, чумчуқлар жўр бўлар чолғусин чертиб, Гох-гоҳ мусичалар унга ҳамнафас.

*Улкан томошагоҳ нафасин юта,  
Шуурга муҳраб ҳар сониясин,  
Жон ҳалтида тинглар мумтоз сюита –  
Қушларнинг саҳарги симфониясин.  
Боғ буткул ҳайратга кўмилиб ётар,  
Мутаассир муҳлис сувратиға боқ:  
Шинаванда осмон тамом дол қотар,  
Дарахтлар тик туриб олқишлар узоқ.*

“Баҳор бенифиси” шеъри илк кўклам тонги тасвирига бағишланган. Куёш – нур – баҳор – дарахт – чумчуқ – мусика – боғ – осмон булар илк баҳорий сахар сафосини тасдиқлаётган табиат хоссаларигина эмас. Улар бири-иккинчисига суянган, бир-бирини кувватлантирган ҳолда деталлаштирилган беғубор сахар суратини чизаётир. Субҳи сахарнинг ниҳоятда бокиралиги тимсолнинг бадийий умумлашма шакли. Бу – Субҳи сахар кўшиғига йўғрилган ҳолат ҳақиқатнинг гўзаллигини тажассум этаётир. Гўзаллик эса хамиша поклик рамзи.

Табиат хоссалари бағоят уйғун; бир-бири билан чамбарчас боғланиб яхлит баҳорий сахар сафосини суратлантираётир. Сўзлар субҳи сахар тонгига хос ранглар – маънолар – оҳанглар мужассамлигини таъминлаётир. Уйғунлик бус-бутунликда экан.

Сўзлар – ҳайратга чўмган боғнинг мутаассир кайфиятини яратиш асносида ботиний маънони ҳам юзага чиқараётир. Хусусан, боғ ҳайратидан сабуҳий рангларни кўрамиз; оҳанглар кўнглимизга оқиб киради. Баҳор тонги – поклик, гўзаллик рамзи сифатида бўй кўрсатаётир. Дарахтлар тик туриб чапак чалаётир, олқишлаётир. Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрнинг ҳар дами ғанимат. Шеърнинг ҳар бир сатри тугал маънога, тиниқ рангга, нафис оҳангга эга, дедик. Ана шу хатти-ҳаракатлар маънодорлиги ва уйғунлигини таъминлаётган бош омил – бокираликни улуғлашдир. Инсон ана шу гўзалликни туюш, ҳис қилиш, кадрлаш баробарида ўзи ҳам тозаради; рухан ва маънан улғаяди, улуғланади.

Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида табиатдаги ҳолатлар эврилиши, хоссаларнинг турланиши ва тусланиши, оҳанглар жунбуши, ранглар кўшиғи инсон руҳоний ҳаётидаги покланиш билан уйғунликда кузатилади, бадийий тадқиқ этилади.

*Кўзларимнинг ёмғирларини  
Хуш бўйларинг оққан ҳавога чайсам,  
Сўнгра кипригингга қоқилиб,  
Юрагингга йиқилиб тушсам, эй,  
Юзлари ёмғирда ювилган майсам.*

Шеърдаги сўзлар (ёмғир, ҳаво, майса) мисралар аро ҳар гал такрорланганда янги маънони ёритиш, янги фикрни кучайтириш сингари бадий вазифаларни адо этаётир. Ҳис этаяпсизми, лирик қаҳрамон ҳолатини ифодалаётган сўзлар туйғулар ҳаракатини кўрсатиш баробарида яна кечинмалар сурати чизилляпти. (Юзлари ёмғирда чайилган майса кипригига қоқилиб, юрагига йиқилиб тушган аснолар). Унда, энг муҳими, шоирона нафосат нафаси бор. Унда бири иккинчисига суянган оҳангларнинг ботиний тизими, боғлиқлиги бор. Муסיкийлик гоҳ сусайиб кўтарилар, гоҳ жўшқин нишабда оқаркан, ҳар гал янги-янги маъноларни намоён этади. Ички ботиний зарурат, эҳтиёж туфайли юзага чиқади. Табиат хоссалари билан ҳис-туйғулар ҳаракатининг уйғунлигида, узвий боғлиқлигида гўзалликнинг тўқислигини ҳис этасан. Янаям муҳими, ундан ҳаёт нафаси уфуради. Ҳаётгий ҳақиқатнинг кўрки-чиройини тасдиқлаётган бадийят балқийди. Икром Искандар шеърдаги табиат хоссаси билан ифодаланаётган ҳис-туйғу бирга нафас олади. Бир-бирининг оғушида яшайди. Лирик қаҳрамоннинг ёмғирда ювилган майсадан ўтинчлари бор. Сен мени суйсанг ва суясанг, эгнимга лой каби ёпишган ўтмиш кунлар хотирасини ёмғирда ювсанг – ғамлардан мосуво этсанг, дея ўтинади.

*Ёмғирда ёмғирдай тозариб кетсак,  
Ювилса ўтмишининг доғлари –  
Келажак ҳақида куйласак баёт.  
Сўнгра .....*  
*Мабодо ёмғирлар тўхтаса,  
Бошланса ёмғирдан кейинги ҳаёт.  
Ёмғирда ёмғирдай тозарган бўлсак!*

Табиат хоссалари (осмон, ёмғир, дарахт, шаббода, ҳаво...) бокиралик рамзи сифатида талқин этилар экан, инсонни жисман тозартирадиган омиллар тариқасида ҳам кузатилади. Табиат – шоир талқинида жонли бир хилкат. У ҳам нафас олади; атроф-теваракка разм солади; одамларни бағрига олади; яшайди, яшнайдди, ёшартиради. Одамга ўхшаган ақлли, кўргувчи, билгувчи, ҳис килиб сўйлагувчи жонли вужуд. Табиат хоссалари инсон ҳис-туйғуларига монанд кечинмаларга берилади. Ўрни келганда тоғлар ҳам оғир ўйга толиб хўрсинади, “уф” тортади, қаҳрга тўлиб силкинади.

Табиат “фукаро”лари – кушлар, дов-дарахтлар, майса-гиёҳлар, жонзотлар, ва ҳатто, ҳашаротлар ҳам шоир шеърларидаги ўй-фикрлар, ҳис-туйғулар билан бирга елкадош. Бадий маънонинг ёркин ифодаланиши учун хизмат қилади. “Кушлар хониши”, “Чигирткалар чириллаши”, “Булбул наво си”, “Ниначининг тошдек оғир нигоҳи”, “Қапалаклар қанотиға илинган насим”, “Қалдирғочларнинг каллаи саҳарлаб ўртанган валфажр қўшиғи”, “Ғунчаларнинг шивир-шивири”, “Момақалдиқоннинг қарсилдоқ товуши”, “Чакмоқларнинг чақин чақиши” – барчаси И. Искандар шеърларида ўткинчи эмас; ўз овози, индивидуал белги-хусусиятлари билан тавсиф этилади. Рамзли маъноларни акс эттиришга қаратилади.

*Келасан ....  
 Ҳаяжонга гарқ бўлар дарё,  
 Абир исларингга чўммиш ҳар ёни,  
 Юзингда ювилиб тушган томчилар  
 Ёмғирдай поклайди дарёни.*

Ёхуд,

*Фариштам, гар излаб топмассан,  
 Бир беғидир маскан  
 Балки беҳиш ҳам ўша –  
 Бил, бу дунёда тополмассан  
 Менинг юрагимдан-да пок зўша!*

И. Искандар шеърларининг рамзли маънодорлиги ҳаётнинг бир бурда лаҳзалари қатимига яширинган ҳақиқатларни дарж этади. Гарчанд, аснолар чекланган эса-да, инсоннинг аклий-ҳиссий илғамлари, идроки нечоғлиқ кенглиги, адалдасизлиги шаҳодатидир. Аслида, ҳаётнинг жонли лавҳаларини дақиқаларга бўлиб тушунтирилса-да, ҳаётнинг чеки чегараси йўқ. Кўнгиллارга кўчиб ўтадиган фикрий кечинмалар билан ҳиссий тафаккурнинг ҳам адоғи йўқ. (“Лаҳзалар суронлардан кучлироқ янгра”). Яна, онг-шууримизнинг дунёни билиш, одамни англаш борасидаги имкониятлари ҳам ҳеч қандай қоллиларга сиғмаслигини кўрсатади.

Инсон атроф-теварагида кечаётган воқеликдан таассурот олиб, фикран бойиб, кечинмалари ортиб боради. Икром Искандарнинг пейзаж лирикаси ана шундай тансиқ лаҳзаларнинг манзарали маъноларини суратлантиради. Яна туйғулар ҳақиқатини рамзли мазмуни билан омухта акс эттиради. Бу – И. Искандар индивидуаллигини белгилаб бораётган бош хусусияти.

И. Искандарнинг пейзаж лирикасида табиат тасвири сувга бўккандек эмас. Аксинча, шиорона юксак, руҳияти кўтаринки, тансиқ дақиқаларни танлаб олади. Ана шу дақиқ дақиқалар ботинидаги маънолар ҳақиқатини кўра билади. Рамзлар тилига кўчиради. Бу – Икромнинг айнан ўзига хос ижодий услуби.

Шу ўринда поэтик идрок ва ифода маданиятидаги ёлғиз Икром Искандарга хос икки жиҳатни таъкидлаш жоиз. Хусусан, у табиатни буткул борлиги ва борлиги билан қамраб олмайди. Бунга чоғланмайди ҳам. Шоир табиатни кўнгили кечинмалари, ўй-фикрлари ифодаси тарикасида тасвирлайди: зимистон тун, сутта чайилгандек оппоқ ойдин кеча, баҳорий тонг – шамоллар, майин эпкинлар, шаббодалар алмашиниб турган субҳи сахар, гуллар очилган, қушлар сайраган, қурт-кумурска буткул ҳашароту жонзотлар ҳаракатта кўчган аснолар тарикасида – умумий ёндашиш ҳамда деталлаштириб кўрсатиш тамойили кучли. Шу боис Икром пейзажларида табиат унсурлари турғун эмас. Ҳамиша ҳаракатда. Ҳолатларнинг энг жўшқин, кўтаринки ва сирли асноларини танлаб олади. Улар ботинидаги кўмма маъноларни, яширин фикрларни кашф этишга интилади.

“Куз эди...” шеърда намгарчиликнинг юзага келиши куз лавҳаси тасвири билан бошланади: Яъни, кузнинг намчил ҳавоси жунжиқтирувчи сим-сим навоси билан уйғун.

*Куз эди. Куз каби намчил ҳавони  
 Тўлдириб ёғарди сим-сим жулжикчиши.  
 “Билч-билч” лой кечганча яланг товони  
 Йўл бошида гариб,  
 Мунгайиб турарди кунчиқши.*

Манзарада ҳолат, кайфият кечинма замиридан сизиб чиқаётир. Кунчиқишнинг ҳам ҳолати ҳавас килгулик эмас. Захкаш намгарчиликдан ивиб кетган кунчиқиш йўл бошида ғариб, мунғайиб турибди. Ушбу ҳолат шеърда кўзда тутилган бош маънони юзага чиқаришга қаратилаган.

*Тўлғоқ тутган қатор дарахтлар  
Шохларида  
Саҳархез чумчуқлар айтган азонда  
Минглаб исм билан ғамангиз фараҳда  
Шивирлаб, йиглаб  
Таваллуд топарди хазонлар.*

Дарахт шохларидан дув-дув узилиб тушаётган хазонлар лирик қаҳрамон кўнглида фарёд кўзгаётир. Нетонг, япроқлар қайтмайди энди бандларига, чивик новдаларга. Улар дарахтнинг ям-яшил ўйлари, хаёллари, умидлари эди. Серҳосил яшилликдан умидвор эди. Армонлар мева бўлиб қолди. Фикр тадрижи сўнгги тўртликда чуқур фалсафий мазмун касб этади.

*Кўксимда тугилган хазоним – наво  
Шитирлаб куйларди ва сим-сим дардим –  
Ёғарди, кўз каби намчилди ҳаво...  
Жунжикиб-жунжикиб сени эслардим.*

Хазон образи лирик қаҳрамонга айрилиқ азобларини, ўкинчларини, ушалмаган дийдор ўкинчларини эслатиб юборди. Хазон – лирик қаҳрамон кўксидан ловуллаб кўзгалган айрилиқ навоси. Шитирлаб тўкилган куйлари сим-сим ётган дардларига ўхшайди.

Икром Искандарнинг пейзаж лирикаси ҳаётгиллиги, жонли, манзарали-мазмундорлиги билан аҳамиятли. Хусусан, “Куз эди...” шеърда кузатилганидек табиат хоссалари ҳақиқатнинг намоён бўлиш, қарор топиш шакллари сифатида талкин қилинади. Осмон бокиралик ва ҳақиқатнинг тимсоли сифатида зухур топади. Хусусан, шоир шеърлари бадииятининг муҳим белгиларини намоён этилиши билан ҳам эътиборли. Осмон – боқий; шу билан баробар бағоят юксак. Ҳар икки жиҳати бир-бирини тўлдиради. Яъни, азалий ва абадийлигида юксаклик, бекаронлигида мангулик мужассамлашган. Одамнинг қўли ҳам, қурби ҳам етмайди. Осмон узок, ер – қаттиқ, дейилганда унинг орзу-хаёл каби бепоёнлигига ишора ҳам бор. Осмоннинг этагидан тутиб қоламан, дея қанчалик сакрагани билан банда бечора шунчалар ерга ботиб кетаверган экан.

Икром Искандар шеърлятида осмон тимсол. Унинг лирик қаҳрамони ўрни келганда момақалдирукни тулпор мисоли жиловлашга майли баланд. Чақмоқлар чақин чақиб, бепоён осмон канораларида от сурган маҳали лирик қаҳрамон олов тулпорнинг ёлидан тутиб учишга иштиёқ билдиради. У ҳамиша юксак-юксакларда парвоз қилишга, топ-тоза чинни ҳаволардан нафас олишга ошиқ. У зумрад кенгликлар оғушида яшаб қолишга орзуманд.

*Гуллар киприк қоқмай  
Осмонга боқар.  
Осмонни тўлдириб  
Учар эди  
Қанотлари синиқ қуш  
Овози.*

Ушбу сатрлар “Баҳорда” шеърідан. Шоир лирик қаҳрамонининг нигоҳи ҳам, юраги ҳам юксак-юксакларга талпиниб яшайди. Осмонлар оғушидаги тиникликда бетакрор бокираликни кўради. Покликда бегидир гўзаллик тантанасини кўраркан, у ҳақиқатнинг завол билмас тимсолига айланади. Беканор осмон борликни оғушига оларкан, неки покиза нарсаяратиклар бўлса барини йўрғаклаб бағрига босади. Одамлар кўнгли-руҳонияти ҳам осмондан андоза олишини истайди. Осмон – эркинлик, покдомонлик тимсоли экан, қаноти синган қуш овози сингари сакталик, ноқис-етимлик аломатлари бўлмаслигини хоҳлайди. Не ҳайратки, хоҳиш-истак билан орзулар ушалиб, ҳақиқат қарор топиб қолмайди.

*Бир тонг отаётир, бўм-бўи осмон*

*Қутиб олаётир қуёшини.*

*Бир тонг отаётир, юрагим*

*Ёниб бораётир қуёшдай...*

*Келсанг-чи, дўстим!*

И. Искандар поэтикасида тиниклик, бокиралик шеър бадиятини таъминлаётган устувор хусусиятлар сифатида намоён бўлади. Осмон – кўзгу. У бокираликни зоҳир этиш баробарида гўзалликни тақдим ҳам қилаяпти. Инсонда ана шу қўшалок – эгиз туйғуларни уйғотишга ундов бор. Бокираликка эш бўлиш билан баробар унга муносиб ҳам бўлиш такозо этилади. Руҳониятда ана шу туйғуни камол топтириш лозим. “Учрашув” шеърида ана шу имконият ва тажалли ҳолатининг уйғунлиги акс эттирилган (“Тун, тегрангда куюқ оғочзор шовуллар. Туйқус япроқлардай тўзғир, ҳазонлардай ўтларни кучар сочларинг... тегрангда тун. Шамол шовуллар. Сочларинг исидай эсиб юксакда, осмонга куюлар куюқ оғочзор шохлари”).

Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида турмуш реалликларидан туғилган туйғулар ҳаёти билан табиат хоссалари ўртасидаги уйғунлик ёхуд зиддият аснолари суратлантирилади. Ушбу тасвир йўсини шоирнинг ўзига хослигини кўрсатувчи бадий услуби. Бу нарсанинг яна бир хос хусусияти шундаки, у ҳолат ёхуд кайфият кечинмаси покликнинг ҳақиқат эканлигини ҳамда борликнинг гўзаллигини зирҳлашга хизмат қилади. Бадий тасвир макон ва замондан холи. Ва лекин муаллақ эмас. Ифода бадий мазмуннинг фалсафий моҳиятини кўз-кўз этишга йўналтирилган.

*Титранди кўнглимнинг барглари,*

*Тўкилди бор гарди –*

*Кўнглим қалқийган дардларин*

*Шивир-шивир куйга гарқ қилиб*

*Тонгдай тозарди...*

*Осмонча симирдим мен бу дам,*

*Бу саҳар осмонча семирдим –*

*Мен сизнинг ёдингиз оққан ҳаводан*

*Симирдим, симирдим, симирдим...*

Шоирнинг табиат тасвирларидаги бадий-эстетик умумлашмаларга юкланган маъно чуқур, ҳикматга йўғрилган. Хусусан, “Чароғон тун” шеърида тонг тасвири бадий мазмун меҳварини ташкил қилади. (“Тонг яқин... Юлдузларнинг боши осмонда”). Халқимизнинг ишонч-этиқодига кўра тонг тушунчасига юкланажак маънолар серқирра, рамзли. Хусусан, умр тонги, ҳаёт тонги, куннинг бошланиши билан боғлиқ хосиятли ёхуд хосиятсизлик аломатлари. Шоирнинг лирик қаҳрамони беҳад шод. Унинг қувончига юлдузлар эш. Боши осмонда. Тонг тимсоли тасаввуримиз-

даги тушунча-фикрлар силсиласини уйғотиб юборяпти. Ўқувчининг ақлий-хиссий жамғармаси қават-қават маъноларга қанот бағишлаётир. Тонг отиши билан боғлиқ орзу-армонлар ушалажак; қутлуғ ниятлар, ёруғ режалар амал топажак. Боиси, тонгнинг қадами хайрли. Кўнглини чўктирган, бошига тош бостирилган туйғулар тонгта қўшилиб ёруғликка чиқажак. Боиси – юлдузларнинг боши осмонда. Осмон – ёруғлик, бокиралик, тиниклик тимсоли.

Тагдор, серкира маънодорлик – Икром Искандар пейзажларидаги бадиий умумлашма фикрларнинг қаймоғи, дейиш мумкин. Фикр-маънонинг осмон сарҳадлари монанд кенг бўлиши учун интилади. Ўй-мушоҳадалари салмоқдор, туйғу-кечинмалари тигдор. Кўтаринки ҳолатлар тасвирида шоир ўзини ниҳоятда эркин ҳис қилади. Қалами ҳам қоғоз узра енгил учгудек, чопагон. Поэтик тасвирда тиниклик ва кўтаринкилик орқали ҳақиқатнинг гўзаллигини кўз-кўз этаётир. Хусусан, боши осмонга етган юлдузларнинг шавки-сурурида жўнлик, сунъийлик йўқ. Кўтаринки ҳолатнинг табиий улуғворлиги кўнглимизга сингиб нақшланапти. Биз ҳам бошимиз осмон қадар юксалгандек ҳис этамиз ўзимизни.

*Ер юксак эди,  
Қушча ҳали ёш.  
Осмон қора эди... Жарга ўхшарди.  
Қушча учди –  
Қулаб тўшди  
Осмонга.*

Икром Искандар пейзажларида сўзларнинг қутилмаган қабарик маънодорлиги тасвирдаги кайфият билан уйғун. Хусусан, ёш Қушчанинг ҳолати хайрат ва ҳалокат билан қоришиқ. Қушчанинг жарга ўхшаган тубсиз осмонга йиқилиб тушиши фожиали эмас. Оқибати ўлим билан ниҳояланаётгани йўқ. Қушча илк парвозга отланди. Қаноти синмаяпти. Йўқ, аксинча. У оппоқ осмон тўшига сингиб кетаяпти. Парвози покликка қўшилиб кетяпти. Полапонлар учирма парвозлари билан осмонга хуш ёқди.

*Бу қушлар ёш эди,  
Ер думалоқ кўз.  
Осмон мовий эди, рўмолча каби...  
Тинмай ёшларини тўкаберди ер,  
Осмонга қуш тўлди –  
Жиққа ҳўл бўлди  
Мовий рўмолча.*

Халқимиз эътиқодига кўра ёмғир – тозариш, покдомонлик, қут-барақа, ёруғлик рамзи. Осмон қувончидан кўпириб тошяпти. Боиси – бағри қушлар парвози билан тўлган. Мовий рўмолчасининг ҳўл бўлиши – ёруғликнинг тантанаси. Қушчанинг осмонга – бокиралик оғушига йиқилиб тушиши, Ернинг кўз ёшлари билан Осмон рўмолчасининг жикқа ҳўл бўлиши – бу шоир кашф этган оксиморон образлар. Поэтик тасвирдаги кўркув ваҳми (қушчанинг осмонга йиқилиб тушиши) кўпроқ хайратга уйғун. Ҳалокатдан узок. Ҳолат кўтаринки ифодаси билан каноат хиссини уйғотади.

“Осмон жарлиги”, “Иссиқ қор”, “Қора бахт”, “Ойдин тун”, “Оппоқ кеча”, “Қоп-қора бокиралик” ва ҳоказо оксиморон образлар шоир поэтикасининг кейинги йиллардаги қутлуғ самаралари (“Қора” – қадимги туркий сўз. “Қатта” маъносини англатади: Қора денгиз, Қора тоғ, қора ботир, қора кўз, Қора дарё ва ҳоказо).

Кўринадики, Икром Искандарнинг пейзаж лирикасида кўтаринки кайфият сурати чизилар экан ундан фалсафий фикр сизиб чиқади (“Ҳовлида хуш ҳавода кун нурига бўй чўзган Озоддил турналар-ла лак-лак фалакка палак отган гуллар бўйини Тўтиё айлаб кўзга қўшиқларин тинглаган ўйин тушган капалак...”). Тасвир осмон кенгликлариди ўйнаб-ўйнаб учган капалакнинг эркинликдан масрур кайфиятини суратлантираётир. У шунчалар сурурга, шавққа тўлганки, ҳатто бир титроқ шамнинг қуёш каби ёнишини ўйламайди ҳам. Пастак деразадан нарида тувакдаги гулларнинг хонанишин хонишини ҳам тингламайди.

Ахир, эркинликка етишиш қийин-да. Ахир, Капалак умри – тонгдан шомга қадар бир кунлик эркинлик бўлса...

Англашиладики, пейзаж тасвирида табиат хоссалари билан ҳолат-кайфиятларнинг ўзаро муқоясасидан фалсафий фикр бўй кўрсатади. Ҳикматли маъно бадиий умумлашма оғушидан чиқиб келади. Хусусан, “Ер юксак эди...” шеърида кузатилганидек, осмон – капалак – парвоз ўзаро боғлиқликда бадиий фикр ҳадларини ташкил этаётир. Эркинликнинг нашидаси, сурури ўзгача. Ўзи бир дунё, қиёси йўк. Лирик қаҳрамон капалак қанотларидан тўкилаётган эрк қўшиғини тингларкан, наъъасини бизга ҳам юқтиради. Ўқувчининг фикри идрок ва талкиндан унган фалсафий мазмунга эга. Умрнинг маъноси, тирикликнинг хосияти табиат хоссаларидан балқиб туради. Ўқувчини кечинмаларга чўмдиради; фикрлашга-мушаҳадакорликка ундайди. Асл шеърятнинг ушалган муроди ҳам шунда.



*Ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди.  
Биз тасодиф деб атайдиган ҳамма  
нарсанинг ўз сабаби бор.*

Арасту



## ОЛТИН ТУЛПОР

Ҳикоя



Дилором ДИЛХОХ

Тошқўрғон тошли кўрғон эди, Қодир Оллох, сангтарош дунё тоғларни тарашлаб сумбат берган бўлса, Тошқўрғоннинг тоши одам қўли билан тарашланиб бино қилинганди. Аммо, у тошдан бино бўлган бўлса ҳам тўзим билмади, бир оти Бойқўрғон бўлса-да, фақирга ҳам насиб қилмади. Замоннинг зайли билан Тошқўрғон кулаб, сукунатнинг минг йиллик сўроғига жавоб бераётгандек тилсиз, забонсиз эди. Тошқўрғонда бир пайтлар қўш булок қайнаб турган. Элдан барака қочдими, бойнинг давлати бошдан учганидан дарак бўлдимиз ёки бу кўргилик, бу қисматга йиғлай-йиғлай унинг ҳам кўзида ёш қолмадими булоклар қуриб қолди. Аммо кун келиб булокнинг кўзи очилди...

Соликул чўпон тоғдан қайтиб, ҳориб отдан тушганида, унинг ити Шерпанжа тоғдан қайтган қўйларни қўтонга ҳайдаб ирғишларди. Унинг ёлғондакам қўйларнинг биқинига тиш ботириши, тўхтаб-тўхтаб ҳар замон эгаси Соликул чўпонга қараб хуриб қўйишлари ҳам одатий ҳол эди. От якка миҳга боғланиб, унинг эгари араванинг узун дастига минганида, Қоратовнинг тоғ қишлоғи Кўчгандарага анчайин тун қоронғиси чўкиб қолганди.

– Саломат! Отам бозордан қайтдими? – деди Соликул чўпон қўлини офтобадан сув қуйиб юваркан.

Аввалига жавоб бўлмади, сўнгра чақалок йиғиси билан бирга уй ичидан Саломатнинг:

– Уйғотмай қўймадингиз шуни, қайтди! Тавба, ҳафтада бир қайтсангиз ҳам довул қокиб қайтасиз, – деган нолиши эшитилди.

– Эй, қайтганимга хурсанд бўлмайсанми, бўри-пўри нимталаб ичагимни тошга ёйиб кетса нима қилардинг? Чўпон эмас, чўпоннинг хотинисан-да, дарамда-дара от устида лўқкиллаб, зах ерга биқинингни бериб ётиш нима эканини ўшанда билардинг. Чўпоннинг таёғини Хизр, пайғамбар тутган билан кўз-қулок бўлиб турмасанг, ювош қўй ҳам одамни кўп сарсон қилади, – деди Соликул чўпон остона хатлаб бешикка разм солиб.

Саломат эса эри ҳар доим тоғдан қайтганда қиладиган ноз-гинаси ортиб, эрининг рўпарасига келиб, эшикка имо қилиб:

– Қочиб туриб, – деди.

*Дилором ДИЛХОХ – 1979 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг санъатишунослик факультетини тамомлаган. “Тонги тиловат” шеърый тўплами нашр қилинган.*

– Нега қочарканман? – деди Соликул чўпон хотини Саломатнинг белидан маҳкам кучоклаб.

Аммо ташқаридан эшитилган узук-юлук йўтал билан томоқ киришдан улар чакмоқ ургандек шошиб қолди.

– Отам! – деди Саломат эрини ўзидан итариб, остона ҳатлаб, ҳовлидаги қоронғилик кўйнига шўнғиркан.

– Э, ота! Б-бозордан қайтибсиз-да, – Соликул отаси Норкул билан қўшқўллаб кўришгач, бешикдаги боласи томон талпинди:

– Ҳа-ха, ана боваси келди, пешинда ухлатганми дейман буни, эса бунча жағи тинмайди? – деди бешикдаги ўғлининг қўлбоғини бўшата туриб.

– Уламас, улиган бўри бунинг, туни билан йиғлаб, куни билан ухлайди. Уйкуси адашган чоғи, – деди Норкул ота қўллари билан аввал деворга суяниб, кейин тиззалаган кўйи, ўтиришга чоғланаркан.

– Аканг бордими? – деди сўнг Норкул ота нимадир ёдига тушгандек.

Худди шу гапни кутиб тургандек Соликул ҳам:

– Борди. Чечамни бекор жўнатибсизлар, ҳали тоғнинг кори эриганмас. Ўзи белини бод олган деб Зухра момом чечамни тандирга солиб, ўчокни беллатиб юрган бўлса, – деди.

Норкул ота юриб келиб эмас, ўтириб чарчаб ҳансираб-ҳансираб нафас оларкан:

– Қўявер, нима дейсан энди. Шулар ҳам тирноқ кўриб – туёқ кўриб тинчимайди. Онанг раҳматли ўзи кетиб, бу савдоларни менга ташлаб кетди. Оти келин, оти аёл бўлса, мен бир нарса деёлмасам. Келин, “Эчки соғаман”, деди, “Бор”, дедим. Аканг Аликул ҳам шу кунларда Тўбалисойдаги сўғал тошданам оғир бўп қолган. Бир нарса десанг “тўқ” этади.

– Менам подани ёлғиз боқаяпман-ку?! Ана Турдининг оёғи юмронқозик инига кириб қолиб, сингандан бери, қўйларни ўзим боқаман, – деди Соликулнинг гайирлиги тутиб.

Норкул ота лаҳзалик сукунатдан жавоб топгандек:

– Ҳамманики ичида, сенинг манов боланг борлиги учун кўнглинг тўқ, – деди. – Бир кун кабатимга киради деб умид қилиб яшаганинг учун ҳам буни сезмайсан. Одамнинг эгизи ичидаги умид бўлади. Умиди йўқ одам...

Акаси Аликулнинг бефарзандлиги, ёлғизлигига қуюниб отаси бу гапларни айтгунча неча бор чўкиб, қаддини букиб турганини сезиб Соликул:

– Айтганча, Тошқўрғонда бугун пешинда қўйларни ўтлатгандим, Қўшбулоқдан сув чикибди! Шу баҳор булоқларнинг кўзи очилади чоғи, – деди гапни бошқа ёққа буриб.

– А?!

– Ҳа, ўзим кўрдим. Қор энган гардишидан буғ таралиб турган экан. Бориб кўрсам, милдираб-жилдираб...

– Худога шукр! – деди Норкул ота кўзларини юмиб.

– Ота, бу йил тоққа қор кўп ёғди, шу булоқ қайнамасаям...

– Э, болам, сен билмайсан. Бобонг айтган бу гапни менга: Агар Қўшбулоқ қайтадан қайнаса, эл озод бўлармиш. Буни бобонгга бир девона башорат қилиб айтган экан.

Соликул гап ўзанини бошқа томонга бурганидан бироз кўнгли кўтарилиб:

– Девона-я? – деди.

– Девона, девона эмас, тентак текка тентак бўлмайди, улим. Девонанинг оти девона. Унинг юриб билгани, кўриб билганини биз билмаймиз. Эса Тошқўрғонга, элга

барака қайтибди. Акангни ўзи шу кунларда уй тикиб, бўлак қилсам, деб юрүвдим. Аканг кўчиб бориб ўша ернинг хосияти билан ул кўрса, отини Эркин қўямиз, – деди Норкул ота ўртадаги сим дастакка осилган чироқнинг пилигини кўтариб. Пилик билан Норкул отанинг кўнгли кўтарилди. Аммо, кўтарилган пилик барибир тутати...

– Шу гапингизга ҳайрон қоламан, доим шундай дейсиз, озод бўлмай нима-миз? Тоғ кенгиш бўлса, – деди Соликул хотини Саломатнинг бояги “иш”дан кейин қизаринибгина, кўзини ерга тиккан қўйи, дастурхонга сузиб келган қосадаги овқатни отасининг олдига суриб.

– Ай! Оёғинг тушовда эканини билмайсан-да, болам. Боққанинг колхознинг қўйи, ўйнаганинг бировнинг тўйи бўлса. Бир қўй тоқ туғса ҳам, хатда эгиз ёзади булар. Бари сонда йўқ санокнинг ортидан қувган билан ошно бўлсанг. Шу рўшнолик кўрганинг бўладими? – деди Норкул ота қосадаги овқатни ёғоч қошиқ билан, кўнглидаги чўғни оташкурак билан қовлаб.

– Бундай гапларни қайдан биласиз-а, ота? – деди Соликул бошини қашлаб.

Орадан бир ҳафта ўтиб Аликул билан хотини Зулхумор тоғдан қайтишганида Норкул ота дилидаги гапни айтди:

– Аликул, улим, келин сенам эшит, Тошкўрғонга кўчасизлар. Қўшбулоқдан сув чиқибди. Эгам берганига эгалик қилиш ҳам давлат. Зора шу билан ниятларингга етиб... Энанг шу кунларда тушимга кириб юрипти.

Тошкўрғон давлатлининг ўрни. Бугун Турдиннинг уйига бориб шу гапни айтгандим уям, “Майли қўйларни ўзим боқиб тураман, менинг оёғим синган бўлса, отники бут-ку, ҳозир анча оёғим дуруст”, деди. Оёғидан тахтакачни олишганигаям, беш кун бўлибди.

Тошкўрғоннинг қулаган тошларини қайта териб, Тошкўрғонга тиргак қилиб, бир қулба сол. Уканг Соликул ёнингда бўлади. Энанг сенга кўчиб чиқса бераман деб атаган омонати, ўзимнинг атаганим ҳам бор, ўйланма, бари сеники. Сен Тошкўрғонда томир отиб, ниятингга етиб кетсанг, менинг ҳам кўзим орқада кетмасди.

Аликул ҳам анчадан бери кўнглидагини айтолмай юрган эканми, ё келини Саломатнинг бир-икки хотини Зулхумордан болани, бешикни қизганини кўриб кўнгли эзилиб юргани учунми, бунга рози бўлди. У яна ўша Тўбаласойдаги сўғалтошдек вазминлик билан ҳаммасига бош ирғаб, розилигини билдирди. Хотини Зулхумор эса ўгирилиб, кўзидаги ёшини яшириб, супрада ун эларкан, кўнгли эланди, кўкайи эланди, эланиб-эланиб ичида, “Ё Раббим, Яратган Эгам!” дея ёлворди. Супрага томган кўзёши супрада қотди.

Кўчарини ўйладими, болалиги кечган, онаси бир пайтлар эркалаб-суйган уйдан кечарини ўйладими, Аликулнинг шу кеча уйқуси қочди, ўзини мудраганга солиб ётаверди.

– Тур, Аликул жойингга бориб ёт, – деди Норкул ота, шу гапни айтиб турса-да, ўғлининг устига чопонини ташлади.

Аликул чопонни устига тортиб:

– Ота, шу бугун ухламанг! – деди худди ёш боладек қайсарлик билан.

– Бу нима деганинг, кечаям ухлаган эмасман, – деди Норкул ота кинояли қулги аралаш ўғлига дардини айтган бўлиб. – Қариганда уйқу қочади деса ишонмасдим. Бу кўз юмилмайди, юмилса ачишади, Оллоҳнинг зикри билан тонг оттираман, улим.

– Тошкўрғонда бой ўтган, қизиллар билан курашиб кетган, дейсиз. Кўп сўрама, бу сўровли замон, билганинг бошингга етмасин, дейсиз. Нимани сир тутасиз ўзи,

оти ким бўлган у бойнинг? Нега ҳар доим тайинли бир жавоб ололмаймиз сиздан. Энди у ерга кўчиб борсам, сиздан кейин менам невараларимга айтиб берадиган нимадир қолиши керак-ку, – деди Аликул аввал отасининг шаштини, кейин кўрпани кўтариб сандалда қолган чўғни чамалаб.

Норкул отанинг ўғли Аликулда умид уйғонаётгани, унинг “невараларимга” деб атаб сўраётганидан биров кўнгли кўтарилди.

– Шундай дегин? Эса шу бугун сенга ҳаммасини айтаман. Шерпанжа боя гингшиб назаримда хавотирли кўринди, қиблага – Калавашчўққига қараб хуриб-хуриб қўяпти, сен бир қўзилаган қўйлардан хабар ол. Тишинг сингурлар қўйнинг қорнидаги боласини ёриб егани етмагандай, яна қўзисиданам умидвор, – деди.

Аликул қўтўндан хабар олишга кетганида Норкул ота яна ўйга толди: “Бу анча эси кириб қолди. Кўргилик эсини киритдими, ё онасини соғиниб иссиқ сандалнинг бошидан кетгиси келмадими, не бўлса шунга айтайин”, деди.

Аликул ташқаридан ўчоққа ташлаб қўйилган бодом чўғидан бир ховуч олиб кирганида, унинг кўзларида ҳам чўғдек ловуллаган бир илинж бор эди.

Янги олиб келинган чўғнинг ҳили кўрпадан буғланганида Норкул отанинг чуқур ботган кирғий кўзларида минг йиллик дард липпилаб турарди.

– Аликул, сен қаттамсан, ҳарна давлатимнинг эгаси, тобутимнинг чегасисан. Бу кунлар ҳам ўтар, ўтмайдиган кун бораканми?.. Кўчгандаранинг кўпи кўчиб келган билан бир элнинг одами. Худо бировнинг ризқини бошоқдан берса, бировникини туёқдан бераркан. Нима бўлса ҳам бошоқли бўл, бошли бўл, туёқли бўл, тошли бўл экан. Элда матал кўп, қайси чин эканини зўри бор билан ори бор айиради.

Қоратовнинг қораси қоралигида эмас, не-не қора кунлари шундан башоратми, билмадим... Аммо, одамнинг оласи ичида бўларкан.

...У кунлар кизиллар кизамиқдек тошган, ҳаддидан ошган бир кун эди. Сотган ҳам, отган ҳам ўзимиздан чиқиб, Тошқўрғоннинг тик қўрғони қулади. Тошқўрғон асли эл кечирганини бошдан кечирди. Мен кичкина эдим, аммо биламан. Милтик тутган отлиқлардан қочиб, Жўш тарафга бир қариндошимизникига яшириниб, энам билан икки аммам, Саид акам, тоғ ошиб пою пиёда борганмиз.

Бойнинг оти Бектурди бўлган. Элнинг беги, элни кўриган кўрбошиси бўлган у одам. Отам шундай дерди... Қўй-қўзисининг, давлатининг ҳисобини билмасада, элнинг ҳисобин билган одам бўлган экан. Тоғни, элни кўриб турган одамни тошлоққа тиззалатганлар ҳам ўзимиздан чиққан сотқинлар бўлган.

Сулаймон сулук деган одам бўларди, болалигимда “Тоғда толоймонни кўрдим, сувда сулаймонни кўрдим...” деган топишмоқни эшитганимда, Сулаймон шу одам бўлса керак деб ўйлардим. Аммо Сулаймон сувдаги балиқ экан, қилган яхшилигини сувга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холик билар дейишади. Холик Худонинг тўқсон тўққиздан бир оти. У Сулаймон эса, Худодан қайтган бир одам экан. Элдан чиқиб, кизил байроқ тутиб, қон ичганларга қўшилган шу одамни эл ҳали-ҳамон лаънатлайди. Қарғиш тегиб “оқариб қолган” дейишарди, буям етмагандай, тавбаси ёқасидан тутиб, уруғи қуриб кетган.

Ҳо-ов, Азлартўбадан қуйроқда, ҳозир жийдалар ўсиб ётган жой – ўша одамнинг уйининг ўрни бўлган дейишади. Ҳозир ит ҳам қадам босмайди.

Ўз ўғли милтиқда отиб ўлдириб, ўзи кўмган дейишади. Аёли буни кўтаролмай эсдан оғиб қолган экан. Кимга дуч келса кўринган тошни кўрсатиб, “Шу тошнинг тагига эримни кўмиб қўйган, кавлаб беринг”, деркан. Бечора, ҳар тошнинг тагидан эрини излаб, бўзлаб ўтиб кетган. Бежаноза кўмилган деб шундайларни айтишади. Бировлар, “Ўғлини ҳам ўшалар йўлдан уриб, “қизил сир”ларни билгани учун Су-

лаймон суллуки ўз ўғлига оттирган”, дейишади. Билмадим, бу ёғи бир Худога аён. Ўғлиям дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган.

Ўшанда мен сенга айтган Сулаймон, қизил аскарларга йўлбошловчилик қилган экан. Бир кунда... Бир кунда-я?... Бойни қўлга туширолмаган босқинчилар бир кунда унинг икки аёли ва олти боласини бўғизлаб кетишган.

Тоғ ичида тўс-тўполон, қиргинбарот бошланиб одамлар қизилларнинг ўкига учиб ўлганларни тобутда эмас, яширинча жаноза ўкишиб, кўрпада олиб бориб кабристонга кўмишган экан. Кўрпа-кўрпа ўлик кўмилган дейишади ўшанда. Шаҳидлик шундай бўлган, улим, шаҳидлар устидаги кийими, кафани – кўрпаси билан кетган. Улар беайб хизматкорларни, бойнинг хизматидаги чўпонларни ҳам сўровга олиб кетишган. Аммо, сўровга кетганлар ном-нишонсиз кетган.

Бу – бойни иккинчи марта қизил аскарлар ахтариб келганда содир бўлган. Биринчи мартасида улар Бектурдибойдан олтинларини қаерга яшириб қўйганини сўрашган. Бой ўша пайтлари Жизмон тарафга чопар жўнатган экан. Тўғрироғи, Жизмонсойдам бир кўрбоши бўлиб, беклар эрк деб, ор-номус деб талашган кунда, уларни талашган. Худо берган давлатни таласа камаймас, аммо улар итдек талаб, яна кўп нарсани улардан талаб қилишган. Ким ҳам истаб ўз қўлига кишан кийиб, оёғига тушов соларди. Жизмондан мадад кучи етиб келмасидан қилишган бу ишни.

Бекнинг навкарлари ҳам бек учун, ҳам эрк учун ҳам курашишган. Чўпонлар бекнинг навкарлари билан бойни биринчи марта қутқариб қолишади, аммо, иккинчи марта бунинг иложи бўлмайди.

Улар яна қайтиб келишганда Бектурдибойнинг Ёнаркўз деган оти бўлган экан. Қизил аскарлар дарада кўринганда бой Ёнаркўзга “чух!” деб бир камчи босибди. Бойнинг камчиси зарбидан ўқдай учган Ёнаркўз бойнинг энг сўнги умиди бўлган. Сабаби, Бектурдибой курул сотиб олиб, беклар билан бирлашиб, босқинчиларга қарши курашишни режалаштирган бўлади. Шунинг учун ҳам бой бир ҳовуч олтин тангаларни, танга катталигидаги кичкина-кичкина қора халтачаларга тугиб, отнинг думига териб, тикиб чиққан экан. Отнинг қора ёлига олтинларни яшириши кимнинг хаёлига кепти дейсан...

Шундан сўнг Ёнаркўз Питов томонга қараб кетган дейишади. Сабаби, кўпқари улоқларда от эгаси Шерматнинг номи эмас, Ёнаркўзнинг номи чиқа бошлайди. Синчилар ҳам синлаб отнинг қаердан бу чавандознинг қўлига келиб колганини билишолмаган, ё билса ҳам туби бойга тақалишини билиб айтолмаган.

Айтишларича, Ёнаркўзни туққан биянинг парқида қирқ газ қаноти бўлган экан. Бой бу товдан у товга ўтар бўлса ҳар замон, ҳар замон унинг туёғи “тўк” этиб тошга тегаркан. Менга қара, уйкунг кемадими ишқилиб? – деди Норкул ота ўғли Аликулнинг эшита туриб кўзларини юмиб-юмиб олаётганини кўриб.

Аслида эса Аликулни юрагидаги оғриқлар отаси айтаётган воқеани кўз юмиб эшитишга мажбурларди.

– Қаерга кеп колдим? – деди Норкул ота ўғлига хаёли бўлиниб.

– Ёнаркўзни туққан бия ҳақида айтаётгандингиз... – деди Аликул эртақ тинглаётган боладек отасига маҳтал бўлиб.

– Э, ха-а, шундай қилиб... зотдан зот қолади-да барибир... Бойга келсак, шунча кўргилиги етмагандай уни камокка олиб кетишади. Бой жуда имон-этикодли одам бўлган. Қалб билан Худога етишиш осонмас, бойнинг дуо ўқиб қулфларни очадиган каромати бор экан. Ҳибсдалигида ҳам соқчилар бундан ажабланиб, “Боя бой ота ташқарида таҳорат олиб юргандай бўлувди, қандай қилиб яна ўзи панжарага кириб олди?” деб ҳайрон бўлишаркан.

Кароматлари сабабми, ё бекларнинг бирлашётганидан хабар топган кизилларнинг кўрқуви сабабми, ё камоқдан қочишига кимдир ёрдам берганми, беш йил ўтиб бой ўзимизга – Тошкўрғонга қайтиб келган дейишади. Шунда бой отининг дарагидан эшитиб, уни кўрган чавандозларнинг таърифидан танийди. Фақат у пайтлар Шермат чавандоз эмас, эл-элат бу учқур тулпорга Қораёл деб ном қўйишади, Ёнаркўзнинг оти алмашиб кетган бўлади. Сўраб-сўраб бой Ёнаркўзни питовлик Шермат чавандоздан топган дейишади.

– Ота, – деди кутилмаганда Аликул тун яримлаб сандал совий бошласа-да, ичи кизиб хайратини жиловлаёлмай. – Ёнаркўз ҳам эмас, Қораёл ҳам эмас, шу отни Олтин тулпор деса бўларкан!

Сўзамол, айтмичи эл эмаеми, Норкул ота бу сафар ўгли Аликул айтганидек хикоясидаги отнинг номини Олтин тулпор деб давом эттира кетди:

– Шу Олтин тулпор сабаб Бектурдибой қайта куч тўплаган. Шермат отга қандай эгалик қилганини тан олиб, бойнинг омонатини ўзига топширади. Отни ҳам Бектурдибойнинг ўзига беради. Шу-шу Шерматнинг Қораёли, айтганча, Олтин тулпорни йўқотиб қўйгани элда кўп шов-шув бўлади. Чопсон отда улоқ чопгани учун эмас, элда номус, ор учун талашгани сабаб иззат топади билсанг. У вақтда чопағон – чопсонлар бир сўзли бўлган, эрлиги эркида бўлган. Шундагина кўчгандараликлар бу от Бектурдибойнинг оти эканлигини билиб қолишади. Билган билан элнинг сири эл ичида, енгдаги енг ичида қолади.

Шундан сўнг Бектурдибой беклар билан бирлашиб, озодлик йўлида курашади. Минг афсуски, унинг кейинги тақдиридан ҳеч ким хабардор эмас. Интиқом олинмас кун борақанми, тунов куни бозордан қайтаётганда бир гап эшитдим улим, бўйсун-маётганмиш...

– Ким? – деди Аликул негадир отасининг овози пастлаб, томоғи шамоллагандек хишиллаб гапираётганидан ажабланиб.

– Ким бўларди, эл-да. Биз тенги босиб олинган элатларда тўполон бошланибди. Биздаям бир шамоли бор, эл сукут сақлаган билан “кел-кели” келиб қолган кўринади. Қўшбулоқнинг қайта қайнаб чиққани ҳам бир башорат. Бойнинг отини ҳам атаёлмай яшадик. Тошкўрғон қулади, Қўшбулоқ қуриди. Эгали жой безга бўлмасин дедим, энди яшаш сенинг галинг, ўйлаб кўр, улим, – деди Норкул ота чуқур хўрсиниб.

Аликул эса ҳали-хамон Олтин тулпорнинг хаёлида эди...

Тун Қораёлнинг ёлидек қора ранглари жилваланиб оқара бошлаганда Ёнаркўзнинг кўзидек тонг юлдузи осмонда чараклаб турар, отаётган тонгдан эса Олтин тулпорнинг ер депсиниб кишнаши эшитиларди...

# Яшайман согинчлар аро



Зумрад  
МАШАРИПОВА

## Она қишлоғим

Қишлоғимнинг тупроқ кўчаларида  
Болалар кийкириб урадилар бонг.  
Тароватга тўла кечаларида  
Девор орқасидан мўралайди тонг.

Бобом яйловларда юрар қўй бокиб,  
Эски қумғонида қайнатганча чой.  
Замин супрасидан тупрокни қокиб,  
Болам кулча ясаб, қораяпти лой.

Отам, меҳнат қилар елкасида ор,  
Юзидан маржонлар чиқади сизиб.  
Лойсувок томларда кулади баҳор,  
Тупроқдан майсалар ўсар бўй чўзиб.

Ҳаловат нелигин билмайди дехқон,  
Юрагидан унар буғдой донлари.  
Меҳнатнинг сирдоши куёшдек кетмон,  
Тандирнинг пуштида пишар нонлари...

...Мен – қишлоқ қизиман, қишлоқча бир қиз,  
Мунаввар орзуси тоғдан ҳам улкан.  
Қишлоқдан бошланар илк орзу, илк сўз,  
Туйғулар юракнинг қаноти экан.

---

Зумрад МАШАРИПОВА – 1990 йилда тузилган. Урганч давлат университети  
Муסיқа таълими факультетини тугатган. Шейрлари республика матбуотида чоп  
этилган.

\* \* \*

Кўкда гумбурлади момақалдирик,  
Осмоннинг тўлғоғи тутмоқда оғир.  
Доялик қилмоққа шайланди чақмоқ,  
Булут кўзларидан куйилди ёмғир.

Йиғлоки булутлар мадори тугаб,  
Кўзёшин артади замин юзига.  
Ана, тарновларда балиқдек сакраб,  
Булоқча ясайди томчи ўзига.

Турар қатор-қатор поёндоз тўшаб,  
Қарғалар саф тортган теракларига.  
Булут дастрўмолин кетади ташлаб,  
Она тупроғимнинг юракларига.

\* \* \*

Киприklar саф тортган қароқчи,  
Кўнглимни овлашга шай бугун.  
Кўзларинг, билмам, не демоқчи,  
Дил – қадах, сўзларинг – май бугун.

Рўмолим торткилаб, ҳар сафар  
Эргашар изимдан нигоҳинг.  
Кўзларинг бир маъно кўрсатар,  
Қалбдаги тугёнинг – ҳамроҳинг.

Кипригим билан ер чизаман,  
Қарамай ўтаман юзингга.  
Барини сезаман, сезаман,  
Сен журъат топмайсан ўзингда.

*Зумрад Машарипованинг шеърларида туйғу ва хаёл, орзу ва армон, фикр ва тасаввур лавҳаларини тимсоллар воситасида ҳаракат қилаётгани сезилади. Шеър бу ҳаётнинг сўзма-сўз баёни эмас, балки хаёлнинг парвозини қушдек, туйғу ва кечинмаларнинг суратини камалакдек тасвирлаш санъати эканини англагани билинади.*

*Зумрад Машарипованинг шеърларини ўқиганимда, аёл қалбининг сири, меҳри, муҳаббати ва соғинчи райҳон ифоридек уфуриб турганини ҳис этдим.*

*Зумрад Машарипова момоларимиз шеъриятидаги назокат, майинлик, нон ёпаётганда қизиган тандирдан гун этиб юзга уриладиган ёниқ ҳарорат каби, иссиқ нон сингари азиз ва қадрдон ҳолатлар ёш шоиранинг юрагига, шеъриятига ҳамоҳанг, ҳамроздир.*

*Зумрад Машарипованинг юрагида сайраётган қушинг парвози баланд бўлсин.*

Рустам МУСУРМОН

## Соғинч

Тушларимга кирасиз ҳар тун,  
 Хаёлимдан кетмайсиз нари.  
 Ҳижрон йўли бунчалар узун,  
 Етолмайман чопганим сари.

Сизсиз ўтган ҳар куним азоб,  
 Кулгучларим кулгу билмайди.  
 Орзуларим бўлмасин сароб,  
 Дил ўзгани кўзга илмайди.

Тонг ўғирлар уйқуларимни,  
 Ширин тушдан бўламан айро.  
 Эркалатиб қайғуларимни,  
 Яшаяпман соғинчлар аро.

\* \* \*

Шамолдек тентираб хаёлим,  
 Сенинг деразанга урилиб қайтди.  
 Жикқа ҳўл эзилди шоҳи рўмолим,  
 Бошимда ёмғирлар ёр-ёрлар айтди.

Лабимни шафақнинг қонига бўяб,  
 Кўзларимга тундан сурмалар суртдим.  
 Сукунат майила ўзимни сийлаб,  
 То узун тонггача ўзингни кутдим.

Лекин, кеч англадим, эканим маҳкум,  
 Ёвуз айрилиқнинг азобларига.  
 Нахот, тушларимни кучоклаб етгум,  
 Толенинг муқаддас меҳробларига?

Келишинг ҳақида дарак эшитиб,  
 Дукурлаб урмоқда асов юрагим.  
 Кўнглинг эшигини қўйма беркитиб,  
 Армоним бўлмагин, бўлма эртагим.

Судралиб келмоқда олисдан ана,  
 Ситамла дилимга тиғ уриб соғинч.  
 Сендан дунёларни қилмайман таъма,  
 “Севдим”, деган сўзинг, ягона овунч.

Шойим БЎТАЕВ

## ЕТТИНЧИ ТОНГ<sup>1</sup>

Роман



Унинг кутилмаган меҳмон келиши овозасини эшитиб саросимага тушганча хавотирланаётгани ва боши котгани бежиз бўлмай, барча паторат топаётган ҳодисаларда бўлгани каби таранг тортилган хушёрлик оқибати эди. Йўқ, у ўзи раҳбарлик қилаётган хўжаликдаги юзлаб, минглаб одамлардан эмас, ана шунақа кутилмаганда пайдо бўлиб, кутилмаганда хузурига кириб келадиганлардан хавотирланади. Ким билсин, ким бўлсайкин Юнус почтачи уйида бир кеча тунаб энди унинг хузурига йўл олган номаълум кимса?!

У жойига ўтиб ўтириб, қўнғироқ тугмасини босди. Остонада паст бўйли, елкаси бироз олдинга букчайганидан қўллари узун кўринадиган, ўсик қошлари остида икки нуктадек йилтираган кўзлари нимадандир ҳадиксираётгандек бўлиб турганидан ўзиям ҳар лаҳзада ортга чиғанмоққа шайдек туюлган, урингангина дўпписини пешонасини асрамоқчи бўлгандай кошнинг устига довур бостириб олган, бир қарашда аниқ ёшини билиб бўлмайдиган жиккак гавдали Худонинг махлуқи – маймундан эврилишида шоша-пиша кийиниб олишга улгургандек кўринган одам пайдо бўлди.

– Ҳали кетмадингми? – сўради раис уни кўриб ҳайрон қолгандек.

– Энди чиқаётгудим, – деди у ёлғон устида қўлга тушиб қолишдан кўрқиб кетаётгандек.

– Миробни чақир, – деди раис унинг гапига эътибор бермай.

– Хўп.

– Тез.

– Тилак миробними? – бошқа мироб ҳам борлигини ўзиям тасаввур этолмаган эса-да, бунақа ошиғич топшириқларга жавобан етти ўлчаб бир кесишга ўрганган ёрдамчи кўзларини пирпиратди.

– Ҳа, – хўжалик раиси топшириқ бераётган одамни кўриб олмоқчидай бошини кўтариб қўйди.

– Кейин кетаверайми?

– Кейин кетавер.

У ортга чиғанганди, тасодифий ўпқонга қуламаслигининг олдини олаётгандек раис овоз берди:

– Мамарайим!

– Лаббай, хўжайин?!

– Ҳа майли, бор, – раис ўйлаган қандайдир ўйидан унга нигоҳи тушиб дарҳол ваз кечди. – Бориб, ишингни қилавер.

– Хўп, – Мамарайим иккиланиб тўхтади. – Эртагаям қолади-да.

– Нима қолади?

– Сиз айтган иш.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши олдинги сонда.

– Тугат, – кескин буйрук берди раис. – Эртага қоладиган бўлса, эртагаям қолиб тугат.

– Ҳали иш кўп, – Мамарайим энди айтилаётган ишнинг эртагаям адоғига етказиши гумонлигини эътироф этиб, раиснинг хулосасини кутди.

– Ҳадеб мижговланавермай, айтилган ишни қил, – аввалдан маълум хулосани ёрдамчининг жисмига пуркади раис. – Қачон тугатсанг, шуида келасан. Уқдингми?

Ёрдамчи кескин бош ирғаб, эшикни ёпди ва индамайгина остона ортида ўпқонга тушиб кетгандек гум бўлди.

Кўп ўтмай, Юнус ота излаганида кумга синггандай қорасини кўрсатавермаган мироб ранги кути ўчганича ховлиқиб кириб келди. Воқеан, уни ҳадеганда хўжалик раиси йўқлайвермас, шу боис, бундай йўқлов бежиз бўлмаслигини у яхши ҳис этар, умумга келган тўй – саросимага тушганча хавотирланиб боши қотгани таранг тортилган хушёрлик оқибати эди. Йўқ, у ўзи эгалик қилаётган ҳовуздан эмас, ана шунақа пайтда қувурдан, ариқ бўйларида хавотир олади. Ким билсин, кўриб ўтириптими у ёқларда нима воқеалар юз бериши мумкинлигини. Борди-ю, Худо кўрсатмасин, шунақа бўлгудек бўлса, нақ балога қолади – у ерда бормидинг-йўқмидинг, деб ким ҳам сўраб-суриштириб ўтирарди – миробмисан, ит сийдигидек сув оққан жойларга ҳам жавоб беришинг керак, тамом-вассалом. Тилак миробнинг рангини ана шундай ўйлов учуриб юборган эди. У кўркувдан киртайган кўзлари-ю, оқарган юзига мос эғнидаги ранги ўнгиб кетган кители-ю, шалвордек шалвираб қолган шимини кечадан буён ечмагандек кўринар эди. Эҳтимол ечиб кийган бўлса ҳам ўша-ўша туриши эди.

– Носковокни топдингизми? – деб сўради раис салом-алик ўрнида, уни тик қолдирган ҳолда ўз жойига ўтиб ўтираркан.

Миробнинг ранги кум оқариб кетди. Раиснинг саволи бежиз бўлмай, ҳамма гап-сўзлардан хабари борлигини, ўзи билганларини тасдиқлашиб олиш учун уни чакирганини билдирар эди. Бошдаёқ очик-ойдинлик ва росттўйликни талаб этарди. Шунақа қилиб, ўзи билганларини яна сўраб-суриштира бошлади: билад туриб, кеча у Юнус почтачини кеча қаерда учратганини, унинг сув олиш навбати келган-келмаганини сўради. Тилак мироб давангирдек девкор одам бўлсаям, юрагида қандайдир мавхум ҳадик-кўркув оралаб ранги қув учганича, кеча ҳақиқатдан ҳам Юнус ота ундан ҳовуз қувурини беркитишга рухсат сўраганини минғирлаганича, ҳеч қандай айб иш қилмаган бўлсаям гуноҳ устида қўлга тушгандек изҳор этди. Хўжалик раиси бирпас ўйлашиб қолиб, унинг келишидан сизнинг ҳам хабарингиз бормиди, деб сўраганида, Тилак мироб дарҳол ўзи ишонмайдиган Худони, ота-боболарининг ўзи йўқламайдиган руҳини ўртага солиб қасам ича кетди. Хабарим бўлганида югуриб сизнинг олдингизга келмасмидим, хабарим борлигидан хабардор этмасмидим, деб онт ичди. Аслида, унинг бунақа қилишининг ҳожати йўқ, раис қисди басдига олмай шунчаки сўраётган эди, холос. Тилак миробнинг аҳволини кўрган раис, миробдан кўра Юнус почтачининг ўзини чакирсам бўлар экан, деб ўйлади-ю, энди кечлигини, ҳадемай меҳмон остонада пайдо бўлишини тасаввур этиб, унга рухсат бериб юборди. Кейин бутун вужудини қандайдир номаълум ҳаяжон чулғаб олганича кута бошлади, ўзининг бу ҳолатига унинг ўзи ҳам ҳайрон эди.

Уташанда кеча тунда пайдо бўлиб, тасодифан (тасодифанми?) Юнус отага тўқнаш келган меҳмон бу чоғда хўжалик идорасига кириб бориб, раис хонасига яқинлашаётганда Будённий<sup>1</sup>га таклидан қўйган мўйловини асабий ҳолда бураб-бу-

<sup>1</sup> Будённий Семён Михайлович – Биринчи жаҳон урушида катта унтер-офицер сифатида Германия, Австрия, Кавказ фронтларида хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида маршал даражасига кўтарилган.

раб, кон томирлари тўрлаган қип-қизил юзи кўпчиб кетган раиснинг тор манглайида совук тер томчилари йилтираб, хаяжоннинг зўридан бўғриқиб нукул хонада у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа бўзчининг моксидек бориб келарди. Уни ҳаммадан ҳам кўпроқ ташвишга солган нарса – ўша эски хавотир, келган одам ортимдан қўйилган ҳукумат кишии эмасмикан, деган бежо ва чўчитувчи хаёл эди. Шу чоғ раис хонасининг қора чарм қопланиб, устидан ялтироқ бошчали пистон қадалган салобатли эшиги охишта очилди ва тиркишдан ўсик қош, узун бурун, хулласи калом, чўзинчок бош кўринди.

– Мумкинми? – ожизгина сас эшитилди.

– Киринг, киринг, – деди раис шоша-пиша. – Бемалол.

Остонада унинг гавдаси намоён бўлди. Менга эгилиб салом бераяптими, деб ўйлаган раис зум ўтмай унинг сохт-сумбати табиатан шундай яралганига ишонч ҳосил килди. У хонага кирган заҳотиёқ раис чекаётган ташвиши беҳудалигини, калласини чирмаган хаёл шайтон васвасаси бўлганлигини фаҳмлади ва ўзини енгил ҳис этди. Ҳатто ҳазиллашгиси, келган кишининг кифтига бир уриб, шунақа демайсанми, дегиси келди. Ўтириши учун унга жой кўрсатди. Исмини сўради.

– Беркинбой, – деди у, подажойда қайта-қайта такрорланавериб кўчалару ховлиларга илондай ўрмалаб тарқаб кетган ўз исмининг қандай жаранглашини барчадан бурун ўзи эшитиб кўришни истаётгандек.

– Биздан нима хизмат?

– Уч кундан бери юрт излайман, – деди у мўйлови ортиқча юкдек пастга шалпайиб тушиб салобатини йўқотаёзган раисга зимдан синчков боқаркан. Бу гапга ўзини ҳайрон қолгандек кўрсатган раисга у ўз бошидан ўтган воқеаларнинг айримларини айтиб беришга азм этди – қувиб солаётгани йўқ-ку. Кейин бош эгди.

– Касбу корингиз бордир-а?

Бу саволга жавоб бериш ўрнига меҳмоннинг қўллари хиёл титрашидан у бирор ишнинг этагидан тутмаганини раис пайқади. Пешонасини тириштирганча бундай одамлар билан қандай муомала қилиш кераклигини ҳақида ўйлади ва шу чоғ кўзлари чарақлаб кетди.

– Яқиндагина янги чойхона қуриб битказдик, – деди идоранинг сўл қанотидаги шинамгина боғчада, дарахтлар орасида тикланган бинони кўз ўнгига келтириб. Раис уни оммабоп жойга айлантириш фикридан йироқ эди, ҳозир тилидан “чойхона” деган сўзнинг чиқиб кетганига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

– Бизга барибир, – Беркинбой ноиложликдан унинг таклифини қабул қилаётгандек бошини хиёл кўтарди.

– Кўникиб кетасиз, – раис энди одатига хилоф равишда сўз юритиб, одатига хилоф равишда иш тутаётганидан ёқа тутамлаб, шу асно ўзининг бу рафтори ўзига хуш ёқиб, бундан буён гапирадиган гапларини тақдир ҳукмига ташлашдан ўзга иложи қолмади. – Бизда бир бўш ҳовли-жой ҳам бор, сал четроқда эканлигини айтмаса бинойидек, сиз ҳам қаёқдадир яшашигиз керак-ку, ахир.

Раис кайфияти ўз-ўзидан кўтарилиб бораётганига ўзи ҳам ҳайрон қолиб, колхозчилару идора хизматчиларига дўк-пўписа аралаш, “эшик ташқаридан ёпилсин”, дейдиган одатини тарк этиб, меҳмонни ҳовлигача кузатиб чиқишга чоғланди. Беркинбой деганлариям таскарадек кўринса-да, бало экан. Мулозиматни ўрнига қўйди. Раисни олдинга ўтказиб, ўзи кейинда юрди. Остонадан ўтишаётганда чакқонлик билан унга етиб олди-да, елкаси оша чўзилиб нақ қулоғига биров эшитиб қолишидан кўрккандек:

– Раҳмат, – дея шипшиди.

Раис ўғирилди. Беркинбойнинг кўзлари чақнаб, ранги оқаринкираган, иситма чиқараётган каби қалт-қалт титради.

Ҳадеганда кўнгли бузилавермайдиган раис алланечук саховатпеша бўлиб бораётганини ҳис этиб, бундан ажабланиб ҳам ўтирмади.

– Шунча кўргиликларни бошдан кечирган кишига ёрдам бериш фарзимиз, – деди хижолат тортаётгандек терс қараб. – Ҳа-а, фарзимиз. Биз кимлармиз – биласизми; биз қайси жамиятнинг фарзандларимиз – биласизми?

Беркинбой буни билмаса ҳам билиб тургандек бўлиб бош иргарди, холос.

– Одам яхши кунларга ҳам, ёмон кунларга ҳам ўзини тайёрлаб бориши керак, – раис қайлардандир эшитган, назарида доно фикрлар бўлиб кўринган гапларни такрорлаётгани боис ўзининг миясига ўзи қойил қолиб, шайтон васвасасига тушганча, Беркинбойни қишлоқ совети идорасига бошлаб кетди.

Уни раис бошлаб борган қишлоқ совети идораси хўжалик идорасининг янги тикланган чойхона биноси томонида эмас, ўнг биқинида жойлашган тўкилай деб қилган бино эди. Ундан озгина юрилса катта жарлик хувуллаб турардики, на бир қатра сув оқадиган, на ўт-ўлан ўсадиган бу издиҳомга қараган одамнинг юраги орта тортиб кетарди. Синчиклаб қаралса, наъматак ва атиргул буталари ап-аралаш ўсиб ётган хў-ўв пастроқдан жарликка пулсиротдай бўлиб ёлғизоёқ йўл эниб кетганини кўриш мумкин эди. Мана шу ёлғизоёқ йўлдан тушгач, жар ичи билан юриб, нариги томонда думалаб ётган уч-тўртта харсангтош ортидан яна худди шундай ёлғизоёқ йўл истаган одамни нариги томонга чиқазиб қўярди. Бу томондан туриб қараганда, нариги томонда қир-адирлардан ва узокларда кўзга ташланаётган тоғ чўққиларидан бўлак ҳеч вақо йўқдек кўринса-да, аммо унақа эмас эди.

Топ ташлаган ёғочэшик тавақалари икки томонга очилиб турганидан ичкари ўрадай хувуллаб ўзига тортаётгандек бўлиб туюлган остонадан раис ортидан хатларкан, Беркинбой ўша томонга беихтиёр назар ташлаб қўйди. Албатта у бунақа шошилинч тарзда эмас, синчиклаб қараганида ҳам жарликни кўролмаган бўлар, негаки, ёввойи супурги ва ёронгуллар ғовлаб ўсиб кетганидан у томонни жонли девор каби тўсиб туришарди.

Қишлоқ совети идорасига хўжалик раисининг ўзи келаётгани ҳақидаги хабар унинг ўзидан аввал етиб келган, шунга яраша саросималик ва ҳаяжон уйғониб, тадорик кўрила бошланганди. Нега деганда, алоҳида-алоҳида кўринса-да, бу икки муассасада ҳам хўжалик раисининг обрў-эътибори баланд эди. Бундан ҳар ёқдаям шунақа экан, деб хулоса чиқарилмаслик керак эди. Негаки айрим жойларда хўжалик идораси қишлоқ совети идораси олдида жуда пачоқ бўлиб, иш тутуми ҳам шунга яраша эди. Айрим жойларда икки-учта ва ундан ортик хўжаликлар устидан назорат қиладиган қишлоқ советлари ҳам мавжуд эди. Хўжаликда ҳисобчилар, зоотехниклар, агрономлар, бригадирлар, звеновой<sup>2</sup>лар иш юритишса; қишлоқ советида бунақа ишлардан чиқиб қолган, унчалик доно бўлмасалар-да ўзларини доно деб билувчи ва кўрсатувчи, ёшлик чоғларида ҳар кўчага кириб-чиқишгани билан ҳали ҳам тавба қилишни хаёлларига келтиришмаган ҳамда буни амалда ўз маслаҳатлари билан исботлаётган маслаҳатгўй оқсоқоллар, жанжал-ғишава чиққан маҳалла-қўй ва оилаларда ҳали жанжал-ғишава чиқмасданок ҳозир у нозир бўлиб турадиганлар, кейин ҳаммадан азиз нарсга тинчлик-хотиржамлик эканлигини укдирувчи ваъзхонлар йиғилишган эди. Қизиги шунда эдики, улар ҳаётлари давомида айтаётган гапларининг тескарисини қилиб, шуни исботлаб келишган кимсалар эди. Оилада жан-

<sup>2</sup> Звеновой – бригада бўлимчаси “звено” аталган, шу бўлимча бошлиғи.

жал чикса камида беш марта уйланиб алимент<sup>3</sup> тўлашдан қоча-қоча гўёки ҳозирда фалончи-пистончи бўлиб кетишган бир этак чурвақани тўғри тарбиялаб фалончи-пистончи қилган ўғрикўз мўйсафид ёки уч эрнинг бошини еб кўзёши тўка-тўка фаришгага айланиб қолган бир бева ўртага тушар эди: сизлар унака қилмай, бунақа қилинглар; бунақа қилмай, унақа қилинглар, деб насихатни бошлашарди. Уларнинг ваъз-насихатлари қор қилиб, ўламан саттор остонанга қайтиб қадам босмайман ёки сендақа хотиндан тилсиз-забонсиз эшак авлю, бир ҳанграйди-ю уни ўчади, дегичлар ҳам айтган гапларини шайтонга тўнкаб, шайтонга ҳай беролмай қопмиз-ку, дея кўзларининг сийдигини оқизишиб апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди. Режаси амалга ошмаган шайтон эса бир четда ёқа тутамлаб қолаверарди.

Қишлоқ советининг раиси эл орасида “опа” номи билан таниқли бир опа эдики, унинг асл исми билан ҳар икки жинсдаги маҳаллий миллат вакилларини аташ мумкин эди, инчунин Иноят деб аталувчи эркакни топиш учун кўп узоққа бориб ўтирмай хў-ўв кўриниб турган култепадан ўтиб, сал ўнгга бурилса тупроқранг бир тахта эшикнинг ортидаги ҳовли ўртасида топган-тутган бўғдойини ёйиб олиб уни қорақуядан тозалаётган қоп-қора тақирбош ўзи давангирдек, иши урвоқдек бир кимсага мурожаат қилинса бўлаверар эди. Аммо қанча мурожаат қилингани билан бу Иноят ака раиса Иноят опа сингари бўлолмас, ўзининг аравасини ўзи зўрға тортиб юрган жўжабирдек жон, шарти кетиб парти қолган бўлса-да оғзи жодидек бир этак боланинг боқувчи фидойиси – замона қахрамони эди. Қишлоқ совети раиси Иноят опа узоқ йиллар бригадирлик қилиб, барчани зир титратган, бир боғ ўт ва бир қоп сомон учун ўз донини ўзи элаб ўтирган Иноят ака сингариларнинг қанчасини қон қакшатган, баъзиларини қаматиб ҳам юборган, бир-икки кишининг ҳаётини кўпчилик учун қурбон қилиб юборса бўлаверади деган ақидани қаттиқ ушлаган фидойи – буям замона қахрамони эди. Аммо унинг ана шунақа фидойиликлари ўзи тан олмайди-ган Худога ёқмагани, ишқилиб, етгита эр қилгани билан тирноққа зор бўлиб умрини ўтказган мардона заифа эди. У ёши ўтиб қолганига қарамай, ўз қуч-ғайратининг сўнгги мисқолигача жамият йўлида сарфламоққа жаҳд қилгани боис, тинчиб ўтирмас, ўтиролмас – агар шундай қилгудек бўлса ёлғизлигининг аламангез ғуссалари жисму жонини ўртаб юборишини узоқдан хид олган урғочи бўри сингари аввалдан пайқар эди. Фидойиликлари эвазига олган шакур-шукур орден-медалларини жигарранг сатиндан тикилган кофтасининг кўкрагига такқанича ўзини ўта муҳим ва қатта ишни дўндираётган каби мағрур тутиб қишлоқ кўчаларининг чанг-гўзонлари ва тиззадан келадиган лой-балчиқларини четлаганича паҳса деворлар остидан кўзлаган мақсади томон эҳтиёткорона йўл териб дадил одим отар эди.

Иноят опа хўжалик раисини очик чехра билан кутиб олишга қанчалик уринмасин, унинг чехраси очилмаётганини пайқаган Беркинбой ўзини орқароққа олиб йўлақда кутиб турди. Хўжалик раиси қишлоқ совети раиси ҳузурида кўп ушланиб қолмади. Меҳмон йўлакнинг икки четидаги деворларда илиб қўйилган эълонларни, фаровон турмуш тарзи, оила аҳиллиги акс этган плакатлардаги расмларни томоша қилиб, уларнинг остидаги ёзувларга ажабланганича лабини буриб, ўзи шундай ҳам ғилай кўринадиган кўзларини баттар ғилайлаштириб тикилиб турган чоғда жамоа хўжалигининг икки жинсдаги икки устунни ҳам йўлаққа чиқиб келишди.

– Ҳа, ўзингиз биласиз, – дерди хўжалик раиси ичкарида чамаси адоғига етмай қолган суҳбатнинг қолганини давом эттирганича. – Давлат ҳам едириб, ҳам кийдириб юрсин-да, кейин яна ўлганидан кейин жаноза намозини ҳам ўтказиб берсинми? Йўқ, унақаларга қаттиқ-қаттиқ чора кўрилмаса мулла-эшонлари яна бош кўтариб

<sup>3</sup> Алимент – эр-хотин ажрашганда вояга етмаган фарзанд учун тўланадиган тўлов.

колишади, биласиз-ку, ўтмишда уларнинг нима ишлар қилишганини...

Қишлоқ совети раиси хўжалик раиси айтаётган ўтмишнинг қанақалигини кўрмаган бўлса-да, шўро инқилобини ўзи амалга оширгандек бош ирғарди, холос. Беркинбой ўз ҳомийларининг муҳим бир мавзуда гаплашиб чиқаётганликларини кўриб, уларга яқинлашишни ҳам, яқинлашмасликни ҳам билолмай бир зум талмов-сираниб туриб қолди.

– Ана-а мен сизга айтган одам! – деди хўжалик раиси ўнг қўлини осмонга уза-тиб Беркинбойни кўрсатган эди, носранг кителининг этаги бироз кўтарилиб туман марказидаги Будённий ҳайкалининг ўзи бўлди-қолди. Қишлоқ совети раиси эса уни кимга ўхшатаётганини асло тополмай оғзи очилганича анграйиб ўйланар эди. Хўжалик раиси қўлини тушириб, энди жигарининг устига қўяркан:

– Кўрдингизми? – деди, буям бизнинг жигар-да, дегандек сермаъно қош кериб.

Беркинбой опага салом бериб, уларнинг қаршисида бош этди.

– Бир кепсиз, илтимосингиз ерда қолармиди? – деди қишлоқ совети раиси дўриллаган овозда. – Жой ҳам топамиз, ёрдам бериб хужжатлаштирамиз ҳам.

“Хужжатлаштирамиз ҳам” деган гапдан кейин Беркинбойнинг ранги негадир дув оқариб кетди.

Хўжалик раиси, энди сизга рухсат, дегандек бош ирғаб қўйганди ичи сиқилиб тургани учун дарҳол уларнинг ёнидан яқкифт бўлиб ўтганча чиқиб кетди. Икки жинсдаги икки устун ҳали тугамаган гапларини ўша ерда турганча давом эттиришмоқда эди.

Бу чоғда Юнус ота ҳовуз бўйига етиб борганди.

Хайрият, кубош ўрнида кетмонини қўйиб кетгани – сувни ҳеч ким очмабди. Ҳовуз лиммо-лим бўлиб турарди. У энгларини шимариб, чўнқайганча кеча ўзи бос-тириб кетган чимни қувур оғзидан суғуриб олди. Димланиб турган сув қувурдан ўзини ташқарига уриб, бир зумда ариқни тўлдириб оқа бошлади. У туни билан қоровуллик қилиб чиққан кетмонни елкалаб, ариқ ёқалаб кетди. Сув унинг боғига етгунча, бора-боргунча қанчадан-қанча қулоқларни тўғрилаб, очиқ турган бўлса ёпиб, ёпик турган бўлса остидан сув сизиб чиқиб кетиш-кетмаслигини текшириб кўриш керак. Айримлар сув очиб оладиган жойлари кўзга ташланмасин деб ариқ остидан кичкина қувурча ўрнатиб қўйишган. Бунақаларни сув ёқалаб юрмаганлар ҳатто пайқашмайдиам. Шу сабабли, Юнус отага ўхшаб Хум тепалигининг этагидаги боғларига сув олиб борадиганлар ҳамма ёкка кўз-қулоқ бўлиб, биттама-битта текширишмаса, сув тугул сувнинг томчисигаям эга чиқишолмайди. Эрталаб ҳовуз қувурининг оғзи очилиб ундан сув отилиб чиққан заҳотиёқ, мана шу ариқдан сув ичадиганлар орасида ғивир-ғивир гап-сўзлар бошланади. Сув олиб келаётган одамнинг кимлиги-ю ёши нечадалигидан тортиб феъл-атвори, бўй-басти, қўлида нима борлиги-ю белига боғлаб олган белбоғида осилиб турган киндаги ханжарми-ду-дамами эканлиги ҳақидаги маълумотлар ана шу ғивир-сивирлар асносида ошқор бўлади. Шунга қараб қулоқни очиб сувни ўғирлаш-ўғирламаслик масаласини ҳар ким довлораклиги-ю нималарга қурби етишини чамалаб ҳал этади. Аммо Юнус отага ўхшаган кўпни кўрган кексалар кетмон кўтариб ариқ бўйлаб юра бошлашса, уларнинг сувидан ўғирлашга биров ботинолмайди.

У йўлда учраганлар билан кўришиб-сўрашиб томорқасига етай деб қолди. Хум қиямалигида жун титиб, урчук йигириб ўтиришган тўрт нафар аёл уни узоқдан кўришди.

– Юнус поштачими? – сўради улардан бири этагидан ерга тўккан жун орасидан

<sup>4</sup> Қулоқ – ариқдан сув очиб олинадиган жой.

бир нима топишга умидвор бўлгандек у ёк-бу ёкка ағдарганча синчиклаб қараркан.

– Ўша! – кулли ишонч билан жавоб қайтарди йигирадиган урчуғини тиззасига қапти билан ишқалаб айлантиришга шайланаётган иккинчи аёл.

- Пошта олиб келдимикан?
- Томоркасини суғоргани кетяпти.
- Бугун сув олган-да.
- Ҳа, шунака.
- Кеча уйда меҳмон кутган эканми?
- Ҳовуз бўйини кўриклаб ётганида келиб қопти.
- Кулоғимга аллақайдан чалингандай бўлувди, рост экан-да.
- Ҳа, рост.
- Танишимикан?
- Унақамас шекилли, яна тагин ким билсин.

Бу тўрттовлон аёл мана шу қиямаликдаги гуваладан тикланган бир-биридан кўпам фарқ қилмайдиган пасқам-пасқам беш хонадоннинг тўрттасидан чиқиб келишган. Мана шу беш хонадон – тўрт хўжалик бўлиб, хумликлар деганда барчанинг кўз ўнгида ана шу жой гавдаланди. Неча замонлар бўлдики, мана шу тўрт хўжалик на кўпаяди, на озаяди, бешинчи хонадонда ҳам бир вақтлар ўзларига тегишли кимдир яшаган экан-у, кейин бошқа ёқдаги хумликларнинг ёнига кўчиб кетиб, бу хонадон бўшаб қолган экан. Уларнинг уташанликлар билан ҳеч қанақа яқинлик жойлари йўқ экан, қайлардадир яна ўзларига ўхшаган хумликлар бормиш, уларнинг ҳам худди шундай Хум деган тепаликлари бормиш, ўшалар билан булар яқинмиш. Шундай эса-да, тўй-маъракаларда баъзан-баъзан уташанликлар билан борди-келди қилиб туришар, аммо қабристонлари алоҳида эди. Ташки кўринишларидан тортиб еб-ичишлари-ю кийинишларигача бошқалардан фарқ қилмайдиган хумликларнинг нима учун алоҳида қавм эканликларини билолмай кўпчиликнинг боши қотар эди.

Кундуз кунлари тўрт нафар аёл Хум тепалигининг қир учига чиқишади, кўллари юмушдан, оғизлари гапдан бўшамайди. Қуйи томондаги йўлнинг нарёғида уташанликларнинг боғ-роғлари кўриниб туради.

– Ўзи у ёқда, боғи бу ёқда, – ҳар гал бир гапни такрорлаб, домангирлик қилишади. – Ота-боваларимиз удабуронроқ бўлишганда бунақа сувли ерларни уларга бериб қўйишармиди?

– Улар кўпчилик-да, айланай.

– Бизам кўпаярдик, – гап бошлаган аёл негадир этагини кўтариб қўяди.

– Йигирадиган жуним тугай деб қолди, айланайлар.

– Шунгаям ғамми?! – иложи бўлса ҳозирок кўпайишни жуда-жуда хоҳлаётгандек кўринади этагини кўтариб қўйгани. – Бир кабзадан берсак яна бир урчук айлантирасиз.

– Бир урчукка бир кабзадан берсак етмайди, – ғир-ғир эсаётган шабадага кўксини тутганича негадир шу топда кўзларини юмиб олгиси келаётган бошқаси гапираман деб оҳ тортиб юборганини пайқамай қолади.

– Икки кабзаданга ўзимизда қолмайди, хўрсиниб қўяди энди кўпайиш ҳақидаги хаёлни бошидан чиқариб ташлаб бошқа нарсаларни ўйлай бошлаган аёл.

Улар жуннинг мўл-кўл бўлишини орзу қилишади. Қўлларидагини эса дарров тугатиб қўймаслик учун урчукни секин-аста, ҳафсала билан айлантиришади. Шунинг учун бу тўрттала аёл йигирган ип ҳамиша қайишдек пишиқ-пухта бўлади. Кун оға бошлаганда улар тепаликнинг орқа томонига тутшиб кетган бийдай сайхонликдан тезак тера бошлашади. Бу ерларда пода боқилади. Шу боис, тўрттовиям бир зумда

этақларини тезакка тўлғазиб уйга қайтишади.

Хумдаги хонадонлардан бири Тўхливойга тегишли. Ҳар йили лойсувок қилинаверганидан томи тўсинларни майиштириб юборган битта уй ва шифтини курум босган ошхонасиям бизлар Тўхливойга қарашли, дегандай сўппайиб туради. Унинг бир-биридан ярим қарич-бир қарич паст-баланд болалари эса сувсизликдан тақирлашиб ҳайҳотдек бўлиб ётган ховлигаям сиғишмайди. Супа остидаги бир туп жийда гулини тўқар-тўқмас болалар қушлардай чуғурлашиб, унинг шохига ёпишишади, шуни билибми, чумчуқ ва майнадан бўлак бирорта қуш бу ерда қорасини кўрсатмайди. Шунга қарамасдан улар уташанликларнинг боғлари томонидан келатган турфа қушларнинг чуғур-чуғурларини хоҳлаганча эшитиш имкониятига эга. Жийданинг қизарганини биров кўрмаган, болалар хом-хаталалигича тинчитиб қўя қолишади. Қовирғалари саналиб ётган битта сигиру ҳамма ёқнинг тити-питисини чиқариб юрадиган беш-олтита товук Тўхливойнинг суянч тоғлари ҳисобланади.

Униқига қараганда анча бадастур кўринадиган кўшни ховлида Наби муаллим яшайди. Хумликлар орасида ҳукуматдан маош-ойлик оладиган ҳам ёлғиз шу одам. Муаллим камсуқум, дунёни сув босса тўпинга чиқмайдиган кўринади. У нимадандир беҳад толиққандек кўзларини хиёл юмиб, ямланиб-чайналиб, битта-битта сўзланади. Наби муаллимнинг у томонида яхши гапгаям, ёмон гапгаям нуқул қалласини қимирлатиб, аммо бирортаям сўз қўшмай индамай ўтираверадиган Раҳим индамас деганлари кўр тўққан. Мана шу одамнинг ғиқ этиб оғиз очганини биров кўрмаган бўлсаям, теварак-атрофдаги кишлокларга индамаслиги боис доврўғи кетган. Бировлар уни туғма соқов деса, бошқалар туғма соқовлар қулоғи ҳам том битган қар бўлмайдами, деб дарҳол ўртага савол ташлашар, кейин суҳбат мавзуси фақат мана шу муаммо устида айланаверарди. Ҳатто баҳсу мунозаралар Раҳим индамасдан бошланган бўлса-да, бора-бора у ёддан кўтарилар; умуман олганда индаган яхшими-индамаган яхшими, тилим бор экан деб ҳар нарсаларни валаклайвериб ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зиён келтириш дурустми ёинки тилини ичига ютиб ишини битириб юрган маъқулми, деган мавзулар устида эрталаб бошланган бўлса кунботар, кеч бошланган бўлса тонготар баҳсу мунозарлар қизигандан қизиб борарди. Бундай тортишувлар баҳсу мунозара доирасини ҳаглаб ўтиб даҳанаки жангларга айлангани, даҳанаки жанглар даҳанаки жанглар доирасини ҳаглаб ўтиб ёқалашиларгача бориб етгани Раҳим индамаснинг ҳазилакам одамлардан эмаслигини кўрсатарди. Унинг индамаслигиними, индамаслиги боис тўрт тарафга ёйилган доврўғиними кўролмайдигандек ён қўшнис Вали қассоб овозини баралла қўйиб бақир-чақир қилиб юради. Авваллари ҳарна пичоғига битта-яримта майда туёқли жониворлар илиниб турганида сал ҳисоби бор эди, аммо кейин-кейин одамлар майда туёқли жонивор тугул товук ҳам сўймай қўйишганидан, сўйишсаям шу бақирокни нима қиламан деб чақирмай қўйишганидан унинг қакағи янаям очилиб кетди. У она курсоғидан қинидан суғурилган пичоқдек ўзи учун осон, она учун даҳшатли оғрик билан тушганидан тиг билан битадиган ишларга ҳозир у нозир, йўқ жойдан душман қидирар, жанжал чиқаришга баҳонаи сабаблари тўлиб-тошиб ётар, бекорчиликда эрта-ю кеч силлиқ қайроқтошга пичоғини қайраб ўтиришдан зерикмасди. Хаёлига келган гапларни ашула айтаётгандек оҳангга солиб жаврайверарди. “Ўл-а, ўл бу кунингдан, – дерди у бировга гапирётгандек бу гапларни пичоққами, қайроқтошгами, ўзигами қарата айтаётгани номаълумлигича қолиб. – Ўтлоқларинг, қирларинг, даштларинг, тоғларинг, сувларинг, сурув-сурув қўйларинг, йилқиларинг, подаларинг... ўл-а, ўл бу кунингдан...” Бир кунда юзлаб марта такрорласаям мазмуни ноаёнлигича қолаверадиган бу сўзлар кўпдан буён чумчуқнинг ҳам қалласини

олмаганидан кўзлари конталашиб юрган Вали қассобнинг оғзидан гоҳ сўкаётган сўкишига зеб бўлиб, гоҳ тупураётган тупугига қоришиб чиқарди; шундаям негадир қандайдир аламини босолмаётгандек бўларди; ёғингарчиликларда уваланиб тушаверганидан туянинг ўркачидай бўлиб колган пахса девор куршовидаги тупрок чангиган ховлисида нажот топмас бўлиб нажот ахтараётгандек бош чангаллаб ўзини ҳар ён ургани, ўзини қаёққа ташлашни билмаётгани уни янаям танг аҳволга солиб кўяётгандек бўларди.

Хум аҳли, хумликлар деб аталмиш мана шу одамлар орасида Наби муаллим ҳар куни тушгача мактабда бўлади. Уташан, аввалги Андарвашт – хозирги Заҳматобод кишлоклари учун мактаб битта, уям саккиз йиллик, хумлик болалар ҳам ўшанга боришади. Наби муаллим уларга алоҳида эътибор билан қараб, ҳар ёқларга сочилган қавмимизнинг юзини ерга қаратмай яхши ўқинглар, одам бўлинглар, деб уқдиргани билан хумликлар бунақа гапларни тан олаверишмайди. Наби муаллим мактабдан қайтгач, баъзи кунлари эшагини тўқимлаб ёлғизоёқ йўлдан пастга, боғ-роғлар томон энади. Уташанликлар боғларининг у ёғида, эшакарава ўтса бўладиган, ёз кунлари мойтупрок билқиллаб ётадиган йўлнинг нариги томонида колхоз<sup>5</sup> олмазори бора-бора тоқзорларга тутшиб кетади. Колхоз боғларида шунақаям ҳосил бўладики, уларни йиғиштириб олиш учун куз бўйи ёшу кекса тиним билишмайди. Бундай пайтларда мева-чевалар юкланган машиналар карвони карнай-сурнайлар кузатувида қайларгадир йўл олади. Шундай тўқинчилик бўлгани билан бу ердан битта олма ёки бир бош узум олган одам нақ балога қолади. Шунданмикан, одамларнинг ўзлари ҳам бу ердан бир нима олиш гуноҳ эканлигига кўникиб қолишган. “Колхозимиз боғлари жаннатнинг ўзгинаси” деган қўшиқ эл орасида машҳур бўлиб кетганининг сабаби ҳам шунда – кўз кўриб қорин тўймаслигида эканлигини китмирлиги бошига урганлар бир-бирларига айтиб юришади. Наби муаллим одамшинаванда бўлганлиги учун колхоз боғи қоровулларига, айникса, Отақул бобо исми соч-соқоли оппоқ кекса қоровулга маъқул. Йиғим-терим бошланмаган кезларда бу боғлар кимсасиз ва жуда зерикарли бўлгани учун деярли ҳар куни муаллимнинг тушдан кейин қора беришига Отақул бобо кўникиб қолган. Улар ҳар куни одатдагидек салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашишади.

– Келдингизми? – дейди Отақул бобонинг чехраси ёришиб.

– Келдим, – дейди Наби муаллим сал хижолат чеккандай бўлиб.

Отақул бобонинг ўзи жиловни қўлига олиб, унинг эшагини серўт жойга тушовлайди. Сўнгра суви қайнаган қумғонга қуриган тоқ баргиданми, олма пўстлоғиданми уч-тўрттасини ташлаб, чой дамлайди. Қумғоннинг дастасини этаги билан ушлаб, сири кўчган кружкага яримлатиб чой қуяди. Навбатма-навбат ичишади. Чол баъзан кружканинг сири кўчганлигини ачиниб сўзлайди, муаллим ҳам унга қўшилади, кружканинг сири кўчганлигига ачинади. Ўзига тегишли мулк учун қўшилишиб ачинаётганлигидан ҳамсухбатига қариянинг меҳри чандон ортади. Ҳасанча, исми жисмига монанд сийрак соқол-мўйловли одамча – иккинчи қоровул бу сухбатларга ахён-ахёнда аралашиб қолади. Авваллари Наби муаллимнинг майин-майин, нозланаётгандек сўзлаши унинг юрагини сиқар эди, бора-бора унинг қораси кўриниши биланоқ юраги торикиб, қайларгадир чоғиб чиқиб кетгиси келадиган бўлиб қолди. Шунинг учун, кўрмай ҳам-қуймай ҳам қабилида ўзини четроққа олиб юради.

Наби муаллим одатдагидек қиямалиқдан тушиб келиб, туман марказига транспорт қатнайидиган асфальт йўлни кесиб ўтиб, эшагининг жиловини чапга бурди ва тўқимга яхшироқ ўрнашиб олиб унга хала босди. У бундай қилмаса ҳам эшак-

<sup>5</sup> Колхоз – собик шўролар замонидаги кишлоқ хўжалик тизими, жамоа хўжалиги.

нинг ўзи тушгача тиши орасига нишхўрд ҳам тушмаганидан қаёққа бораётганини фахмлаб, йўрғалаб кетмокда эди. Шу чоғ четдаги марзада кетмонига суяниб турган Юнус отага Наби муаллимнинг кўзи тушиб, унга яқинлашгач, жиловни тортиб серўт жой хаёлида талпинаётган эшагини базўр тўхтатди. Эшакдан тушди. Салом бериб қўшқўллаб кўришди.

– Сув опсиз-да? – деб сўради Наби муаллим аниқ билиб турган нарсасини янаям аниқлаштириб олмокчи бўлгандек.

– Ҳа-а малим, сув олдим, – деди Юнус ота ҳам аниқ бўлиб турган нарсани янаям тасдиқлаб. – Ҳадемай колхоз боғларини суғориш бошланиб кетса бизга сув тегар-миди.

– Ҳа-а, ҳадемай колхоз боғларини суғориш ҳам бошланса керак.

– Ишқилиб, ўзингиз дамликкина юрипсизми малим?

– Юрипмиз-да, тупроқдан ташқарида.

– Ҳа, омон бўлинг, мактабингиз ҳам тинчми ишқилиб?

– Мактаб-ку тинч, – деди Наби муаллим у ёқ-бу ёққа аланглаб қўярган, – аммо ўзимиз нотинч бўладиганга ўхшаб турибмиз.

Унинг бу гапидан Юнус ота бир чўчиб тушгандек бўлди.

– Биласиз, бизнинг Хумда мана шу тўрт хўжаликдан бошқаси бўлмаган, – деди Наби муаллим негадир хўрсиниб қўйганча. – Оилалар кўпайсаям хўжалик кўпаймаган.

– Ёшлар бир жойда ўтиришсаки хўжалик кўпайса, – деди Юнус ота Наби муаллимга бу ҳолатнинг айбдорига қарагандай қараб. – Сал эси кирдими болаларингиз кўздан ғойиб бўлади.

Наби муаллим индамади.

– Яна қайлардадир қавмдошларимиз бор дейсизлар...

Наби муаллим бу гал ҳам нималарнидир ўй сурганча сўз қўшишни лозим топмади.

– Хўжалик кўпайиши учун бир жойда муқим ўтириш керак-да.

Энди Наби муаллим чидаб туrolмади. Қўли билан қиямаликдаги ўзлари яшаётган уйлар томонга ишора қилиб:

– Биз яшаб юрипмиз-да бу ерларда, – деди дабдурустдан кимлардандир домангир бўлаётгандек. – Итни боғлаб қўйса турмайди-ю...

– Ие, ие, – шошиб қолди Юнус ота. – Ахир бу юрт...

– Э, ўргилдим, – тепса тебранмас кўринадиган Наби муаллим бирданига, чамаси ўзи ҳам билмаган ва кутмаган ҳолда қўл силтаб юборди.

– Шайтонга ҳай беринг, малим, – бош чайқади Юнус ота ичида истиғфор айтиб.

– Кўрмайсизми ахир, – сандикнинг тубидаги бир парча читга ўралган дипломи ёдига тушиб қолдими, Наби муаллим хижолат тортгандек бўлди. – Шу тўрт хўжаликдан кўпайишиб анави бешинчи бўш ётган ховлига чиқамизми деб режа тузиб қўйсақ, шуниям Худо бизга кўп кўрди.

Наби муаллимнинг, “шуниям Худо бизга кўп кўрди”, деган гапидан Юнус ота ниҳоятда ажабланди. Ахир ажабланмай ҳам бўладими?! Ер кимирламаган бўлса, сел олмаган бўлса бўш турган хонадонни Худо ўзидан-ўзи канақасига кўп кўради?! Ё бу менга қарашли деб аршига кўтариб кетмайди-ку?! Бу жумбоқдан боши қотган Юнус ота ҳатто ортга ўгирилиб, кафтини пешонасига равоқ қилганча Хум аҳолиси яшаётган манзилга обдон тикилиб қаради. Ҳаммаси жойида эканлигини бир қарашдаёқ пайқаган бўлса-да, Наби муаллимнинг беҳуда оғиз кўпиртирмаслигини билгани учун яна синчиклаб кўз югуртирганча бирма-бир санаб чиқди. Ўз кўзига

ишонмаганидан эмас, Наби муаллимнинг қўққисдан айтган гапи бошини қотириб юборганидан кўз билан кўрганларини овоз чиқазиб айта бошлади:

– Хў-ўш десак, анави Тўхливойники; хў-ўш десак, анави Раҳим индамасники; хў-ўш десак, анави Вали кассобники, – деганича Юнус ота бирров Наби муаллимга қараб оларкан, – ана-а ўзлариники, – деди ва кифт кисди, унинг кифт кисмасдан бўлак иложиси йўқ, нега деганда қайси йўсин билан санамасин, бирибир кимсасиз ўша битта хонадон кимсасизлигича колмоқда эди. Ахийри, бу Афлотунлиги билан бирон бир натижа чиқара олмаслигини аниқ билгач, Наби муаллимга ўтирилиб:

– Ховли-жойлар ҳаммаси жой-жойди-ку, – деди қўли билан ўша томонга ишора қилиб. – Ана-а, ҳеч ким яшамайдиган ортиқчаси ҳам ўз жойида турибди.

– Ўз жойида туришга турибди-я, – деди фикрини тушунтиролмаётганидан қийналиб кетган Наби муаллим бўғриқиб. – Аммо бугундан бошлаб у йўқ.

– Нега йўқ бўлсин?

– Уни бериб юборишди.

– Кимга?

– Аллаканача юрт излаб келган одамга.

Наби муаллимнинг ана шу охириги гапидан сўнг Юнус отанинг миясига нимадир “чирс” этиб урилгандай бўлди-ю, ўсиқ қоши остидаги кўзлари хайратдан катта-катта очилганича, оғзидан чиқиб кетган сўзни ҳам пайқамай қолди:

– Беркинбойгами?

Шу чокқача Юнус ота боши қотиб турган бўлса, энди унинг оғзидан чиққан бу исми эшитиб Наби муаллим чакмоқ ургандек сесканиб тушди. Ҳатто, Хумда ҳеч ким яшамайдиган ортиқча ҳовли-жой борлигини шу чол айтмаганмикан, деган каби Юнус отага гумонсираётгандек бўлиб ҳам қаради. Аммо қариянинг нигоҳидан ҳайронлик ва ажабланиш ифодалари кезинаётганини кўриб, унинг бу ишларга ҳеч қанака алоқаси бўлмаганини фаҳмлади.

– Об-бо Беркинбой-э! – деди Юнус ота бош чайқаб.

– Сиз... танир экансиз-да? – негадир бу саволни айтишга журъати етмаётгандек бўлиб сўради Наби муаллим.

– Кеча кўрувдим.

– Кеча?!

– Ҳа, – бош ирғаб тасдиқлади Юнус ота. – Кеча ҳовуз қувури оғзига чим бос-тириб кўриқлаб ётганимда қоронғида нотаниш одамнинг шарпасини илғагандай бўлдим.

– Ким экан у? – сабри чидамай сўради Наби муаллим.

– Айтяпман-ку, нотаниш одам деб, – Юнус ота кечаги воқеаларни кўз ўнгига келтираркан. – Шундоқ қарасам рўпарамда турибди. Бу ернинг одамига ўхшамайди. Кейин сўраб-суриштирсам ҳақиқатдан ҳам бу ернинг одами эмас экан.

“Кейин сўраб-суриштирсам ҳақиқатдан ҳам бу ернинг одами эмас экан”, деган сўзлари билан Наби муаллимни янаям ҳайрон қолдириб, оғзини ланг очдириб қўйган Юнус ота кеча кечкурун рўпарасида пайдо бўлган одамни қандай кўрганини, унинг меҳмон эканлигини билгач ҳовуз бўйига кетмоннини белги қилиб қўйганини, шундаям ичидан ҳар хил ўй-хаёллар ўтганини, лекин меҳмон ўз номи билан меҳмон – атойти Худо эканлигини, уни уйига олиб бормаса бўлмаслигини ўйлаганини, ҳатто гап-сўзга қолиши мумкинлигини хаёлидан ўтказганини, шунақа қилиб меҳмонни уйига олиб келганини, кампири овқатга уннаганини, унғача меҳмон билан танишиб номининг Беркинбой эканлигини ва юрт излаб юрганлигини билиб олганини, бундан ҳайрон қолганини, кейин Беркинбой бошидан ўтган воқеаларни айтиб берга-

нини, шундагина унинг нима учун юрт излаб юрганни фаҳмлаганини, раҳми келганини, эрталаб раиснинг олдига юборганини – бари-барини окизмай-томизмай айтиб берди. Кечки таом ва қалин жой солдириб ором олдиргани, соқол киртишлаши учун ашқол-дашқоллар берганини гапириб ўтирмади, албатта. Аммо шусиз ҳам Юнус отанинг гапларини Наби муаллим гоҳ оғзини очиб, гоҳ кўзларини юшиб, гоҳ чамаси ўзи ҳам билмаган қандайдир ғалати қилиқлар қилганича – яъни, ўнг қўли билан чап қўлининг ортини, чап қўли билан ўнг қўлининг ортини қаший-қаший, бундан зерикканда чинчалоғи билан бурнини кавлай-кавлай тинглар эди.

– Юрт излай-излай Беркинбой қургур ахйри Хумга кўнадиган бўлибди-да, – деганича Юнус ота хаёлидан ўтказган гапни баралла овоз чиқазиб айтган эди, бу гап тутаб турган Наби муаллимни ўт олдириди.

– Ҳамма ишни сиз бошлаган экансиз-да?! – деб юборди Юнус отанинг ҳеч қанақа ноғўя қадам босмаганини ич-ичидан ҳис этиб турса-да, аслида аламини олиш керак бўлганлардан аламини ололмаслигини билгани учун бундай одам топилганидан ҳаттоки қандайдир суюнгандек бўлиб Наби муаллим. – Айтдим-а, бу одам қанақа қилиб бу ёқларга келиб қолди-ю, қанақа қилиб ҳэ йўқ, бэ йўқ бизнинг ота-боболаримиз замонасидан буён биров кириб жойлашишни хаёлига ҳам келтирмаган кимсасиз ховли-жойимизга эга чиқиб қолди, деб. Ҳамма гап бу ёқда экан-да!

Юнус ота Наби муаллимни биринчи марта кўраётгандек, хотираси пучмоқларини қанчалик титкиламисин уни танимаётгандек, шу сабабли ёзғиришларини ҳам тушунмаётгандек бўлиб унга ғалати қараш қилиб қолди. Сандиқ тубидаги бир парча читта ўралган диплом боис онги баланд кўрингани билан, Наби муаллим ҳам шу ер-тупрокнинг одами – олманинг остига олма, нокнинг остига нок тушмай нима бўларди? Буни Юнус ота кўпни кўрган нигоҳи орқали дарҳол пайқаб:

– Эҳ, малим-а, малимжон-а, – деди негадир афсус оҳангида бош чайқаркан. – Шу ҳам гапми? Ахир мендан нега ёзғирасиз?

– Айтдингиз-ку, – минғирлади Наби муаллим. – Уйга олиб келиб меҳмон қилдим, раиснинг олдига боришни маслаҳат бердим деб.

– Йўл йўқотган бир бечорага... – дея сўз бошлаган Юнус отанинг рафторидан унинг гўри қиёматдан давом эттиришини пайқаган муаллим андишани бир четга суриб қўйиб, шарт кўндаланг савол ташлади:

– Ҳали ким ҳам билипти унинг бечора-бечорамаслигини?

– Аф-ангори айтиб турибди, – деди Юнус ота, кейин ўзи истамаган қўйи тажанглашиб-тутоқаётганини ҳис этди. – Йўл йўқотган бир кимсага кўра-била туриб жой бермаса, маслаҳат бермаса, ахир бу қанақа одам бўлади ўзи? Билсангиз, айтинг ўзингиз.

– Ҳозирги замонда ҳаммагаям ишониб бўлмайди, – кеча кечкурун Юнус отаникида тунаб қолган меҳмонга нисбатан ҳали уни кўриб-билмаган, таниб-сўзлашмаган бўлса-да, Наби муаллимда қандайдир адоқсиз кек пайдо бўлганди – нафсиламрини айтганда, бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон эди; олий маълумотни беҳуда олмаган ақли мавҳум одамга нисбатан бундай ўйлаш хато эканлигини шипшиб турса ҳам, ич-ичидан тошиқиб келаётган номаълум бир ундов уни йўлдан оздириб етовига солиб олаётгандек эди, хунобланиб-ториқиб туришининг боиси ҳам шунда эди.

– Йилки искашиб, одам сўзлашиб топишди деганлар, – деди Юнус ота анов-мановмас, олий маълумотли нодонга гап уқдириш душворлигига ўзи ҳам амин бўлиб. – Ахир шунақа қилмай ишониш-ишонмасликни билиб бўлмайди-ку?!

Шундай деб, Юнус ота жаҳолати мўмин-қобил кўринган бетига тепчиб турган Наби муаллимга тикилиб қаради. Чамаси, бўлак жойда йўқотган нарсасини ундан

топмоқчидай бўлди.

– Мана энди бўм-бўш турган ҳовли-жойимизга ўроқда йўк, машоқда йўк – хирмонда ҳозир бўлиб, ўша сўзлашиб топишган меҳмонингиз эга чикиб турибди, – деди Наби муаллим Юнус отадан тобора йироқлашиб бораётганини ҳис этганча.

– Буям бир яхшиликкадир, – деди Юнус ота энди унга далда бераётгандек бўлиб. – Ўзи Хумда бўш ҳовли-жой бор экан деб тушига кирибдими? Раис айтгандир, Иноят оксоқол айтгандир...

– Ҳа, ўшалар айтишган, – тасдиқлади Наби муаллим икки жинсдаги икки устуннинг гўрига ичида гиштлар қаларкан. – Ўшалар айтмаса, кимнинг ҳади сиғарди?

– Яшанг, – Юнус ота урина-сурина ақлини жойига келтириб олганидан қувонгандек бўлиб, унга олқиш айтди. – Ўшалар айтади-да, бошқа ким айтарди? Айтганингиздек, бировнинг ҳади сиғармиди? Энди Худо назар қилмаса эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайсан дейишган. Шунинг учун раисни ҳам, Иноят оксоқолни ҳам назарқарда одамлар деса бўлаверади.

Наби муаллим, қўйсангиз-чи, дея қўл силтаб юбормоқдан ўзини аранг тийиб, Юнус отага ишониб-ишонқирамагандек, кўнглида шайтондан ўзгаси билмайдиган талай гумонсирашларни кечирганча синовчан назар ташларкан, ҳар хил гапларни айтавермаслик кераклигини, ўзи шусиз ҳам анча-мунча бекорчи нарсаларни вайсаб юборганлигини ўйлади. Ўйлади-ю ўзининг азалий камсуқум, дунёни сув босса тўпиғига чикмайдиган одам кўринишидаги қобиғига кирди.

– Катталар бир нарсани ўйлашгандир-да, – деб қўйди камсуқумлик билан.

– Ҳа-а яшанг, – деди чуқур нафас олганча Юнус ота. – Ана-а энди ўзингиз келдингиз.

– Айтдим-қўйдим-да, – деди Наби муаллим ҳифзу ҳимоясини мустаҳкамлаб, ўз кўрғонининг ўкўтмас мангу деворларини тобора баландроқ кўтаришга жидди жаҳд қиларкан. – Нима, Хумда бир мен эканми? Керак бўлса, уззукун жилмай ўтирадиган Вали қассоб бор, Раҳим ака бор, маслаҳат қилишар-да.

– Тўхливой ҳам сиз қатори эрталаб чиқиб кетганча кеч қайтади, – деди Юнус ота унинг мулоҳазасини қувватлашни ҳам-қувватламаслиқни ҳам билмаган ҳолда. – Ҳовли-жой бўш тургандан кўра, бировнинг яшагани дуруст. Яхши бўлса ошини ейди, ёмон бўлса бошини – шунинг ғамини сизу бизга чекишни ким қўйибди.

– Рост-да, – деди Наби муаллим тупураётгандек. – Гап билан бўлиб, сизниям анча ишдан қолдирдим-ов!

– Э-э! – қулди Юнус ота. – Бизнинг иш нима бўларди. Ариққа тараб қўйсак бас-да, сувнинг ўзи йўлини топиб суғориб ётади. Ақли бор-да бу сувнинг.

Наби муаллим Юнус отага хайрон бўлиб қаради.

– Бизни танийди, – деди Юнус ота унинг қарашига эътибор қилмай. – Билсангиз малим, ҳукуматнинг йўриғиям шу сувга ўхшайди, бир ўзанга тушиб олса кетаверади, қачон қурийдими, қачон тинади – бу ёғи Яратганга маълум.

Наби муаллим оғзининг чакаги очилиб кетганидан қалбининг энг тубида ҳавотир отлик туйғунинг бош кўтариб келаётганини ғира-шира пайқаб, унинг жисму жонини ўрғаб исқанжага оладиган қўрқувга айланишидан чўчиб тушди ва эшагининг жиловидан тортиб қулайроқ жойга етаклади. Негадир, қалта ип бойловга етмас, деб гўнғиллаб қўйди, кейин тўқимини тўғрилаб эшакка минди-да, қолхоз боғига қараб жўнаворди.

Юнус ота ҳам сув ёқалаб ўз томорқаси томон кетди.

Уташанда йироқда, Хум тепалиги этагида ясланиб ётган давлат хўжалигига қарашли тоқзор ва мевазор боғларининг нарёғидаги унинг отасидан қолган олти сўтих тоқзор нафақаси-ю почтачилик ойлигига қўшимча даромад келтирар эди.

Оқ ва қора чиллаки ҳамда мезон шамолини еб янаги йил чиллакилар ранг олгунча шифт тўсинида сақласа бўладиган кечки узум навлари экилган ерток қаровга қараб йилдан-йилга ҳосилга кириб бораверарди. Бунинг учун шарафли хизматини ўз вақтида ўтаб олқиш олган, эндиликда қариб буришган ток занглари олиб ташлаб, тандир ва ўчоққа қалаб юбориш керак эди. Уташанликлар шунақа қилишар, тоқзорларидан ҳосил ололмай жиғибийрон бўлиб юрганларга ҳам шунақа маслаҳат беришар эди: аямай кесиб ташланг! Эски новдалар – занглар олиб ташланмаса тоқзор ўз-ўзидан тоқзорликка ярамай, ўз сифатини унутиб эркакляниб кетар эди; аксинча бўлганда, патталаган янги томирлардан ниш урган тар новдалар барқ уриб яшнар, мўл-қўл ҳосил бераверарди. Буни Юнус ота яхши билар, шунинг учун ёши ўтиб борган сари ўзининг ҳам кўнгли чўкиб, олиб ташланган ўша эски занглар тез-тез кўз ўнгидан ўтадиган бўлиб қолганди.

Унинг томорқаси бошланишида каттакон оқ ўрик ҳам бор эди. Тоқзорнинг бир қисмига соя солиб, зарари тегса-да, уни кесиб ташлашга почтачининг кўнгли бўлмас, ток очганда, кесганда, кўмганда шунинг соясида дам олиб ўтирарди. Шу ўриқнинг остида бир маҳаллар ота-онаси пахсадан девор тиклаб, шох-шаббалар билан усти ёпилган қулбага ёз ойлари кўчиб келиб истикомат қилишарди, ўчоқ-қумғони ташқарида эди. Хайрият, бузилиб, ўрнида устини кўм-кўк ўтлар қоплаган бир уюм тупроқ қолгани, йўқса, шу қулба ҳам боғлам-боғламлару тахлам-тахламлар дастидан тўлиб кетган бўларди. Унинг матоҳларидан шу қулбагина тупроққа дўниб кутулиб қолгандек кўринар эди.

У ҳовуз қувуридан чиққан сувнинг ярмидан кўпроғини етказиб келганига ҳам шуқр қилиб, уни ток ариқларига тенг бўлиб тараб чиқди. Ариқларга бўлинган сув судралувчи жонивор каби майда хас-хашакларни ямламай ютиб, ўраб-чирмаб олдинга интилди; қақраган ернинг бўғиз-бўғизларни намлаб-суғориб, тўхтаб-тўхтаб илгарилади; ток занглари томирларига етиб уларни сескантириб бедор қилди, жон киритиб кўзгалтирди, лойга бўқтириб ернинг миллион йиллик сир-асрорлари ҳикматларидан воқиф этди, ўз тўшига тортаётган тупроқдан лойқаланиб юкланди. Бу манзарани кетмонга суянганча бирпас кузатиб турган Юнус почтачи қулт этиб югинди-да, нари кетди. Ўша қулба ўрнидаги бир уюм тупроқни қоплаган кўм-кўк юмшоқ ўтлар устига юмшоқ жойини қўйиб ўтирди. Урушдан кейинги йилларда уташанликларнинг жонига тоқзорлари ора кирди. Аёллар пишиқчилик даврида шу ернинг ўзида қозон осиб шинни пиширишар, майиз қуритишар эди. Ишқор, сояки, кишиш, чиллаки. Узумнинг уруғи буйракдаги тошни туширармиш. Тошни эзаётган тош.

Юнус ота Наби муаллимнинг сўзларини эслаб, кеча ҳовуз бўйида қуюқлашган зулмат чоғи пайдо бўлган меҳмоннинг иши жуда тез юришиб кетганига ўзича ҳайрон қолиб, ҳарқанча ўйласа-да, буни тасаввурига сиғдиролмади. Нимабало, хўжалик раисига тасодифан таниш-билиш чиқиб қолдимикан? Ёинки авалдан яқин таниши бўлгану Уташанга қоронғида кириб келгани сабабли униқига кириб боришни ўзига эп кўрмай, ҳовуз бўйида учраган биринчи киши Юнус отадан йўл сўраганмикан?

Қандай вазиятда бўлмасин, у кеча қўққисдан пайдо бўлган кишига нисбатан олийжаноб иш қилганини, ким бўлмасин шундай иш қилиш кераклигини, унга тўғри йўл кўрсатганини, бундан хижолат чекмаслигини ўйлар, иккинчи томондан Наби муаллимнинг домангир бўлганидан кўнгли қандайдир хижилланаётгандек ҳам бўларди. Тўрттагина хўжалик эса-да, хумликлар ҳам ўзига етарлича яқрав, феъл-атворлари ҳам шунга яраша, билиб муомала қилса улар билан эллашиб-чикишиб кетар, йўқса яна ўз йўлида кетяпти-да. Негадир шу каби таскин-тасаллибахш ўй-хаёллар ҳам энди бирданига Юнус отага тинчилик бермай қўйди, у ўзини хумликлар олдида

кандайдир гуноҳкордек ҳис эта бошлади. Рост-да, кишлоғимни сув босди деган уйдирмами-тўғрими гапни ажрим қилмай, кимлигини, қайдан келганини, мақсади нима эканлигини билмай йўл-йўриқ кўрсатиб бўлармиди? Борди-ю, шу гапи рост бўладиган бўлса, ҳақиқатдан ҳам кишлоғини сув босган бўлса уруғ-қаёши қайга борган бўлса, уям ўша ёққа борсин эди, нима қилади қоронғида ҳовуз бўйида пайдо бўлиб, Юнус отанинг бошини қотириб.

У шунақа ўй-хаёллар билан кунни кеч қилди. Ариқдан келаётган сув ҳам қуриди. Ҳали ҳовуз қувурини биров беркитмаган бўлса-да, йўлдагилар энди эгаси келмайди деб, қулоқларни очиб олишади. Ҳаммавақт кечки пайт шунақа. Ўғрилиқ-қароқчилик бошланадиган фурсат. Эрта тонг чоғи уч берган фикрларнинг амалда сувланиб кўқарганлари.

Юнус ота уйга қайтаркан, у раиснинг аввалдан танишимикан, деб йўл-йўлакай ўйлаб борарди.

Юнус почтачи унинг келишини аввалдан билганмикан, деган фикрни негадир ҳамон калласидан чиқаролмай бораркан, ҳамиша нимчасининг ўнг томонидаги кўкрак чўнтагига солиб юрадиган, тугмачасини босса қопқоғи “ширк” этиб очиладиган кумуш занжирли соатини йўқотиб қўйганини кечки чоғ пайқаб қолган Ғулом Шариф (айтмоқчи, хўжалик раисини таниган-билганлар уни шундай ном билан аташарди, танимаган-билмаганлар уни шундай ном билан таниб-билишарди) уни тополмай, қаерга қўйганлигини эслолмай хунобланарди.

У қаерга қўйганлигини эслолмай, тасодифан йўқотиб қўйган соатининг йўқолганлигига кўниқолмай кун бўйи кўкрагини пайпаслаб, юрагида қолган жароҳат изини силаётган каби бўлиб юрди. Калласига муштини тираб ўтирганча узоқ ўйлади, қаерга борганларини, кимлар билан учрашганларини бир-бир тасаввур этишга уринди, аммо Беркинбойни кузатаётганида кайфияти ўз-ўзидан кўтарилиб бораётганига ўзи ҳам ҳайрон қолиб, қолхозчилару идора хизматчиларига дўқ-пўписа аралаш, “эшик ташқаридан ёпилсин”, дейдиган одатини тарк этиб, меҳмонни ховлигача кузатиб чиқишга чоғланганини; Беркинбой деганлариям таскарадек кўринса-да, мулозиматни ўрнига қўйиб, уни олдинга ўтқазиб, ўзи кейинда юрганини; остонадан ўтишаётганда чаққонлик билан унга етиб олиб, елкаси оша чўзилиб нақ қулоғи остига биров эшитиб қолишидан кўрққандек миннатдорчилик билдирганини; ўзи ўгирилиб қараганида Беркинбойнинг кўзлари чакнаб, ранги оқаринқираганини, иситма чиқараётган каби қалт-қалт титраганини кўрганини хаёлига ҳам келтирмади. Қўли калласига беҳуда мушт бўлиб тиралмай, мана шу ҳолатни тасаввур этсин деб мушт бўлиб тиралганини, мушт бўлиб тутилган қўлга ўзини беҳуда тиралтирмаган калласиям аҳмоққа калтак, аҳмоққа калтак, аҳмоққа калтак деганича надомат чекаётганини ўйламади. Идорада ғаладонларни, тунждан ясалган ичи ғовак дохий ҳайкалчасининг остини, дераза тоқчалари рафларини қараб чиқди – ҳеч қаерда тополмади. Уйга қайтгач, ечинаётиб, кители ва галифе шими чўнтақларини ағдар-тўнтар қилиб ҳам кўрди, натижа бўлмади. Чўнтақларидан рўмолча, аллақандай калитлар, бир томонида пахта ўралган қулоқ кавлагич, тиш кавлагич, қизил ғилофининг устидаги зарҳал харфлари кўчиб тушаётган партбилет, чарм ҳамён каби нарсалар чиққани билан соат топилмади, топилиши мумкин ҳам эмасди – нега деганда, аллақачон бошқа қўлга ўтиб кетганди.

Кимсан – таниган-билганлар учун ҳам, танимаган-билмаганлар учун ҳам ҳайбатидан от хуркадиган раис одам битта соат учун қайғурмаса ҳам бўларди-ю, соатнинг орт томонида аллақачон дорилбақога рихлат этиб кетган бўлса-да ҳамма ҳали тирик деб ишониб юрган дохий калласининг ёнлама қабарик тасвири ту-

ширилгани уни безовта қилаётган эди. Бировнинг нигоҳи соатга эмас, оёқ остида аллақачон дорилбакога рихлат этиб кетган бўлса-да ҳамма ҳали тирик деб ишониб юрган дохий калласининг қабарик тасвирига тушиб қолса; ана иннайкейин ўша нигоҳ эгаси буни тегишли жойларга етказса; тегишли жойлар дарҳол ишга киришиб, фалончи-пистончига бу кимнинг соати ва нима учун оёқ остида ётганлигини сўраб-суриштиришни топширса; фалончи-пистончи дарҳол енг шимариб сўрокни бошлаб юборса; соатни хилват хонадаги бир четида ҳамиша очиқ сигарет кутиси турадиган стол устига қўйиб, битта-битталаб ҳаммани чакираверса; ҳамма бораверса; сўраб-суриштираётган ўзи сигарет бурқсатиб халқа-халқа хаволанаётган тутунга кўзларини қисиб қараганча сўраб-суриштирилаётганга ҳам сигарет таклиф қилса; сўраб-суриштирилаётган чекмайман деб айтса; фалончи-пистончи сигарет чекмасангиз ҳам бу кимники эканлигини биларсиз деб соатни кўрсатса; сўраб-суриштирилаётган кифт қисганча билмайман деб айтса; халқа-халқа тутунга боқаётган халқа-халқа тутундан фол кўраётгандек йўғ-э деса мулойимлик билан; шунақами деса; ҳа шунақа деган жавобни эшитиб буни сен билмасанг ким билади деб бирданига дўқ-пўписага ўтса; гурзидек муштини ва қора таёғини ишга солса; сўраб-суриштирилаётганнинг бурнидан конини оқизса; қабоғини кўкартириб ортига тепса ана иннайкейин ҳам билмайман деб кўрсин-чи; шунча кўргиликлардан сўнг ақли ишлаб кетиб бунақа ноёб соатни бизга ўхшаган қаланғи-қасангилар тутармиди, у ёғини билиб олаверинглар-да деса; шунинг ўзи фалончи-пистончига етиб-ортадиган дастак бўлиб, э-ҳа тўғри айтасан-а, майли сен боравер буни ўзимиз ажрим қилиб оламиз деса айтганини қилади-да, тусмоллаб искаб бўлса ҳам топади-да. Кейин қарабсизки...

Ғулом Шарифнинг тиззалари қалтираб, дарҳол таниш-билишларини кўз олдига келтира бошлади. Уларга кимнинг тиши ўтиши мумкинлигини тусмоллади, пулми, қўйми, наввосми, отми (аммо жон эмас!) қўл гарди бўлиб ётган нарсаларидан кимга қанчадан қачон қайтарзда ким орқали беришини ўйлади. Аммо қанча режалар тузмасин уларнинг совун кўпигидек шу лаҳзаларнинг ўзидаёқ йўқка чиқаётганини кўриб, муқаррар жазодан қочиб қутулолмаслигига катта одам, кимсан – хўжалик раиси сифатида ақли етиб ўзининг аҳволига ўзи ачинаиб дод деб юборгиси келди. Ҳатто ҳовлисидаги етти тўсинли хилват омборнинг қишда сақланадиган узумлар осиб қўйиладиган еттинчи тўсинидаги темир халқа кўз ўнгидан ўтиб ҳаёт билан видолашмоқнинг нақадар... сўз билан таърифлаб бўлмаслигини ҳис этиб, қорни қулдирай бошлади, нега бундай аҳволга тушганида бақувват ичаклари ишдан чиқиб қурсоғи бўшашиб бораётганининг сабабини англашга ҳамма нарсага етган ақли етмай қолди.

Ҳа, осон эмасди ҳамиша нимчасининг ўнг ёнидаги чўнтагига солиб юрадиган, тугмачасини босса қопқоғи “ширк” этиб очиладиган қумуш занжирли соатини йўқотиб қўйиш, айниқса унинг орт томонида аллақачон дорилбакога рихлат этиб кетган бўлса-да ҳамма ҳали тирик деб ишониб юрган дохий калласининг ёнлама қабарик тасвири туширилган бўлса.

Ғулом Шарифнинг барваста гавдасига мос тушган қулранг кителу тиззалари кенг шимда, ҳар қадам ташлаганида ғарч-ғурч овоз чиқарадиган ялтираб артилган ғарчиллама этикда кўриб, унинг Будённийга таклидан қўйган мўйловига, учи тепага қайрилиб кетган ўсик қошларига, салобатли барваста жасадига боқиб, узоқдан қораси кўриниши биланок кўпчилик ўзини панага тортишига гувоҳ бўлиб, уни кўрқув тугул кўрқиш нима эканлигини билмайдиган паҳлавон деб ўйлаш мумкин эди.

Ҳа, ўйлаш мумкин эди холос, аммо қанийди шунақа бўлса, агар шунақа бўлганида ўзиям сал пастга тушармиди, унинг узокдан қораси кўриниши биланок кўпчилик ўзини панага тортмасмиди? Унинг қон томирлари тўрлаган қип-қизил юзи кўпчилик кетиб, тор манглайда совуқ тер томчилари йилтираб, ҳаяжоннинг зўридан бўғриқиб нукул хонада у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа бўзчининг моки-сидек бориб келиш ҳолатлари тез-тез такрорланиб турардики, ўша эски хавотир туфайли бошга урадиган бежо ва чўчитувчи хаёллар шу сабабли ҳамиша у билан ҳамроҳ эди, тарк этгиси келмасди.

Ғулом Шариф туни билан чирмовик устида ағанагандек безовта бўлиб, тонгта яқин озгина кўзи илинди-ю...

*Давоми кейинги сонда*



*Сув оқими доимо пастга интилганидек,  
одамлар бойликка талпинадилар. Шун билан  
рахбарнинг фармойишидан ўзига фойда те-  
гишини кўзлаган одамлар унинг ҳар қандай  
бўйруғини сўзсиз бажарадилар.*

**Шан ЯН**



## ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА СЎФИ ОЛЛОЁР ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



Рашид ЗОХИД

Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳолини илк мартаба яхлит тарзда жамлаган манба “Рисолаи Азиза” асаридир. Шу кунгача Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ ишларда, хоҳ у мақола, хоҳ тадқиқот, хоҳ бадий асар бўлсин, барчасида “Рисолаи Азиза”даги маълумотларнинг таъсири сезилади.

“Рисолаи Азиза” Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, муаллифи XVIII-XIX асрларда яшаган татар олими Тожддин Ёлчикул ўғлидир.

“Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида Сўфи Оллоёр ҳақида берилган маълумотлар ҳам асосан “Рисолаи Азиза”дан олиниб, ижтимоий мафкура талабига кўра маълум қолипга солинганини кузатишимиз мумкин. Дарсликдаги маълумотларга “Рисолаи Азиза” асос бўлган, деган фикримизга иккита яққол далил бор: биринчиси, Сўфи Оллоёрнинг отаси Оллоқули деб тўғри кўрсатилишига қарамасдан, қавс ичида Темирёр деб “Рисолаи Азиза”даги нотўғри маълумот тиркаб қўйилган. Иккинчиси, Сўфи Оллоёрнинг уч марта уйлангани ҳақидаги маълумотнинг асли ҳам дастлаб “Рисолаи Азиза”да келтирилган: “Айтмишларки, Оллоёр тўранинг уч хотуни бор эрди, икки кизи ва бир ўғли бор эрди...”

Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яхёхон Фарғоний томонидан хижрий 1388/1968 йил Кобул шаҳрида ёзилган “Ҳидоятут толибин” китобида ҳам Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” асарида, шунингдек, “Маслакул муттакин”нинг аввалида келган байтларда, “Муродул орифин” муқаддимасида ва яна Сўфи Оллоёрга нисбат берилган мухаммасдаги маълумотларга суяниб, Сўфи Оллоёрнинг қисқача таржимаи ҳоли келтирилади: “Муаллифни отлари Оллоёр ва оталарини номи Оллоқули ва биродарларини исми “Фарҳодбий Атолик” ва ўғулларини оти Содиқ Муҳаммад ва қавмлари ўзбек ва туғулган ерлари Каттақўрғондур. Хонадони аморат ва ҳукуматдин бўлуб, авоилда Абулфайзхон ҳукумати овонида Каттақўрғон ва Самарқандда аморат ва ҳукумат этиб, сўнгра жазбайи Илоҳий ғалаба қилиб,

*Рашид ЗОХИД – 1965 йилда туғилган. Филология фанлари доктори. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Абу Ҳамид Ғаззолийнинг “Тавба”, “Нафс тарбияси”, “Тил офатлари” китобларини араб тилидан таржима қилган. “Саботул ожизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилган. “Саботул ожизин” китобига “Сўфи Оллоёр ҳикоятлари”, “Равойиҳир райҳон” номли фундаментал шарҳ китобларини нашр қилдирган.*

хукумат ва навкарликдин истеъфо этиб, шайх Наврӯз мулакқаб ба Ҳабибуллоҳга мурид ўлуб ва тариқаи ғалийиан Накшбандияга кирганлари ва ул зотдин боло саҳраи муршид ўлуб, то охири умргача муридларни иршоду хидоятига машғул ўлуб ва Қипчоқу Хитой қавми Самарқандни истило этиб ва харобликлар қилганларида аларга насиҳат этсалар кулокга олмай, “бизга кўп насиҳат қилма” деб зулму истибодда машғул ўлганларидан озурда хотир ўлуб, диллари синиб, хижрат ва тарки ватан этиб, тобеъ Вахшвор музофоти ва Қабодиён қишлокига кўчуб келиб, ул ерда таълим ва таснифга машғул ўлуб, 1132/1720 санада ўшал Вахшворни Қабодиёнида вафот этиб ва у ерда мадфун ва қабрлари зиёратгоҳи хосу омлиги маълум ўлур. Ва ҳам Машраб Намангоний девонида Қабодиёнга бориб, нозим раҳимахуллоҳ билан кўрушгани зикридин ҳар иккилари муосир эканлари маълум ўлур”.

Саййид Ҳабибуллоҳ “Рисолаи Азиза” муқаддимасида келтирилган таржимаи ҳол билан боғлиқ маълумотларга шундай муносабат билдиради: “Аммо шорих (яъни – Ёлчикул ўғли)ни “Самарқанд элида Минглон деган уй бор эди, анга Темурёр отли асли ва насли нўғай киши бор эди” деб қилган киссаси беасоси (асосизлиги) маълум ўлур. Чунки Сўфи Оллоёр Каттакўрғондин ўлуб, оталарини оти – Оллоқулидур, на Темурёр. Аслан ўзбекдурлар, на нўғай. Ҳамда Ёлчикул ўғлини Шайх Ҳабибуллоҳ хусусида айтганлари... Сўфи Оллоёрни ул кишига мурид ўлушлари муқаддимасида келтурган киссаси ва Сўфи Оллоёрнинг Амина ва Ҳалима отли икки кизи бор дегани чун бир ривояти саҳихага муттакий эмас ва Ёлчикул ўғли ҳам бир одами сиқа ва мўътамад эмаслиги сабабидин бу ҳикояларни афсонаи беасос деб саналса бўлур”.

Филология фанлари доктори Ш.Сирожиддинов ўзининг “Сўфи Оллоёр ҳаёти ва фаолиятига қайта назар” мақоласида Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли акс этган манбаларга муайян муносабат билдирган. Олимнинг бу изланиши Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига анча аниқликлар киритгани билан қимматлидир. Мақолада “Рисолаи Азиза”даги маълумотларнинг анча мунозарали экани таъкидланиб, шарҳда айтилган ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак деган хулосага келинган. Масалан, Сўфи Оллоёрнинг отаси – Темурёр, унинг асли ва насли нўғай экани, Шайх Ҳабибуллоҳ ҳақидаги гаплар, Сўфи Оллоёрнинг бож маҳкамасидаги-ю Растон бозоридаги ҳолатлари, Байтуллоҳ зиёратига азм айлаб, Қозонда бироз тўхташи, кейин Арзирумга (Туркияга) ўтиши, у ердан Искандарияга (Мисрга) келиши ва ўша ерда 90 ёшида оламдан ўтиши каби маълумотлар қўлёзма манбалардаги маълумотлар билан қиёсан ўрганилганда ҳеч бир асосга эга эмаслиги айтилади. “Бу маълумотларни Ёлчикул ўғли қаердан олгани номаълум. Кўп ўринларда қўлёзма манбаларда берилган турли хабарларни бирлаштириб юборган дейиш мумкин. Улар Сўфи Оллоёрнинг ўзи ёзиб қолдирган ёки бизга аниқ маълум бўлган манбалар билан мувофиқ келмайди” – дейди Шухрат Сирожиддинов.

Ҳақиқатан ҳам “Рисолаи Азиза”даги Шайх Ҳабибуллоҳ ва Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига онд маълумотлар қайси манбадан олингани номаълум. Лекин бу ҳолни Ш. Сирожиддинов айтганидек, “қўлёзма манбаларда берилган турли хабарларни бирлаштириш” натижаси деган сўзлар билан ҳам изоҳлаб бўлмайди. Чунки бир неча йиллар мобайнида “Саботул ожизин”нинг илмий-танқидий матни бўйича иш олиб бораётган тадқиқотчи сифатида ишонч билан айтишимиз мумкинки, на Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидаги 200 га яқин “Саботул ожизин” нусхалари ичидан, на Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик (Москва) ва Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) фондларидаги 20 дан ортик энг қадимий нусхалари ичидан

Ёлчикул ўгли келтирган ривоятларга асос бўладиган маълумотни учратмадик.

Ш. Сирожиддинов “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигидаги маълумотларга танқидий руҳда ёндашиш зарурлигини уқтириб, адабиётшунос олим Иноятулло Сувонкуловнинг Сўфи Оллоёрни иштихонлик деган фикрига қўшилмайди ва айтади: “Совет тузумидан илгари ёзилган айрим тазкираларда “Сўфи Оллоёр Миёнкол воҳасидандир” деган таъкидлар мавжуд. Тарихдан маълумки, Миёнкол воҳасига Самарқанд ва Бухоро оралигидаги, аниқроғи, бугунги Кармана, Нарпай, Каттақўрғон ва Иштихон туманларининг Зарафшон атрофида жойлашган ерлари кирган”. Бу қарашини олим ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фондидаги 2331–1 инвентар рақами остида сакланаётган “Тазкираи Абдулматлаб Фаҳмий”дан келтирилган маълумотлар билан қувватлайди: “Сўфи Оллоёр Самарқандий шайхи дилафрўз Сўфи Наврўзнинг таниқли халифаларидан. Ҳол ибтидосида сипоҳ бўлган. Отасини Оллоқули ва инисини Фарход оталик дейдилар. Улар ўзбекларнинг Самарқанд ва Бухоро Миёнколидаги хитойи қабиласининг бошлиқларидан бўлганлар. Фарходбий Абулфайзхон даврида Самарқандда ҳоким ва амирлик мансабларига эришган... Сўфи Оллоёр шайх Наврўзга иродат ва инобат қилгандан сўнг унга зоҳир ва ботин илмлар эшиқлари очилди. Хосу омга мақбул бўлди. Олимлар ва амирлар унинг суҳбатига ошиқдилар. Миёнколдан Ҳисорнинг Деҳнава томонига кетди. Мавлоно Зоҳид Вахшиворийнинг фэйзсорли мазоридан юқорироқдаги Вахшивор кишлоғига борди. У ерда хонақоҳ ва уй қурди. Унинг қутлуғ қадамидан ўша минтақани илонлар тарқ этдилар. Ўша ерда 1136/1724 йилда дунёдан ўтди”.

Гарчи Фаҳмий тазкирасида Сўфи Оллоёрнинг вафоти санаси 1136/1724 деб кўрсатилса ҳам, Ш. Сирожиддинов шоирнинг вафот санасини белгилашда бошқа манбаларда келтирилган таърихларга суянади. Масалан, “Саботул ожизин”нинг саккизта нухаси асосида тайёрланган Техрон нашрида келтирилган сўзбошидаги таърих:

*Чароғи кулбаи асрори тавҳид,  
Зи софи Маишраб Сўфи Оллоҳёр.  
Агар жўянд таърихи вафоташ,  
Зи қофу жиму гайну лом бардор.*

Таржимаси: “Табиати пок, хулқи соф бўлгани учун ҳам Сўфи Оллоёр тавҳид сирлари яширинган кулбанинг чироғидир. Агар у зотнинг вафоти таъриҳини изласанг, “қоф”, “жим”, “гайн”, “лом” ҳарфларидан чиқар”.

Абжад ҳисобида мазкур ҳарфлар (ق – 100; ح – 3; غ – 1000; ل – 30) йиғиндисидан 1133 ҳосил бўлади. Ҳижрий ҳисобдаги бу сана милодийда 1720/1721 йилга тўғри келади. Айни таърих Убайдуллоҳ ибн Исломқули нухасида ҳам келтирилган. “Саботул ожизин”нинг XIX аср охири чорагида Исроилжон Тошқандий томонидан кўчирилган нухаси хотимасида эса қуйидаги таърих битилган:

*Абу Ҳанифаи вақттаст Сўфи Оллоёр,  
Худой дод ба ў қолу ҳолро бисёр.  
Ҳар онки омада таърихи фавт нурсанд,  
Бигу ту қофу жиму гайну ломро бишумор.*

(Таржимаси: “Сўфи Оллоёр замоннинг Абу Ҳанифасидир. Худой таоло уни қол ва ҳол илми билан қўп-қўп баҳраманд этган. Ҳар қачон унинг вафоти таъриҳини

сўрсалар, айт: сен “коф”, “жим”, “ғайн”, “лом”ни санагин!”

Бу таърихдан ҳам юқоридаги – 1133/1721 санаси келиб чиқади. Шунингдек, “Саботул ожизин”нинг ЎзРФА ШИ, №09/867 ракамли қўлёзма нусхаси охирида ҳам шу таърих келтирилган.

Мазкур таърихларга асосланган ҳолда Ш. Сирожидинов Сўфи Оллоёрнинг вафот санасини 1720-1721 йил деган тўхтамага келиб айтади: “Агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантилганда 1634 йил ҳосил бўлади”.

Демак, Сўфи Оллоёр таржимаи холига оид қўлёзма манбаларда, “Маслакул муттакин” дебочасида, “Муродул орифин” муқаддимасида, Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” асарида, шунингдек, кейинги килинган тадқиқотларда юзага чиққан янгилар “Рисолаи Азиза”нинг муқаддима қисмида келтирилган маълумотларни тўла шубҳа остига қўяди. Шундай экан, энди “Рисолаи Азиза”ни соқит қилиб, ундан бошқа манбалардаги маълумотларни жамласак, муайян таржимаи ҳол юзага келадими?

Манбашунос олим Абдусаттор Жуманазарнинг сўнгги йилларда вақтли матбуотда эълон қилган қатор туркум мақолалари бу саволга дабдурустдан “ха” дейишга шошмаслик лозимлигини уқтиради. Олимнинг манбалар борасидаги қатъияти изланишларининг муваффақиятини таъминлаганига шубҳа йўқ: “Манбалар бизга ўтмишимизни, ўзлигимизни энг яхши мутахассисдан ҳам афзалроқ тушунтиради. Ҳар бир саволимизга асрлар қаридан ўтиб келаётган кўҳна жилдлар қатидан жавоб топиб беради... Мутахассислар манбаларда Сўфи Оллоёрга оид етарли маълумот йўқлигидан қуюнишади. Агар эътиборни сал кучайтирсак, масала ечимсиз даражада мушкул ва оғир эмаслигини кўраимиз. Шоирнинг таржимаи холи ҳамда ижодини изчил ва тўлиқроқ тиклашнинг иложи бор. Қимматли маълумотлар турли қўлёзмаларда сочилиб ётибди. Фақат уларни эринмай йиғиш, ўрганиш ва тартибга солиш керак”.

Заҳматкаш олим ўзининг барча тадқиқотларида, хусусан, Сўфи Оллоёр таржимаи холи билан боғлиқ изланишларида масалага мана шу илмий позициядан ёндашади. А. Жуманазар тўғри таъкидлаганидек, ўтган асрнинг 80-йилларидан, айниқса мустақилликдан кейин қатор тадқиқотчилар Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижодини илмий ёритишга киришишди. Қизиғи, тадқиқотчилар “Рисолаи Азиза” муқаддимасидаги маълумотларни танқид қилишди, аммо унинг ўрнига ўзларининг асосли далиллари ҳар доим ҳам тақдим қилишолмади. Масалан, юқорида номи тилга олинган тадқиқотларда Сўфи Оллоёрнинг пири – маънавий устози масаласида зиддиятли ўринлар бор. Профессор И. Сувоқулов “Маслакул муттакин” дебочасидаги мисралар талқинига суяниб, Шайх Ҳабибуллоҳнинг тарихий шахс эканини шубҳа остига олади. Бу борада “Ҳидоятут толибин”даги маълумотлар ҳам И. Сувоқулов фикрини тасдиқлайди. Ш. Сирожидинов эса: “Тилга олинган Ҳабибуллоҳ номи икки маънода тушунилиши мумкин. Бири Наврўзнинг Ҳабибуллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга пайрав – издошлиги ва иккинчи маъноси унинг Шайх Ҳабибуллоҳ ҳалқасида эканлиги” – деган сўзлар билан масалани очиқ қолдиради.

Шунингдек, Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини белгилашда ҳам ноаниқликлар бор. Майли, вафот санаси хусусида “Тазкирайи Фаҳмий” ва бир қатор таърих маълумотларига суяниб, деярли бир тўхтамага келинган, дейлик. Лекин қайси манбага асосан Сўфи Оллоёрни 90 йил умр кўрган дейилапти? Агар Сўфи Оллоёрнинг таваллуд санаси татар олими Ёлчикул ўғлининг “Рисолаи Азиза”да келтирилганига

биноан 90 йил умр кўрганига нисбатан айтилаётган бўлса, ўта заиф хужжатга суяниланган бўлади. Ҳатто, Меликул Ханжар ўзининг “Вахшивор ва Сўфи Оллоёр” эссесиде келтирган: “Сўфи Оллоёрнинг еттинчи невараси Музаффархоннинг Сўфи Оллоёр 96 ёшда Вахшиворда вафот этган” деган сўзларига суянилаётган бўлса, бу ҳам етарли асос эмас. Чунки, тўрт-беш авлод наридаги, яъни уч юз йиллар аввал ўтган воқелик ҳақида бугун айтилаётган оғзаки хабардан кўра ўша даврга яқинроқ ёзма манбадаги маълумотларнинг ишончли бўлиши мантикка яқиндир.

Шу маънода Сўфи Оллоёрнинг пири Шайх Ҳабибуллох масаласида ихтилофли фикрларга сабаб бўлган бирламчи манба “Маслакул муттакин”даги ушбу мисраларга кулок тутайлик:

*Яъни он муриди било ишбоҳ,  
Пайравӣ ҳазрат Ҳабибуллоҳ.  
Номи поки муборакаш Наврӯз,  
Пой то сар тамом дардсӯз.*

Таржимаси: “Яъни, ўхшаши йўк у мурид (аслида) ҳазрат Ҳабибуллохнинг издоши, поку муборак исми – Наврӯз, бошдан оёғигача тамом (аъзолари Оллохнинг ишқидан ўт олиб) куйдирувчи дард (га айланган)”.

Ҳақиқатан ҳам байтларнинг сиёки – ривоя оқимиға қаралса, Ш. Сирожидинов айтганидек, матнда келган “ҳабибуллох” (Оллохнинг суюклиси) сифати Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломға ишорадек туюлади. Ҳатто байтлар орасида “Доимо Худо расулининг издошидир” деган мисралар келадики, бу сўзлар ҳам беихтиёр сал олдин кечган иштибоҳни эсга солади. Энди шубҳани кўтариш учун, аввало, Шайх Ҳабибуллохнинг реал тарихий шахс эканини, қолаверса, поку муборак исми Наврӯз Шайх Ҳабибуллохнинг муриди, Сўфи Оллоёр эса ҳар иккала Шайхнинг муриди бўлганини ишончли далиллар билан асослаш зарур.

XVII аср охирида Саййид Муҳаммад ибн Охунд Қози Камол томонидан ёзилган “Тухфатул аҳбоб” асари Шайх Ҳабибуллох шахси билан боғлиқ муаммоларни, айтиш мумкинки, узил-кесил ҳал қилди. Шайх Ҳабибуллох ҳаётиға бағишланган бу манбада у зотнинг таваллудига доир куйидаги маълумот келтирилади: “У валоятпаноҳнинг мавлуди хижратнинг 1040 (1630-1631) санасида ҳазрат кутбул ақтоб, миллат ва дин ифтихори, муҳаққиқ ва муфассирлар ақмали, қол ва ҳол илмини ўзида жамъ этган мавлоно Йаъқуб Чархий хонадониде бўлди”.

“Тухфатул аҳбоб” асари тадқиқи билан шуғулланаётган манбашунос олим А. Жуманазарнинг изоҳлашича, Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллох нақшбандия тариқатининг таниқли вақили Йаъқуб Чархий авлодларидан Ҳожи Муҳаммад Тоййибуллох онласида дунёға келади. Йигитлик даврида у Ҳожа Аҳроп Валий қабрини зиёрат қилиш ниятида Самарқандға, сўнгра Бухороға йўл олади. Олимнинг таъкидлашича, Шайх Ҳабибуллохнинг Самарқандға бориши Ёлчикул ўғли айтган хижрий 1100/1689 йилдан кейинги даврлар ва у тасвирлаган воқеаларға сира мос тушмайди.

“Тухфатул аҳбоб”даги маълумотларға кўра, Шайх Ҳабибуллох бутун умри давомида Бухоро, Исфохон, Шероз, Рум, Арабистонда Байтуллох зиёрати, Яман, Ҳиндистон сафарларида бўлиб, машхур устозлардан дунё ва охираи илмини ҳосил қилади, улуғ мақомларға эришади. Кейин Бухороға қайтиб аштархоний Абдулазизхон даврида мадрасада илм толибларига сабоқ беради. Мурид ва мухлислари сони кундан-кун орғиб боради. Улар рўйхатида, Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллохнинг энг яқин суҳбатдошлари ва ушбу мактабнинг машхур тарбияланувчилари қаторида

“Сўфи Наврўз Шаҳрисабзий номи ҳам зикр қилинади.

Саййид Муҳаммад ибн Охунд Кози Камол устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат ҳақида шундай бабар беради: “Ушбу Сўфи (Халифа Наврўз)дан жорий бўлган хаворик одатлардан бири шон-шавкатли Фарҳодбий Ўтарчининг биродари таквосор, фазилатшиор, хусни хулқ эгаси Сўфи Оллоёр Ўтарчи эди. У Халифа Наврўз хизматиға келиб, унга иродат қилди...”

А. Жуманазар айтишича, мазкур воқеанинг содир бўлган вақти манбаларда аниқ кўрсатилмаган. Аммо барча бирламчи маълумотлар умумлаштирилса, Сўфи Оллоёр устози Сўфи Наврўз хузурига 1697-1698 йилларда борганини фараз қилиш мумкин. Манбада бу учрашувдан кейин Сўфи Оллоёр қиска муддатда “Маслакул муттакин” асарини ёзиб тугатгани ва айнан шу воқеа Сўфи Наврўз Кешийнинг каромати экани таъкидланади.

“Тухфатул аҳбоб”да устоз ва шогирд ўртасида кечган бошқа маънавий ҳолатлар ҳақида ҳам зикр қилинадики, бу ахборотларни мазкур манба тадқиқотчиси А. Жуманазар Сўфи Наврўз ва шогирди Сўфи Оллоёр тўғрисидаги энг аввалги қадимий маълумотлардан деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, Шайх Наврўз ва Шайх Ҳабибуллоҳнинг битта шахс экани ҳақидаги гумонлар мавзуга дахлдор энг қадимий манба “Тухфатул аҳбоб”дан келтирилган далиллар асосида тўла ойдинлашиди.

Энди Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини аниқлаштириш масаласига эътибор қаратсак. Бу сана тадқиқотларда турлича тахмин қилинган. И. Сувонкулов Убайдулла Исломули ўгли Аламқаш келтирган таърихга кўра, Сўфи Оллоёрнинг вафоти 1721 йил, туғилган йили 1644 йил, у милодий ҳисобда 77 йил, ҳижрийда 79–80 йил умр кўрган, дейди. “Саботул ожизин” ва “Рисолаи Азиза” асарларининг лингвотекстологик хусусиятлари бўйича номзодлик иши ёқлаган қозонлик олима Г. Р. Илёсова шоирнинг туғилган йилини 1616 ёки 1630 йил, вафоти 1705 ёки 1713 ёки 1721 ёки 1723 йил деб фараз қилади. “Саботул ожизин”нинг “Меҳнат” нашриётида чоп этилган нусхаси муқаддимасида Сўфи Оллоёр 1133/1720 йилда дунёга келганлиги айtilган. Ш. Сирождинов юқорида келтирилган вафот таърихлари асосида айтишича, агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, туғилган йилини ҳижрий 1043/1634 йил деб белгилаш мумкин. “Сўфи Оллоёр” жамғармаси раиси Равшан Мирзаев ҳам шоирнинг таваллуди милодий 1634, вафоти 1721 йилга тўғри келишини қайд этган. “Тазкираи Абдулматлаб Фаҳмий”да шоирнинг вафот санаси ҳижрий 1136/1634 йил деб келтирилган. Худди шу сана Садри Зиёнинг “Асоми кутуб” асарида ҳам қайд этилиб, унда Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий 1136/1724 йили Вахшиворда Шайх Зоҳид Вахшиворий қабристонига дафн қилингани айtilади. Мир Ҳусайн ўзининг “Маҳазинут тақво” асарида Сўфи Оллоёрнинг вафот санасини ушбу сўзлар билан таърих қилган:

“Эй ҳадди Вахшивор”. Таърих моддаларини санага айлантирсак: 1136 ҳосил бўлади. Ҳижрий – 1136, милодий – 1724 йил.

Демак, тарихий манбалардаги маълумотларга кўра Сўфи Оллоёрнинг вафоти бўйича асосан иккита сана етакчилик қияпти:

ҳижрий 1133/1721;

ҳижрий 1136/1724.

Хўш, бу саналардан қайбири ҳақиқатга яқин? Яна тарихга мурожаат қиламиз. “Тухфатул аҳбоб”да айтилишича, Сўфи Оллоёрнинг акаси Фарҳодбий аштархоний Абулфайзхон даврида бир муддат оталиқ лавозимини эгаллаб туради. Аммо саройдаги келишмовчиликлар оқибатида ҳижрий 1134/1722 йили қатл этилади. Мана

Сўфи Оллоёрнинг акаси вафотига ёзган марсиясидан намуна:

*Саломуллоҳ, юрагим порасига,  
Таним руҳи кўзумнинг қорасига  
Азизим, аржумандим, меҳрибоним,  
Дилим, жоним, тамури, устихоним,  
Равон сарвим, гулим, боғим, баҳорим,  
Отам бирла онамдин ёдгорим.*

Тадқиқотчи Д. Ҳамроева “Тазкираи Мажзуб” манокибига тарихий ёндашув” номли мақоласида Сўфи Оллоёрдан Фарҳодбий ўлимининг хунини олишни отаси Оллоқули талаб қилгани ҳақида ёзади. Манбашунос олим А. Жуманазар мазкур тарихий фактга асосланиб, шундай ҳақли саволни ўртага қўяди: “Сўфи Оллоёр 1721 йили тўксон ёшда ҳаётдан кетган бўлса, қавмдошлари (ё, майли, отаси дейлик) ундан 1722 йили ўлдирилган акасининг хунини олишни талаб қилишяпти... Абулфайзон 93–95 ёшлардаги мункиллаган чолни қатл эттирганми? Унда Фарҳодбий ва Сўфи Оллоёрнинг отаси Оллоқули неча йил умр кўрган?”

Демак, бу тарихий ҳодисалар мулоҳаза қилинса, Сўфи Оллоёрнинг вафоти санаи 1721 эмас, 1724 йил бўлиб чиқяпти. Шунингдек, Сўфи Оллоёр ва атрофидаги тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар ҳам унинг “90 йил умр кўрган”ини тасдиқламаяпти. Ҳуллас, мавжуд манба ва тадқиқотларда йиғилган маълумотларга асосланиб, Сўфи Оллоёрнинг нисбатан ишончли таржимаи ҳолини тиклашга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Манғитий ҳукмдор Амир Шоҳмуроднинг иккинчи ўғли Мир Ҳусайн “Маҳазинут тақво” асарига ёзишчи, Сўфи Оллоёр 63 (шамсий 61) ёшида Вахшиворда вафот этган ва шогирди Жонмуҳаммад устозининг жаноза намозига имомлик қилган. “Маҳазинут тақво” муаллифи Мир Ҳусайн Сўфи Оллоёрнинг шогирди Жонмуҳаммаднинг чевара ўғли эди. Мазкур авлод силсиласи тасаввурда аниқроқ, хотирда ёркинроқ жонланиши учун куйидаги чизмага эътибор қаратинг:

Жонмуҳаммад → ўғли → кизи → Мир Ҳусайн  
↓ ↓  
Сўфи Оллоёр шогирди “Маҳазинут тақво” муаллифи

Мир Ҳусайн катта бобоси Амир Шоҳмуроднинг вафотидан 13-14 йил кейин – 1785 санада дунёга келган. Мир Ҳусайннинг Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли билан боғлиқ хабари қисқа бўлса-да, тарихий қимматга эгаллиги жиҳатидан муҳимдир. Қолаверса, “Маҳазинут тақво”да келтирилган фактлар “Тухфатул аҳбоб” каби манбалардаги маълумотлар ҳамда тарихий воқеалар билан мувофиқ келади.

Сўфи Оллоёр кейинги – “Маҳзанул мутеъин”, “Муродул орифин”, “Саботул ожизин” каби асарларини 1700 – 1724 йиллар оралиғида ёзган. Шу даврларда Каттақўрғон, Самарканд, Бухоро, Чўнкаймиш, Кеш, Насаф, Қоратикан каби шаҳар ва мавзеларда турли фурсат истикомат қилган. Умрининг охириги дамларини Вахшивор кишлоғида кечириб, 1724 йили шу кишлоқда оламдан ўтган. Демак, Сўфи Оллоёрнинг хижрий ҳисобда олтмиш уч йил умр кўргани (1073-74 – 1136) аниқ манбавий асосга эга. Шу ҳисобга кўра Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли саналарини шундай шакллантириш мумкин.

XVII – XVIII аср туркий илмий-маърифий адабиётининг йирик вакили Сўфи Оллоёр 1663 йили Каттакўрғондаги Ўтарчи кишлоғида Оллоқули хонадонидан туғилган. Ўтарчи кишлоғи Каттакўрғон шахридан оқиб ўтувчи Нахрипай дарёси ёқасидаги Сарипултепа кишлоғига туташ бўлган ҳудудда жойлашган.

Сўфи Оллоёрнинг мактаб-мадрасалардаги таҳсил даври ҳаёти ҳақида аниқ тарихий маълумотларга эга эмасмиз. Ҳар ҳолда маърифатли хонадоннинг фарзанди сифатида Сўфи Оллоёрнинг онгли фаолияти Абдулазизхон (1645-1681), Субҳонқулихон (1680 – 1702), Убайдуллахон II (1702 – 1711) ва қисман Абулфайзхон (1711 – 1747) хонлик қилган даврларга тўғри келади. Абдулазизхон тахтни тарк этган 1681 – 1682 йилларда Сўфи Оллоёр эндигина 18-19 ёшларни қоралаган ўспирин эди. Ўша пайтларда унинг акаси Фарҳодбий ўтарчи Субҳонқулихон кўшинига жангчи бўлиб киради. Қатъияти ва жасурлиги билан ҳукмдорнинг эътиборини қозонади. Субҳонқулихон вафотидан (1702) сўнг Бухоро давлати тахтига Убайдуллахон ўтиради. Қисқа фурсатда Фарҳодбий ўтарчи хоннинг ишончини қозониб, оқалиқ мансабига эришади.

Аммо тарихий манбаларда Сўфи Оллоёрнинг хонлик тизимида бирор лавозимда ишлагани ҳақида маълумот учратмадик. Сўфи Оллоёрнинг устози Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллох тўғрисидаги ахборотлар 1680 йиллар бошларида ёзилган айрим манбаларда кўрина бошлайди. 1699 йили ёзиб тугатилган “Тухфатул аҳбоб” асари эса тўлиқ Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллох ҳаётига бағишланган эди. Худди шу асарда Халифа Наврўз Кеший ва Сўфи Оллоёр ҳақида дастлабки тарихий маълумотлар учрайди. Сўфи Оллоёрнинг илк асари “Маслакул мутаққин” ҳам айнан шу даврда ёзиб тугалланган. Шундай қилиб, Сўфи Оллоёр номи 1699 йилдан бошлаб тарихий манбаларга кириб келади.

“Тухфатул аҳбоб” муаллифи маълумотлари таҳлил қилинганда Сўфи Оллоёр 1696 йиллардан кейин Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллох ва Халифа Наврўз Кеший хизматида келиб, муҷаддидийа-нақшбандийа сулуки таълимотини ўрганишга киришганини кўриш мумкин. У Халифа Наврўз кўрсатмасига биноан, Кеш мадрасаларидан бирида ҳам таълим олади. 1699 йилга қадар “Маслакул муттақин” асарини ёзиб тугатади. Шу йили устози Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллох вафот этади. Энди айрим манбаларда Халифа Наврўз Кеший, Хожа Лутфуллох, Бобораҳим Машраб, Халифа Жонмуҳаммад каби тарихий шахсларнинг Сўфи Оллоёр шахси билан боғлиқ муносабати акс эта бошлайди.

Сўфи Оллоёр кейинги – “Махзанул мутъин”, “Муродул орифин”, “Саботул ожизин” каби асарларини 1700 – 1724 йиллар оралиғида ёзган. Шу даврларда Каттакўрғон, Самарқанд, Бухоро, Чўнкаймиш, Кеш, Насаф, Қоратикан каби шаҳар ва мавзеларда турли фурсат истикомат қилган. Умрининг охириги дамларини Вахшивор кишлоғида кечириб, 1724 йили шу кишлоқда оламдан ўтган.

Ушбу мақолада Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли билан боғлиқ барча оғзаки ва ёзма маълумотлар тарихий-манбавий асосда ёритилди. Мақсадимиз манбаларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш бўлгани учун ҳам мазкур мақолада турли манбалардан кўп иқтибослар келтирилди, гўё ҳар бир манба мавзу доирасида ўзини намоён қилди, ўзининг ҳақиқий мақомини ўзи белгилади. Албатта бу “ўзини фош қилиш” услуби манбалараро муқояса шароити таъминлансагина, самара беради. Шу маънода, асосий эътибор аини шароитни яратишга, муқояса натижаларини тарихий ўзанда ўрганишга қаратилди. Сўнгги хулосамиз шу бўлдики, ривоятлар асосида тўқилган “Рисолаи Азиза”даги таржимаи ҳол ўзининг илмий асосини топмади. Лекин, аини пайтда, Сўфи Оллоёрнинг туғилганидан то вафотигача

барча муҳим саналар акс этган таржимаи ҳол ҳам тақдим қилинмади. Сабаби, бу вазифа мақолада мақсад қилинмаган, балки Сўфи Оллоёр таржимаи ҳоли манбалари қиёсий ўрганилган. Қолаверса, таржимаи ҳолни тиклашда илмий мезон – тарихий ҳақиқат. Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолини тарихий ҳужжатлар асосида тасдиқланмаган маълумотлар билан тўлдириш тарихни сохталаштириш бўлиб қолади. Қолаверса, мустаҳкам илмий асосга эга таржимаи ҳолни тўла ва буткул тиклаш муайян вақт ва алоҳида эътиборни талаб қиладиган иш. Умид қиламизки, “оллоёршунос” олимларнинг бу жабҳадаги изланишлари келгуси тадқиқотларда албатта ўз натижасини намоён қилади.



*Улуглар не берса, “емасман”, дема,  
Шик сун, оғиз ур, емасанг - ема.*

**Юсуф хос ҲОЖИБ**





**Виктор  
АЛИМАСОВ**

## ОМАД ВА МАҲОРАТ

Алғов-далғов, бировнинг нигоҳига тик каролмайдиган, агар карасангиз, ўз дарду-аламларингиз ёдингиздан кўтарилиб, ўша нигоҳ мунглиридан баттар изтиробларга ботадиган даврлар. Ҳамма кун кўриш ниятида ўзини бозорга урган, ҳалқни боқиш йўлини тополмаган раҳнамо эса, ҳар ким ўзини боксин, ўз-ўзига пул топсин, деб ожизлигини жаҳрона тан олган. Отанг – бозор, онанг – бозор; бозор сени ёқтирмаса-да, сен ўзингни бозорга солишга мажбурсан. Атокли шоирга таклидан айтганда, тўксонинчи йилларнинг саргардонлиги ҳаёт кўзгусидан ўчмайди сира. Шундай кунларнинг бирида, таникли журналлардан бирининг тахририятига борганим ёдимда. Муҳаррир таажжубда, деган:

– Бозор кишиларимизни бадий ижоддан чалғитади, илму тафаккурда энди силжиш бўлиши дарғумон, деб ўйловдим. Йўқ, аксинча, ҳарф таниган ўзини назмга, насрга ураяпти...

Ханузгача “ўзини назмга, насрга ураяпти” деган иборани ўйлаб юраман. Ҳақиқатан ҳам, кишининг гоҳо қўлига най ёки тор олгиси келиб қолади. Алғоз ожизлик қилаётган кечинмаларини куйда, ашулада ифодалашга ундайдиган истак нима? Неварангиз ҳаракатларига тикилинг – ҳеч қандай боис йўқ, лекин у жажжи қўларини кўтариб, ҳар ён силкитиб, ўзича рақсга тушади. Қикирлаб кулади. Нега?.. Мутлак бегона, аммо руҳсори банд этган душизанинг сурати қалбингиз тубидан жой олиб, у қўлингизга мўйқалам олишга ундайверади. Нима учун?.. Ҳатто вой-вовайлода ҳам ўзини ифодалашга оидлик, яқинлик бор...

Эмишки, Зевс худоларни ҳузурига чакириб, дебди:

– Барча жонзодлар менинг амримга бўйсунди, нени буюрсам, бекаму кўст бажаради. Факат одамдан кўнглим шод эмас. Унинг такаббурлиги бошқа жонзодларга ҳам ўтишидан хавотирдаман. Шундай қилишимиз вожибки, одам такаббурлигини унутиб, мен яратган борлик билан вобаста яшасин. Амру истагимни тўла адо этишда иккиланмасин, ўзининг шубҳалари билан яхлитлигимизга раҳна солмасин. Бутунни асраган – ўзини асраган!

---

*Виктор АЛИМАСОВ – фалсафа фанлари доктори. 1949 йилда туғилган. Тошкент давлат Маданият институти (ҳозирги ЎзДСМИ) ва Санкт-Петербург Маданият академиясини тугатган. “Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати”, “Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи”, “Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати”, “Қизимга мактублар” (3 жилдли), “Фалсафа Ҳаёт Ижод” асарлари чоп этилган.*

Завку шавқ, ҳазз-хузур худоси сўз сўрабди:

– Одамга кўпроқ завку шавқ бериш керак. Унинг дили хушнуд бўлса, завку шавқ берганга мудом сажда қилади. Биз унга меҳнатни ато этдик, меҳнат – азият, машаққат. Изтиробда яшайдиган одам илоҳимиз қудратига, раҳимдиллигига ишонмайди. Бир кунимас бир куни дилида туғён уйғонади.

Унинг итоатгўйлиги завқда, қувончда.

Меҳнат, касб-кор улашовчи худо ўртага чиқиб:

– Меҳнат машаққатидан – одамнинг бели тик, билаги бақувват, – дебди. – Кирдикоримиз қудратини меҳнат машаққати орқали англайди у. Айнан меҳнатдан, касб-кордан у бахтиёр. Акс ҳолда, у Кирдикоримизга тош отиб ўтарди. Уни меҳнат билан, янги-янги касблар билан банду ночор этиш даркор. У кучини Кирдикоримизга қарши эмас, балки, меҳнатга сарфласин.

Ер ости худоси ваҳима қилибди:

– Одамдаги даҳрийлик, кийиклик – охиратни унутганида. Завқ-шавққа берилиб, абадулмаконни сарик чақага ҳам олмай қўйган у. Касбга ортикча меҳр қўйган, Абадулмакон ваҳми билан яшашни унинг ёдига тез-тез, ҳар сония солиб, дилини ўртаб туриш зарур.

Бошидаги тожини қўлига олиб, виқорли қараш била, Зевс олдига давлат, зар, мол-мулк худоси чиқибди. У атрофга бир назар ташлагач, димоғдор оҳангда, дебди:

– Одамни мендан яхши биладиган йўқ. Унга зар керак, тинмай зар сўрайди у. Кечаю кундуз илтижоси – мол-мулк. Ҳатто, энг яқинларини ҳам менчалик тилга, ёдга олмайди у бадкор. Уни истаган қўйга соладиган – менман. Унинг очқўзлиги, куфронлиги илоҳимиз истагига зид. Бинобарин, зару мулк бериб, уни илоҳимиз амрига имтисол этишимиз мумкин.

Ён-атрофга нур, мураввахлик таратиб, нафосат ва ишқ худоси Зевс пойига чўкиб, дебди:

– Одам Бош илоҳимиз сийратидандир. Ундаги сифатлар ҳам бизнинг хошимиздан, амримиздан ташқарида эрмас. У гўзалликни севар, ўзи ҳам гўзаллик яратур. Бу гўзаллик – бизга аталган шараф, бизга аталган мадҳ. Агар ушбу шарафни, мадҳни кўпайтириш муддаомиз эрса, одамга янада кучли меҳр, нафосат туйғуси инъом этишимиз вожиб. У ишқиди – улуг, у чўчимай, ўзини яратар, жонзотларни, оламни, ҳаётни севиб, Бош илоҳимизни севишини исбот этар.

Зевс қарасаки, худоларнинг ҳар қайси ўз томонига тортадиган, унга эса яхлитлик керак. Чунки, одам яхлитликка таҳдид солаётир. Ўша асно унинг эсига ердаги, одамни камол топтириш ўйлари билан машғул донишманд тушибди. Унга маслаҳат солибди. Донишманд худолар истакларидан хабар топган экан. У Зевсга:

– Одамнинг нигоҳлари ҳам, савоб ишлари ҳам хоҳиш-истакларидан, – дебди.

– У истакларида сенга монанд. Унинг завқига завқ, ғурбатига ғурбат қўш; нафосатга ташна дилини кўтару табоҳистар ўйини тий; ҳаётга меҳру ишқини ошир, аммо уни бутунга занжирбанд эт; меҳнатини янада машаққатли қилу яратганидан ғурурланишдан жудо қилма; унга тилаганини бер, яратган дунёнгни бир кам билмасин, лекин охиратдан ҳам ҳикмат излашдан тинмасин.

Зевс ниҳоят англабдики, донишманд ҳақ; у хузурдаги худолар сифатларидан бир чимдим-бир чимдим олиб, уларни қориштирибди ва пастга – одамлар устига сочибди. Ана ўшанда кимга қандай тегганини билиш учун қаламқаш яратилган экан...

Таниқли адиб Норғўхта Қилич ҳаётнинг, биз ҳар куни дуч келсак-да, унча эътибор беравермайдиган, гоҳо шахсий кўринадиган изтиробларини қаламга олади. Унинг ушбу изтиробларни англагиси, асл сабабларини топгиси, ҳатто,

севгиси келади. Ҳаёт изтиробларини севиш мумкинмикан? Балки, ҳаёт изтироблари орқали ўз-ўзини яратар? Ўқувчини қахрамонларининг ички рухий тугёнлари чулғаб олади ва тобора чирмайверади. Айни ҳолат боис қахрамонларининг содда қиёфалари, аммо чигал тақдирлари ўқувчи ҳаёлида қайта ва қайта жонланаверади. Асқар ва Зулайҳо, Бикажон (“Ойдин тонгдай намозшом”), Шойиства ва Жасур (“Қушлар учиб кетдилар”), Фармон ва Пошшо кампир (“Устун”), Давлат ва Ҳасан, сержант (“Довон”), Довуд алайҳиссалом, Мўмин темирчи, Диёрбек ва Малика (“Юк”), Севаргул ва Нортўхта (“Севаргул”), Йигит ва Дуркунхоним, Оппоқбика (“Ошиқдара тутқунлари”), Карим ва Зайнаб (“Қора киз”), Шоди Шариф ва Шеримбет (“Осмоннинг кўз ёшлари”), Асил Азиз ва Пари (“Тазарру”) образлари севинч ва ўкинч, меҳр ва қаҳр, омад ва офат қўйнида, тақдир ўйинларига банди яшайдилар. Улар тақдирни, борлиқни ўзгартириш ўйи, истагидан йироқ. Мавхум, ўйю фикрларини ўзига чорлаб турадиган идеаллар яратиш, уларга телбанамо эргаштиш ҳаёлларига келавермайди. Тўғри, Асқар талабалик пайтидаги муҳаббатини, Бикажонни ёдга олади; Диёрбек оиласига хиёнат қилаётганидан бот-бот ўртанади, ўй-ҳаёллари тўзғинди; Шойиства ўзига жуфти ҳалол тополмай, яққалигидан безиб яшашга мажбур; Фармонга севган аёлини уйига келтиришга онаси, опаси ва акаси рухсат этмайди, бедилликдан фарёд чекади.

Адибнинг ҳеч бир асариди зўраки, сунъий тасвирларни учратмайсиз, барча воқеалар ҳаёт каби мафтункор ва ҳаёт каби чигал. Биламан, воқеалар изтироблилиги боис, ўқувчи дилини ўртади, уни ҳаёт, ён-атрофидаги воқеа-ҳодисалар, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга, уларга синчков нигоҳ ташлашга ундайди. Шу тўғриси, ҳатто, Довуд алайҳиссалом билан боғлиқ машҳур ривоят ҳам сермаъно.

“Ҳазрати Довуд алайҳиссалом тонги ибодатини тугатиб, тавалло килди: ё Тангрим, манга шундай бир нимарса бергилки, ҳам оғир бўлсин, ҳам енгил. Тоабал ёниб яшай?!” Сирли илтижо. Авлиёлар тили мудом сирли бўлган. Ҳам оғир, ҳам енгил нимарса нима экан? Қизиқишингиз ошади... “Кейин, ҳовлига чиқиб, Довуд пайғамбар кўрсак, супада ажабтовур оппоқ кабутар. Жуда бошқача: бошида тожи бор, тўшининг нозик, нафис парлари кўзни қарактиргудай гоҳ бинафша рангда, гоҳ қирмиз тусда товланади. Оёқларида эса гажжи парлар!..” Бу тасвирда, кабутарда ҳеч қандай ажабтовурлик йўқ. Оёқларида гажжи парли кабутарлар ҳам ҳайрат уйғотмайди. Кабутарнинг тутқич бермай, аввал том лабига, кейин Пайғамбарнинг кизиқини ошириб, бошқа томга, кейин эса қўшни томига қўнганида сир бор. Ногоҳон Пайғамбар алайҳиссалом нигоҳи қўшни ҳовлисига – пастга тушади. “Довуд пайғамбар саранжом-саришта ҳовли томонга тикиларкан, бирдан юрак-бағрига ўт туташгандек, аста кўксини чангаллади: чинор остида бир париваш, тонгнинг алвон нурларига чўмилиб-чулғаниб, сочларини ювмоқда эди.” Мана, ёзувчи огоҳ қилмоқчи бўлган ажабтовур сир!..

Наҳотки, Пайғамбар бировнинг хотинига кўз олайтирса? Наҳотки, ҳаётини тажрибаси авлодларга ибрат бўлган зотнинг, бир гўзалликдан лол қолиб, юрак бағрига ўт тушса? Адиб тасвирида Довуд – инсон. Ўз шавқати ва ҳасратларига эга шахс! Гуноҳи шох эканлигида. У шавқатидан фойдаланиб, ўша малакнинг эрини қирғин-баротга жўнатади, унинг жангда ўлганини (шоҳнинг асли ўйи ҳам шу эди) билгач, унинг хотинига уйланади. Буни у, “бир бевазаннинг қўнглини обод айламак, бори оламни обод айламакдин афзалроқ”, деб атайди. Айнан ушбу гуноҳи учун у жазоланиши керак. Охирати яқинлашганида Пайғамбар нола чекади, дили садпора бўлиб, жангда ҳалок бўлган қўшниси рухидан кечирим сўрайди. Ҳийладан вокиф қўшнисидан: “Иллоҳ, рози эмасмен. Рози эмасмен!!” деган жавоб олади. Довуд

лангятланиши керак, лекин Тангри унга ён босади. Пайғамбар афсусона икром бўлади: “Ў, ошиғлик юки бул қадар оғиру бул қадар енгил бир нимарса эрканким, эмди боз рўзи махшарга довуру ёндириб, даги Қиёматда рўсиё қилғусидур!..”

Адиб ушбу ривоятга Диёрбек ва Малика ишқий саргузаштларини омухта қилади. Оилали Диёрбек ўзини ўзи излаётган, нималаргадир умид қилиб шаҳарда қолган, ёш таджикотчи Малика билан учрашиб, танишиб қолади. Гўзал, аммо ҳаётнинг ширин-аччиқ алдоқларини татиб кўрган Малика, балки, ўзи каби чеккадан келганимкан, Диёрбекка ёқиб қолади. Оиласидан узоқдаги аёл кўрган эркакни катта шаҳардаги мана, мени ол, деб турган аёллар бефарқ қолдирармиди? Айниқса ёш, латофатли, лекин меҳрга ва гўшага зор қишлоқ кизи унга маҳбуба бўлмокчи-я! Кўнгилга ёқиш бунчалик осон-а?! “Кўнгил экан-да”, дейди ёзувчи ва Довуд пайғамбарнинг енгил “нимарса” бергил деган илтижосини ёдга солади. Айёра дил, кўнгил ишларини ҳам енгилгина “нимарса”га айлантирган; ёзувчи завқ-шавқ инъом этаётган шаҳар ҳаётининг бир мафтункор сирини ошқор этади.

Диёрбек онда-сонда оиласини эслаб кўяди, лекин унинг бу ўйлари юзаки. “Дилихирож”га тўлганиб рақсга тушаётган Маликага тикилганида “дам болалари, дам хотини кўз ўнгидан” ўтади. Маишатга, яйрашга келганини, кизиқ, хотини сезармикан? ... сезмас э! – Шуни ўйлаётиб, бирдан Диёрбекнинг юраги шиғ этди. Хўрсинди. – Сезса... Дахшат-ку!” Ушбу аламли ўй боис у, Малика тили билан айтганда, “ўтиришни расво қилади”, яъни “ўртадаги палов тўла чинни тавокни даст кўтарди-ю, мастонавор ўкириб, девордаги чўғдай гиламга отди”. Шунга яқин эпизодга “Қор ёққан кеча” хикоясида ҳам дуч келамиз. Бу эпизоднинг реал ёки нореал экани устида баҳс очишга ҳожат йўқ, ҳаётда нималар бўлмайди! Аммо қахрамон хотини ва болаларига садоқатини амалда исботлашга қодир эмас. Ҳатто, унинг бир қуни оиласини шаҳарга кўчириб келишини маҳбубасига айтгани ҳам ишонч уйғотмайди. Малика Диёрбекка қанчалик боғланиб қолган бўлса, Диёрбек ҳам Маликага шундай боғланиб қолган. Энди ушбу боғланганликни узиш мумкинмикан? Қахрамоннинг хотини, болалари нима бўлади? Қахрамонда бу саволларга жавоб бордек, аммо у Маликадан ҳам воз кечолмайди. Мана, Довуд алайҳиссалом назарда тутган оғир “нимарса”! Диёрбек “тоабад ёниб яшашга” маҳкум! Аммо бу Довуд алайҳиссалом назарда тутган “ёниб яшаш” эмас, балки вафо ва бевафолик, оиласи ва маҳбубаси ўртасида куйиб, ўртаниб яшашдир!

Нортўхта Қилич бирор сюжет ёки қахрамон топиш учун ижодхонасига яшириниб олмайди. У истаган мавзуни замонга муаммолари ёки қахрамонлари кечинмаларига улаб, ҳаётий лавҳалар ярата олади.

Яширмайман, гоҳо мавзулар ўта шахсий, тор, уларга йирик эпиклик етишмаётгандай туюлади менга.

Ҳа, ижодқордан Толстой ёки Шолохов маҳоратини талаб этиш мумкин.

Қаранг, “Анна Каренина” тор, оилавий мавзуга қурилган, аммо қахрамонларнинг шахсий кечинмалари, изтироблари ва дуч келган фожиалари бахтиёрлик ҳақидаги анъанавий тасавурларни ағдар-тўнтар қилиб юборади. Инсон бахт излаб бахтсизликда яшашга маҳкум мавжудот эканини сезгач, дилингиз борлиққа қарши исён кўтаради. Ёзувчи деярли ҳар асариде бахт – бахтсизлик ҳақида ўйга берилади. “Тинч Дон” ҳам чекка овулдаги оила ҳаёти тасвирига қурилган. Ёзувчи ушбу мавзуни қандай маҳорат билан умумхалқ тақдирига улайди, асардаги ҳар бир сюжет гўё ёнингизда кечаётгандай, қахрамонларнинг орзулари ва аламлари гўёки атрофингизда рўй бераётгандай. Чехов ҳам, Зоценко ҳам арзимас воқеалардан бетакрор бадий асарлар яратолган-ку?..

Йўқ, дейман ўз-ўзимга, адиб эркига даҳл қилмаслик керак! У сендан кўпроқ

нарсани кўрган, сендан кўпроқ ғамга ботган, хаётни сендан кўра нозикрок идрок этади, севади. Ўз тасаввурларингни унга рўқач қилма, сенда унинг қахрамонларини, агар саъй-ҳаракатинг, журъатинг етса, ижоди хусусиятини англаш имкони бор. Шундан фойдалан!

\* \* \*

Журналист домламиз, раҳматли Ғулом Ғофуров бир куни менга Нортўхта Қиличевнинг асарини келтириб берган. У пайтда мен Маданият институти талабаси эдим.

– Хаётнинг, қисматнинг ранг-баранглигига қара! – деган у хайратга тўлиб. – Умидли адиб туғилаяпти. “Ёронгул” нимаси биландир Чингиз Айтматовнинг “Жамила” сига ўхшаб кетади, аммо қисмати ўзгача. Ўзбекона... Ўки, кейин фикр алмашамиз.

Китобни қайтариб бераётганимда у сўраган:

– Ёқдими? Ўйга соладими? Хаётий эканми?

– Ҳа. Лекин ниҳояси мужмалдек. Якун топмагандек.

– Чамаси, уни адибнинг бошқа асарлари билан бирга мутолаа қилиш керак-ов. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” да бирор нима беришар... Беришлари керак! Нортўхта эътиборсиз қоладиган ёзувчи эмас.

Кейинрок мен адибнинг “Мўъжиза”, “Чиғирик” асарларини ўқиганман. У пайтлари бадиий-эстетик ижод муаммолари билан шуғулланишим мумкинлиги хаёлимга келмаган. Яқинда адибнинг “Ойдин тонгдай намозшом” ҳикоялар тўпламини ўқидиму, домламнинг “Нортўхта эътиборсиз қоладиган ёзувчи эмас”, деган сўзи эсимга тушди. Тўпلامга кирган ҳикояларнинг аксарияти илгари чоп этилган. “Чиғирик” қиссасидаги Севаргул образи энди “Севаргул” ҳикоясига кўчибди. Исмнинг ўхшашлиги ҳали ички кечинмаларнинг, тасвирларнинг ўхшашлиги эмас. Аммо қахрамонларнинг қисматида муштарақлик бор: иккаласи ҳам бахт излаб бадбахт жувонга айланган. Ёшларга хос ҳавойи истакларга берилиш, мустақил яшашга журъат, гоҳо хаётни энгил-елпи тушуниш, охир-оқибатда анъанавий хаёт тарзининг тартиботлари билан ҳисоблашишга мажбур бўлиш муштарақдир. Ёзувчи бот-бот мустақил яшашга интилаётган аёлни тасвирга олади. Унинг ўзи анъанавий хаёт тарзи тарафдори, шунинг учун у қахрамонини чексиз изтироблар оғушида тасвирлайди, гоҳо унинг энгилтақлигини коралайди. Бу ўринда ёзувчини традиционализмда, хаётда кечаётган ўзгаришларни анъанавий тасаввурларга қурбон қилаётганликда айблаш мумкин. Агар қахрамон (Малика, Севаргул)лар институтни аълога битириб, шаҳарда қолишни истаса, илмий изланишлар ўтказмоқчи бўлиш, кишлоқча яшагилари келмаса, уларни коралаш керакми? Тўғри, ёзувчи қахрамонларидаги ҳузур-халоватга берилишни: ноқонуний эрдан фарзанд кўришини кораламоқчи. Минг афсуски, хаёт тайёр, схематик тасаввурларга қурилмаган, унда ўз ўрнини топмоқчи бўлган ҳар ким бошқа кимсалар билан турли алоқалар ўрнатиб яшашга мажбур. Улар ичида ўз хирсига ёки нафсига банди кишилар учрамаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Аслида, Малика дуч келган Раҳим ва Диёрбек, Севаргул учратган Теша, Равшан танишган Гулсина, эркакка ўч Дурқунхоним шулар жумласидандир.

Нортўхта Қилич ўйлаб, мулоҳазалар юритиб, гоҳо “яхши от охирида чопади” тарзида ижод қиладиган адиб. У тасвирламоқчи бўлган лавҳаларни, тилга олмоқчи бўлган мавзуларни узоқ ўйлаб, хаёлида пишириб юради. Баъзи сюжетлар ва қахрамонлар кечинмаларини бир асаридан иккинчисига кўчиришдан чўчимайди. У халқ тилида гапиради. Ўзига яқин бўлган бухорача-хоразмча сўзларни, ибораларни ишлатаверади. Гоҳо менга туюладики, у ўзбек адабий тилини бойитишга

аҳд қилгандай. Лаҳжа матнга халакит бермайди, балки қаҳрамонлар тилини, тасаввурлари ва ҳаётга муносабатларини жонли, қизиқарли қилади. Ҳикояларни ўқиб завқланасиз ва аксинча, уларнинг тез тугаганига афсусланасиз.

Адиб замондоши ҳаёти тасвирини хотиротлар орқали бойитиш, жонлантириш услубини яратган. Хотиротга мурожаат – замондоши ҳаётини тасвирлашдан устун турмайди, албатта. Аммо унга маълум бир маънавий ахлоқий юк беради. Бу юк замондош ихтиёридан ташқарида, уни адо этиш ёки адо этмасликни, унга эргашиш ёки эргашмасликни муаллиф қаҳрамонига ҳавола этади. Адиб традиционалиزم қаҳрамонини аямаслиги, уни мутаассибона анъанавий турмуш тарзи ва тасаввурларига эргашишга мажбур этиши мумкин эди. Адиб ихтиёри ва ҳукмига бўйсунмайдиган образ, пировардида, нафақат асар мантиғи ва моҳиятини, шунингдек, адибнинг ҳаётий-бадий позициясини ҳам рад этишга олиб келарди-да!..

Ҳа, баъзан айтишадики, Толстой, Абдулла Қодирий қаҳрамонларига ўз истаклари ва тасаввурларини ёпиштиришмаган. Балки, тасвирларида уларнинг ҳаёти, феълу атвори ва воқеалар тизимидан келиб чиқишган. Аммо ушбу тасвирлар, негадир, адибнинг бадий-ҳаётий позицияси, қаҳрамонлари яшаётган муҳит ва унда кечаётган воқеалар тизимига муносабати экани эсга олинмайди. Бир онга тасаввур қилинг-чи, агар Достоевский Раскольниковни, ўзининг бадий-ҳаётий позицияси ва услубига зид тарзда, ўз жиноятига шу заҳотиёқ иқрор қилдирганида нима бўларди? Маънавий-руҳий жазонинг қаҳрамон руҳиятини, борлигини эзувчи, зиндон азобидан азоблироқ экани ҳаёлимизга ҳам келмасди. Бу борада узоқ баҳслашиш мумкин. Менинг фикримча, асарлардаги тасвирларни адибнинг бадий-ҳаётий позициясидан, ҳаёт фалсафасидан айро қараш мумкин эмас. Дарвоқе, моҳир ижодкор ўзининг бадий-ҳаётий позициясини, ҳаёт фалсафасини қаҳрамонлари кечинмалари ва ҳатти-ҳаракатларига сингдириши, воқеалар мантиғи талаб этганида эса ўз тасаввурлари ва истакларига зид тасвирлар яратиши билан бошқа қаламкашлардан фарқ қилади. Нортўхта Қилич сеvimли қаҳрамонларини ўз тасаввурлари ва истакларига зид ҳаракат қилдиради: оилали эракни ёки аёлни севиш, йўлдан уриш мумкин эмас, бу унинг ҳаётий этикоди, аммо у қаҳрамонлари Малика, Севаргул, Диёрбек, Теша, Йигит, Дуркунхонимни ўз хирсига муте образлар қилиб кўрсатади. Балки ушбу мунофийлик, зиддиятли ёндашув қаҳрамонлар кечинмаларини таъсирчан, ҳаётий қилгандир?..

“Чиғирик”ни иккиланмай, ўзбек насрчилигидаги бетакрор психологик қисса, дейиш мумкин. Унда ўтган аср 80-йиллар иккинчи ярмининг таъсири, нафаси сезилиб туради. Унинг атрофида, бадий танқидчиликда шов-шув бўлганини эслай олмайман. Чамаси, жамиятда бошланган алғов-далғовлар уни муносиб баҳолашга халакит бергандир. “Ёронгул”, “Мўъжиза” ва “Ойдин тонгдай намозшом”ни ўқигач, менда, адиб бутун салоҳиятини “Чиғирик”да аямай харжлаган, деган фикр уйғонди.

Институтни битказётган Севаргул, онаси айтганидек, “бирор-бир нарсага муҳтож” бўлмаган қиз ифбатини осонгина, тасодифан танишган йигитга, Тешага бериб қўяди. Тўғри, унғача Теша қизни машинасида кузатиб қўйган, у-бу нарса совға қилган, уни қишлоғига юбормай, ишга жойлаштирган бўлади. Ниҳоят, ресторанга обборади. Бунақа содда сюжетлар ҳикояларда кўплаб учрайди. Ёзувчи ушбу содда сюжетни қаҳрамонларининг ички кечинмалари, ҳаё ва эҳтирос, соддалик ва шумлик билан боғлайди. Борлиқни гўзал, беғубор ва завқли кўришга дили мунтазир, ҳали севиш ва ўртаниш нималигидан беҳабар, эҳтирослар қўйнига ўзини отишга шай Севаргул жўмард кўринган Тешани ёктириб қолади. Йигит уйланган, икки фарзанди ҳам бор. Қиз калбини чулғанган эҳтирос уни анъанавий тасаввурлар, ҳаё чегарасидан

чикишга ундайди. Икки эхтирос, анъаналарни, тартиботларни топтаб, хуфиёна кўшилади. Қиссадаги ўқувчи хаёлларини ларзага солувчи, хуфиёна лаззатларга берилиш қандай фожиаларга олиб келишини аңлатувчи, бетакрор психологик тасвирлар шундан кейин бошланади. Севаргул Тешанинг ўйнаши эмас, қонуний хотини бўлмоқчи, “Келин келди, ёр-ёр”ни эшитмоқчи, қизини отали қилмоқчи... Аммо Тешада бунга хоҳиш ҳам йўқ, журъат ҳам йўқ. Олиб берган ҳовлисига, Севаргул олдига кўнгилхушлик қилиш учун келиб-кегиб юрмоқчи. Бундай эркин алоқа Севаргулга, ундаги анъанавий тасаввурларга зид. Қиссадаги фалсафий-психологик муаммо мана шу зиддиятда. Тўғри, ўз хатти-ҳаракатларини йигит либерализм билан ниқобламайди, у пайтда бундай ғоя ҳақида тасаввурлар ҳам йўқ эди. Аммо эгоизм, ўз ҳазз-хузурини ўйлаш<sup>1</sup>, қулай они келганида соддадил кишиларни, айниқса, қиз ва жувонларни ўз майллари объектига айлантириш учрарди. Теша – катта магазин мудири. Савдо-сотик ишларида даромад кўп, кайфу сафода яшашга маблағ топилади. Нима учун ушбу имкониятидан фойдаланмаслиги керак?

Талабалик пайтимда чекка вилоятдан келган ҳамкурсим бўларди. Ака-тоғалари қандайдир бирлашмаларнинг раҳбарлари эдилар. Йил охирида пахта-йиғим терими учун кўтарама пул олишганида ё Тошкентга келишарди ёки Сочига кетишарди. Ҳар бирининг қўлидаги катта чарм сумкада пул. Ушбу пулларни улар нимага сарфлашини билишмасди, ҳовли қурса ёки машина олса, дарров ОБХСС босарди, ўн-ўн икки йилга қамаларди. Улар пулларини хотин-қизларга, базмларга сарфлаб кетишарди. Теша ана ўшанакалардан бири. Уни ўша даврдаги жамият, унда илдиз отган порохўрлик, савдо-сотик соҳасидаги юлғичлик, фирромлик шакллантирган. Йўқ, у кейин шаклланган коррупционерлар, бизнесмен-юҳолар, эл-юртни талаб, чексиз бойлик орттиришни касб-корига айлантирган олигархлардан фарқ қилади. У ҳаётида адашган, ҳалол билан ҳаром ўртасидаги фарқни йўқотган кимса.

Севаргулнинг фожиаси эса унинг ўзида. Изтиробларига аввало унинг ўзи сабабчи. Уларга Теша, унинг онаси ва фарзандлари сабабчи эмас, қиссадан шундай фикр уйғониши мумкин. Уни ёлғизлик эмас, ота-онаси олдидаги шармисорлик эзди. У Тешага эмас, балки эркини бўғаяётган анъаналарга қарши исён кўтаради. Унинг қайнонасига нафрати аслида бедилликка нафратидир. Ўз жонига қасд қилиши чексиз муаммоларга фарқ ҳаётдан ҳалос бўлиш истагидир. У эркин инсон сифатида яшаш мумкинлигини билмайди... Ахир, эрсиз ҳам, қизи Бахтигул билан шодумон, бахтиёр, борликни қувончларга тўлдириб яшаши мумкин-ку?! Йўқ, у Тешанинг қонуний хотини бўлиб яшамоқчи, шу билан ўзини ота-онаси олдидаги шармисорликдан қутқармоқчи. Ушбу истагига етолмаётгани Севаргулни руҳан эзди, уни ўз ўйларига, ички кечинмаларига мутлак банди этиб қўяди. У реалликни унутади, реалликни унутгани реаллик беаёв жазолайди.

Севаргулнинг ҳаёти, изтироблари Анна Каренинаникига яқин. Аммо Нортўхта Қилич, рус адибидан фарқи тарзда, қаҳрамонини аяган. У эркин яшаш истаги (бу аңланган, либерализм таъсирида уйғонган истак эмас), билан анъанавий турмуш тарзини муросага келтиради. Очик айтиш зарурки, бу муроса мустақкам асосга эга эмас, оливий ажралишларнинг, низоларнинг ошиб бораётгани бунга тасдиқлаб турибди.

Тешанинг онаси Севаргул ва Бахтигулни ёқтирмаси-да, уларга “сиз”лаб, “қизим”лаб, босиклик билан гапириши, улар олдига овқат қўйиши уни эсда қолашлик образга айлантирган. Кампир Севаргулга дейди: “Ана кўрдингизми, қизим. Бу мотамзада болагиналар (Тешанинг ўғли ва қизи – В. А.) сизларга кун бермайди. Бекор иссиқ жойларингизни совутиб келибсизлар. Бу ҳовлида сизларга кун бермаймиз.”

1 Ҳазз-хузур – кайфу сафо (шева).

Беихтиёр нима учун у Севаргулни келин сифатида қабул қилишга рози эмас? Ўйнашни келин қилгиси йўқ шекилли, деган жавоб ўтади хаёлингиздан. Аслида, аёл дарров симпатия ва антипатияга бериладиган мавжудот. Унда бир қўришишдаёқ симпатия ёки антипатия уйғонади. Агар аёл аёлни ёқтирмаса, тамом, уни антипатиядан ҳеч нима холи қилолмайди. Қайнона-келин муаммолари мудом мана шу симпатия ва антипатияга бориб тақалган. Қиссада бу руҳий омил нозик илганган ва тасвирланган. Мазкур психологик омил ёзувчининг “негадир Севаргулга Тешанинг ўзи болаларини ҳам, онасини ҳам қайраб қўйгандек туюлди”, деган изоҳини босиб кетади.

Кампир “қизим”, “жоним” деб жон оладиганлардан. У қўлига калтак олиб Севаргул ва Бахтигулни ҳовлисида қувиши мумкин эди. Унда, ҳарҳолда, ор бор, ахлоқийликни ўзича тушунса-да, инсонгарчилик бор. Лекин унинг пичингли камситишлари эсдан чиқмайди: “Обрўю кадрингизни вақтида оёқости қилдирманг эди, жоним қизим”, “Сизга қўшилиб, шарманда бозорига тушмоқчи эмасман, қизим”, “Кучала еган жойингизга бориб кучанинг, қизим”, “Ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр.” Ҳатто, у Бахтигулга: “Сан бизлар билан қолавер, бачам”, дейди.

Қиссада хаёлингизда қоладиган яна бир образ бор – у Севаргулнинг онаси. Она-да! Фарзанди икболдан қувонадиган, ташвишларидан ўртанадиган, умрига умр тилаб, атрофида парвона яшайдиган ўзбек аёли-да! Анъанавий тасаввурлар она борлиғига жо. Анъаналарни оёқости қилган, юзини ерга қаратган қизини қарғайди: “– Юзинг қуйсин, қизим! – деб ер мушглади. – Юзгинанг қуйсин, болам!.. Агар ҳозир отанг келиб қолсалар ё сани сўядилар, ё мани осиб қўядилар. Илоё топанг ўйнашинг билан қўшмозор бўл! Йўқол, тезроқ кўзимдан йўқол!..”, “Авлоду аждодимиздан фар ўлмаган эди-ку! Сан ўзи қайси ер ютқурга тортдинг-а? Юзгинанг қуйгур, ахир биз сани ҳеч қачон бирор-бир нарсанга мухтож қилиб қўймаган эдик-ку?! Ҳаммамизни юзи қаро қилдинг... Ман буни отангга қандай айтаман-а?! Уф-ф!..” Ушбу нидоларда ёзувчи назарда тутган ва ўзи ҳам ишонадиган ўзбекона анъаналар, уларга чуқур эътиқод бор, демак, ахлоқнинг топталишидан ҳам оғир гуноҳ йўқ, деган тасаввурлар мужассам. Севаргулнинг шахсий-руҳий изтироблари ҳам мазкур тасаввурлардан келиб чиқади. Қизини қарғаган она унга суянчиқ ҳам. Унга итоб қилгач, ўзингни асра, оғироёқсан, ҳам дейди ва якка пайтлари ёнида бўлади. Беайб – Парвардигор, қизидан воз кечолмайди, чунки қорнидан тушган-да. Оилалардаги, жамиятдаги меҳр-муҳаббат, оқибат ва барқарорлик шундай оналар билангина бардавондир.

Нортўхта Қиличнинг ўйи, дили фалсафага мойил. Тез-тез у халқ донишманлиғига, Афлотун, Арасту, Ницше, Фрейд, Фроммга мурожаат этиб туради. Бу хайратланарли ҳол эмас, чунки ҳаётни англаш, ундаги муаммоларни қаламга олиш пировард-натигада фалсафий мушоҳадаларга етаклайди. Аммо ёзувчининг мушоҳадалари илмий эмас, эркин – бадний ижодга асосланган ҳаёт фалсафасидир. Бу фалсафа традиционализм тарафдори, яъни ўзбекона анъаналар ва тасаввурларни, ахлоққа, меҳрга, покдомонликка, орият ва шарму ҳаёга қурилган турмуш тарзини асрашга қаратилган. Адиб бу борада такрорлашдан, таниш образлар ва тасвирларга қайта мурожаат этишдан тортинмайди. Ҳа, инсонни илоҳсифат яшашга ундайдиган, ундаги олийжаноб фазилатларни улуглайдиган ҳар нарса такрорланса, қайта-қайта қуйланса арзийди. Бу дунёда такрорланмайдиган нима бор?



Улуғбек  
ДОЛИМОВ

## АДАБИЁТИМИЗ ВА САНЪАТИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Шундай одамлар бўладики, кўрсанг бахридилинг очилади. Сухбатлашсанг суҳбатидан бахра оласан. Ҳар доим ҳаммага эзгулик соғиниб юрадиган бу тонфа кишилар касб-корларига ҳам сидқидил берилиб меҳнат қиладилар. Ўқишда, ишда ташкилий, ижодий тadbирларда фаол бўладилар. Ана шундай фидойи инсонлардан бири адабиётшунос олим, ёзувчи ва драматург Шухрат Ризаев таҳсил кўролган 1975–1980 йилларда университетда адабий ҳаёт қайнар эди. Филология факультетининг “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедраси қошидаги “Ўзбек адабиёти гулшани” тўғараги ва унинг “Гулшан” номли деворий газетасига эътибор қатта эди. Тўғаракка ёш иктидорли адабиётшунос домлалардан Бегали Қосимов раҳбарлик қилар, аълочи талабалардан Ҳамидулла Болтабоев ёрдам берар эди. Талабаликнинг дастлабки йиллариданок Шухрат тўғаракнинг фаолларидан бирига айланди, эълон қилинаётган ҳар бир бадий, илмий асар муҳокамасини ташкил қилишда фаол иштирок этар, домлалар, асарлар муаллифлари билан яқиндан мулоқотда бўлар эди. Бу унинг адабиёт деб аталмиш гўзаллик оламига кириб келишида дастлабки қадамлар бўлди. Шу билан бирга, устози Бегали Қосимовга бўлган эътиқоди кун сайин ошиб борди, домла ҳам унга ишониб, анча масъулиятли ишларни топширадиган бўлди. Шу тарика у домла Ғулом Каримов эътиборини ҳам қозонди. Бу даврда профессор Ғулом Каримов бошчилигида “XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошлари ўзбек адабиётини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш” илмий мактаби ёш тадқиқотчиларни ўз атрофига бирлаштирган бўлиб, Шухрат ҳам унинг фаол аъзосига айланган эди. Домла ёшлар ўртасида “Илмий тадқиқот романтикаси” мавзусида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турар эди. Албатта, бундай суҳбатлар ёшларда илмий-тадқиқот ишига нисбатан қатта рағбат уйғотар эди.

Шу тарика адабиёт оламига ёниб кириб келаётган Шухрат Ризаев университетни тугатгач, мустақил фаолиятини миллатни уйғотган адиб (Озод Шарафиддинов) Ойбек уй-музейида илмий ходим сифатида бошлади. Аммо у университет билан алоқасини

---

*Улуғбек ДОЛИМОВ – Педагогика фанлари доктори, профессор. 1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетини тамомлаган. У икки юздан ортиқ илмий мақолалар, “Маърифат даргалари” (проф. Б. Қосимов билан ҳамкорликда), “Миллий уйғонни даври ўзбек адабиёти” (университетлар ва институтлар филология факультетлари учун дарслик – ҳаммуаллифликда), “Исҳоқхон Ибрат”, “Туркистонда жаҳиди мактаблари”, “Миллий уйғонни педагогикаси” каби ўндан ортиқ китоблар муаллифи.*

узмади, Ғ. Каримовнинг сиртки аспиранти сифатида фаолиятини давом эттирди. Ойбек музейи ҳам Шухрат ҳаётида дорилфунун вазифасини бажарди. Бу масканда у узлуксиз давом этиб келаётган (ҳар йили 10 январь Ойбекнинг таваллуд куни, 1 июль вафот этган куни) ойбекхонлик кунларини ўтказишда бош бўлди. Бу ерда у адабиёт ва санъатимизнинг улкан раҳнаmolари ҳамда адабиёт оламига шиддат билан кириб келаётган Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Даврон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Азим Суюнлар билан яқиндан мулоқотда бўлди, ҳаммамиз учун улуғ устоз Наим Каримов билан давradoш бўлди, ҳамкорлик қилди.

Шухрат Ризаев – фаолият доираси кенг олим. Авваламбор, у адабиётшунос олимдир. Унинг ижодий фаолияти ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Республикамиз матбуотида, турли мажмуаларда илмий, адабий-танкидий мақолалари билан қатнаша бошлади. У адабиёт илмига катта иштиёқ билан кириб келди: фанимизнинг етакчи намояндалари Ғулом Каримов, Озод Шарафидинов, Бегали Қосимовларнинг эътиборига тушди. Дастлаб профессор Ғулом Каримов раҳбарлигида, домла вафотидан кейин жадидшунослик илмининг асосчиларидан профессор Бегали Қосимов раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борди.

Адабиётимизда яратилаётган ҳар бир жиддий асар Шухрат Ризаев эътиборидан четда қолмади. Айниқса, атоқли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг 80-йиллар ўрталарида яратилган “Қора камар” драмаси ҳақидаги “Шахслар фожиаи” мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу мақола адабиётшунос Ҳафиз Абдусаматовнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Емирилиш” мақоласига жавобан ёзилган эди. Шухрат ўз мақоласида Ҳ. Абдусаматовнинг ўз даврини яшаб бўлган қарашларини кескин қоралади, инкор этди.

Шухрат Ризаевнинг катта жасорат билан ёзилган ушбу салмоқли мақоласи “Ёшлик” журналнинг 8-сонига эълон қилиниши билан мартабаси улуғ санъат арбоблари ва раҳбар ташкилотчиларнинг эътиборини қозонди. Кунларнинг бирида узок йиллар академик театрга, кейинроқ “Ўзбеккино”га, ўша йиллари эса “Ёш гвардия” (кейинроқ Аббор Ҳидоятлов номи) театрига директорлик қилган Абдулаҳад Абдуллаев уни йўқлайди ва суҳбатда мазкур театрда адабий эмақдош сифатида ишлашга таклиф этади. Бу фикрни суҳбатда бирга бўлган театр бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев ҳам алоҳида қўллади. Бу театр ва кино санъати арбобларининг Шухрат Ризаев истикболига бўлган юксак ишончи эди. Шу тарика ёш олим ижодида янги, ижодий юксалиш даври бошланди. Ахир, у Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчининг “Ўткан кунлар” романи киновариантининг яратилишига бевосита сабабчи бўлган Абдулаҳад Абдуллаевнинг таклифини ерда қолдирмади: “Рози бўлдим ва мен мана, орадан йигирма йил ўтдики, ўша кунги тақдир инъомига шукрона айтиб юраман. Чунки бу икки инсон билан ўша кундан эътиборан яқин бўлиб, инсоний ришталар билан боғланиб кетишим ҳаётимнинг энг нузли давлари, хотирамнинг энг ардоқли саҳифалари бўлиб қолди”.

Бу сўзлар бундан ўн йил олдин раҳматли Абдулаҳад ака Абдуллаевга бағишланган “Асилзода инсон” мақоласида айтилган эди. Умуман, кейинроқ Шухрат Ризаевнинг “Искандар”, “Она”, “Дискотека” драмаларининг яратилишида унинг мазкур театрдаги эмақдошлик фаолияти муҳим аҳамият касб этди.

Абдулаҳад ака Абдуллаевнинг адабиёт ва санъатимизнинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Йўлдош Аъзамов, Малик Қаюмов, Собир Муҳамедов каби буюк чинорлари ҳақидаги суҳбатлари адабиёт ва санъат ошиғи Шухратни том маънода санъаткор ва санъатшунос, чин инсон сифатида тарбиялаган бўлса, ажаб эмас.

Шухрат Ризаев бадий сўзни нозик хис килувчи адабиётшунос олим бўлиш билан баробар сахна, мусиқа санъатининг ўзига хос жиҳатларини эгаллаган етук санъатшунос олим сифатида ҳам катта эътибор қозонди. Бу жиҳатдан унинг сахна санъатига бағишланган мақолаларини ўз ичига олган “Сахна маънавияти”, “Сурат ва сийрат чизгилари” тўпламлари санъатимиз истикболи учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай театрда режиссёр санъаткорлар жамоаси учун етакчи шахс ҳисобланади. Давримизнинг етакчи режиссёрлари Баҳодир Йўлдошев ва Олимжон Салимов ҳақидаги Шухрат Ризаевнинг мақолалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳатто Баҳодир Йўлдошев ҳақида алоҳида “Баҳодир Йўлдошев театри” номли китоб ҳам яратди. (Аслида бу китоб 2000 йилда нашрдан чиққан “Сахна маънавияти”нинг қайта тахрирдан чиққан ва тўлдирилган кўринишидир).

Дарҳақиқат, ҳақиқий режиссёрлик камдан-кам санъаткорга насиб этади. Назаримда, бу камёблик Шухратнинг “Искандар” (Алишер Навоийнинг “Хамса” асари оҳанглирида) драмасини сахналаштиришда, айниқса, француз актёри Франсуа Шато билан ҳамкорликда Алишер Навоий тимсолининг яратилишида намоён бўлган эди. Ҳатто Отелло тимсолини жаҳон миқёсига кўтара олган Аброр Ҳидоятлов ҳам, туғма қобилият соҳиби Обид Жалилов ҳам режиссёр Маннон Уйғур (Нодир)нинг талабларига бўйсундирилган эди. Бунинг учун эса режиссёр ниҳоятда катта билим соҳиби, улуг санъаткор бўлиши ҳам керак эди. Бу ҳақда Аброр Ҳидоятлов сўзларига эътибор беринг: “Ғафур, қилни қирк ёрадиган Оға не-не манбаларни титқилаб, Отелло ҳабаш мусулмонларидан бўлиб, ота-онаси унга қўйган ҳақиқий исми Атоулло эканини, ғарбликлар ўз тил хусусиятларига мослаштириб уни Отелло дея атаганликларини ва спектаклда бу қора ҳабаш тақдир тақозоси билан христианлар орасида умргузаронлик қилишига қарамай, мусулмонлигича қолганини сахнада қандайдир восита орқали кўрсатиш кераклигини ҳаммамизга уқтирган эди”.

Ҳаммамизга маълум ва машҳур профессор Шариф Юсупов бундан 21 йил муқаддам эълон қилган “Санъат ва ҳайрат” асаридаги ҳайратомуз фикрларига кўзим тушди. Қарангки, ўзбек сахна санъатининг фаҳри, том маънодаги биринчи ўзбек режиссёри Маннон Уйғур билан буюк актёр Аброр Ҳидоятлов тўғрисида икки мақолани улуг Ойбек билан Ғафур Ғулом, атоқли актёр Шукур Бурҳонов ҳақида Мақсуд Шайхзода махсус мақола битган эди. Буюкликка даҳлдор Олим Хўжаев ҳақида эса олим ва драматург Иззат Султон жуда гўзал мақола яратган. Бу улугларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳам кишиларни ҳайратга соладиган даражада самимий ва боқий бўлган. Бу анъана давом этмоқда: ёзувчи ва олим Шухрат Ризаев ўзига хос ижод услубига эга бўлган етакчи режиссёрлар Баҳодир Йўлдошев ва Олимжон Салимовлар ҳақида бетақдор мақолалар, ижодий портретлар яратди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида истиклол, мустақиллик учун курашган мутафаккирлар – жадид ёзувчи ва шоирлар фаолиятини ҳар жиҳатдан ўрганиш, асарларини тўплаш, тадқиқ этиш давр талаби эди. Бунинг учун эса етакчи университет ўзбек филологияси факультети қошида махсус кафедра ташкил этиш ниҳоятда зарур эди. Бу тақлиф профессор Бегали Қосимовдан чиққан бўлса ҳам бу ишга бош-қош бўлиш Бегали учун анча ноқулай вазиятни вужудга келтирар эди. Чунки очилажак кафедра мудири Қосимов университет гуманитар факультетлар проректори эди. 90-йиллар бошида илмий ишлар бўйича проректор академик Тўрабек Долимов олдида Бегали Қосимовнинг олим сифатидаги эътибори жуда баланд бўлиб, уни жадидшунослик илмининг асосчиси деб билар, Тўрабек аканинг ўзи ҳам жадид тийнатидаги олим эди. Алоҳида таъкидлаш керакки, махсус кафедра ташкил этишга факультетимизнинг ҳамма етакчи адабиётшунос домлалари ҳам хайрихоҳ эмас

эдилар. Агар янги “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедраси очилса, даврининг Авлоний, Ҳамза, Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби энг эътиборли ёзувчи ва шоирлари “Ҳозирги ўзбек адабиёти” (собик “Совет адабиёти”) кафедрасидан янги кафедрага олиниши керак эди. Бу, албатта, эски кафедра аъзоларига маъқул тушмас эди. Шунинг учун ҳам курашлар анча шиддатли кечди. Ушбу масалага бағишланган сўнги йиғинда проректор Т. Долимов ҳам катнашиб, шундай фикрни айтгани ёдимда: “Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонлар хақида йирик монографиялар яратилган вақтда улар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфирлар ёшида эдилар. Ҳозирда эса улар хақида бирорта йирикроқ илмий-танқидий асар яратилганича йўқ. Ишлайман десангиз, ҳозирги замон адабиёти бўйича қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Фақат тезлик билан ишга киришиш керак”.

Шу гапдан кейин “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасини ташкил қилиш масаласи деярли ҳал бўлган эди. Бу ишда жадидшунослар – профессор Шариф Юсупов, доцентлар – камина Улугбек Долимов, Суннатилла Аҳмедовлар Шухрат Ризаев билан ёнма-ён туриб фаолият кўрсатган эдилар. Айтиш керакки, бу ишда асосий юк барибир Шухрат зиммасига тушган, таъна-дашном тошлари унинг бошида синган эди. Бу ишда Тўрабек ака Шухрат Ризаевга қимматли маслаҳатлар берди. Алоҳида таъкидлаш керакки, йирик геолог-олим Тўрабек Долимов факультетимиздаги ёш ўқитувчилардан Шухрат Ризаев ҳамда Раҳмон Кўчқоровларни ўзининг туғишган укаларидек яхши кўрар, ҳурмат қилар, ниҳоятда иқтидорли инсонлар сифатида кадрлар, номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини анча кечиктириб юбораётганликларидан қаттиқ ранжир эди. Шухратнинг бирор иш билан ректор Т. Долимов ҳузурига кириб, кўнгли ранжиб чиққанини билмайман. Бўлмаса, Тўрабек ака у даражада юмшоқ табиатли эмас, аксинча, ўта жиддий, қаттиққўл одам эди.

Шу тарих “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедраси 1993 йилдан профессор Бегали Қосимов раҳбарлигида иш бошлади. Шу йили кафедранинг биринчи маҳсули “Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари” номли илмий мақолалар ва матнлар тўплами нашрдан чиқди. Бегали университет проректори бўлгани сабабли кафедранинг ўқув, илмий-ташқилий ишлари асосан Шухрат Ризаев зиммасида эди. У бу даврга келиб ўқитувчилик маҳоратини мукамал эгаллаган ётақчи доцент ҳурматини қозонди. Мен факультет декан муовини, сифат комиссияси раиси сифатида унинг дарсларида бир неча марта бўлганман, ҳатто кўшни журналистика, тарих факультетлари талабаларининг Шухрат маърузаларига оқиб келаётганининг гувоҳи бўлганман, уларнинг таассуротларини эшитганман.

Ишдан ташқари вақтларда кафедрамиз домлалари Бегали Қосимов, Шариф Юсупов, Шухрат Ризаев, камина ҳамда кўшни кафедрадан Раҳмон Кўчқоровлар иштирокида ойда бир “ошхўрлик” йиғинимиз бўлар эди. Бу йиғин кўпроқ Чимбойдаги, кейинроқ Тахтапулдаги Шухратнинг уйига яқин кичикроқ чойхонада бўларди. Бундай йиғинларда бирортамизнинг ҳаётимизда бирор муваффақият содир бўлса ёки бирортамизнинг китобимиз нашр этилса, уни “ювар эдик”. Йиғинларнинг ташкилотчилари ҳаммамиздан ёшроқ Шухрат ва Раҳмон бўлар эди. Кўп ҳолларда ҳаммамиз учун кадрли устоз, бағрикенг инсон Озод Шарафиддиновни таклиф қилардик ва кўп ҳолларда домланинг маслаҳатларига суянар эдик. Бундай ўлтиришлар фақат еб-ичиб кетиш, дам олиш билангина чекланмас эди. Янги кафедранинг юмушлари, келажакда қилинадиган ишлар муҳокама қилинар эди. Шундай йиғинларнинг бирида Республика олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун яратилажак “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигининг тўлалигича проспекти, ҳар бир муаллиф ёзиши керак бўлган боблар тақсимлаб чиқилган эди.

Албатта, бундай режалар Бегали Қосимов билан Шухрат Ризаев томонидан олдиндан ишлаб чиқилар ва муҳокамага қўйилар эди. У 90-йилларда диссертацияси устида ҳам жиддий иш олиб борди ва 1995 йилда “Жадид драмаси. Шаклланиш даври ва манбалари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва 1997 йили “Жадид драмаси” монографиясини эълон қилди. Китобда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” ҳамда ушбу драма таъсирида яратилган Нусратулла Қудратулла ва Ҳожи Муиннинг “Тўй”, Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Абдулла Бадрийнинг “Жувонмарг” ва “Аҳмоқ”, Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб, янги мактаб”, “Кўкнори”, “Мазлума хотун” драмаларини 83 йилдан кейин биринчи марта жорий алифбода эълон қилди. Шухрат Ризаевнинг ушбу китоби илмий жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинган ва матбуотда жадидшунос олимларнинг тақризлари эълон қилинган эди.

Шухрат Ризаев мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, кейинроқ Маданият ва спорт вазирлигида масъул лавозимларда меҳнат қилди. 1997 йилдан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кафедра мудири, 2012 йилдан эса “Жаҳон адабиёти” журналида бош муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди.

Кейинги йилларда Шухрат Ризаев миллий киномиз ва унинг истиқболига алоҳида аҳамият бераётгани кўзга ташланади. Кино – замонга энг ҳамнафас, ниҳоятда тезкор санъат. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида Ғарбда турли миллатлар анъаналарига, маънавиятига беписандлик авжига чиққан бир пайтда кино санъати орқали маънавий тубанлик, эътиқодсизлик, фахш ҳаёт ёшлар онгига сингдирилмоқда. Мана шундай жиддий масалалар муносабати билан 2009–2010 йилларда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан яратилган бадний фильмлар таҳлил қилинган “Маънавий тарбия жараёнлари ва замонавий кино”, “Миллий кино: муаммолар, мулоҳазалар...” мақолаларини эълон қилди. 2018 эътиборан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги масъул раҳбарлик вазифасига олинди.

Кейинги йилларда адабиётимиз ва санъатимизнинг энг ноёб ва гўзал асарларини телевидение орқали тарғиб ва ташвиқ қилишда, улар моҳиятини халққа етказишда Шухрат Ризаев “Гўзал мажлислар” (“Мажлис ун-нафоис”) рукнини ташкил қилган эди. Бундай кўрсатувларга ўша мавзунини мукамал биладиган адабиётшунос ва санъаткор олимларни, ёзувчи ва бастакорларни таклиф қилар эди. Санъатсевар тингловчи – томошабин бундай кўрсатувларга бефарқ қарамас, аксинча, бир неча кун шу кўрсатув оғушида юрар эди. Бир мисол: шундай кўрсатувларнинг бири аср бастакори Мутал (Мутаваккил) Бурхонов фаолиятига бағишланган бўлиб, кўрсатувда атоқли бастакор Мустафо Бафоевни ҳамда ўзбек мусикаси тарихини мукамал билувчи, “Шашмақом”ни “Танбур чизиги” номи билан ноталаштирган Комил Хоразмий ва ўгли Расул Мирзо асарини нашрга тайёрлаган санъат арбоби Матназар Отаназаровни таклиф қилган ва уч иштирокчининг бу чиқиши санъатсеварларда катта таассурот қолдирган эди. Ризаевнинг бу соҳадаги фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Йирик олим ва ёзувчи Шухрат Ризаев ўз фаолияти давомида йигирмага яқин китоб, адабиётшунослигимиз, санъатшунослигимиз муаммоларига бағишланган тўрт юзга яқин мақолалар эълон қилди. Бугунги шиддатли ўзгаришлар даврида таникли олим ва ижодкор учун ҳали қилиниши зарур бўлган катта ишлар олдинда.

## СЎЗНИНГ САВОБИ ВА УВОЛИ ҲАҚИДА



Адхамбек  
АЛИМБЕКОВ

Сўз қудрати, сўз сеҳри ҳақида не-не ҳикматлар битилмаган. Авестода сўз касами ҳақида айтилади. Илоҳий китоблар ҳам “Аввало калом бўлган эди” жумлалари билан бошланади. Булар Тангрининг “кун” – “ярал, пайдо бўл” буйруғи асосидадир. “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор” – ҳадиси бекорга эмас. Сўзда, шеърда илоҳийлик кўрилган.

Мумтоз адабиётимизнинг барча улуғ ижодкорлари йирик асарларининг муқаддимасида Оллоҳга ҳамд айтиш, пайғамбарларимизга наът айтиш баробарида сўз таърифи ҳақида ҳам алоҳида тўхталадилар. Қайси соҳада бўлмасин инсоният тарихида из қолдирган улуғ олимлар тилга, она тили орқали сўзга ҳурмати чексиз бўлган. Сўзда илоҳийлик бўлмаса, сўз шу қадар улуғланмаган бўлурди. Машойхлар сўзни руҳнинг қолипи деб билганлар. Руҳ илоҳдан экан, қолипи-да илоҳий бўлиши табиий.

Сўз улкан тилсимот. Барча динлар нутқ қобилятини, инсонга ҳаёт билан бирга бериладиган товушлар, шакл-шамойил ва қонун-қоидаларни илоҳий инъом деб ҳисоблашган.

Юсуф Хос Ҳожиб ёзилган сўз абадий қолиши, оламни кезишини ёзганида, бир сўзда минг сўзнинг мазмунини жамлашни, “Сўзинг бўлсин кўзсиз гумроҳ учун кўз” бўлишида ўрнида топиб айтилган сўзни назарда тутгани шубҳасиз. Шунингдек, Кайковуснинг “Қобуснома”сида: “Барча хунардин сўз хунари яхшироқдур” – дейилади.

Ҳазрат Алишер Навоий сўз ҳақида энг мазмунли фикрларни битган. Биргина “Хамса”нинг ўзида сўз таърифига бир неча боб бағишланган. Сўз билан инсон хайвондан фарқланади.

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Адхамбек АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди. 1954 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII-XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асири бўлган эгон” рисоласи нашр этилган.

Ҳазрат Навоий сўздан улуғроқ, шарифроқ нарса йўқлигини “билким” дея таъкидлаб уқтираётир. Инсонлигинг сўз туфайли деяётир. Бу ҳамиша юракда акс садо берадиган буйрукдек ҳар бир авлод қулоғи остида жаранглаб туриши керак.

Ёки:

*Маъдани инсон гуҳари сўздурур,  
Гушани одам самари сўздурур.*

Тангрининг ададсиз жилвасидан бир зарраси акс этган инсоннинг самари сўз экан, демак оламнинг самари-да сўздир. Одамнинг одамлиги сўз биланлигини такрор-такрор уқтирган шоир “Олибмен тахти фармонимға осон, Черик чекмай Хитодин то Хуросон”, деганида ҳам сўз қудрати билан дунёни олганлигини айтади. Сўз қудрати ҳар қандай черикдан (қўшиндан) кучли экан. Сўз мамлакатининг сарҳади чексиз, сўз мартабасининг макоми сарбаланд бўлганлиги учун-да минглаб черикнинг қилар ишини сўз қилгандир. Алишер Навоийнинг сўз ҳақидаги фикрлари “Соқийнома”сида келтирилган қуйидаги икки мисрада мужассамлангандек: “Чунки сўз оби ҳаётин суздинг, Рухини барчасининг тиргуздунг”. “Сўз гавхаредурки, рутбасининг, Шарҳидадур ахли нутқ ожиз” (мартабасини айтишга, аниқлашга, нутқ ожиз). Ҳазрат Навоий асарларидан бунингдек гўзал мисраларни истаганча топиш мумкин. Мен сўз сеҳри ҳақида гап кетганда, нимагадир гипнозчиларни (афсунгар, сеҳргар) эслайман. Гипнозчи, ҳеч нима ичирмайди, едирмайди, сўз қудрати-ла сизни ухлатиб қўйиши, истаган қуйига солиши мумкин. Менимча мана шу ҳолат сўз қудратининг аниқ ҳис қиладиган ҳолатлардан биридир. Сўзнинг илоҳийлигини ҳис қилиш, ижодкор учун, айниқса ёш ижодкор учун жуда муҳим. Адабиёт эшигини тақиллатмоқчи бўлган ёш ижодкор аввало сўзга салом бериши керак. Сўзнинг илоҳийлигини қалбан туюши шарт.

Қўлига қалам олган ҳар бир киши сўз уволидан қўркиши керак. Бирор матнда ўрнида бўлмаган сўз, кераксиз жойга ноўрин, бевакт келиб қолган кимсадек ўзини ўнғайсиз сезаётгандек бўлади менинг назаримда (масалан, зўрлаб қўлланган қофия). Баъзан саҳифалаб матн ўқийсиз-у бир маъно топмайсиз. Масалан, айрим мақолаларда муддао, мақсадга ўтгунча анчагина ортикча жумлалар ишлатилади. Бадийий жиҳатдан бўш асарларда қанчалар сўз исрофини кўрамыз. Бунга истаганча мисол топиш мумкин. Ҳар бир сўзнинг ўз маъносига мос ўрнида қўлланиши даркор. Ўрнида ишлатилмас маънога путур етади. Сўзни увол қилиш деганда, ўрнида ишлатилмаган сўзни тушуниш керак. Сўз: “мени бу ердан олиб кетинг” – деб ёлбораётган ёш боладек кўринади кўзимга. Сўзнинг ёмони бўлиши мумкин эмас, ўрнида қўлланилмаганига ўз жозибасини йўқотиши табиий. Агарда ижодкор сўзнинг шунчалар илоҳийлигини ҳис қилолса, унинг битикларида сўз ҳам бор жилоси билан товланади. Сукунатнинг овози борлигини, нафаснинг мазмунига қиёсланса, сўзнинг илоҳийлигини, сеҳрини яна бир бор ҳис қиламиз. Турли халқларнинг турли тилларда сўзлашиши табиий ва бу оламнинг лисоний манзарасини яратади. Бир ажойиб жиҳати, ҳар қандай сўзнинг бошқа тилда эквиваленти бўлиши мумкин. Демак, сўзнинг шаклан ва сасан (товуш сифатида) ҳар хил бўлгани билан мазмунан дунёдаги барча сўзлар бир жойда учрашаркан. Бу илоҳийлик эмасми? Биргина она ёки нон сўзининг қайси тилда бўлмасин бир моҳиятни ифодалашининг ўзи-чи?

Миллатнинг биринчи белгиси тил бўлса, тилнинг намоён бўлиши сўзларда экан, сўзга меҳр миллатга меҳрдир. Тилларнинг бойлиги унда қанча сўз борлиги билан

белгиланади. Тил луғати бой, сўзи кўп миллатнинг жаҳоний обрўси ҳам баланд, адабиётининг мақоми юксакда бўлади. Билингики, сўз қадри учун курашиш миллат қадри учун курашишдир. Она тилига биргина янги сўз қўшган инсон миллатни бойитган бўлади. Тасаввур қилинг, ҳар бир ижодкор битгадан сўз кашф қилса ҳам луғатимиз қанчалик бойиган бўларди. Бу дегани неологизмлар кетидан қувиш эмас, тилимизни бойитиш истаги руҳимизда бўлиши керак. Буюк ижодкор ўз миллатининг маънавий ривожланишигагина таъсир қилиб қолмай, мамлакати, улусининг қадрини дунё микёсига кўтаради. Рабиндранат Тагор туфайли Ҳиндистон, Алигери Дантедан сўнг Италия, Расул Ҳамзатов туфайли Доғистон қанчалар ҳурмат топганини эслайлик. Мана шуларнинг барчаси, сўз ва сўзга меҳр натижасидир. Халққа меҳр-да, ватанга меҳр-да сўздан бошланади.

Миллатнинг луғат, сўз бойлигининг кўплиги унинг маънавий бойлигидан нишона. Маънавий бой миллатнинг эса руҳи, ғурури баланд бўлади. Маънавий инсоннинг (фақатгина илми эмас) қалб ҳолати нурли бўлади. Демак, ҳар бир сўзимиз учун кайғуриш ғуруримиз учун курашдир.

Сўзда халқ қалбининг тимсоли акс этаркан, имловий тўғри ёзиш халққа ҳурматдир. Ёзганда хато қилмаслик темир қоида бўлиб, арзимас кўринган хато худди маънавийтимизни камситётгандек бўлиши керак. Тил халқ, миллат мулки экан, унда хато ёзиш миллат мулкани бекитган, камситгандек бўлади. Шуни ҳис қилган кимса сўз қадрини ҳис қилган бўлади. Дунёда қанча халқ бўлмасин, сўзга эътибор, эҳтироми ўзига хос тарзда кучли бўлган. “Қарибларда сўзнинг муқаддаслиги ва унга риоя этиш шу даражага бориб етганки, фақат эркакларгина қарибча сўзлашлари мумкин бўлган, хотинлар эса бошқа – аравак тилидан фойдаланишган”.

Тафаккур шаклланишида ҳар бир сўзнинг ўрни бор. Шунинг учун сўз қадри барча халқларда юксакдир. Халқ ўз мулки бўлган сўзни улуғлаб “айтишнинг ўзи санъат, бир илм”, деб билган.

Мен сўз сеҳрини қандай ҳис қилишимни, сўзнинг қуввати бекиёслиги ҳақидаги мушоҳадаларимни ўртоқлашдим. Сўзимизни қадрини ошира олсак, ўзимизнинг қадримиз ошади. Ҳар бир инсоннинг қадри ортиши халқнинг қаддини бўйдор қилади. Шундай экан ватанга, халққа, миллатга ҳурмати бўлган инсон нон уволдан кўрққандек, сўз уволдан тийилиши керак.



*Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун гал чекманг ва таъвишми халқларга берилманг! Кези келганда, фурсатми кўлдан бермай ишга киришинг.*

СҮН-ЦЗИ



# “ҚИРОНХОН” ДОСТОНИ ВАРИАНТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИЛИШИ

(“Қиронхон” ва “Соҳибқирон”  
достонлари мисолида)



Урал НОРМАТОВ

“Қиронхон” достони ҳам “Алпомиш”, “Кунтуғмиш” каби ўзбек халқ достонлари қаторидан муносиб жой олган. Вариантларининг кўплиги ҳам бу достоннинг халқимиз бахшилари орасида нечоғлиқ кенг тарқалганлигини кўрсатади. Достон дастлаб “Кўрғон”, “Нарпай” мактаблари вакиллари томонидан ижро этилган бўлса, кейинчалик Қашқадарё, Сурхондарё мактаблари вакиллари томонидан ҳам куйланган. Достоннинг атоқли бахши Пўлкан шоир, Ислоом шоир қабилардан ёзиб олинган вариантлари борлиги қувончли, албатта. Чунки ҳар бир достон уларнинг ижросида маромига етганини кузатиш мумкин.

Достон бахшилар репертуарида: “Соҳибқирон”, “Ойпарча”, “Қоракўзойим”, “Соҳибқирон ва Соҳибжамол”, “Чорёр”, “Шаҳриёр”, “Зорлик ва Мунглик”, “Одилхон”, “Оқбилагойим” сингари бир неча номлар остида учрасада улар моҳият эътибори билан композицион жиҳатдан ўхшашдир. “Қиронхон” ушбу достонлар орасида эпик кўламининг кенглиги, бадий юксаклиги, қолаверса, бошқа вариантлардан ҳажман йириклиги билан ҳам ажралиб туради. Достоннинг юқорида саналган вариантларидан фарқли ўларок “Қиронхон” достони ҳозиргача илмий тадқиқ этилмаган.

Достоннинг вариант ва версияларини ХХ асрнинг олтмишинчи йилларида фольклоршунос олима Сиддиқа Шодиеванинг “Соҳибқирон” достонининг гоъвий-бадий хусусиятлари (эпоснинг турли версияларини қиёсий ўрганиш тажрибалари) мавзусидаги диссертациясида қисман тадқиқ қилган бўлсада, лекин унда Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқандан ёзиб олинган варианты яъни, “Қиронхон” достонига мурожаат қилинмаган. Достоннинг ўзбек вариантларини тадқиқ этишда олима Сиддиқа Шодиева тадқиқотида “Соҳибқирон” достонини асос қилиб олган бўлса, биз “Қиронхон” достонини асос қилиб олдик. Олима ушбу достон вариантларининг ўзбеклар орасида икки хил версияси бор деб ҳисоблайди. Унга асос сифатида достон композицияси ва сюжетидаги баъзи ўзгаришларни кўрсатади. “Соҳибқирон” достонининг ўзбек версияси бошқа версияларидан устун туради. Бу версиянинг барча вариантларини ўрганиш шунини кўрсатадики, мазкур достон ўзбеклар ўртасида икки версияда тарқалган. Ва иккаласи ҳам баб-баравар жонли оғзаки традицияда яшаб келгандир. Буни шартли биринчи ва иккинчи версия деб атаймиз”. Умуман ҳар қандай халқнинг тарихий тараққиёти бир хил бўлмаган. Достоннинг вариантлари ҳам бир халқ ичидаги турли этник гуруҳлар

Урал НОРМАТОВ – 1991 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистратурасини тамомлаган. Республика матбуотида қатор мақолалари эълон қилинган.

орасида турлича ривожланган. Ҳар бир уруғнинг ўзидаги ҳамма эътироф қилган қадимий анъанасидан чиқиб кетмасликка уриниши уларнинг эпосида ҳам ўз изини қолдирган.

“Қиронхон” достонида воқеалар Дўрмон мамлақати подшоши Одилхоннинг фарзандсизлиги мотиви билан бошланади. Бу мотив дostonдаги барқарор мотив бўлиб, барча версия ва вариантлар худди шундай бошланади. Дostonларда фарзандсиз подшонинг ёши турлича кўрсатилади. Ислом шоир подшоши 63 ёшда эди деса, Пўлкан шоир вариантда 30 ёшдан ошган дейилади. Сиддиқа Шодиева таснифи бўйича “Соҳибқирон” ва “Қиронхон” достони вариант ва версиялари муқояса қилинмаган. Биз ушбу дoston вариантларининг барчасини ўзбек вариантлари деб ҳисоблаб, уларни версияларга бўлиб ғуруҳлашни эмас, балки шартли равишда бир қисмли ва икки қисмли дostonлар тарзида ўрганишни маъқул деб билдик. Мальумки, “Алпомиш” достони икки қисмдан иборат дoston ҳисобланади. Дostonнинг биринчи қисмида бош қаҳрамон бошидан кўп машаққатларни ўтказиб, ўз ёрига етишади. Бир қарашда дoston воқеалари тугагандек тасаввур пайдо қилиши мумкин, лекин Ҳакимбек бажариши мумкин бўлган асосий вазифа иккинчи қисмда аниқ намоён бўлади. Иккинчи қисм воқеалари асосида қаҳрамон ҳақиқий комилликка эришади. “Қиронхон” дostonнинг структурасида қисмларга ажратиш ҳолати мавжуд бўлмаса-да, мустақил подшо бўлиши учун чеккан машаққатлари асосида катта тажриба тўплайди. Ислом шоирнинг “Соҳибқирон” вариантини бир қисмли дoston дейиш мумкин унинг мазмунига кўра “бир неча хотини бўлган фарзандсиз кекса ҳукмдорнинг ох-зорлари, фарзанд кўриш ниятида подачининг қизига уйланиши, ўғай оналар тухмати билан беғуноҳ эгизакларнинг чақалоклигидаёқ она бағридан улоктирилиши, уларнинг маълум сабаблар билан тирик қолиши ва улғайиши, ота-оналари билан дийдор кўришиши биринчи ўзбек версиясининг асосий сюжет ҳалқалари ҳисобланади”. “Қиронхон” достонида эса қаҳрамон отаси билан топишиб ўз мамлақати Дўрмонга келганидан кейин ҳам турли синовларни бошидан кечиради. Ислом шоир вариантини шунинг учун ҳам бир қисмли дoston дейиш мумкин. Чунки унда макр-хийла билан ажратилган ота болалар етти йилдан сўнгра топишади. Шуниси аҳамиятлики, болаларни чақалоклигида чўлга олиб бориб ташлаган Қамбар чол подшога болалари тириклиги хабарини келтиради. Бунда илк ахборот вазифасини олма деталли ўтайди. Чақалоклигида чўлга ташлаб кетилган болаларга Хизр ҳомийлик қилади. Болаларидан жудо бўлган кийикни улар қошига бошлаб боради, кийик болаларни эмизиб катта қилади. Улар турган жойда қаромат сабабли кўрғон пайдо бўлади. Хизр болаларнинг саводини чиқаради. Исmlарини ҳам қўяди. Баъзи вариантларда болаларга Хизр исм қўйса, баъзиларида подшога олма олиб борган Қамбар чол болаларига исм қўйиб беришни ундан сўрайди. Исм қўйиш мотиви деярли барча йирик дostonларда учрайди. Уларда кўпинча исmlарни қаландарлар тимсолидаги авлиёлар ёки Хизр қўйиши кўзга ташланади. Қаҳрамон исми унинг ота-онасининг тушида ҳам аён бўлиши мумкин. Дoston вариантларида бу ҳодисаларнинг барчаси учрайди. “Қиронхон” достонида уч опа-сингилнинг сўхбати жараёнида Бўтакўз ўз кўрган тушини баён қилади: Анда қизлар айтди: “Кўргандан гапир”, – деди. “Ана мен кеча ётиб бир туш кўрдим, тушимда Алихон подшоши йўлдош кўрдим. Бир ўғил, бир қиз кўрдим. Ўғлимнинг отини Қиронхон, қизимнинг отини Окбилак қўйибман. Қиронхон қўлида даво-қалам, қиблага қараб муножот қилиб ўтирибди”. Бу гапни Боймуҳаммад вазир эшитди”. Тарихда ҳам буюк зотлар туғилишидан аввал қандай исм қўйилиши тушда аён бўлган. Бу ҳолат асар мазмунига сингдириб юборилган.

Дostonнинг юқоридаги икки вариантини қиёсларканмиз, уларда айрим тасвирларга алоҳида урғу берилганлигини кузатиш мумкин. Дoston сюжетида бу ҳолат совчилик билан боғлиқ ўринларда кўринади. Иккала бахши ҳам бу ҳолатни қайсидир маънода юмор орқали тасвирласада унга ўзига хос маъно юқлай олган.

Ислом шоир вариантида совчилар ва Қинғир подачи ўртасидаги совчилик жараёни шундай кечади: “Алкисса, совчилар подачи бобосиникига келди. Подачи йиртик шолни буларнинг тагига ташлаб, хукмдорлардан кўрқиб, шу кун бировнинг мошини молига едириб келган экан, деҳқон шунга юбордим, деб Қинғир кўрканидан бир сўз айтиб турибди:

*Камбагални, билинг энди нотавон,  
Хеч нарсам йўқ учун бўлдим подабон.  
Икки тана ўлди, берувдим товон,  
Ўлай беҳабарман, тақсир, мошидан.*

*Молимни боққанман тоғлар қошига,  
Ишонманглар деҳқоннинг нолишига.  
Қасамимни, биллоҳи азим, ичаман,  
Ўлай, туширганам йўқдир мошига.*

“Подачи уларни товон олувчи беклар деб ўйлаб, келишдан мақсад муддаосини сўрамасдан, “молимни мошинга туширганам йўқ” – деб “кўрқоқ олдин мушт кўтарар” кабилида сўзлайди. Уларнинг мақсади совчилик эканлигини билгачгина тинчланади. Пўлкан шоир вариантида ҳам подачининг шу кўркуви тасвирлансада, бу ҳолат кейинроқ рўй беради. Барча тўй ва қалин масалалари ҳал бўлгач подшоҳ Худойкул подачини Балхимон шаҳрига ҳоким этиб тайинлайди. Подачи уни қутлаш ва сарпо кийдириш учун боришганда молини мошга туширганидан кўрқиб қочиб кетади. Шоир бу тасвир орқали подачини ҳаттоки подшога қуда бўлса ҳам характерида ўзгариш сезилмаганини яъни кибрга берилмаганини энгил кулги орқали кўрсатишга ҳаракат қилган: “Анда Боймуҳаммад вазир қирк кўнлик тўй асбобини тайёрлаб, шаҳарларни, бозорларни “Сорикўриқда тўй-тўй бўлади!” деб, жарчи қўйиб чақиртиб, ўзи бобосининг олдига келаётса, Худойкул бобо айтадики: “Мунов бир келди, икки келди, менинг хўйимни билди. Менинг гуноҳкорлигимни билди. Энди вақт-вақт шу вақт, Боймуҳаммад совчи эмас”, – деб, вақтни ғанимат билиб, этакни қайтариб, буларнинг олдига чикмай қоча берди. Анда вазир “бобони ушланглар”, деб амр қилди. Қувиб-қувиб ушлаб олди. Бобога сарпой кийгизмоқчи бўлиб, баданини тоза қилмоқчи бўлиб, эски кигиздан бўлган чакмонини ечтириб сувга пишаётганда, бобо “мени сувга пишириб ўлдирар экан” деб, бир сўз деди:

*Эй Муҳаммадҷон, ақлимни шошириб,  
Сиримни айтмай ғанимлардан яшириб.  
Соқолим оқариб, тишим тушганда,  
Нима бўлди молни мошга тушириб.*

Юкоридаги кўчирмада келтирилган тасвирлар тингловчининг асарга қизиқишини янада орттирган.

Достонда воқеалар шу тарзда бирини-иккинчиси тўлдириб, асар моҳиятини очишга хизмат қилган.

Сўзимиз аввалида дoston вариантларини бир ва икки қисмли қилиб ўрганишни таклиф қилгандик. Бундай бўлинишнинг тўғрилигини дostonдаги айрим образларнинг ҳаракатланиши билан ҳам асосланади. Масалан, хийлакор мастон кампирнинг ҳаракатланишига эътибор қилсак, Ислом шоир вариантида битта хийла ишлатса, Пўлкан шоирда бир неча бор айёрлик қилиши тасвирланади. Биз фикр юритаётган хийлакорлик масаласи иккинчи қисмда узундан-уzun саргузаштларга сабаб бўлади.

Маккор кампир Қиронхонни ўлдириш ниятида мўъжизакор нарсалар: тилла


мурсақ, ойнаижаҳон кабиларни олиб келишга жўнатади. Исломо шоир вариантдаги биргина ҳийла янги туғилган болаларни кучукчалар билан алмаштириб, Бўтакўзга тухмат қилиши ва бир оиланинг парчаланиши билан ифодаланади. Асарда мастон кампирнинг “Қиронхон” достонидаги каби қатор ҳийлалар ишлатиши асосан эртақлар сюжетига учрайди. Масалан, “Тилла кокили бола” эртагида ҳам чақалоқлигида ўлмай қолган қаҳрамонни бир неча бор ўлдиришга ҳаракат қилади.

Достон версия ва вариантларида адашганларнинг топишишлари турли туман формаларда тасвирлансада, уларнинг ҳаммаси учун умумий руҳ бир хилдир. “Сохибқирон” достонида болаларнинг адашишларига сабабчи бўлган кундошлар ва қабиҳ мастон кампирнинг қаттиқ қораланиши билан тугайди. Суриштирмай буйруқлар берган хон ҳукмига лаънатлар ўқилади. Хон ўз хатосини чуқур ички изтироб билан тушунади. Достоннинг ҳамма вариантлари ҳам худди шундай адашганларнинг топишиши ва ёмонларнинг жазоланиши билан тугалланади. Бундай жазо эпос қонунятларига мос ва у яратилган давр билан ҳамоҳангдир.

“Сохибқирон” достони маиший ахлоқий асар бўлиб, ундаги мотивларнинг қиёсий анализи бу фикрни янада тасдиқлайди. Асарда анъанавий мотивлардан кўра, ахлоқий-маиший эпизодлар марказий ўринни эгаллайди. Ундаги анъанавий мотивлар эса, достонда тасвирланган конкрет ҳаёт ва шароит билан чамбарчас боғланган. Тўғрироғи, улар асарда тасвирланган воқелиқдан келиб чиққандир.

Достон мотивларининг қиёсий анализи шуни кўрсатадики, улар вариантларда турли-туман шаклларда ифодаланган бўлишларига қарамай, мазмунан бир хилдир, яъни умумий бир ҳол ҳар бир халқнинг миллий тушунчалари, эътиқодлари, дунёқарашлари, расм-русмлари асосида турлича тасвирланган. Бу ҳол уларнинг бир-бирини инкор этмайди. Балки мазкур достонни турли томондан тўлдиради. Масалан, эгизакларнинг онаси бўлган шохнинг кичик хотинлари ҳаёти қанчалик турли-туман бўёқларда ифодаланмасин, улардаги умумий хусусиятлар турли томондан тасвирланади. Яъни эзгу ниятлар билан яшовчи Бўтакўз, Суқсуройим, Қорақўзойим, Қанчаойим, Ойпарча, Гулшаралар достон вариантларида турли-туман бўёқларда акс эттирилиши билан бирга улардаги умумийлик уларнинг кундошлар қаҳр-ғазабига учраши сақланади. Оқибатда жуда аянчли аҳволга тушиб қолган бу бегуноҳ кичкина хотинлар ўзларининг икки нури дийдаларидан тириклайин ажралиб, зиндонга тушадилар, чўлу биёбонларда сарсон-у саргардон бўладилар. Биргина фарзанд доғи хасратида эмас, балки оналик ҳақ-ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилган булар сингари аёлнинг зулм-зўравонликка қарши билдирган юрак исёни у даврда эшитилмайди. Ҳақиқий оналарга хос бўлган энг яхши инсоний фазилатларнинг барчаси бу аёлларда мужассам бўлган дейиш мумкин. Меҳрибонлик, фарзандга чексиз меҳр-муҳаббат, одамийлик, бардошлилик келажакка умид билан яшашлик ва бошқа хислатлар уларда жамулжам. Булар ўз фарзандлари ўрнига қолган хайвоннинг болаларини ҳам оналик меҳри билан парвариш қиладиларки, бу орқали халқимизнинг қадим давлардан бошлаб инсон билан хайвон ўртасидаги дўстлиги чуқур ифодаланган.

Достоннинг бу икки вариантларини қиёслаб ўрганиш жараёнида ҳар бир вариантнинг ўзига хос жиҳатлари борлиги кузатилди. Асар сюжети бир хил бўлсада, бахшилар ўз индивидуал қобилятларидан келиб чиқиб янги поэтик тасвирлар яратишга уринган. “Қиронхон” достонининг барча вариантлари бош ғояси инсонлар орасида ёвузликнинг устидан эзгулик доимо ғалаба қозониши, ҳақиқатнинг қарор топишида намоён бўлади.



## “САНГЛОХ” СЎЗЛИГИ

Муҳаммад Ҳалим ЁРКИН

Ҳар бир халқ ўз тилининг ривож ва ўрганиши учун ундаги сўзларни тўплаш ва луғатнома тузишга уринган. Тарихнинг гувоҳлигича, Сумерлар биринчи бўлиб луғат ёзишга ҳиммат қилганлар. “Адабиёт тарихида энг эски луғатномани Сумер адиблари милоддан олдин уч мингинчи йилда тузганлар”<sup>1</sup>.

Аслида Ўрта Осиёдан Кичик Осиё (бугунги Туркия)га бориб ерлашган мухожирлар неча тиллик ҳақиқий сўзлик ёздилар. Эдвард Шэранинг Бўғозкуй хазинаси кашфи учун ёзган маълумотида мазкур луғатнома ҳақида шундай ёзади: Бир қаторда қадимги белгилар ёзилган, бошқа қаторларда қаршида сумерча ё оқидча сўзларни ёзганлар”<sup>2</sup>.

Дунё олимлари жумладан Ф. Хумал, Пуппе ва Закарлар Сумерлар тилини аглтионатив тил ва “урол-олтой” тиллари оиласига мансублиги ва туркий тиллар билан яқин қариндош эканлигини эътироф этганлар. Улар ҳатто Сумер тилини энг қадимги туркий (пурутутурк) деганлар<sup>3</sup>.

Туркий тиллар жумладан ўзбек тилида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотут турк” асаридан бошлаб бугунга қадар ўнлаб сўзлик, турли ҳажм, йўриқ ва савияда, бир, икки ва кўп тили сўзликлар яратилган. Бу сўзликларнинг тўлиқ рўйхати ҳозиргача тузилмаган, чоғи. Бундай рўйхатнинг тузилиши туркий сўзликлар яратилишининг аниқ даврланиши ё гуруҳланишида қатта ёрдам берарди.

“Санглох” сўзлиги буюк мутафаккир, шоир ва сиёсатчи Мир Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим сўзликни, машҳур тарихчи, тилчи ва Нодир Афшорнинг муншйиси Мирзо Маҳдийхон Астрабодий (вафоти хижрий 1117дан сўнг) Навоий асарларидаги кийин ва чигал сўзларининг шарҳ ва изоҳи учун талиф этган.

Навоий асарлари, барча туркий халқлар учун турли ноёб туркча сўзларнинг

<sup>1</sup> Nigohiy navin ba tarixe derine turkhoye Iron (Iron turklarining eskiy tarixiga bir nazar), Rahmoniyfard, Mohammad, “Axtar” nashriyoti, T Ёбриз (Эрон): 1379 х, 42-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 42-бет.

<sup>3</sup> Sumariyon (Sumerlar) – turkalarining ajdodlari, Begmurod, Gerey, иккинчи нашр, “Nidoy shams” нашриёти, Табриз: 1389, 169-бет.

Муҳаммад Ҳалим ЁРКИН – Навоийшунос олим, фан доктори, профессор. 1951 йилда Афғонистоннинг Сарипул вилоятида тугилган. Ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек маданияти тадқиқотида оид ўн саккизта китоб муаллифи. Швецияда истиқомат қилади. 2018 йил 7–8 август кунлари Тошкентда ўтказилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиши ва тарғиб қилишининг долзарб масалалари” халқаро конференцияси қатнашчиси.

буюк хазинасидир. Шу боис, луғат аҳли Навоий асарларини ўқиш ва тушуниш учун, кийин сўзларининг шарҳ ва изоҳлаш учун махсус сўзликларни таълиф қила бошладилар. Бу иш турли йўрик ва услубларда Навоийнинг ўз замонидан бошланган.

Бу ҳақдаги таълиф этилган сўзликларни икки гуруҳга бўлиб белгилаш мумкин:

а) Мустақил китоб шаклида таълиф этилган сўзликлар; б) Айрим олим кишилар ё билимли котиблар томондан Навоий асарлари қўлёзмаларининг боши, адоғи ёки хошиясида ёзилган луғатлар.

Навоий асарларига оид классик луғатлар орасида “Санглох” шак-шубҳасиз жуда юқори ўринга эгадир. Эронлик таниқли олим доктор З. Сафониинг “Форс тилида адабиёт тарихи” номи китобида “Санглох” ҳақида шундай ёзилган: “... Бу китобнинг турк тилини тушунишдаги аҳамияти худди форс тилида “Бурхоне котеъ” луғати кабидир...”<sup>4</sup>

“Санглох”ни Мирзо Махдийхон Навоийнинг 12 жилд манзум ва 9 жилд мансур асарини ўқиб, хижрий 1172–1173 (милодий 1758–1760) йили таълиф этган. Асар икки тилли (туркий-форсий) изоҳли сўзлик бўлиб, 6000 та сўздан иборат.

Муаллиф сўзларнинг форсча маъноларидан ташқари, айрим ҳолларда арабча, ҳиндча, усмонлича ва ҳатто юнонча маъноларни ҳам берган. Муҳаммадзода Сидикнинг сўзига кўра, “бу китоб ёлғиз луғатгина бўлмай, балки астрономия, тиббиёт, фикх, фалсафа, жуғрофия, тарих, миф, инсоншунослик каби замонасининг турли билимларига оид мазуларни матраҳ қилади, қолаверса Ўрта аср ислом тарихи бўйича кўплаб султону ҳукуматлар ҳақида маълумот беради.

“Санглох” уч бўлимдан иборат:

Биринчи бўлим: “Мабойин ул-луғат” номи туркий грамиардир. Бу бўлим буюк шоир таржимаи ҳолидан иборат бир муқаддима, асар таълифи сабаби ҳамда чигатой туркчаси (эски ўзбекча) грамиари ҳақида батафсил баҳсдан иборатдир.

Иккинчи бўлим: Навоий асарларидаги кийин ва чигал туркча-ўзбекча сўзлар йиғмасидир. У бу сўзларни Навоий ва бошқа шоирлар ва ёзувчилар асарларидан мисоллар келтириб изоҳлаган.

Учинчи бўлим: “Табзил” унвони бўлиб, унда Навоий асарларидаги кийин форсча ва арабча сўзлар изоҳланган.

“Санглохшунослик”:

“Санглох” ҳақидаги тадқиқотлар унинг таълифидан биров ўтиб бошланган. Бу ишга шарқу ғарбнинг кўплаб олимлари хисса қўшганлар. Европаликлар (Г. Кловзин, Д. Росс, Ж. Экманн ва К. Мангес ҳамда Басим Отолой (Туркия), Сугохоро Муцуми (Япония), Э. Умаров (Ўзбекистон), Муҳаммадзода Сидик (Эрон) ва бошқаларни эслаш мумкин.

Аббос Мирзонинг ходими Ҳаким Муҳаммад бин Абдус Сабур Хўйи “Санглох”нинг сўзларнинг илдизи, қўшимчалари, шеърий мисоллар олиб ташланган “Хулосайи аббосий” унвонли қисқартмасини таълиф этди. Бу китобни профессор Муҳаммадзода Сидик хижрий 1388 йил Табризда нашр қилди.

“Олтамғойи Носирий” номи “Санглох”нинг яна бир қисқартмасини Шайх Муҳаммад Солих Исфаҳоний тайёрлаб, уни Носиридиншоҳ Қожорга совға қилган.<sup>5</sup>

“Санглох”нинг учинчи қисқартмасини Равшан Хаёвий унинг икки қўлёзмасидан фойдаланиб нашрга тайёрлади. Бу асар Техронда (хижрий 1374 ва 1384) йиллари икки йўла босилиб чиққан.

Ғарб олимларининг “Санглох” ҳақидаги тадқиқотлари XX аср бошларида бошланган. Қуйида айримларини қисқача эслаймиз:

<sup>4</sup> Safo, dr. Zabihulloh, Tarixe adabiyot dar Iron, “Firdavsiy” нашриёти, Техрон: 1366 х., 5-жилд, 1-бўлим, 394-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Dar boray zaban, xat va farhang navisii turkiy-o'zbekiy (Turk-o'zbek tili, xati va lug'atchiligi haqida), M. H. Yorqin va dr. SH. Yorqin, Kobul: 2007 й., 48-69-б.

Э. Дэнисон Росс Британия музейидаги нусха асосида “Мабони ул-луғат” қисмини қамарий 1328, милодий 1910 йили Калькуттада (Ҳиндистон) нашр этди. Ўша йили “Мабони ул-луғат” ҳақида ўз мақоласини нашр қилди.

Эски ўзбек тили ва адабиёти бўйича кўп йиллар тадқиқот олиб борган Жанос Экмани ҳам 1947 йили “Мабони ул-луғат” ҳақида кенг илмий тадқиқотини эълон қилди. Шунингдек, у 1957 йили Анкарада бўлиб ўтган туркий тилнинг VIII қурултойида “Санглох”ни танитди<sup>6</sup>.

Яна бир муҳим илмий ишни Карл Ҳинрич Мхгес бажарган. 1956 йили босилиб чиққан ушбу тадқиқотнинг кириш қисмида чиғатой лаҳжаси (эски ўзбекча) ва унинг бошқа туркий лаҳжалар орасидаги мавқеи ҳамда сўзларнинг фонология, морфология ва синтаксиси ҳақида сўз юритилган. Тадқиқотнинг биринчи бобида, унли ва унсизлар, имло қоидалари ҳақида баҳс қилинган. Морфология қисмида эса отларнинг турланиши, сон, олмош, аффикслар, феъл ва сўз ясаш каби мавзуларда кенг баҳс юритилган<sup>7</sup>.

Англиялик тилчи олим Герард Клаусон “British muzei”даги қўлёзмани биринчи бўлиб муқаддима ва муфассал индекс билан 1960 йили “Gip” нашриёти орқали факсимил шаклда нашр қилди<sup>8</sup>.

Турк олими Басим Аталой ҳам “Санглох” ҳақида илмий изланишлар олиб бориб, 1950 йили унинг “Мабониюл-луғат” қисмининг бир қўлёзмасини (TDK/Turk Dili Kurumi) факсимил йўсинда нашр этди.

Ўзбекистонда турли ҳажмдаги мақола ва тадқиқотлардан ташқари икки муҳим ишни эслаш лозим:

Биринчи “XV–XVIII асрлар ўзбек тили тадқиқотида Санглох ва Бадойи-ул луғат аҳамияти” рисоласидир. Бу тадқиқот рус тилида ёзилиб, 1989 йили Тошкентда босилиб чиққан. Олим мавзуни фонология, морфология, лексикология ва матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилган<sup>9</sup>.

Иккинчиси, Зикруллох Умаров ўзбек тилига ўғирган “Санглох”нинг граммар қисми бўлмиш “Мабоний ул-луғат”нинг нашр этилишидир. Бу асарни Холида Алимова 2008 йили Тошкентда нашр қилди.

Япон олими Сугохори Нуцуми неча йилдан бери “Санглох” ҳақида тадқиқот олиб бориб, унинг японча таржимасини ҳозирламоқда. Олим ушбу ишни оқимида асардаги шеърини мисолларни Навоий асарларининг 20 жилдли Тошкент нашрига таққослаб тадқиқ қилмоқда.

Эронда устоз Муҳаммадзода Сидиқнинг кенг муқаддима, тасъҳих ва иловалари билан “Санглох”нинг биринчи қисқартмаси бўлмиш “Хулосайи Аббосий” босилиб чиққан<sup>10</sup>.

Равшан Хайовийнинг ҳижрий-қамарий 1173 ва 1188 йилларда кўчирилган “Санглох”нинг икки қўлёзмаси асосида тайёрлаган қисқартмаси. Бунда ўзақдан ясалган сўзлар, барча шеърини мисоллар, айрим такрор сўзлар, “Мабоний ул-луғат” қисми ҳамда “Санглох”нинг учинчи бўлими – “Табзил” ташланган<sup>11</sup>.

Булардан ташқари “Вожаъбе санглох” номли Али Бадалиий, Самад Жаббор ва Ҳасан Абдуллоҳи Жаҳонийларнинг 160 бетли тадқиқотлари ҳам мавжуд<sup>12</sup>.

<sup>6</sup> Ф. Хайруллох, Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1973 й., 4-сон, 81-бет. Е. Умаров, Эски ўзбек луғатлари, Тошкент, 1992 й., 32-бет.

<sup>7</sup> Safo, dr. Zabihulloh, Tarixie adabiyot dar Iron, “Firdavsiy” нашриёти, Техрон: 1366 х., 5-жилд, 1-бўлим, 394-б.

<sup>8</sup> Др. Муҳаммадзода Сидиқнинг суҳбати, “کتاب، خبرگزار یکتا بایران” (интернет сайти).

<sup>9</sup> 1989 йил Тошкентда босилиб чиққан.

<sup>10</sup> Хулосаи аббосий, Шайх Муҳаммад Хўйи, др. М.Сидиқ ихтимоми билан, “Axtar” нашриёти, Табриз: 1394 х.

<sup>11</sup> Астрободий, Мирзо Махдийхон, Санглох, Равшан Хайовий ихтимоми билан, Nashre markaz, Техрон: 1374 х. Бу асар ҳижрий 1384 йили иккинчи марта Техронда босилган.

<sup>12</sup> Vojayobe Sanglox, “Deniz chin” нашриёти. Табриз: 1393 х.

“Санглох”нинг учинчи қисқартмаси “Олтамғоё носирий”дир. Бу асарни Шайх Муҳаммад Солиҳ Исфажоний “Санглох” асосида таълиф этиб, уни Носириддиншоҳ Қожорга бағишлаган<sup>13</sup>.

“Санглох”нинг биринчи танкидий наشري:

“Санглох” матнининг тўлиқ, айниқса танкидий наشري, ишнинг ўта оғирлиги, кийинлиги ва узоқ муддат машаққатли меҳнат талаб қилганлиги учун бугунгача амалга оширилмай қолди. Ҳалигача амалга оширилганлари турли наشرлар ё кўлэмаларнинг факсимили ва ё ҳам асар матнининг қисқартмалари эди.

Эронлик таникли тилчи ва туркулог олим доктор Хусайн Муҳаммадзода Сидик ўта илмий салоҳият ҳамда “Девони луғотит турк” ва “Ўрхун” тошбитикларининг форсча таржимони, Навоийнинг “Маҳокимат-ул луғатайн”, Муҳаммад Хўйининг “Хулосай Аббосий” номли “Санглох”нинг қисқартмаси, “Тазкираи мажолиси шуаърои Рум”, Фузулий “Девон”и каби асарларини наشر этган амалий тажриба эгаси сифатида ушбу оғир ишнинг бажаришни ўз зиммасига олди.

Олим ўзининг чамаси ўн йиллик оғир ва изчил меҳнати давомида “Санглох”ни 3 жилдда (икки жилд матн ва бир жилд муқаддима, иловалар ва индекслар) илмий шаклда наشرга тайёрлади. Бундай ишларнинг оғир ва машаққатли экани шу соҳанинг ишловчиларигагина маълумдир.

Муғаммад Сидик “Санглох”нинг танкидий матнини тайёрлаш учун куйидаги учта кўлэма ва иккита факсимил наشرдан фойдаланган:

1. Эрон олий мажлиси кутубхонаси нусхаси (М),
2. Техрон университети нусхаси (Д),
3. Анкара нусхаси – ҳижрий 1118 йили кўчирилган (О),
4. Басим Аталойнинг факсимил наشري (Б),
5. Ж. Кловзуннинг факсимил наشري (К).

Матнни тайёрлашда, ҳар бир нусхада маълум камчиликлар борлиги учун, ҳеч бири асос қилиб олинмаган. Шунинг учун, матнда энг тўғри вариантлар танланган. (Санглох, муқаддима. Нусхалар тавсита. 17-18-бетлар)

Наشرга тайёрловчи сўзликни 3 жилдда тайёрлаган:

Биринчи жилд: Мабонийул-луғат ва “алиф<sup>ا</sup>”дан “то<sup>ت</sup>”гача бўлган ҳарфларнинг барчасини қамраб олади;

Иккинчи жилд: Қолган “жим/ج”дан “ё/ي” ҳарфлари ҳамда Навоий асарларидаги форсча ва арабча сўзлар шарҳи бўлмиш “Тазийл” бўлими;

Учинчи жилд: Мир Алишер Навоий ва Мирзо Маҳдийхонларнинг таржимаи ҳоллари, эский ўзбекча (чиғатой туркчаси), Навоий асарларини танитиш ва индекслар.

Индекс қисмида ҳам анча ишлар қилинган: 720 та насрий ибора ва 4900 та байт чиқарилган. Шунингдек, 600 та шахс ва элатлар номи, 96 та китоб ва чамаси 1000 та турли ҳайвонлар ва ўсимликлар номи белгиланган.

Учинчи жилддаги муҳим ва қизикарли нарса, Мирзо Маҳдийхон фойдаланган айрим сўзликлар ва китобларга нисбатан танкидий фикрлари йиғмасидир. Булар: Насирий, Фироғий, Нодир Али, Сарварий, Толье Ҳиравий, Муайидул фузало, Туркий комус, Фарҳанги Жаҳонгирий ва бошқалар.

“Санглох”нинг танкидий наشرига айрим танкидий мулоҳазалар:

Бундай йирик ҳажмли ишда айрим техник ва имло хатолари юз бериши табиий. Бирок тайёрланган матн, айниқса, шеърларда бир ҳарфнинг тушиб қолиши ёки қўшилиши ва ё ўзгариши, матнга ё шеър маъноси ва вазнига зарар етказиши мумкин.

Бир нечта мисол:

Куйидаги байтда “сарв” сўзидан “в” ҳарфи тушиб “сар” бўлибди:

<sup>13</sup> Dar boray zaban, xat va farhang navisii turkiy-o'zbekiy (Turk-o'zbek tili, xati va lug'atchiligi haqida), 62-бет.

*“Эй сабо ҳолим бориб сар хиромонимга айт  
Йиғлоримнинг шиддатин гулбарге хандонимга айт”*  
(Санглох, 1-жилд, 342-бет)

Бу байтда “борғусидур” сўзи “ёрғусидур” шаклда ёзилибди:

*“Тифле мактабдек қочиб ёрғусидур ул ой сори  
Телба кўнглумни неча тобиб кетурсонг алдабон”*  
(Ўша, 316-бет)

Яна бир байтда “бергучи” сўзи ҳам арабча ва ҳам лотинча ёзувда янглиш йўсинда “бир кучи” шаклда ёзилган. Бу ерда “Олғучи” сўзи бараварида “бергучи” бўлиши шеър маъноси ва санъатига мос тушади.

*“Тиг тортиб дам ололмой, тиштинг бошима,  
Гўё хуришд янглиг йўлида кўрдунг ишоб”*

Биринчи мисрада “тиштинг” сўзи ҳам вазн ва ҳам маънони бузган. Бу сўз “етиштинг” бўлиши керак.

Яна эслаш керак бўлган икки нукта:

1. Ҳам муқаддима ва ҳам “Санглох-Навойнинг сўз хазинаси” мақоланинг “Санглох ва ундан тақлид” унвонли бўлимда, Навоий асарлари сўзларини шарҳлашда ёзилган бир қатор луғатномалар танитилган. Жумладан “Келурнома” ва “Луғати туркий” ёки “Рисолаи Фазлуллоҳхон” Аврангзеб Оламгир замонида, унинг буйруғи билан ёзилган. Шунингдек, “Абушука” (таълиф замони XVI аср бошлари) ҳамда “Навоий луғати” (таълиф йили 1599) “Санглох”дан тақлид қилиниб ёзилмаган. Бу луғатномалар “Санглох”дан анча илгари ёзилган. Яхшиси, булар мазкур унвон остидан чиқарилсин.

2. Матндаги кўплаб шеърый мисолларда “кўз”, “кўрмак” каби сўзлардаги эски ўзбекчадаги “к” товуши озарбойжон туркчасига хос “г” товушига алмашилган. Бунинг матнда жуда кўплиги, бу иш матн ёзиладиган чоғда компьютерчи (у озарий турк бўлиши мумкин) томондан юз берган бўлиши мумкин. Икки мисол:

*“Жоҳил ки ҳасад бўлгой онинг жаҳлига зам  
Нур эл гўзидин онглосо ўз гўзидо кам  
Гўзлорин олишмоқга чэкиб тиге ситам  
Эл гўзини ҳам ўйгою ўз гўзини ҳам”*  
(Санглох, 1-жилд, 309-бет).

*“Аҳле диллор чехра очти ёр, очмонг дида ким  
Ҳар киши ул юзго гўз олдуриди, кўнглин олдурур”*  
(Ўша, 308-бет).

Ушбу тузатилиши мумкин бўлган камчиликларга қарамасдан, профессор Муҳаммадзода Сидик жуда меҳнат ва ҳиммат билан “Санглох” каби йирик классик луғатнома матнини нашрга тайёрлаб, билим ахли ва ушбу муҳим асар эгаларига тақдим қилганлигини олқишламоқ лозим.

## **BIR YUMUSHGA O'N BAHONA**

*Fransuz xalq ertagi*

Qizaloq Antuanetta o'yindan ortmasdi. U ekan karamcha esa, hecham o'sishni istamasdi.

- Ey, Antuanetta! – qichqirdi xo'jayin.
- Nima deysiz?
- Bor, karam tagiga suv quy!
- Menga nima? Yaxshisi maz-za qilib, sayr qilaman!
- Kuchukvoy, bor bu quloqsiz Antuanettaning oyog'idan tishla!
- Undan ko'ra, suyagimni g'ajiganim ma'qul!
- Hoy, Xivinvoy, yaxshilab bu kuchukchaning ta'zirini berib qo'y!
- Daraxtda qolganim ma'qul!
- Olovjon, bu shoxchani kuydirib tashla!
- U juda ham ho'l, yonmaydi, faqat tutaydi.
- Suvjon, olovni o'chir!
- Yaxshisi, jilg'a bo'lib, gulzor kezaman!
- Sigirjon, bu jilg'aning suvini simirsang-chi!
- Suv ichгим yo'q!
- Qassob, bu sigirni so'yib tashla!
- U judayam ozg'in!
- O'lim, bunday qassobning hayotiga chek qo'y!
- Xo'p bo'ladi.

Qassobning o'takasi yorilibdi:

- To'xta-to'xta! Shu sigirni so'yganim bo'lsin!
- So'ymanglar meni! Suvni ichib tashlayman! – debdi sigir.
- Ichma meni! Hoziroq olovni o'chiraman! – debdi suv.
- Meni o'chirma! Yaxshisi, men shu yashil shoxni kuydiraman! – debdi olov.
- Meni yondirma hozir bu kuchukchani yaxshilab savalayman! – debdi shoxcha.
- Meni urma! Hozir borib, quloqsiz Antuanettaning oyog'ini tishlayman! – debdi

Kuchukvoy.

- Tishlama! Men hoziroq borib, karamga suv quyaman! debdi Antuanetta.
- Shunday qilib, qiz karamga suv quyibdi. Karamcha esa, o'saveribdi, o'saveribdi...

## **OLOV, SUV VA ORIYAT**

*Italyan xalq ertagi*

Bu voqeaga ishonsangiz ham, ishonmasangiz ham mayli.

Bir kuni, yo'lda Olov bilan Suv uchrashib qolibdi. Bilasiz-ku, Olov bir joyda o'tirishni yoqtirmaydi. Hatto, pechka yoki o'choqdan ham, otilib chiqish payida bo'ladi. Suv ham tinib-tinchimaslikda Olovdan qolishmaydi. Doim qayoqqadir shoshgani-shoshgan. Ular, bugun biroz bo'sh vaqtlari bor ekan, birga sayrga chiqishdi. Yo'lda Oriyatni ko'rib qolishibdi. Do'stlar hayron bo'libdi. Ular shu damgacha biror marta Oriyatning yo'llarda yurganini ko'rishmagan ekan-da! Oriyat janoblari bir-joydan boshqa joyga ko'chib yurishni yomon ko'rardi! Ular Oriyatning bir mard insonni, uning vijdotsizlik qilganidan

so'ng, tark etganini bilishmasdi...

– Salom, Oriyat janoblari, – deyishibdi Suv bilan Olov. – Iltifot ko'rsatib, biz bilan sayrga chiqmaysizmi?

– Taklif uchun rahmat, – debdi Oriyat, – aminmanki, bu juda yoqimli sayr bo'ladi. Ammo, kechirasizlari, men hamisha hamrohlarim nima bilan shug'ullanishlarini oldindan bilishga odatlanganman.

– O, bundan xavotirlanmang, taqsim, – jildirabdi Suv, – biz bilan hamroh bo'lganingizdan uyalib qolmaysiz, deb o'ylayman. Men yo'lovchilarning chanqog'ini qondiraman, yuvaman, tozalayman, yerlarni sug'oraman va tegirmon parraklarini aylantiraman.

Suvning shildirab aytganlari ayni haqiqat edi. Lekin, bu haqiqatning bir qismi edi, xolos. Suv o'zining boshqa tomonini aytmadi. Uning beozor jildirashi qattiq shovullashga aylanib, sel bo'lib, uylarni, butun qishloqlarni oqizib ketishi, to'g'onlarni buzib tashlashi, butun-butun kemalarni chil-parchin qilib tashlashi mumkinligini aytmabdi. Axir kim ham, birinchi uchrashuvdayoq, o'zining yomon tomonini ko'rsatishni istardi?

– Men esa, – debdi Olov, – uylarni yoritaman, isitaman, ovqat pishiraman, temirchilarga buyumlar tayyorlashga yordam beraman.

Olov ham Oriyatning ko'ziga o'zini Suvdek yaxshi ko'rsatishga harakat qilibdi. U ham butun boshli o'rmonlarni, qishloqlarni yondirib yuborishi, osmondan tushib, uch yuz yil turishi mumkin bo'lgan bobo chinorni ikkiga bo'lib tashlashi mumkinligini aytmabdi.

Juda nozik ta'b, ammo, o'ta ishonuvchan bo'lgan Oriyat shunday ajoyib hamrohlar topganidan quvonibdi.

– Bo'пти, do'stlarim! Qiziqarli sayohatimizni uchchovlon davom ettiraylik! Ketdik! – debdi u.

– To'xtanglar! – debdi Olov. – Sayohatimizda bironamiz adashib qolsak, qanday belgilarga ko'ra bir-birimizni topishni kelishib olaylik! Meni yo'qotib qo'ysangizlar, atrofqa qaranglar: qayerda tutun ko'rsangizlar, men o'sha yerda bo'laman! Axir, Olovsiq tutun bo'lmaydi-ku!

– Meni esa, qaqrab yotgan yerlardan emas, o'simliklar yam-yashil bo'lib, gurkirab yotgan yerlardan qidiringlar, – debdi Suv.

– Mening esa, – debdi Oriyat, – ko'zga ko'rinarli belgilarim yo'q. Men bilan do'st bo'lmoqchi bo'lsangizlar, meni asranglar. Shunday asranglarki, aslo yo'qotmanglar! Ko'z qorachig'ingizdek asrang! Chunki, mening shunday ajib xislatim borki, meni yo'qotganlar, aslo qaytib topolmaydi!

Faqatgina Oriyat, o'zining yomon tomonlarini yashirmay, rostini aytibdi. Oriyatning shunday xususiyati borki, uni yo'qotgan odam, hayotda o'z o'rnini yo'qotadi!

### Ruschadan Nigina RAHMATOVA tarjimasida



*Nigina Rahmatova – 1989 yilda tug'ilgan. Buxoro davlat universitetining rus filologiyasi fakultetini bitirgan. "Mehrdan entikar yuragim" she'rlar va insholar to'plami, "Shumtaka bolalar telejurnaliga ssenariylar" kitoblari chop etilgan.*

# ФОЙДАЛИ ОҒРИҚ

Ҳажвия



Ғафур  
ШЕРМУҲАММАД

Илгари улфатчилик бобида менга тенг келадигани йўқ эди. Шунга яраша давраларда ҳурматим баланд эди. Кутилмаганда мазам қочиб, шифохонага тушиб қолдим. Рангим заъфарондек сарғайиб кетди. Дўхтирнинг айтишича, жигарни чарчатиб қўйибман. Яна озгина кечикканимда оқибати ёмон бўларкан.

Икки ой шифтга термилиб ётдим. Ҳамширалар эски идишнинг зангини тозалaganдай жигаримни обдан ювишди. Игна санчилаверганидан билакларим кўтир бўлиб кетди.

– Бу ёғига олдингизда иккита йўл бор, – деди дўхтир уйга жавоб бериш олдидан. – Ё ичишни давом эттириб, бир-икки йилда “борса-келмас” томонларга жўнаб юборасиз, ёки нафси тийиб, бола-чақанинг роҳатини кўрасиз.

Мен иккинчи йўлни танладим. Аммо бу йўл ҳам силлиқ ва равон эмас экан. Тез орада ишларим чаппасига кета бошлади. Ичиш у ёқда турсин, сал ёғлирок овқат есам қорним дўмбирадай шишиб, ўнг ковурагмининг остида чидаб бўлмас оғриқ туради. Оқибатда қайнатилган гуруч билан ёвғон шўрвадан бошқасини билмайдиган чимхўрга айландим. Бир йилнинг нари-берисида чўпдай озиб кетиб, полиз кўриқчисидан фарқим қолмади.

Аксига олиб, ишхонадагиларнинг ҳаммаси маишат деса ўзини томдан ташлайди, кимнингдир уйда мушуги туғса ҳам чойхонада нишонлашимиз керак. Бормай десам, харажатдан қочди деб маломат қилишади.

Ҳамкасблар анави зормандадан бир-икки пиёла ютиб олишгач, гап мавзуси ўз-ўзидан каминага бурилади.

– Саломбой сўфиларнинг каторига қўшилганидан бери олдида ўтиришга ҳам ийманадиган бўлиб қолдик.

– Биз гумроҳларни маъзур тутасиз-да энди.

– Эшитишимча, ичмайдиган одамлар юз йил яшармиш. Шу гап ростми, Саломжон?

– Саломжон юз йил эмас, минг йил яшайди!

*Ғафур ШЕРМУҲАММАД — 1973 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Қудуқ тубидаги фарёд”, “Париқишлоқ афсонаси”, “Кўзларида холи бор” пьесалари сахналаштирилган. Унинг адабий сценарийлари асосида “Чавандоз”, “Аросат”, “Таъзиядаги тўй”, “Қудуқ”, “Баракасини берсин” сингари бадиий фильмлар суратга олинган. “Саман той” номли китоби чоп этилган.*

– Ўшанда ўзингиз бизга бир ош қилиб берасиз-да.

Бунақа киноя-қочиримларнинг дастидан кўрка-писа еган уч-тўрт чўқим ошим ҳам татимайди. Камига охирида ҳамма қатори пул тўлашим керак. Ичмаган одам камроқ берсин, дейдиган мардум йўқ!

Илгари пойимга патак бўлиб кутиб оладиган хотин ҳам кейинги вақтларда овозини бир парда кўтариб, ўгит-насихат қилишга одатланган.

– Ичмайдиган одамга чойхонада нима бор! Ҳолини билиб уйда тинчгина ўтирмайдими?

Бошлаб аклини киритиб қўяй десам, ўртада жигар масаласи бор...

Ҳаётдан норози бўлиб, ич-ичимдан эзилиб юрганимда идорамизга янги раҳбар тайинлашди. Ҳаммамиз бундай кутилмаган ўзгаришдан хавотирга тушиб қолдик. Лекин бахтимизга у анча одамохун чиқди. Ҳеч кимни уришмади, ишдан ҳам хайдамади. Қайтанга катта-ю кичикнинг хурматини жойига қўйиб, сизлаб гапиради. Сўзлари жуда бамаъни, қулоққа хуш ёқади.

– Ҳар бир инсоннинг ботинида истеъдод генлари яшайди, – деди у мажлисда. – Биргаликда ҳаракат қилиб, сизлардаги ана шу генларни уйғотиб олсак, ишимиз ўз-ўзидан юришиб кетади.

Биз туғилганимиздан бери ичимизда мудраб ётган ўша генларнинг кўзини очиш учун ғайрат билан ишга киришиб кетдик.

Янги йил арафасида бошлиғимизнинг ташаббуси билан ресторанда жамоавий байрам ташкил қилинди. Залнинг ҳашаматидан бошинг айланса, дастурхондаги ноз-неъматлардан кўзинг қамашади. Бир чеккада чақалокни аллалагандай майин мусика таралиб турибди. Мабодо туш кўраётган бўлсам, уйғониб кетмай деган хавотирда қимирламай ўтирибман.

Давранинг тўрида савлат тўкиб ўтирган бошлиғимиз нимранг вино тўлдирилган биллур жомни қўлига олиб ўрнидан турди.

– Охирги кварталда елкамизни-елкамизга қўйиб ишлаб, яхши натижаларга эришдик, – деди у. – Одам ишлаганга яраша дам олишни ҳам билиши керак. Биринчи қадахни келгуси муваффақиятларимиз учун кўтаришни таклиф қиламан.

Бошлиқнинг қисқа ва мазмундор гапидан таъсирланган ҳамкасблар баравар чапак чалиб юборишди. Биринчи муовин тавозе билан жажжи қадахда коньяк узатган эди, бошлиқ узрли қиёфада қўлидаги жомга имо қилди:

– Биз шунисига ўрганганмиз. Сизлар бемалол...

Қадахларнинг ёқими жаранги янгради. Бироздан сўнг давра қизиди. Одамлар маза қилиб еб-ичиб, хурсандчилик қиляпти. Мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Худди каптарлар галасига тушиб қолган ҳақкага ўхшайман. Ичмагандан кейин дастурхондаги тансиқ газақларга қўл узатишга ҳам истиҳола қиларкансан. Қорни тўқ одамга ўхшаб онда-сонда чумчуқ чўқиш қилиб қўяман.

Қаранг, синчков бошлиғимиз мени зимдан кузатиб турган экан.

– Сиз нега ичмаясиз? – сўради у кутилмаганда.

Шошиб қолганимдан тилим калимага келмади. Ноилож елкамни қисиб, илжайдим.

– Ёки намозхонмисиз?

– Йўғ-ей! – дедим шоша-пиша. – Шу... соғлиқ кўтармайди.

– Соғлиққа нима қилган?

– Жигарнинг озгина мазаси йўқ...

Гапим жудаям мужмал ва ишонарсиз чиқди. Бошлиғимизнинг кирғийникидек ўткир нигоҳига дош беролмай ерга кўз тикдим. Даврадагилар бу ёғи нима бўларкин

дегандек менга қизиқиш билан қараб туришарди.

– Бу ёққа келинг-чи, – деди бошлиғимиз. Мен тақдирга тан бериб, қўл ковуштирганча унинг олдига бордим. Бошлиқ каватида ўтирган муовинга қараган эди, у дик этиб ўрнидан турди.

– Ўтиринг, Саломжон.

Ноилож унинг жойига чўқдим. Бошлиқ менга бошдан-оёқ разм солди.

– Жигарингиз қачондан бери оғрийдими?

– Ўн йилдан ошди.

– Воҳ-воҳ-воҳ! – деди у ачиниш билан. – Ўн йилдан бери шундай инжик дардга чидаб яшайсизми? Матонатингизга қойилман.

Даврада фавқуллодда сукунат чўқди. Ҳамкасбларим биринчи бор кўраётгандек менга хайрат билан қараб қолишди. Мен эса ҳалигача нима бўлаётганини тушунолмай гаранг эдим.

– Икковимизнинг дардимиз бир экан, – деди у бироздан сўнг. – Менинг ҳам жигарим яхши эмас. Шунинг учун ўзимни эҳтиётлаб юраман.

Тағин устимдан кулаётган бўлмасин деган ўйда бошлиғимизга қарадим. Унинг ҳамдардлик билан бокиб турганини кўриб кўнглим жойига тушди. Беихтиёр қаддимни ростлаб, атрофимдагиларга дадил қараб қўйдим.

Шундан сўнг ҳамманинг кўз ўнгида бошлиқ икковимиз жигар касаллиги ва уни даволаш усуллари ҳақида жуда мазмунли суҳбат қурдик. У жигарнинг инсон танасини ҳар хил захарли унсурлардан тазаловчи ўзига хос кимёвий завод вазифасини ўташини ишонарли далиллар билан исботлаб бериб, бу борада чуқур билимга эга эканини намойиш қилди. Мен жигар хасталигида қўл келадиган замонавий дори-дармонлардан тортиб, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида тавсия этилган шифобахш малҳамлар ҳақида сўзладим. Кейинги вақтларда дунёда экологик муҳитнинг бузилиши, ичкиликбозлик, нотўғри овқатланиш, тиббий муассасаларда стерилизация қоидаларига етарлича амал қилмаслик ва яна бошқа бир қанча муаммолар бу касалликнинг кўпайиб кетишига асосий сабаб бўлаётгани борасида фикримиз бир жойдан чиқди.

– Анчадан бери ҳеч ким билан бунақа мириқиб гаплашмаган эдим, – деди бошлиғимиз мамнун киёфада. – Кўриниб турибди, сиз дунёқараши кенг, билимли одам экансиз.

– Йўғ-ей, мен ҳам у ер-бу ерда ўқиганларимни айтаяпман, – дедим оғзимнинг таноби қочиб. Бошлиғимиз соч деган даҳмазадан деярли халос бўлиб улгурган ақли бошини чайқаб қўйиб, даврадагиларга юзланди:

– Кўрдингизми, одам қанча кўп нарсани билса, шунча камтар бўлади!

Эътироз билдирсам, мақтов янаям қуюклашиб кетиши мумкин деган хавотирда томоқ кириб қўйиш билан кифояландим.

Бошлиғимиз олдидаги биллур жомнинг жуфтига вино тўлдириб қуйиб, менга узатди.

– Тоза мусалласдан оз-моз ичиб турсангиз, жигарга қувват бўлади.

Мен вужудимда ғалаён қилаётган титрокни босишга уришиб антиқа жомни эҳтиёткорлик билан қўлимга олдим. Нордон таъмли суюкликни симираётди ўзимга наштардек қадалган ўнлаб нигоҳларга дуч келдим.

Аъло сифатли мусалласдан ҳам кўра, бошлиқнинг ажойиб муносабати кучлироқ таъсир қилиб, дарров сархуш бўлиб қолдим. Ҳаёт яна кўзимга чиройли кўрина бошлади.

Шу воқеадан сўнг ишхонада обрўйим ошиб кетди. Аввалги беписандлик,

хамситишлардан асар ҳам йўқ! Оддий ходимлардан тортиб, ўринбосарлар ҳам хурматимни жойига қўйишади. Қилдан қийик ахтариб қонимга ташна қиладиган бўлим бошлиғимиз менга топшириқ беришга ботинолмай, майда-чуйда ишларни ҳам ўзи бажаришга одатланди. Айниқса, аёллар жуда меҳрибон бўлиб қолишди. Эрталабдан бири чой, бири қаҳва дамлаб берса, бошқаси ширинликлар билан сийлайди. Баъзан мени қизганиб бир-бири билан тортишиб қолади, кургурлар.

Омадим чопиб бошлиққа рўпара келиб қолсам, у киши салом-алиқдан сўнг:

– Жигар қалай? – деб сўрайди.

– Одатдагидай, – дейман кўзларимни ерга тикиб.

– Оғриб турибдими?

– Оғриб турибди.

– Бизники ҳам кечаси билан безовта қилди, – ҳасрат қилади у. – Тонгга яқин зўрға кўзим илинибди. Бугундан яна диетадаман.

Бу суҳбатни жон қулоғи билан эшитиб турган ҳамкасблар ҳамдардлик билан бош чайкашади.

– Ўзингизни эҳтиёт қилинг, жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди, – маслаҳат беради бошлиқ хонасига кириб кетаётиб.

Шундан сўнг ҳамма атрофимда гирдикапалак бўлиб қолади. Астойдил ҳолимга ачиниб, кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилишади. Жигарга қувват бўладиган аллақандай дори-дармонларни тавсия қилишади.

– Қаранг-а, сиз боякишнинг ичингизда шундай оғир дардингиз борлигини биз билмаган эканмиз.

– Саломжоннинг иродаси кучли. Шунча азобларга тоқат қилиб келаяпти.

– Ҳаммамиз ундан ибрат олишимиз керак!

– Хафа бўлманг, иним, ҳадемай чеккан азобларингизнинг роҳатини кўрасиз, – дейди кекса ҳамкасб кўзойнаги остидан мулоийм жилмайиб. – Ўйлашимча, сизни бошқармага бошлиқ қилишади.

Бу гапдан қаттиқ хижолат бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан.

– Қўйинг-ей, мен бир хаста одам бўлсам... Бунақа масъулиятли ишларни эплотмайман. Ана, ёшлар ишласин.

– Камтарлигингиз ҳам ўзингизга ярашади. Жонингиз соғ бўлсин, иним.

– Менинг ҳам ўнг қовурғамнинг остида тошдай бир нарса осилиб оғриydi, – дейди бақалоқ ҳисобчимиз Тўланбой ғамгин қиёфада. – Жигар шу томонда жойлашган дейишади...

– Сиз ўзингизни тикиштирманг! – девонхона мудираси Розияхон чиройли қошларини чимириб унга бобиллаб беради. – Жигарингиз соппа-соғ. Сизнинг нафсингиз ёмон, ошқозонингиз оғриси керак.

Хуллас, одамларнинг менга, менинг жигар хасталигига муносабатим ижобий томонга ўзгарган. Қовурғамнинг остида бебаҳо хазинани асраб юргандай, тез-тез меҳр билан силаб қўяман. Оғриқ турган пайтларда ёш боладай хурсанд бўлиб кетаман.

Ҳаётим жуда мазмунли кечаётган эди. Бирок кутилмаганда менга кўз тегди. Кейинги вақтларда жигарим умуман оғримай қўйди! Иштаҳам очилиб, қувватга қира бошладим. Ойнага қарасам, анча тўлишиб қолганга ўхшайман.

Тузалиб кетдимми деб қаттиқ хавотирга тушиб қолдим. Кечқурун ёгли овқатларни тўйиб еб, икки-уч марта бировга билдирмай ичдим ҳам. Қани энди жигар жонивор қилт этса!

Жўрттага ўзингни касалга солиб юриш осон эмас экан. Кайфиятим тушиб кетди.

Ишхонадагиларнинг хушомадлари ҳам кўнгилга сиғмай қолди. Уйда ковоғимдан қор ёғилади. Буни ўзича тушунган хотин устимдан қулгандек ҳали наъматак дамлаб беради, яна бир қарасанг, сули қайнатмасини оғзимга тутати. Аёл кишида ақл бўлмаса қийин экан-да...

Йўқ, хартугул Худо деган одам эканман, бир кун ярим оқшом касалим аввалгидан ҳам кучлироқ хуруж қилди. Кечкурун думба солиб пиширилган мантига тўйиб олган эдим, шу фойда берди, шекилли.

Эртага ишхонага ёруғ юз билан борадиган бўлдим. Тўғри бошлиқнинг олдига кириб, дардимни дастурхон қиламан. Кейин икковимиз мириқиб ҳасратлашамиз. Шу ҳақда ўйлаб ширин энтиқиб қўйдим. Оғриқ ва уйқусизликдан миям қарахт бўлса-да, кайфиятим чоғ эди.



*Уқув кут беради, билим - шараф-шон,  
Шу иккови тўфайли улмуғдир инсон.*

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**



28 август. Атоқли белорус адиби ва жамоат арбоби Якуб Колас хотирасини ёд этиш ва унинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган бюсти пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, адабиёт соҳаси вакиллари, талаба ва ўқувчи ёшлар, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, Тошкент шаҳридаги “Свитанак” белорус маданият маркази аъзолари иштирок этди.

\*\*\*

29 август. Ёзувчилар уюшмасида “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” мавзuida адабий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек адабиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси учун Олмос Аҳмедова, Усмон Азим, Шукур Дадаш ҳамда Қурбон Муҳаммадризога Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фаҳрий ёрликлари топширилди. Шунингдек, Болтабой Бегматов, Узоқ Жўракулов, Дилфуза Шомаликова, Гулчехра Асронова, Мехриноз Аббосова, Жўрабек Жаҳон, Дилмурод Дўст, Кумуш Абдусаломова, Рустам Мирвоҳид, Байрам Айтмуродов, Аллая Дарменов ҳамда Исроил Шомировлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул килинди.

\*\*\*

29 август. Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловнинг ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари номинацияси бўйича Абдували Қутбиддин, Дилфуза Шомаликова, Мурод Тиллаев, Амир Файзуллаевлар ғолиб деб топилди.

\*\*\*

29 август. Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Наби Жалолиддиннинг улуғ маърифатпарвар адиб Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаёти ҳақида хикоя килувчи “Тегирмон” романининг тақдироти ўтказилди.

\*\*\*

6-10 сентябрь. Доғистон Республикасида “Оқ турналар кунлари” XXXII халқаро Ҳамзатов фестивали бўлиб ўтди. Шеърят байрамида Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо ҳамда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўрабек Жаҳон иштирок этди.

\*\*\*

7 сентябрь. Шоир, публицист ва таржимон Амиркул Каримнинг “Буюклик йўли”, “Кўк қушлари”, “Тарихнинг узилган парчаси”, “Истиклол тарихидан лавҳалар” китоблари тақдироти ўтказилди. Тадбирда Амиркул Каримнинг публицистик мақолаларида Ватанимиз мустақиллиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳияти, миллий-маданий меросимиз, ёшлар муаммолари мавзулари, шеърларида эса Ватан, она замин, муҳаббат ва умр моҳияти каби ўлмас мавзулар кенг ўрин олгани таъкидланди.

\* \* \*

11 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Адиб ва жамият” рукни остида нашр этилган Анвар Обиджоннинг “Фарғоналиклар” эссе сафарномаси, Эшқобил Шукурнинг “Бобо сўз изидан” сўз ҳақида тадқиқотлари, Энахон Сиддиқованинг “Барханларда унган гул” лиро-эпик кассаси, Иқбол Мирзонинг “Зарб” кассаси, Маҳмуд Тоирнинг “Янгиланаётган Ўзбекистон”, Шодмонкул Саломнинг “Кўнгили обидасига йўл”, шунингдек, “Мен Ўзбекистон фуқаросиман” ва “Халқ қалбига йўл” публицистик мақолалар тўпламлари тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

12 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърят” тўғараги ташаббуси билан ўзбек халқининг арслон юракли, собит сўзли шоири Шавкат Раҳмон таваллудига бағишлаб “Дилларга кўчган шеърят” деб номланган хотира учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Шавкат Раҳмон шеърятига ошно ёш ижодкорлар иштирок этди.

\* \* \*

17 сентябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 111 йиллиги муносабати билан адабиётшунос Мархабо Кўчқорованинг адиб ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари тадқиқ қилинган, Қаҳҳор адабий муҳити, мактублари, ёзувчи публицистикасининг асосий хусусиятлари, ёзувчи ижодининг хорижда ўрганилиши ва таржималари кенг ўрин олган “Абдулла Қаҳҳор истиклол адабиётшунослиги кўзгусида” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

25 сентябрь. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳаёти ва ижодига бағишланган “Адиб маҳорати ва саодати” номли фото кўرғазма ҳамда хотира кечаси бўлиб ўтди. Кечада Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адибнинг мухлислари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

\* \* \*

26 сентябрь. Ёзувчилар уюшмасида шоир Ҳайдар Яхё таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан хотира кечаси, “Тилсим” романи 3-китоби тақдимоти ҳамда фото ва китоблар кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кечада шоир шеърлари билан айтилган ашулалар халқимизнинг севимли хонандалари томонидан ижро этилди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

МУНИС. Висолинг шахдидин кўнглумга ширинкомлиғ еткур. ....4

НАЗМ

Жамол КАМОЛ. Келар асрлардан мардона бир сас. ....25  
 Зулфия МҮМИНОВА. Юрагида анор гуллаган аёл. Шейрий  
 қисса.....39  
 Ҳабиб АБДУНАЗАР. Сукутлар очади йўлимни. ....52  
 Бобур ЭЛМУРОД. Борадиган манзилимиз бир. ....57

НАСР

Эркин АЪЗАМ. Арбоб Қулов Парижга боради. Ҳикоя. ....8  
 Турсунмурод ЭРМАТОВ. Жонқора. Ҳикоя. ....33  
 Мухаммад ШОДИЙ. Мен зўрман. Ҳикоя. ....50  
 Маъмура ЗОҲИДОВА. Сарҳадсиз садокат. Қисса. ....60  
 Дилором ДИЛХОҲ. Олтин тулпор. Ҳикоя. ....107  
 Шойим БҮТАЕВ. Еттинчи тонг. Роман *(давоми)*. ....116

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ. Пейзаж лирикасида кечинма  
 суратлари. ....94  
 Рашид ЗОҲИД. Тарихий манбаларда Сўфи Оллоёр таржиман  
 холи. ....133  
 Виктор АЛИМАСОВ. Омад ва маҳорат. ....142  
 Улугбек ДОЛИМОВ. Адабиётимиз ва санъатимиз жонкуяри. ....150  
 Адхамбек АЛИМБЕКОВ. Сўз савоби ёки уволи ҳақида. ....155  
 Урал НОРМАТОВ. “Қиронхон” дostonи вариантларининг  
 қиссий ўрганилиши. ....158

ТАДҚИКОТ

Мухаммад Ҳалим ЁРҚИН. “Санглох” сўзлиги. ....162

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Зумрад МАШАРИПОВА. Яшайман соғинчлар аро. ....113

BOLALAR DUNYOSI

Nigina RAHMATOVA Bir yumushga o'n bahona. Fransuz xalq  
 ertagi. ....167  
 Olov, suv va oriyat. Italyan xalq ertagi. ....167

ГУЛҚАЙЧИ

Ғафур ШЕРМУҲАММАД. Фойдали оғрик. Ҳажвия. ....169  
 Адабий ҳаёт. ....174

# Шарқ юлдузи

2018

9-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
 УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фаркланиши мумкин. Тахририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

**Манзилимиз:**

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдор шохқўча, Адиллар хибони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 70x108 1/16.  
 Офсет босма усулида офсет қоғозидан босилди. Босма табоғи 11,0.  
 Шартли босма табоғи 15,4.  
 Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.  
 Алади 3000 нусха.  
 Буюртма № 1

Журнал Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ

маtbаа корхонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаххих:

*Дилфуза Махмудова*

Сахифаловчи-дизайнер:

*Элёржон Нейматов*

Copyright © “Шарқ юлдузи”

# Унутилмас лаҳзалар



Ўқтам Усмонов ҳаётидан лавҳалар

Бухоро 2010



Бухоро  
Дилором МАМЕДОВА.